БОБУР НОМЛИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

«Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ
2022 йил

Аждодлар мероси: Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо таваллудининг 539 йиллигига бағишланган “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-адабий меросини ўрганиш: янги тадқиқотлар ва режалар асосида” мавзуидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция материаллари, 14 феврал 2022 йил. «Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ. 2022 йил. 252 бет

© Бобур номли халқаро жамоат фонди, 2022 й.
© “Andijon nashriyot-matbaa” МЧЖ, 2022 й.

БОБУР МИРЗО.
НАВБАТДАГИ ЭЪТИРОФ...

Зокиржон Машрабов,
Бобур номли халқаро жамоат
фонди раиси, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими,
табиатшунос олим.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ҳаракат - буюк аждодларимизнинг номларини абадийлаштириш борасидаги улуғ ишлар замирида келажак авлодни ўз Ватанига фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш, аждодларидан фахрланиш ҳиссини кучайтиришдек олий мақсад бор. Ана шу эзгу ишга Бобур номли халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси мана 30 йилдирки ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Кўҳна тарихимизни тиклаш, маънавиятимизни янада юксалтириш, заминимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган бой илмий-маданий меросларини излаб топиб, Ватанга олиб келиш ва илмий истеъмолга киритиш борасида қатор хайрли ишларни амалга оширяпти. Эришилган натижалар ютуқларининг залворли бўлишида халқаро илмий экспедициялар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Экспедициянинг биринчи сафари 1992 йил май ойида амалга оширилган бўлиб, шу кунгача 50 дан ортиқ хорижий давлатларга 30 маротаба халқаро сафарлар уюштирилди. Африка қитъасидан Ҳинди-Хитой ярим ороли, Европа-Америка давлатларигача 375 минг км.дан ортиқ масофа автомашинада босиб ўтилди.

Бу илмий сафарларнинг натижасида Ватанимизда туғилиб, кейинчалик тақдир тақозоси билан хорижда яшаган ва ижод қилган буюк алломаларимизнинг абадий оромгоҳлари зиёрат қилинди, уларнинг ҳолати ўрганилиб, ободонлаштириш юзасидан лойиҳалар тайёрланди ва уларни қайтадан қуриш ишлари амалга оширилди.

Бобур ва бобурийлар тарихини, қайтадан чуқур ўрганиш баробарида хорижда яшаган, дунё илму фани, адабиёти, тарихи, санъати, маданиятига ўзларининг бой адабий мероси билан ҳисса

қўшган ва тақдир тақозоси билан ўша жойларда мангу макон топган буюкларимизнинг қабрлари излаб топилди. Шунингдек, илмий экспедиция сафарлари давомида кўҳна тарихимизга оид ҳамда буюк аждодларимиз қолдирган ноёб асарларнинг асл ва фотонусхалари мамлакатимизга олиб келинди ва илмий истеъмолга киритилди.

Ўтган даврда илмий экспедициямиз томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида 1000 дан зиёд ноёб китоб ва нодир қўлёзма асарлари олиб келиниб, фонд қошидаги "Бобур ва жаҳон маданияти" музейида мужассамлаштирилди ва илмий истеъмолга киритилмоқда. Улар асосида 30 дан ортиқ илмий-бадиий китоблар чоп этилди. Кейинги ўн йил давомида буюк аждодларимизнинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, бизгача етиб келмаган асарларини топиш, уларни Ватанга қайтариш ва таржима қилиб, китоб ҳолида ўқувчиларга тақдим қилиш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

Фонд ташкил этилгандан буён биргина "Бобурнома"нинг ўзи уч марта қайтадан нашр эттирилди. Бугунги ёшларга тушунарли бўлсин деган ниятда "Бобурнома"нинг кирилл ва лотин алифболарида табдили яратилди.

Бобурнинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий" асари дунё тарихчилиги ва адабиётшунослигида иккинчи "Бобурнома" ҳисобланади. Ана шу йирик мемуар асар форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди.

Россия Фанлар Академиясининг Туркология институти билан Бобур номли халқаро жамоат фондининг илмий ҳамкорлигида 2016 йили салмоғи энциклопедиядан кам бўлмаган "Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография" китоби нашрдан чиқарилган эди. Бугунга келиб, Бобур Мирзонинг тарихий ва ижодий меросини илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш, тизимга солиш, изоҳлар билан таъминлаш ва тарғиб этиш мақсадида "Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар. Энциклопедик, илмий ва илмий-оммабоп материаллар тўплами" номли 4 жилддан иборат ушбу нодир асар Россия Фанлар Академиясининг Туркология институти профессор олимаси Анна Дыбо бошчилигида 2019 йили биринчи (А-Б-В қисмлари) жилди нашрдан чиқди. Қолган учта жилди 2022-2023 йиллар давомида нашрдан чиқиши режалаштирилган.

Барчангизга маълумки, мамлакатимизда илк бор жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, ўзбек халқининг буюк

фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига бағишланган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” икки маротаба нашр қилиниб, жаҳон шарқшунос олимлари ва зиёлилари томонидан улкан илмий ютуқ ва оламшумул воқеа сифатида қабул қилинди. 64 босма табоқли бу улкан энциклопедияни яратишда ўзбек бобуршунос олимлари қаторида Япония, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон ва Европадан ҳам олимлар ҳам фаол иштирок этишди.

Ҳозирда “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг учинчи тўлдирилган нашрини ҳамда инглиз ва рус тилларидаги нусхаларини 2021-2022 йилларда нашрдан чиқариш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Энциклопедиянинг учинчи нашрини тайёрлаш ишлари ўзига яраша кўп меҳнат талаб қилади, аввалги нашрлардаги йўл қўйилган камчиликларни баҳоли қудрат бартараф этиш, янги нашр учун мақолаларни тўплаш, уларнинг таржимаси, таҳрир ва таҳлил ишлари, олим ва мутахассисларни жалб қилиш ва бошқа кўплаб ишларни бир меъёрда ташкил этиш мақсадида қомуснинг аввалги нашрлари тажрибасидан келиб чиқиб, китобларни нашрга тайёрлаш ишчи гуруҳи тузилиб, бир гуруҳ таржимонлар, мутахассислар фонд қошида ишламоқдалар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиясининг учинчи тўлдирилган нашрини ҳамда унинг инглиз ва рус тилларидаги нусхаларини 2021-2022 йилларда нашрдан чиқариш бўйича Андижон Давлат Университетининг бир гуруҳ таржимон ва мутахассислари билан ҳамкорликда қатор илмий-амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда энциклопедиянинг инглиз тилидаги нашрига филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов, ўзбек тилидаги тўлдирилган янги 3-нашрига филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев, унинг рус тилидаги вариантига филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмоновлар масъул муҳаррирлик қилмоқдалар.

Ҳазрати Бобур Мирзо асарлари тўплами тарихимизда ҳали бирор марта бир бутун шаклда чоп этилмаган бўлиб, илк тажриба сифатида фонд ташаббуси ва ҳомийлигидаги Бобур мирзо “Куллиёт”ининг янги нашри ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир ва адиб Мирзо Кенжабек томонидан нашрга тайёрланмоқда. Бобур Мирзо “Куллиёт”и, яъни тўлиқ

асарлар тўплами олти жилд ҳолида нашр этилиши маданий-маърифий ҳаётимиздаги улкан янгилик бўлади.

Ўтган вақт ичидаги бу катта ютуқлар Ўзбекистонни дунё бобуршунослигининг марказига айланишига хизмат қилди десак муболаға эмас. Энг эътиборлиси, Бобур ҳаёти ва ижоди билан ҳалқимизга маънан янада яқинлашди. У ҳақда кўп ва кенг билиш имконияти яратилди.

30 йилдан буён узлуксиз февраль ойида Андижонда халқаро миқёсдаги илмий анжуман ўтказиш анъанага айланди. Бу ўз навбатида, дунё бобуршуносларини Бобур Мирзо туғилган юртга янада яқинлаштириш баробарида, кенг жамаотчиликни ҳам олиб борилаётган изланишлар, қўлга киритилган ютуқлар билан мунтазам таништириб боришга хизмат қилмоқда. Ва ҳар йили бобуршунослик бўйича изланишлар олиб бораётган янги ёш олимлар кашф этилмоқда.

Бу йилги анжуман 14 феврал куни Андижон шаҳридаги Бобур номли халқаро жамоат фондининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Анжуманда фонд васийлик ва бошқарув кенгаши аъзолари, вилоят ҳокимлиги ҳамда Республика маънавият ва маърифат маркази вакиллари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, хорижлик бобуршунос олимлар, Фарғона, Наманган ва Андижон давлат университетлари ректорлари, ҳамда ОАВ вакиллари гибрид: онлайн ва офлайн тарзда иштирок этдилар. Шунингдек, республикамизнинг таниқли бобуршунос олимлари билан бир қаторда Ҳиндистон, Покистон, Озарбайжон, Миср, Туркия, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон каби давлатлардан етук бобуршунос-шарқшунослар ҳам онлайн тарзда қатнашдилар, Швеция давлатидан бобуршунос олима Шафиқа хоним Ёркин, Туркия давлатининг Кожаэли университети профессори Муневвер хоним Текжан, АҚШ давлатидан Азизулла Ароларнинг Андижонга шахсан ташрифи ҳам ташкиллаштирилди.

Анжуманда Бобур Мирзонинг тўла асарлар тўплами – «Куллиёт» нашри “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг ўзбек тилидаги учинчи нашрини тайёрлаш ишлари ва унинг рус тилига таржимаси каби масалалар хусусида таниқли зиёли олимларнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, Кожаэли университети (Туркия) профессори Муневвер Текжан, швециялик бобуршунос олима Шафиқа Ёркин, Ўзбекистондаги

Ҳиндистон маданий маркази директори, профессор Чандер Шекхар, фонднинг Озарбайжон бўлими раҳбари, Озарбайжон Миллий илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти профессори, филология фанлари доктори, профессор Алмаз Улви Биннетова Боку давлат университети профессори Рамиз Аскер Озарбайжон Миллий илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти доценти Бахтиёр Муҳаммедов, фонднинг Қозоғистон бўлими раҳбари, Ал-Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети шарқшунослик факультетининг профессори Ислом Жеменей, фонднинг Қирғизистон бўлими раҳбари, тарихнавис адиб, Қирғизистон ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаларининг аъзоси, АДУ фахрий профессори Бегижон Аҳмедов, фонднинг Покистон бўлими раҳбари, Бобур форуми директори Муҳаммад Рамзан, фонднинг Швеция бўлими раҳбари, профессор Абдулҳаким Шаръий Журжоний, Айни Шамс университети профессори Магда Салах Махлуфлар онлайн тарзда қатнашиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини қатнашчилар эътиборига ҳавола этдилар.

Анжуман давомида ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Омонулло Бўриев ва Темурийлар тарихи Давлат музейи бўлим мудири Азизжон Шариповлар ҳаммуаллифлигида тайёрланган, бевосита “Бобурнома” ва Темурийлар даврининг бошқа бирламчи тарихий манбалари маълумотларига таяниб тузилган, олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим дастурларида Бобур даврини ўрганувчи тадқиқотчилар, ўқувчилар учун зарур қўлланма бўлиб хизмат қиладиган “Заҳириддин Бобур давлати” тарихий харитаси илк маротаба илмий жамоатчиликка тақдим қилинди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, Ибрагим Мавлановнинг “Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда иқтисодий бошқариш тизими” номли монография китобининг тақдимоти онлайн тарзда ўтказилди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти институти ректори, профессор Шуҳрат Сирожиддиновнинг анжуман қатнашчиларига табриги ҳамда “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг инглиз тилидаги таржима нашрини тайёрлаш ишлари ҳақида”ги мулоҳазалари ушбу институтнинг

“Таржима амалиёти ва назарияси” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, доцент Зиёдахон Тешабоева томонидан иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Экспедициямизнинг навбатдаги илмий сафари 1898 йилги Андижон қўзғалонининг раҳбари Муҳаммад Али Дукчи Эшон шахси ва унинг фаолиятини ҳаққоний ёритиш, ҳамюртимиз жадидчи, публицист ва олим Фозилбек Отабек ўғли фаолиятини ўрганиш билан боғлиқ бўлди. Тарихимизнинг Дукчи Эшон билан боғлиқ жиҳатларига ойдинлик киритиш мақсадида мингтепалик авлиё, миллий озодлик ҳаракатининг ташкилотчиси бўлган Муҳаммадали Эшон Собир Халфа ўғли – Дукчи Эшон тақдири ва у билан боғлиқ янги тарихий маьлумотларни йиғиш ва ўрганиш учун фонд томонидан икки маротаба илмий сафар уюштирилди.

Биринчи илмий экспедиция 2019 йилнинг 14-16 ноябрь кунлари амалга оширилди ва унинг бош мақсади Қирғизистон ва Тожикистондаги Эшон авлодларининг манзилларини аниқлашдан иборат эди. Фонд раиси ўринбосари Р.Мамасолиев, журналист Обиджон Маҳмудов ва ҳайдовчи С.Азимовлардан иборат экспедициянинг дастлабки саий-ҳаракатлари яхши натижа берди.

Жорий йилнинг 13-18 январь кунлари фонд раиси раҳбарлигидаги экспедиция жамоаси - адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ваҳоб Раҳмон, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аьзоси, тарихчи-ўлкашунос, публицист Обиджон Маҳмудов ва ҳайдовчи А.Исабоевлар Тожикистон давлатининг пойтахти Душанбе шаҳрига Ўратепа орқали ўтиб, сўнг Помир тоғлари орасидаги Тавилдара ноҳиясига тоғ йўллари орқали катта машаққатлар эвазига етиб боришди.

Қишнинг чилласи бўлсада, узоқ йўл босиб, ҳамюртимиз Муҳаммадали Дукчи Эшон бобомизнинг у ердаги авлодлари – чевара ва эваралари билан учрашишга муяссар бўлинди. Сўнгра Карим Эшоннинг иккинчи ўғли Маҳмудулло билан Тавилдара ноҳиясидаги Лайрони Боло қишлоғида яшаб ўтган Дукчи Эшон бобо авлодлари яшаб келаётган уйга етиб борилди, у ерда Карим Эшоннинг турмуш ўртоғи, 94 ёшни қаршилаган Моҳинав ая ва тўнғич ўғли Абдусалом Маҳсум ҳамда бошқа жигарбандлари билан суҳбатлашилди.

Дукчи Эшон 1898 йилги ғазовотдан сўнг, яшириниб, 6-7 йил ўтгач онаси Асалбиби ойим юрти бўлган Қошғордан Помир тоғлари оша Жилғатол орқали Тавилдара қишлоғига келиб яшаганини ва 1933 йил 25 ноябрда 78 ёшида вафот этганини Андижон давлат университетининг ректори С.Зайнобиддинов билан бўлган суҳбатда ҳам айтилган эди.

Энг муҳими, ўша маҳаллада жойлашган "Мавлоний" қабристонида бўлиб, Муҳаммадали Дукчи Эшон ва унинг ёнига дафн этилган набираси Карим Эшон қабрлари зиёрат ва ул зотлар ҳаққига қуръон тиловат қилинди, видео тасвирларга муҳрланди. Бу ўринда бир ҳақиқат аён бўлди: Чор Россияси босқинчилари томонидан Дукчи Эшон ҳазратларини "Андижон қўзғалони"дан кейин ҳибсга олиниб, унинг 3-4 та маслакдошлари билан дорга осилганлиги ёлғон бўлиб чиқди. Эшон ўрнига унинг андижонлик дўсти, озодлик йўлида ўз жонини фидо қилгани маълум бўлди.

Муҳаммадали Эшон мана шу Тавилдара туманининг Лайрони Боло қишлоғига келиб, ўзига ҳужра қуриб, уйланиб, ҳаёт кечирганини чевара ва эваралари, бошқа яқинлари ҳамда маҳалла катталари гапириб бердилар ва тарихий ҳақиқатни тасдиқладилар.

Бу чинакам тарихий воқеа бўлиб, 125 йил деганда ватан озодлиги ва ҳуррияти йўлида курашган улуғ бобомиз Дукчи Эшон ҳақидаги тарихий хақиқат ва адолат юзага чиқди. Ул зот ҳақида бугунга қадар етиб келган турли ҳадиклар билан суғорилган чала ҳақиқатлар, юзаки маълумотлар, шунингдек, Тошкент музейларида дорга осилган Дукчи Эшон тасвирланган суратлар эндиликда уйдирма ва тўқима эканлиги исботланди деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, публицист Обиджон Маҳмудовнинг фонднинг навбатдаги халқаро илмий экспедицияси сафари хусусидаги "Дукчи Эшон: тарих ва ҳақиқат" номли маърузаси айнан шу ҳақида бўлиб, анжуман иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

Таниқли адиб Қамчибек Кенжанинг фонд ҳомийлигида чоп этилган "Бобурийлардан бири" китобининг янги тўлдирилган 3-нашри анжуман қатнашчиларига ўзига хос туҳфа бўлди.

Умуман олганда фонд нафақат республикамиз, балки халқаро миқёсда ҳам ўзининг алоҳида ўрнига эга. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Покистонга режалаштирилган Олий даражадаги ташриф доирасида Исломобод

шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги дўстлик тимсоли – буюк саркарда ва мутафаккир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуманда қатнашиш мақсадида илмий сафарда бўлиб қайтдим, покистонлик бобуршунос ва Бобур мирзо ихлосмандларини фонд фаолияти билан яқиндан таништирдим. Сўнгги йилларда фонд томонидан чоп этилган китоблар покистонлик дўстларимизга тақдим этилди.

Шунингдек, сафар давомида фонднинг жамоатчилик асосидаги Покистон (Исломобод) бўлими раҳбари, Бобур форуми директори жаноб Муҳаммад Рамзан билан бўлиб ўтган учрашувда форум томонидан Бобур мирзо ҳаёти ва фаолиятини тарғиб-ташвиқ қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишиб, ўзаро фикр алмашиб, ҳар иккала томонлар ўртасидаги келгуси режалар муҳокама этилди. Яна шуни айтиш жоизки, сафар натижасида фонд тасарруфидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” китоб музейи фонди сўнгги йилларда Покистонда чоп этилган илмий ва бадиий адабиётлар билан бойиди. Ушбу қўлга киритилган китоблар ўзбекистонлик Бобур мухлисларини яна бир бора қувонтиришига ишонаман.

Барчага аёнки, Покистон ва Ўзбекистон ўзаро илмий, маданий жиҳатдан яқин алоқаларни келгусида ҳам давом эттиради. Покистон – сеҳрли диёр. Бу сеҳрли диёрни биз учун очиб берган ҳиндшунос, урдушунос олимларимизни доимо ҳурмат билан тилга оламиз. Улар қаторида айниқса муҳтарам марҳум профессор Ансориддин Иброҳимовнинг салмоқли хизматларини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Бобур шахсиятига бўлган эхтиром ва унинг шеърияти шайдоси бўлган Ансориддин Иброҳимов Ўзбекистонда бобуршунослик фанининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган олимдир.

Ансориддин Иброҳимов таржимонлик соҳасида ҳам фаолият олиб борган моҳир таржимон ҳамдир. Кўплаб ҳинд ва покистонлик ёзувчиларнинг ҳикояларини таржима қилган. Жумладан, Кришан Чандар “Хотирамдаги чинорлар” (1986), Премчанд “Шатранж ишқибозлари” (1990), “Хитўпадеша ёки ибратли ҳикоятлар (1997), (2008) Кришан Чандар “Дадар кўпригидаги болалар” (1999) шунингдек, Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” асарини урду тилига таржима қилган ва мазкур асар 1996 йил Покистоннинг Лаҳор шаҳрида сахналаштирилиб, кенг омма эътиборига ҳавола этилган.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг Покистонга ташрифи чоғида Покистон Бош вазири Имронхон жанобларига профессор Ансориддин Иброҳимов томонидан яратилган “Урдуча, ўзбекча муштарак сўзлар луғати”ни туҳфа қилди. Эътиборга лойиқ жиҳати ушбу нашрга давлатимиз раҳбари томонидан сўз боши ёзилган бўлиб, унда муаллифнинг кўп йиллик изланишларига юксак баҳо берилган.

Маълумки, фондимиз томонидан Бобур номидаги халқаро мукофот таъсис этилган. Бу мукофот Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, унинг моддий ва маънавий меросини, бобурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, юксак савияда бажарилган илмий тадқиқотлар, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги асарлар учун ҳар беш йилда бир марта берилади. Ҳозирга қадар кўплаб мамлакатимиз ва чет эллардаги машҳур илм-фан ва маданият арбоблари ушбу мукофот билан тақдирланганлар.

Бобур халқаро жамоат фондининг куни кеча бўлиб ўтган Раёсат йиғилиши қарорига мувофиқ филология фанлари доктори, профессор, марҳум Ансориддин Пўлатович Иброҳимов бобуршунослик фани ривожига қўшган катта ҳиссаси учун Бобур халқаро мукофоти билан тақдирланди.

Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг **“Авлодлар хотирасида шараф билан ёдланмоқни донишмандлар инсоннинг иккинчи умри дейдилар”,** деган гапини ҳаммамиз яхши биламиз.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИДА СЎЗ ЛАТОФАТИ ВА НАЗОКАТИ

Профессор Шафиқа Ёрқин.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, шубҳасиз, сўз устаси ва санъаткоридир. Унинг девонидаги шеърлар бу даъвомизнинг исботидир. У шеърлари устида анча ишлагани ва ҳар бир сўзини пухта ўйлаб, диққат билан танлагани аниқ. Шунинг учун шеърларида ҳар бир сўз, ёнидаги сўзлар билан жуда уйғун ва жарангли кўринади. Бу сўзлар ё синонимлари ё ўхшашлари ё

қарама-қаршиларига қўшилиб мумтоз адабий санъатларни яратади. Мисол учун, бу байтда бир томондан заҳар ва шарбат, қотил ва юҳйи, яъни тирилтирувчи қарама-қарши турган бўлса, бир томондан кўнгул ва лаб уйғунликда акс этган. Яна бир яхши сифати шуки "ёсин сураси"га ишорат бериш билан, илоҳий каломини ўқигани ва тушунганини эслатади:

Эй кўнгул, гар ғайр сўзи заҳри қотилдур, не ғам?
Лабларидин шарбати юҳйил узо минг борида.

Ё бу байтда сўзларни ўйнатади. Қош, кўз, лаб, тил ва сўзни бирга келтириш билан таносуб ё уйғунликни яратган бўлса, ангабин ва заҳр ва дармон билан антоним ё тазод бадиий санъатини намойиш қилади, аммо энг ҳунари томони шундаки, ажойиб оҳанг ё мусиқани байтдаги сўзларнинг сўнгги ҳарфи ва ҳаракати яъни қофиядошлиги била яратади. *Чин, кин, ангабин, ва лекин* сўзлари бу байтга бошқача жаранг ё мусиқаликни ижод этган:

Қошида чин, кўзида кин ва ангабин лабида,
Сўзида заҳр, ва лекин тилида дармондур.

Айни шундоқ товушлар уйғунлигини қуйидаги байтнинг *икки, менги, даѓи, қади, тани, ерни* сўзларида, яна равон, жон ва маржон, яна юз ва сўз, яна гул ва мул сўзларида топиш ва эшитиш мумкин.

Икки менги ой-удоѓи, юзи, сўзи, гул-у мул,
Қаддиравон-у танижон-у ерни маржондур.

Сўзнинг жозибасини Бобурдан ўрганиш керак. Бир сўзни кўп маънода ишлатиш ўзбек тили ва шеърига анча мос ва буни туюқ жанрида кўп учратамиз, аммо Бобур бир сўздан икки узоқ ва яқин маънони кўзлайди ва сўзини фаришталар ашуласига айлантиради. Қуйидаги байтда *рост* яъни, тўғри сўзини жуда маҳорат билан икки маънода ишлатган. Бири ёлғон сўзининг антонимини чин ё ҳақиқат бўлса, биринчи мисрада сарв бўйлуқ сўзини келтириш билан рост сўзининг узоқ маъносини кўзлаганини ҳам билдиради:

Сарв бўйлуқ санаминг, эй Бобур,
Рост айтай, сўзи ёлғон кўринур.

Бу байтларда қарама-қарши сўзларни (дўст ва душман) икки-икки қатладан такрор келтириб, (сўз) сўзини уч қатла гўзал қайтаради:

Эшитса киши бу шўр-у шайван, не дегай?
Доим бутариқич куни кўрган, не дегай?
Душман сўзига кирма, эшит дўс сўзин,
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай?

Бобур кўнгулчан ва нозик хаёл шоир бўлгани учун яхши сўзга жуда ҳам мойиллик кўрсатади ва яхши сўзлик кишига кўнгул қўяди. Яхши сўз ва гўзал сўз сеҳрини бу рубоийда кўринг. Бобур бу рубоийнинг биринчи ва иккинчи мисрасида энг қийин адабий санъат яъни тарсеъни ишлатган:

Кўрдунг, дағик ўзунгга гирифтор эттинг.
Сўрдунг дағи сўзунгга гирифтор еттинг.
Бу табъ-у каломинг била ўз бошинг учун,
Бошдин мени ўзунгга гирифтор эттинг.

Қуйидаги рубоийда, фақатгина бировнинг сўзларини, яъни яхши сифатларини эшитиб, ғойибона ошиқ бўлганини айтади:

Юз шукр қилайки, яна ошиқ бўлдум,
Оламға бўлуб фасона, ошиқ бўлдум.
Яхши сўзунг-у васфи жамолинг эшитиб,
Кўрмай сени, ғойибона ошиқ бўлдум.

Бобур сўзни бодом ва пистага ўхшатиб, ичидаги маънони мағз ва лафзни пўст деб англатган:

Учинчи жиҳат будурур, дўстлар,
Сўзум мағзиди найра инпўстлар.

Аммо бу орада ёқмас сўзлар ҳам борки Бобур, уларни аслан ёқтирмайди. Бу сўзлар қайси ва кимларнинг сўзидир?

Ҳаммадан бурун насиҳат қилувчиларнинг сўзи заҳардек аччиқ туюлади Бобурга:

Қўй, эй, ўғил, насиҳат сўзларинг ким дил писанд эрмас,
Менинг девона кўнглумга насиҳат удманд эрмас.
Қилур сентал хайш имкомини беҳуда сўзлардин,
Саросар сўзларинг заҳрийдур,эй носиҳки, панд эрмас.

Ё бу байтда насиҳатчининг сўзи намози эмас деб, бир-бирига мос ва яқин бўлган қибла, сажда ва намоз сўзларини жуда маҳорат билан ишлатган:

Чун қиблам эрур ёр, қилай қошида сажда,
Носиҳ сўзини найлай, эмас сўзи намози.

Иккинчидан, қаттиқ сўз айтадиганлардан безорлигини билдиради:

Халқ юз жавр ила ишлар буюрур, кош элнинг,
Не юзин кўргомен-у не сўзин эшитгаймен,
Жаҳон ели била гуфт-у шунуд қилмасмен,
Неча сўзумни дейин? Неча қотиқ эшитайин?

Бу мисралар ҳам айни шу мазмунни англатади ва итоб ва хитоб била айтилган сўзлардан ранжиганини билдиради:

Маҳжур кўнгулни шод қилмай,
Яхши сўз бирла ёд қилмай,
Ёлғон сўз ила итоб этарсен,
Юз қаҳр била хитоб этарсен

Мана бу байтда тартибли лаф-у нашрни ажойиб тарзда ишлатган. Биринчи мисрада муфрад сўзларини лаф қилиб келтирган бўлса, иккинчи мисрада нашр сўзларини таркиб тарзда жой- жойига ўрнатади.

Ёр ҳадиси ё суҳбатига шоирнинг тили гўё бўлади, лаъли учун сўзлари рангин бўлади, рафториё юришидан кўнгли хуррам бўлиб, жамолидан кўзи ёрийди:

Ҳадис-у лаъл-у рафтор-у жамолингдин эрур ҳар дам,
Тилим гўё, сўзум рангин, кўнгул хуррам, кўзум равшан.

Ва мана бу байтда ҳам лаф -у нашр ва тафриқ-у тақсим санъати бор:

Тамоми умрида Бобурға уч сўз айтибтур,
Бири сўкунч-у бири қотиқ-у бири ёлғон

Бобур мудом шеърга мойил бўлган, сўз латофати ва назокатини тушунадиганлар билан вақт ўтказишни истаган ва бу майлини ҳам шеърида ва ҳам “Бобурнома” насрида баён этиб ўтган.

Мумтоз ғазалларда маъмулга кўра ҳар байт мустақил маънога эга бўлади. Байтларини олдин-кейин ўзгартирсак, ҳаттоки бирор байтни чиқариб ташласак ҳам ғазал бузилмаслиги мумкин, аммо Бобур гоҳида ҳикоя шаклида ғазал ёзади. Шунда нафақат бирор байтни олиб ташлаш мумкин эмас, балки ҳатто байтлар тартибини ҳам бузиб бўлмайди. Бобурнинг қуйидаги ғазали, бир мажлисининг ҳикоясидир. Бу ғазалда Бобур яна бир бор яхши сўзга баҳо берганини ва мажлисдаги одамларнинг сўзлари қандоқлигини мана бу тавсиф билан беради:

Туно-кун бирла бу тун мажлиси асру хуш эди,
Мажлис аҳли бори дилхоҳ-у бори дилкаш эди.
Боининг сўзи эди хўб-у латиф-у рангин,
Не паришон-у не бемаъни-ю не чарумаш эди...

Бобур рубоийларида ҳам сўзга анча эътибор берган ва чучук сўзга муҳтожлигини айтган:

Хуш,улки кўзум тушса сенинг кўзунгга,
Бевосита ҳолимни десам ўзунгга.
Бермай сўзума жавоб, аччиғланасен
Қилдинг мени муҳтож чучук сўзунгга.

Бу рубойи ҳам айни шу мазмунда, аммо бунда нафақа ҳирин сўз, балки яхши хулқ-у хўй ҳам кераклиги айтилади:

Менинг тилагим будурки то зинда бўлай,
Ҳар қонда эсанг, бандадаги анда бўлай.
Не хулқе диёна кўнглум олдинг сўз ила,
Ширин сўз-у яхши хулқ унга банда бўлай.

Бобур яхши сўзга қанчалик муҳтож бўлмасин, ғойибона ё хат орқали сўзлашни истамай, яқиндан юзма-юз сўзлашни орзу қилади:

Эй ой юзинг олида қуёш шарманда,
Ширин сўз-у яхши хулқ унга мен банда.
Ҳижронда неча нома била сўзлаш олинг,
Ё сен бери кел, ё борайин мен анда.

Бу рубоий фироқ давронида ёзилгани аниқ. Чунки Бобур хат ва номадан безиб, воситасиз сўзлаш истагини билдирган. Бу рубоийда нома ва хомажинс воқе бўлган ва хоматили жонлантириш бадиий санъатидир:

Ҳижрон аро неча нома таҳрир қилай?
Хоматили бир лаҳол тақрир қилай?
Хуш улки сўзум санга десом воситасиз
Сен анда-у мен мунда, не тадбир қилай?

Бобур пир-у муршиди Хожа Аҳрор валийга ихлос ва ишончи кучли бўлгани учун, унинг “Волидия” рисоласини манзум қилишга бел боғлади. Бу рисоланинг ўзи, эътиқод ва тўғрилик, кўп инсоний фазилатлар ва диний-эътиқодий мавзуларни шарҳ этади. Мавзумиз “сўз” ҳақида бўлгани учун “Волидия”да сўз ҳақида баён қилинган жуда муҳим мавзуларни Бобурнинг назми ва талқинидан ўқиб ўтишимиз керак. Бобурнинг фикрича фақат сўз, кишининг кимлигини билдиради:

Боқмоғил сўзлагувчининг ўзига,
Ўзини қўй, назар этгил сўзига.
Сўз менинг эрмас, аларнингдур, бил
Билгасен меним утар жим ҳосил.

Қуйидаги мазмун “Волидия”дан олинган бўлса-да, Бобурнинг назми ва эътиқодида мавжуд бўлган *тил, сўз* ва *қавл* муҳимлиги ҳақида тушунчаларини баён этади. Бу байтларда *қавл* ва *амал* бирлиги, тилни ғийбат, туҳмат, ёлғон ва қаттиқ сўзлардан асрашга тавсия этган:

Билки қавлида не дурр пайравлиқ
Дема ҳар сўзки эрур нолойиқ.
Бўлса гар шаръ хилофи ҳар қавл,
Демогилони-юқилғил лоҳавл.
Ғийбат-у ёлғон-у музи сўзин,
Эҳтироз эт, йироқ этгил ўздин.
Ҳар ёмон қавлни ўздин дур эт,
Тилинга бир нимани мазкур ет.
Бўлға яқвол-у каломинг бусифат,
Кўнглунга боиси нуроният.

Бобур юмшоқ кўнгул эгасидир. У яхши сўздантирилса, ёмон ва қаттиқ сўздан оғрийди:

Қуйидаги маснавий жанрида ёзилган шеърида бир сўз билан ёр кўнглини оғритгани, кейин ёрдан қайта-қайта узр сўрагани ва мунча узр сўрашдан пушаймонлиги ва узрдан кўра ҳақиқат нималигини англатиш яхшироқлигини баён этади:

Сўзунгким Хизр суйидин нишондур
Вале ул, сув каби мендин ниҳондур.
Не яъни мунча биздин сўз ёшурмоқ?
Жафо ойинини ҳаддин ошурмоқ?
Бировнингким бировдин кўнгли қолур,
Киши юз сўз била кўнглини олур.
Ажабким мендин,эй дилдор,тўйдинг,
Менинг кўнглумни бир сўз бирла қўйдинг
Узатма мунча ҳам Бобур сўзунгни.
Бу сўзлар бирла хор этма ўзунгни,
Агарчи кўп сўзунг бор, мухтасар қил
Улойға сўзнинг аслидин хабар қил.

Бобур тилини яхши сўзлар учун ишлатишга қанча таъкид қилган бўлса-да, гоҳида тилидан ёмон сўз чиққанидан афсусланиб, пушаймон бўлганини бу мисралар орқали изҳор этади:

Ҳар замон бирла ванди масхараэ
Маъсият дудидан юзи қораэ

Ўзни ёндош туруб ўзунг бирла
Сўзни чир моштуруб сўзунг бирла
Они ўзунгга сен билиб ҳамдам
Они сўзунгга сенқилиб маҳрам
Қилғосиз халқни туман ғийбат
Дегайсиз отингизни хуш суҳбат
Ҳар ёмон бор, ёр қилғайсиз
Ҳар ёмонлиғ кибор, қилғайсиз

Бобур шеърларида сўзни кўпроқ *сўз* маъносида ишлатган, аммо бу байтларда сўзни мақол ё *"оталар сўзи"* маъносида ишлатган:

Гарчи зоҳирда тўғридекдур нафс,
Жисминг уйида ўғридекдур нафс.
Бурноғилар сўзин назар қилғил,
Уйнинг ўғрисидин ҳазар қилғил.

Сўз "Бобурнома"да турли маънолар билан бойитилади, жумладан келишув ё қарор ва битим маъносида.

Бобур бу байтларда сўзни ана шу маънода ишлатган:

Ноумид бўлдум, эй Мўғул сендин,
То эшитдимки: Андижон бординг.
Айтғон сўзга келдим, аммо сен,
Яхши келдинг демай, ёмон бординг.

Ва ё бу рубоийда ҳам сўз, ваъда, битим ва қарор дод маъносини англатади:

Сенинг била сўз муқаррар андоқ қилойин
Оламда сеним ўта барандоқ қилойин
Тенгри ҳаққи, бу хидмат агар сен қилсанг
Ҳар навъки кўнглунг тилар, андоқ қилойин

"Бобурнома"да ҳам битим ва келишув маъносида ишлатилганини неча ерда кўрамиз:

"Қўрғон эли маюс бўлур маҳалда, Шайбоқхон сулҳ сўзини ораға солиб, Қандаҳор устидан қўпор".

Келинг, "Бобурнома"дан сўз қайси маъноларда қайси таркиблар билан ишлатилганини кўрайлик.

Қотиқ сўзлук: "қотиқ сўзлук" кишидан доимо ёмонлик келган. Бобур, шундоқ бир кишини бу сўзлар била таърифлайди: *"Яна бир Али Дўст Тағойи эди. Бахил ва фитна ва зумухт ва мунофиқ ва худписанд ва қоттиқ сўзлук ва совуқ юзлук киши эди"*.

Кенгаш ва маслаҳат: “Хожа Мавлоно Қози ва беклар менинг қошимда келиб сўз ва кенгаш бир ерга қўюб кўрғоннинг бурж-у борусининг забт-ураб тиға машғул бўлдилар”.

Гуфт-у гу: Бобур, форс тилини пухта билгани учун анча форсча сўзларни шеърларида ва “Бобурнома”да ишлатган, аммо бу борада баҳсимиз сўз ҳақида кетаётгани учун, сўзнинг форсчасини қандоқ ишлаганини кўрамиз. У, гоҳидасўзўрнида, форсча “гуфт-у гу” таркибли сўзини жанжал, келишмовчилик ва қарама-қарши баҳс маъносида ишлатган. Албатта, бу сўз бу маънода ҳозирги кунда ишлатилмайди ва музокара маъносида ишлатилади. “Бобурнома”да Султон Ҳусайин Мирзо Бойқаро ва ўғиллари ўртасида бўлиб ўтган воқеалар шарҳини ёзганида, шу сўзни мана бундоқ келтирган:

“Охир оталиқ-ўғуллуқ орасида бугуфт-у гуйи мунжар бўлдиким, отаси ўғлининг устига, ўғли отасининг устига Балх ва Астарободқа черик тортдилар”.

***Музокара**:* “Неча кундин сўнг Иброҳим Суронива Ваис лоғарини ва Ширим Тағойини ички беклар ва йигитлар била илғор тайин қилдукким, бориб ёряйлоқ қўрғонларини сўз била ёз ўр била иликлагайлар”.

Ва ё бу ерда:

“Бир неча сўзлашмоқ тарҳини солдуқ, парво қилмай, инод ва саркашлик мақомида-ўқ эрдилар”.

Бу ерда ҳам:

“Хотирға етдиким, бир кеча Андижоннинг ёвуғига бориб, киши киюриб, хожа ва арбоблари била сўзлашсак, эҳтимол борким, бизни бир тарафдин киюргайлар”.

Яраш сўзини орага солмоқ: “Бобурнома”нинг кўп жойларида шу ибора ишлатилган ва Бобур уни ярашиш ё тинчлик кенгаши ё музокараси маъносида билган:

“Уч- тўрт кундин сўнг бизнинг мухолиф бекларким, Али Дўст ва Қанбар Али Саллох тавоби валавоҳиқибила бўлғойлар, яраш сўзини ароға сола киришдилар”.

Сўз қотмоқлик: Бобур “сўз қотилмоқ” таркибий сўзни, сўзлаш маъносида ишлатган, аммо “туз боқмоқлиқ” ибораси, яъни кўзма-кўз ётик қарашни ҳам унга ёнма-ён келтириб, бадиий маҳоратини насрда ҳам кўрсатган ва “Бобурнома” насрини “мусажжа” ва мусиқали қилган: “Менга инфиолдин андоқ ҳол бўлдиким, яқин

эригаймен. Туз боқмоқлиқ ё сўз қотилмоқликнинг худим коний ўқ эди. Юз ҳижоб ва ташвиш била ўтулди”.

Хабар ё ахборот маъносида: “Хисравшоҳдин кўнгулга ёққудек сўз келтурмади, вале эл ва улусдин сўзлар келтирди”.

Қисса ва ҳикоя маъносида: “Ёрҳусайин Дарёхоннинг ўғликим, Кобулда келиб мулозамат қилиб эди, истидъо қилдиким, Дилазок ва Юсуфзайи ва Гогиёниға фармонлар бўлсаким, менинг сўзумдин чиқмасалар.”

Ва ё бу ерда

“Султон била бўлуб, султоннинг сўзидан чиқмағайлар.”

Сўз билур: Бу таркибни Бобур, қисса ва ривоят ва зарбулмасал биладиган ва ҳар сўзида турли қизиқ ҳикоя ва мақолларни айта оладиган киши маъносида ишлатган:

“Султонимбегим (Султон Ҳусайин Бойқаро қизи) хейли сўз билур эди, сўзга мунқи йўқ эди.”

Айни замонда гапга тушунадиган, ақлли, зийрак киши маъносида ҳам ишлатган. “Бобурнома”нинг бу матни ана шу маънолигини билдиради:
“Тамом бекларни ва сўз билур обдон йигитларни дағи кенгашга тилаб, ом кенгаш қилиб, райлари мунга қарор топди....”

Маъно ва мазмун ўрнида: Мавлоно Шайх Ҳусайин (Султон Абу Саид Мирзова Султон Ҳусайин Бойқаро даврлари олими) оз алфозда кўп сўз топиб, диққат била гуфт-у гуқилмоқ, анинг ихтиройидир.

Мақула ва мақол маъносида: “Шайх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи воқе бўлди. Нечукким, “Гулистон” да келтирибдир: “Дах дарвеш дар гилими бихусбанд ва ду подшо дар иқлимена гунжад.”
Яъни: ўн дарвеш бир гиламда ухлайди (сиғади) ва икки подшо бир иқлимда сиғмайди.

Воқеа ва ҳодиса маъносида: “чун бу тарихда андоқ илтизом қилилиб турким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнингбаёнивоқейинитаҳриретилгай, ложарамота- ўғилдин ҳар яхшилиқ ва ёмонлиқ ким шойи эди, тақрир қилдим ва хеш-у бегонадин ҳарайб-у ҳунарким, баён воқе эди, тақрир айладим. Ўқиғувчи маъзур тутсун эшитгувчи таарруз мақомидин ўтсун.”

Бу сатрларда ҳам (ўқуғувчи ва эшитгувчи) яна (тутсун ва ўтсун) тажнис ва насри мусажжадир.

Шак-шубҳа маъносида: (Арғунларнинг) “тўрт- беш минг яроғлиқ кишисида худ ҳеч сўз йўқ эдиким, бор эди”.

Матн ё текст маъносида: “Шанба куни раббиулаввал ойининг саккизида рисола сўзларини назм қилмоқ ихтитомиға етди. Бир кун эллик икки байт айтилди”.

Узр-у баҳона ё дангасалик маъносида: Бобур Ҳиндистондан Хожа Калонга маблағ юбориб, Кобулни ободон қилишга буюриб, дангасалик қилмай, ишни тез фурсатда бажариш керак деб, бундай ёзади:

“Энди ул вилоятнинг забт-у иморатида ҳеч узр-у сўз қолмади”.

Фасли сўз: Бобур “Уч фасл сўз”ни жуда қизиқ ва мисли кўринмаган маънода ишлатган. У “уч фасл сўз”ни уч фақараё иборатдан ташкил топган буйруқ ёки уч шартли буйруқ маъносида ишлатади. Мен ҳозиргача Бобурдан ташқари бошқа тарихчи ё ёзувчидан бу сўз таркибини бундай маънода ишлатилганини учратмаганман:

“Ушбу юртдин Бангола элчисига фармон бўлдиким, бу уч фасл сўзни арзадошт қилсун”.

Бобурнинг ўзи сўзни тез англаб, маъносини дарҳол тушуниб етадиганлардан бўлгани сабабли, шундай хислатга эга бўлган кишиларни ҳам ҳурмат қилади ва ҳурмат билан уларни эслайди. “Бобурнома”да Мир Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Мирзо ораларида бўлиб ўтган бир суҳбатни баён қилар экан, Султон Ҳусайиннинг сўзни тез англаш ва маъносини тушуниш ҳамда сир сақлаш қобилияти ва фазилатини айтиб, Навоийнинг ҳам ана шундайлиги ҳамда жуда сезгир ва кўнгилчанлиги ҳақида мана бундай ҳикоя қилади: “Бир кун Алишербек била Мирзонинг орасида бир суҳбати ўтдиким, Мирзонинг тезфаҳмлигига ва Алишербекнинг диққати қалбиға долдур. Алишербек сирри сўзларни Мирзоға гўшаки ғалаба айтди, дағи дедиким,бу сўзларни унутинг. Мирзо филҳол айтдиким: қайси сўзларни? Алишербек бисёр мутаассир бўлиб, кўп йиғлади.” Бобур учун хат, савод, билим ва сўз жуда муҳим бўлган. У подшоҳлик юмушлари ва оғир юклари билан қанчалик банд бўлмасин, фарзандларининг таълим ва тарбиясидан ғофил қолмади. Яқинда бўлса яқиндан, узоқдан бўлса узоқдан, мактуб орқали уларга раҳнамолик қилиб, ўргатиб турди. Бу масалани ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга ёзган мактубларидан аниқ билиш мумкин. Мисол учун, Ҳумоюн Мирзога

ёзган мактубида унинг ҳуснихати, имлоси, иншоси, сўзларни ишлатгани ҳақида жуда қизиқарли нукталарни тўхтаб ўтади. Келинг, шу матнни бирга ўқийлик, чунки бизнинг орамизда шундай такаллуф билан хат ёзадиганлар ё имлога парво қилмайдиганлар гоҳида топилиб туради:

“Яна мен дегандек бу хатларингни битибсан ва ўқимайсен. Не учунким, ўқур хаёл қилсанг эди, ўқиёлмас эдинг. Ўқиёлмағандин сўнг, албатта, тағир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўлодур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч ким кўрганемас. Имлонг ёмон эмас, агарчи хийла рост эмас. Илтифотни то билан битибсан, қулунчни ё билан битибсан. Хатингни ҳар тавр қилиб ўқиса бўлодур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ғолибан хат битирда, коҳиллиғинг ушбу жиҳаттиндур такаллуф қилай дебсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Мундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит! Ҳам санга ташвиш озроқ бўлур, ва ҳам ўқуғувчиға”.

Бобур иккинчи фарзанди Комрон Мирзога ҳам мактуб ёзган. Бу мактубда нафақат ўзи, балки кўкалдошлари ё яқинлари ва ўртоқларини ҳам ўқишга қизиқтирганидан ўз хурсандлигини изҳор этиб, меҳрибонлик билан бундай деб ёзади:

“Фарзанди аршад ва аржуманд саодатнишон Муҳаммад Комрон мирзо баҳодирга саломи муҳаббатан жомидин сўнг улким, кўкалдош ва ичкиларинг била сабоқ ўқурға ружуъ келтуруб эрмишсен. Бу жиҳаттин кўнгулга сурур ва хотирга ҳузур этиб, набис ёр хушҳоллик юз берди. Тенгри таоло даргоҳидин умидим борким, Жамийиъ қобилият ва салоҳият бобинда комил ва мукаммал бўлиб, камолға етгайсен”.

Фарзандга от танлаб қўйиш масаласи бугунги кунда ҳам кўп кишилар учун унчалик муҳим масала эмас. Сўз ё ўша отнинг маъноси нималиги ўзёётбўлганлиги, талаффузда осон ё қийинлиги, талаффузда тўлиқ ё қисқа қилиб, айтилгани, умр ошганда ана шу от тўғри келган ё келмагани ҳақида ўйламасдан, ўзбек бўлатуриб фарзандларга ҳиндчами, арабчами, форсчами, русчами…от қўяверадилар, ҳолбуки, пайғамбаримиз ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан бўлган уч масъулиятларидан бирини яхши эшитиладиган, яхши маънога эга бўладиган отни танлаб қўйиш деб айтганлар. Бобур шунинг учун фарзандларига яхши маъноли муносиб сўзларни диққат билан танлаб қўйинглар, деб

маслаҳат беради. Ҳумоюн Мирзога ёзган мактубида унинг фарзанди туғилганини табрикларекан, танлаган отини маъқул кўрмай, бундай ёзади: “Тенгри таоло бундай севинчларни манга ва санга ҳамиша рўзи қилғай,омин ёраб бул оламин. Отини Ал-омон қўймишсен, Тенгри муборак қилғай, вале бовужудким, ўзунг битибсен, мундин ғофил бўлиб сенким, касрати истеъмол билаавом, Аламон дерлар, ё Эломон дерлар ўзга мундоқ алиф ло моттакам бўлур. Тенгри отини ва зотини фархунда ва муборак қилғай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қаринлар Ал-омонни давлат ва саодат била тута бергай!”

Бобур ёшлик чоғларида гоҳида ҳазил ва гоҳида ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган сўзларни айтган, аммо кейин тушуниб, тил муқаддаслигини англаб, уни фақатгина тўғрилик, эзгулик ва яхши сўзлар айтиш учун ишлатишни зарур деб билган. Унинг қандай қилиб шу хулосага келганини “Бобурнома”нинг қуйидаги матнидан билиш мумкин:

“Суҳбатда Муҳаммад Солиҳнинг бу байти мазкур бўлдиким:

Жоеки ту боши дегареро чи кунад кас?

Маҳбубийи ҳар ишвагареро чикунадкас?

Дедукким, б угўшада айтсунлар. Назми бор эл айтмоқ мақомида бўлдилар. Чун Мулло Алихон била хейле мутойиба қилилур эди, ҳазил тариқа била бу байт бадиҳада хотирға келди:

Монанди ту мадҳушу кареро чикунат кас?

Ҳар гов… модахареро чикунат кас?

Мундин бурун яхши ва ёмон жидду ҳазил, ҳар не хотирға етса эрди, мутойиба тариқа била гоҳи манзум бўлур эди. Ҳар нечук қабиҳ ва зишт назм ҳам бўлса, марқум бўлур эрди. Бу фурсаттаким, “Мубаййан”ни назм қиладур эдим, хотири фотирға хутур етти ва ҳазин кўнгулга мундоқ етдиким, ҳайф бўлғай, яна фикрни қабиҳ сўзларга харж қилғай ва дариғ бўлғаюл кўнгилдинким, мундоқ маоний зуҳур етгай, яна зишт хаёллар анда хутур етгай. Андин бери ҳажв ва ҳазил шеър ва назмдин торик ва тойибедим. Бу байтни айтур маҳаласло хотирға етмади ва маъни ҳаргиз кўнгулга хутур етмади.”

Бу мансур ва манзум матн парчаси:

Не қилойин сенинг била эй тил!

Жиҳатингдин менинг ичимқондур.

Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър

Бириси фаҳш-у бири ёлғондур.
Гар десанг,куймайин бу журм била
Жиловингни бу арсадин ёндур,

(Раббано заламно ва лам тағфирлано ва тарҳамно лакунна миналхосирин)

“Яна бошдин истиғфор ва эътизор мақомида бўлуб, бу навъ ботил андишадин, бу йўсунлиқ нолойиқ пешадин кўнглумни тиндуруб, қаламни синдурдим. Ул дар гоҳ дин осий бандаларға бу навъ танбеҳлар давлат эдур азим, ҳар бандаким,мундоқлардин бўлғай саодат эдур жасим.”

(“Бобурнома”, 932-ҳижрий йил воқеаси, 322-дан 324-бетлар.)

Севган ўғли Ҳумоюннинг имло хатосидан ё қийин қилиб ёзган иншосидан ўтмаган, ўзи айтган ҳазил шеърларидан пушаймон бўлиб тавба қилган Бобур, агар номуносиб, туҳмат ва ёлғон сўз айтган кишини ясоқ қилган бўлса неажаб!

“Бу фурсатда Дарвеши Гов отлиқ Андижоннинг арбобидин номуносиб сўз айтқон учун ясоққа етти. Бу сиёсатдин тамом эл босилдилар.”

Бобур, тили, шеъри ва сўзини шундай эзгулик ва тозалик томонга йўллантирганидан кейин, сўзларига юқори баҳо қўйиб, ундан фахрланса, арзийди:

Бобуро, шеърингга агар солса қулоқ ул шоҳинг,
Бўлғусидур сўзингга қадр дури макнунча.

Мақоламиз сўнгида Бобурнинг “сўз” ҳақида ёзган байтларини ҳеч изоҳсиз, ўқувчиларга ҳавола қилмоқчимиз. Бу байтларда айтиб, ўтганимиздек “сўз” сўзи турли маъноларда жуда гўзал ифода билан ишлатилган:

Сўруб ул ой лабидин, оғзининг рамзини англодим,
Бир оғиз сўз била кўрингки, мунча хурдадон бўлдум.
*****

Сўзлаб ул лаъли шакархони шакаррез етасен,
Очиб ул зулфи суман сони диловез етасен.
*****

Жонимға даво сўзунг эди,сўзламадинг, оҳ,
Жон дардиға дармон қани? Эй ёр не бўлди?
*****

Хатимни кўруб сўзимни чун билгайсен,
Келмакда бизга ел киби елгайсен.

Ихлосингни билиб,юбордим қосид,
Раҳмат сенга, зинҳорки, бот келгайсен.
*****

Хуш ул ки келиб ёнимда ўлтурғайсен,
Ё бир нафас олимда келиб турғайсен.
Оғзингга ўпор сўзин битий олмасмен,
Борғон кишидин оғиз сўзин сўрғайсен.
*****

Сўз сўрғали лаъли нуктадонинг топмон,
Юз суртгали ул остонинг топмон,
Беному нишонли қистасам, нетонгким,
Номингни эшитти му ни шонингтопмон.
*****

Ҳар сўзни ки дермен санга лоф ўлмағуси,
Бемаъни ю ҳарзаю газоф ўлмағуси,
Ул ишта агар мухолифат айларсен,
Тенгри ҳақи бу сўзда хилоф ўлмағуси.
*****

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқиб,соғинғойсен ўзумни.
Васлинг била кўнглумни худоя йлаб шод,
Ёритти…юзинг била кўзумни.
*****

Бобурки,дема шар кишига ҳар сўзини,
Элчингга деди вале саросар сўзини,
Султонали ар сўзум санга десан не тонг,
Оре, ла-қудақ дегай қаландар сўзини.
*****

Гар мунда тараддуд етса ойим,
Бу сўзда гувоҳ эрур худойим,
Хат жавобиға йўлда бўлдик ўзум,
Вассалом, эмди хатм бўлди сўзум.
*****

Ҳар не кўнглумда эди,дедим тамом,
Хатм бўлди сўзим, эмди вассалом.
Ғайриихлос-у дуо бирласалом,
Не дейин ўзга,сўзим бўлди тамом.
*****

Кўнглумда, кўзумда ишқ эди, ишқ,
Шеъримда, сўзимда ишқ эди, ишқ.
Лиллаҳулҳамдсўзайтилдитамом,
Ихтитомиға етишди бу калом.
*****
Қобил элга сўзини мақбул эт,
Омил елга ўзини маъмул эт.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ДАВЛАТИ ХАРИТАСИНИНГ ТАРИХИЙ МАЗМУНИ (МОВАРОУННАҲР)

Омонулло Бўриев,
ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, тарих фанлари доктори (DSc), етакчи илмий ходим.

Тарихда Заҳириддин Бобур томонидан асос солинган ва унинг ўзи 1494 - 1530 йилларда (вафотигача) бошқарган давлат ваунинг дастлабки ўн йиллик тарихи Мовароуннаҳрда кечган воқеалар узвий билан боғлиқ.

XV асрнинг охирги чорагида Темурийлар салтанати маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Мовароуннаҳрда бир нечта қисмга бўлинган эди. Марказ Самарқанд ва унга яқин вилоятлар (Бухоро, Қарши) ни Султон Аҳмад мирзо, Фарғона водийсини (пойтахти Андижон) Умаршайх мирзо ва жанубий ҳудудлар - Ҳисор, Чағониён, Термиз, Хатлон, Жайҳундан чап томондаги ерлар то Ҳиндукуш тизмасигача (пойтахт Ҳисор) жойларни Султон Маҳмуд мирзо бошқарган. Тошкент вилоятини Шоҳрухияда тузилган сулҳ (890/1485 й.) дан бошлаб, Мўғулистон хони Юнусхонга берилган бўлиб, унинг вафоти (892/1487 й.) дан сўнг, ўғли Султон Маҳмудхон (1487 – 1503) бошқарди. Тошкент қисқа муддат, аниқроғи 1485 – 1503 йиллар оралиғида, Мўғулистон хонининг қароргоҳи шу ерда бўлгани сабабли, Мўғулистоннинг сиёсий-маъмурий пойтахти мақомини олди.

Мовароуннаҳрда юзага келган феодал тарқоқлик Фарғона вилояти ҳукмдори Умаршайх ўлимидан (899/1494 й.) сўнг кучайди. Самарқанддан Султон Аҳмад мирзо юриш қилиб Қубо (Қува)гача

келади, Тошкентдан Султон Маҳмудхон лашкар тортиб Ахсини қамал қилади, Кошғар ва Хўтан ҳукмдори Абубакр дуғлат лашкар билан келиб Ўзгандни ўраб олади. Умаршайх мирзо беклари Мавлоно Қози бошчилигида қаттиқ жонбозлик намойиш этадилар ва Заҳириддин Бобур Фарғона вилоятида отасидан қолган мулкни сақлаб қолади.

Бобур Мирзо дастлаб юқорида эслатилган воқеалар туфайли қўлдан кетган Исфара ва Хўжандни Султон Аҳмад мирзо ҳукмидан қайтариб олади. Бироқ Заҳириддин Бобурнинг отаси Умаршайхга тегишли Ўратепани Султон Маҳмудхон эгаллайди (1495 й.) ва унинг бошқарувини Муҳаммад Ҳусайн Кўрагонга беради. У мазкур вилоятни 1503 йилгача бошқарган [1.Б.52]. **Бу Фарғона вилояти сиёсий-маъмурий харитасидаги биринчи маъмурий-ҳудудий ўзгариш бўлди.**

Самарқандда тахт учун темурий шаҳзодалар ўртасида талаш бошланганда Заҳириддин Бобур марказий ҳокимиятнинг заифлашганини қулай фурсат билиб, Самарқандга юриш қилади **(**1496.VI-VII**).** Султон Али мирзо ва Заҳириддин Бобур тўрт ойдан ортиқроқ вақт Бойсунқур мирзо эгаллаб турган Самарқанд шаҳрини қамал қиладилар. Бироқ қиш кириб келиши билан **(**1496.XII) қамални қолдириб, келаси йил ёзда (1497.V) Самарқандга янгидан лашкар тортадилар. Бойсунқур мирзо етти ой қамалда қолди, ёрдамга Туркистондан Шайбонийхонни чақирди, бироқ у ҳам келиб ёрдам бера олмади ва бу ўлкани тарк этди. Бойсунқур мирзо ҳеч бир илож қолмагач, 200- 300 чамаси киши билан Қундузга Хисравшоҳ олдига кетади. Самарқанд шаҳри жангсиз Заҳириддин Бобур ихтиёрига ўтади (1497.XI). *Самарқанд тахтига Заҳириддин Бобур келгани Мовароуннаҳрда сиёсий ҳокимият бошқарувида янги воқеа эди.*

Бироқ у Самарқанд тахтига ўтириши билан ота мулки Фарғона вилоятида ҳукмронлик учун талаш бошланди. Тошкентда тоғаси Султон Маҳмудхон Андижонни беришни сўраган эди. Бобур қўл остидан қочиб келганлар, жумладан, Султон Аҳмад Танбал, мўғул чериги ва Бобур Самарқандга кетишида Ахси қўрғонини қўриқлашни топширган Узун Ҳасан Ахси билан Андижонни Жаҳонгир мирзога беришни талаб қилдилар. Андижон қамалда қолди. Бобур бу хабарни эшитиб, Самарқандда бор-йўғи юз кун (1497.26.XI – 1498.7.III) подшоҳлик қилиб, иложсиз Андижонга

қайтади. Хўжандга етиб борганида Андижон ғанимлар қўлига ўтгани, Хожа Мавлонойи Қозини арк дарвозасида шаҳид қилингани хабари келади. *Бу воқеа Фарғона вилояти бошқарувидаги иккинчи сиёсий-маъмурий ўзгариш эди.*

Бобур Мирзо Марғинонни бошқариб турган Али Дўстнинг кўмагида Андижонни қайтариб олишга муваффақ бўлади (1499.VI-VII). *Бу воқеа Фарғона вилояти бошқарувидаги учинчи сиёсий-маъмурий ўзгариш эди.*

Фарғона вилоятининг сиёсий-маъмурий ҳолати билан боғлиқ кейинги воқеалар 1500 йилнинг бошларида юз берган. Унда Жаҳонгир мирзо билан Танбал иттифоқлашиб, Бобурга қарши чиқадилар ва охирда иккала томон сулҳ тузишга қарор қиладилар. Намангандаги Пишхоронда тузилган мазкур сулҳ (1500.II) шартларига кўра,Фарғона водийси маъмурий-ҳудудий жиҳатдан иккига бўлинади;унинг шимолий қисми Жаҳонгир мирзога (марказ Ахси), жанубий қисми эса, Бобурга (марказ Андижон) тегишли этилади. Бу ҳолат Заҳириддин Бобур ҳокимиятга келгач, **Фарғона вилоятининг сиёсий- маъмурий харитасидаги иккинчи маъмурий-ҳудудий ўзгариш саналади.**

Пишхоронда шошилинч равишда сулҳ тузилганининг сабаби, Самарқандда юз берган воқеалар билан боғлиқ бўлган. Заҳириддин Бобур кетгандан сўнг,Самарқанд тахтини эгаллаган Султон Али мирзо билан Муҳаммад Мазид тархон бошчилигидаги тархонлар ўртасида зиддият келиб чиқади. Муҳаммад Мазид тархон Бобурдан Самарқандга келишини илтимос қилади ва у мазкуртаклиф айни муддао бўлганини қайд этган:“Ушбу маслаҳат учун сулҳ қилиб Самарқанд устига юрумакка жозим эдук” [1.Б.76]. ,- деб ёзган Бобур бу ҳақда.

Бобур Мирзо Самарқандга етиб борганида (1500. VI), Шайбонийхон Бухорони эгаллагани ва Самарқанд томон йўл олгани маълум бўлади. Бобур Самарқандни қолдириб Кеш томонга кетади ва у ерда Султон Али мирзо Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширгани ҳақидаги хабарни эшитади. Чағониённинг Чилту ўлангига етиб борганларида, Самарқанд вилоятида баъзи қўрғонлардаги беклар ҳали Шайбонийхонга бўйсунмагани маълум бўлади ва у мазкур бекларнинг кўмагига ишониб, Самарқандга қайтишни маъқул кўради.

Бобур Мирзо бор-йўғи икки юз қирқ киши билан, шаҳар аҳолисининг кўмагига ишониб, тунда тўсатдан ҳужум қилади (1500.X). Шайбонийхон бу вақтда Самарқандда Жонвафо мирзони доруға тайинлаб, унга беш юздан ортиқ сипоҳ қолдириб, ўзига тегишли уч мингдан ортиқ ва маҳаллийдан йиққан яна шунча сипоҳ билан Хожа Дийдор атрофларига жойлашганди. Ҳамза Султон билан Маҳдий Султон ўз одамлари билан Самарқанд яқинидаги Бўдана қўриғида ўрнашган эдилар.

Бобур Мирзо тонг пайти Феруза дарвозасидан шаҳарга киради. Олдиндан тахмин қилинганидай шаҳар аҳолиси бу воқеага хайрихоҳлик билдириб, Бобурга ёрдам берадилар ва Шайбонийхон қолдирган навкарларга ёпирилиб ҳужум қилиб, тўрт юздан ортиғини калтаклаб ва тошбўрон қилиб ўлдирадилар.Бобур ўша пайтда ўн тўққиз ёшда эди. Унинг бу ҳаракати бобокалони Амир Темурнинг жасоратини эслатади[1].

Самарқанд шаҳри олингандан сўнг, вилоятдаги қўрғонлар аҳолиси ҳам Шайбонийхонга қарши бош кўтариб, бирин-кетин озод бўлди. Шайбонийхон Бухорога чекинди. Кеш, Қарши, Хузор ва Қоракўл ҳам темурийлар ихтиёрига ўтди. Мовароуннаҳр аҳолиси темурийларга хайрихоҳликларини намойиш этдилар.*Заҳириддин Бобурнинг Самарқанд тахтини қайта эгаллагани, Мовароуннаҳр сиёсий- маъмурий харитасидаги иккинчи маъмурий-ҳудудий ўзгариш эди.*Лекин Заҳириддин Бобур Самарқанд тахтини биринчи ва иккинчи марта олганида ҳам Мовароуннаҳрнинг фақат бир қисми унинг ихтиёрига ўтган эди холос.

Шайбонийхон ҳам Бухорода куч тўплаб, қиш чиқиши билан Самарқандни қайтариб олиш тараддудига тушади;Қоракўл ва Дабусия қалъасини қўлга киритишга эришади.Икки ўртада бўлган жангда Бобур қўшини енгилади ва у шаҳарда тўрт ой қамалда қолади, ташқаридан бирор ёрдам келмагач, Шайбонийхоннинг сулҳ тузиш таклифига иложсиз рози бўлиб, шаҳарни тарк этади (1500. VI) ва Ўратепага қарашли Даҳкатда тўхтайди (1501.XI). Зеро, олдинги келишувга кўра, Бобур Самарқанд тахтини эгаллагач, Андижон Жаҳонгир мирзо ихтиёрига ўтган бўлиб, у ерга бора олмасди. Лекин Тошкент ва Ўратепа вилоятлари Султон Маҳмудхон ҳукмида эди.

[1]Амир Темур 767/1365 йили ўн икки минг ғаним лашкари жойлашган Қарши қўрғонииикки юз қирқ уч сипоҳ билан тунда ҳужум қилиб эгаллагани тарихдан маълум[2.119 б варақ].

Шарқий Мўғулистондан кичик тоғаси Султон Аҳмадхон (Алачахон), ёрдам бериш мақсадида,икки мингга яқин черик билан Тошкентга етиб келгач, улар ўттиз минглик лашкар билан Андижонга юрадилар. Бобурни Ўзганд орқали Андижонга боришга тайинлаб, ўзлари асосий куч билан Ахсига Танбалнинг устига юришга қарор қиладилар. Ўшдан Ўзгандгача жойлар Бобурга хайрихоҳлик кўрсатиб, жангсиз тобелик изҳор этадилар.

Тоғаси Хўжанд сувидан чапдаги Андижон томон ерларни кичик хон Султон Аҳмадхонга бермоқчи эканлигини маълум қилади ва Ахси томондаги ерларни Бобурга беради. Шунингдек, Самарқанд олингач, Бобур у ерда салтанат тахтида қолиши, Фарғона водийси эса, кичик хон Султон Аҳмадхонга тўла тегишли бўлажагини ҳамтаъкидлаб ўтади. Бобур ноилож рози бўлади. Биргаликда катта куч билан қилинган ҳаракат туфайли Фарғона вилояти Султон Маҳмудхон ҳукмига ўтди ва Мўғулистон таркибига киритилди. **Бу эса, Фарғона вилоятининг сиёсий- маъмурий харитасидаги учинчи маъмурий-ҳудудий ўзгариш бўлди.**

Фарғона вилоятида Танбал мағлубиятга учрагач, сотқинлик йўлига ўтиб, акаси Бек Телбани Шайбонийхон ҳузурига юборади ва унга бўйсунишга рози эканлигини маълум қилиб, келишини сўрайди. Шайбонийхон йўлга отлангани ҳақида хабар юборади. Заҳириддин Бобур мажбур бўлиб Андижонни тарк этади (1503.VI-VII). **Шайбонийхоннинг Фарғона вилоятини босиб олгани вилоят сиёсий- маъмурий харитасида тўртинчи маъмурий-ҳудудий ўзгаришни юзага келтирди.**

Мазкур воқеалардан сўнг, Бобур тоғлар ошиб Ҳисор водийсининг Илок яйловига (1503.II-III) етиб боради. У ердан сафаринидавом эттириб, Айваж гузарида Аму суви (Амударё)дан ўтади ва бориб Кобулни эгаллайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Кобулни бошқариб турганида, Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан Марв яқинидаги жангда (1510 й.) ҳалок бўлгани ҳақида хабар келади ва шу муносабат билан шайбонийлар орасида юзага келган парокандаликни ҳисобга олиб, Самарқандга юриш қилади ва Қундузга етиб боради (1511.I). У ерга Шоҳ Исмоилдан дўстлик ва кўмаклашиш ваъдалари билан элчи келади, шоҳ шунингдек, Бобурнинг Марвдагиурушда Шайбонийхоннинг ҳарами таркибида асир олинган опаси Хонзода бегимни ҳам катта эҳтиром кўрсатиб

юборган эди. Улар узоқ ўн йиллик айриликдан сўнг Қундузда дийдор кўришадилар. Заҳириддин Бобур ўз томонидан амакиси Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли Мирзохонни, мазкур воқеаларда шайбонийларга қарши фаоллигини эътиборга олиб,элчиликка юборади. Мирзохон 1511 йили Бобур давлатидан Сафавийлар давлатига юборилган биринчи элчи эди. Шоҳ ёрдам беришга розилик билдиради ва икки ўртада келишув амалга ошади. Бобурнинг Шоҳ Исмоил билан иттифоқ тузишга рози бўлганлиги, қўл остидаги лашкар сон жиҳатдан шайбонийлар лашкаридан анча камлигидан эди.

Шайбонийлар Амударёнинг сўл томонидаги ўзлари эгаллаб турган вилоятларни тарк этиб, дарёнинг ўнг соҳил томонига ўтиб олгандилар (1510.XI). Шайбонийхон ўз вақтида (1503 й.) асир олган 20 минг мўғуллар ҳам, унинг ўлимидан сўнг, ватанларига қайтишни мўлжаллаб, Қундузга келгандилар[2].

Мирзохон бошчилигида Шоҳ Исмоил юборган қўшинлар Қундузга етиб келади ва Бобур Ҳисор томонга юриш бошлайди (1510.XI). Шайбонийлар ҳам асосий кучларни ҳужумга ташлайдилар ва Хатлон вилоятида Пули Сангин яқинидаги Обдарадеган жойда томонлар ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Хуросондан Қундузга келган мўғулларнинг бир қисми бевосита Бобурга ва яна бир қисми Мирзо Ҳайдарга мулозим бўлиб мардоналик намойиш этгани жанг тақдирини ҳал қилди. Шайбоний султонлардан Ҳамза султон, Маҳди султон ва Мумоқ султон асир олиниб ўлдирилади [3.С.320-322]. Бобур у ердан Самарқандга юриш қилади. Шайбонийлар, қаршилик кўрсатишга ожизлик қилиб Туркистон томонларга қочиб кетадилар.

Заҳириддин Бобур Самарқанд тахтини эгаллайди (1511, октябрь) [3.С.334]. У билан бирга Шоҳ Исмоил аскарларидан туркман қизилбошлардан бир қисми ҳам Самарқандга келган эдилар. Шаҳар аҳолиси шиа мазҳабидаги бу тоифани, уларнинг ўзбошимчалигини ўта ёмон кўрдилар, расмиятчилик юзасидан вақтинча шиалар услубида кийиниб олган Бобурга нисбатан ҳам муомалалари яхши бўлмаган.

---

[2]Шайбонийхон 1503 йили Ахсияқинидагижангда Султон Маҳмудхон ва Мўғулистондан унга ёрдамга келган укаси Султон Аҳмадхонни асир олади ва Тошкентни эгаллагандан сўнг, хонларни озод қилиб юртларига жўнатади[2]. Лекин уларга тегишли лашкардан йигирманинг мўғулни асир олиб, Марв йўналишида Амударёнинг сўл соҳилига жойлаштиради. Шайбонийхон ўлдирилгач, улар ёппасига кўчиб, Мўғулистон томонни мўлжаллаб Қундузга келишди.

Умуман олганда Заҳириддин Бобур Мовароуннаҳрни саккиз ой муддат давомида эгаллаб турди ва ўлкани бошқариш учун маълум маъмурий-ҳудудий тадбирларни амалга оширди. Фарғона вилояти ҳали Самарқанд олинмасдан олдин тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг амакиси Сайид Муҳаммад мирзо фаоллиги орқали Бобур ихтиёрига ўтган эди ва Андижонда Султон Саидхон ҳоким эди. Тошкент вилояти бошқарувини амир Аҳмад Қосим Куҳбарга топширди, Сайрам ҳокимлигига эса, унинг укаси Каттабекни тайинлади. Бобур давлати билан қозоқ хони Қосимхон давлати ўртасидаги чегара Сайрам билан Тароз ўртасидан ўтган. Лекин Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мовароуннаҳрни тарк этиши билан Тошкент шаҳри ва вилоятининг бошқаруви яна Шайбонийларга ўтган [3.С.347].

Шимолда Бобур давлатини Шайбонийлар давлатидан Сирдарё ажратиб турган, ғарбий чегараси Хоразмгача ястанган бўлган. Агар мазкур давлатнинг жанубий чегараси Синд (Ҳинд) дарёсигача эканлиги ҳисобга олинса, у ҳолда Мовароуннаҳрга охирги юриш пайтида, Бобур давлати кўлами, унинг тарихидаги энг кенгайган даври бўлган, дейиш мумкин.

Бобур 918 йилнинг сафар ойида (1512 йил апрель-май) Кўли Маликда Убайдуллахон лашкари билан жангда мағлубиятга учрайди. Ваҳоланки Убайдуллахоннинг лашкари уч минг киши ва Бобурнинг лашкари қирқ мингта эди, деб ёзади Мирзо Ҳайдар бу ҳақда[3]. Бобур сўнгра Шоҳ Исмоилдан олган кейинги ёрдам (олтмиш минг аскар [3.С.344; 355].) билан Убайдуллахонга қарши Ғиждувонда қилган жангда ҳам мағлуб бўлади. Бобур яна Ҳисорга чекинади ва у ердан Қундузга ўтиб, сўнгра Кобулга қайтади.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлати харитасининг мазмуни бўйича келтирилган ушбу таҳлил ўзига хос изоҳнома вазифасини ўтайди ва харита билан биргаликда тарихийликни тўлароқ ифодалашга хизмат қилади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи : Саидбек Ҳасанов. Тошкент “Шарқ”, 2002.

2. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472, фотофаксимил нашр. Нашрга

[3]Бу ерда Мирза Ҳайдар рақамлар ифодасида муболаға қилган кўринади. Чунки Бобур Бухорога етганида Шоҳ Исмоил лашкарининг катта қисмини қайтариб юборган эди.

тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А. Ўринбоев. – Тошкент: Фан, 1972.

3. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. примечания и указатели Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. Т., «Фан». 1996.

ФЕНОМЕН БАБУРА

Профессор Рамиз Аскер,
БГУ – Азербайджан.

Как известно, знаменитое произведение гениального Бабура «Бабурнаме» переведено на многие языки мира. Есть языки, на которые «Бабурнаме» переведено несколько раз. Это обусловлено культурной и художественной необходимостью, так как одно и то же произведение в разных переводах как бы звучит по-разному. В этом особую роль играет историческое время. Если после первого перевода прошло много времени, произошли определенные изменения в лексике языка и вкусах читателей, то появляется второй перевод. Иногда появление второго перевода зависит от любви переводчика к произведению и его автору. Как раз такое случилось у нас в Азербайджане.

Будучи тогда заведующим кафедры Литературы тюркских народов Бакинского государственного университета, по долгу службы, я всегда думал о путях решения некоторых насущных вопросов, связанных с учебниками и произведениями наших виднейших поэтов и писателей тюркского мира таких как Махмуд Кашгари, Юсуф Баласагуни, Навои, Бабур, Султан Хусаин Байкара, Андалиб, Азади, Махтумкули, Молла Непес, Абдулла Тукай, Токтогул, Тодур Занет и др. Учебники, написанные в старые времена с точки зрения советского литературоведения и метода социалистического реализма, уже устарели и не отвечали требованиям. Произведения поэтов хотя бы на языке оригинала – отсутствовали в библиотеках, а переводов не было.

Начиная с 90-х годов, почти с первых же дней государственной независимости Азербайджана, я занимался переводом самых необходимых книг на родной язык. Первой такой книгой стала

«Огузлар» известного огузоведа, профессора Стамбульского университета Фарука Сумера. Ведь в советское время не было возможности изучать свою историю, свое прошлое. За ней последовала книга «Тюркская мифология» профессора Бахаддина Огеля. В советское время официальная Москва игнорировала некоторые реалии, тем более мифологию. Одной из важных книг из этой серии была «Кутадгу Билиг», первая тюркская поэма великого мыслителя и государственного деятеля караханидского периода Юсуфа Баласагунского. Чуть позже я занимался изучением этого памятника, написав монографию и диссертацию. Самой вершиной этой деятельности стало появление на азербайджанском языке перевода знаменитой книги «Дивану лугат-ит-тюрк» Махмуда Кашгарского в 4-х томах…

Перед азербайджанской филологии стоял вопрос перевода, составления и издания антологий братских литератур. Первым делом я попросил своего друга, известного узбекского литературоведа и ученого Бабахана М.Шарифа составить антологию узбекской поэзии XX века. В 2009 году антология увидела свет. В ней были биографии и стихи 50-ти поэтов Узбекистана; начиная от классиков (Чолпан, Элбек, Бату, Гафур Гулам, Максуд Шайхзаде, Зульфия, Рауф Парфи и др.), до современных поэтов (Икбал Мирза, Хуршид Даврон, Хосиет Рустамова и др.). Спустя несколько лет я подготовил такую же антологию по туркменской поэзии, перевел на азербайджанский язык антологию турецкой литературы в 2-х томах.

В повестке дня стоял перевод произведений отдельных поэтов. Среди них особое место занимали представители узбекской литературы. Как известно, узбекская литература одна из самых древних и богатых литератур не только тюркских народов, но и всего мира.

И сколько блестящих поэтов, ярких личностей у этого одаренного народа!

Творчество великого Бабура манило меня. Дело в том, что в отличие от гениального Навои, у него не одно произведение не было переведено на наш язык.

Первым делом я решил перевести его избранные произведения, (так и назвал книгу: «Seçilmiş əsərləri», Баку, МБМ, 2011, 328 стр.), куда вошли кабулский и индийский диваны поэта, то есть, газели, масневи, рубаи, туюги, кыта и бейты, один из лучших трактатов

Бабура «Etiqadiyyə», а так же перевод рисале его учителя и наставника Ходжа Убейдуллоха Ахрора - “Risaleyi-validiyyə”. Мною было написано обширное, в объеме 20 страниц, предисловие к книге, где была анализировано жизнь, творчество и личность поэта. В конце был включен большой словарь трудных слов, встречающихся в книге.

Научная и литературная общественность Азербайджана первую книгу Бабура встретила с большим одобрением, что вдохновляло меня на перевод другой, не менее важной, книги - «Бабурнаме». Перед началом работы у меня под рукой были «Бабурнаме» на узбекском языке, переводы на турецком, русском и немецком языках. В 2011 году в моем переводе два раза вышла из печати «Бабурнаме». Первое издание в объеме 432 стр.+32 стр. цветных миниатюр осуществил я сам, второе издание без миниатюр издал с готовых диапозитивов Институт Фольклора Академии Наук Азербайджана с моим предисловием, комментариями и примечаниями. Спустя почти полгода вышел из печати новый перевод «Бабурнаме», сделанный профессором Физули Баятом. Это было явлением бесконечной любви к великому мастеру слова. Сейчас в распоряжении у наших читателей и студентов два разных перевода. На экзаменационных билетах по предмету «История развития тюркской прозы» есть такие вопросы: переводы «Бабурнаме» на языки Европы и Азии, переводы «Бабурнаме» на азербайджанский язык, бабуриды и сефевиды, «Бабурнаме» как исторический источник и т.д.

Свой перевод в двух экземплярах я отправил покойному президенту Узбекистана Исламу Каримову. Как потом стало мне известно, он подарил лишний экземпляр Международному Фонду имени Бабура в Андижане, где была проведена презентация с участием советника президента, известного бабуроведа Хайриддина Султанова. Через некоторое время я был приглашен в Андижан в качестве лауреата международной премии имени Бабура.


Мною было написано несколько статей о великом Бабуре. Например, в Измире в журнале «Ege Güneşi» я издал статью на турецком языке о Бабуре, о его жизни и творчестве. Принял участие на международных симпозиумах в Андижане и Коджаэли (Турция), посвященных Бабуру и «Бабурнаме», читал доклады о гениальном поэте и правителе. Кроме них, посвятил одну главу Захуриддину

Мухаммеду Бабуру в своей книге «Очерки истории тюркских литератур».

Я продолжаю изучать, преподавать и пропагандировать творчество великого Бабура, ибо моя любовь к нему бесконечна.

ЗӘҺИРЕДДИН МҰХАММЕД БАБЫР

Ислам Жеменей,
Әл-Фараби атындағы Қазақ ұлттық университеті
«Тұран-Иран» ғылыми-зерттеу орталығының директоры,
профессор, филология ғылымдарының докторы.



Бабыр қатардағы патша, қолбасшы, ақын, жазушы болмаған. Ол асқан қабілетімен бірге адамдық қасиетімен де мол несібесін алғанын өмір жолынан көреміз. Бабырдай тұлғалы адамның жақсы болуы да үлкен киелілiктің белгісі. Өйткені сондай даңқа ие бола тұра шайтани нәпсіге берілмей адамдық пәк жанын тақуа мінезімен сақтай білу тек қана мықты сенім, имандылықтың арқасында мүмкін болады. Сол үшін Бабырдың жақсы адами қасиеттерімен де аты өшпейді. Бабырдың кешірімді, кең пейілді жан екендігін Мырза Қайдар Дұғлат пен оның әкесі Мұхаммед Үсейін мырзаға қатысты оқиғалардан білуге болады. Сондай оқиғаның бірі Кабулда Шаһбегім мен оның ұлы Мырза ханның Бабыр патшаға қарсы жасаған бүлікшілігіне қатысты. Бабыр патша «Бабырнама» еңбегінде Мұхаммед Үсейін мырза туралы өзіне қарсы сәтсіз аяқталған төңкерісіне байланысты: «Мұхаммед Үсейін Мырза опасыздық, сорақы іс жасап, сойқанды бүлік шығармақ болды. Әттең, мұны жексұрындық қылығы үшін сазайын тарттырып, қыл шылбырдан бұғау салып, өкіртіп, кескілеп тастаса сауап болар еді. Бірақ қол жіпсіз байланды, мұнымен қарға тамырлы жекжаттығымыз бар-ды! Ол менің туған нағашы апам Хуб Нигар ханымның күйеуі еді, одан ұл-қыз көріп отырған-ды, олар бөлелерім емес пе? Сол жекжаттық жағдайды ескеріп, Мұхаммед Үсейін мырзаны жазадан құтқарып, Хорасанға аттануға рұқсат еттім. Бұл – опасыз, адамгершілік ардан жұрдай пақыр, оған көрсеткен жақсылығымды, өлімнен құтқарғанымды ұмытып, мені ханға жамандап, арызданыпты; біраз уақыт өткеннен

соң хан оны өлтіріп, сазайын тарттырды» деп жазды. Міне осындай келеңсіз оқиғаларға қарамастан Мұхаммед Үсейін мырза қаза тапқан соң жетім болып қалған оның ұлы Мырза Қайдарды әкелік ілтипатпен Мырза ханның жанынан өз сарайына алдырып мейір құшағына ендіреді. Мырза Қайдар өзінің «Тарих-и Рашиди» атты еңбегінде сол бір тауқыметті жылдар жайында жазғанда Бабыр патша оны қалай қарсы алғандығын қандай қошемет көрсетіп, сөз айтқандығын: «Сен өмірдің қайғысын әпкемнің күйеуі азаппен өлгенде көрдің, әрі бауырларым мен ағайындарымның шейіт болғанын көріп, тауқыметін бастан өткердің, құдайға шүкір, міне аман-есен маған жеттің. Енді олардан айрылып қалдым деп мұңайма, орнын ауыстырар мен бармын. Олардың көрсететін мейір шапағатын енді мен көрсетемін. Бәлкім олардан да артығырақ жасармын» - деп жазыпты. Әрі қарай былай:«Сондан кейін ол мені еркелетіп, бауырына басқаны сондай жетімдік мұңы мен жоқшылық азабын мүлдем естен шығардым», – деп жазған. Бабырдың бұл бастамасы Мырза Қайдардың келешекте үлкен қолбасшы, тарихшы, қаламгер болып қалыптасуына негіз қалағандығы сөзсіз.

Қазақта «жақсыдан шарапат» деген сөз бар. Бабырдың жақсылығының шарапатынан Мырза Қайдардың тұлғалы адам болып тарих беттерінен орын алғандығын айта аламыз.

Жазба деректерге қарағанда қазақ тарихына қатысты «Бабырнама» еңбегін ойшыл-ақынымыз Абай Құнанбайұлы «Қазақтың қайдан шыққаны туралы» атты әңгімесінде пайдаланғанын білеміз. Сонда кейінгі жылдары Бабыр шығармаларын қазақ қаламгері мен ғалымдары жанама түрде дәнекер тіл арқылы пайдаланып келді. Тек қана 1990-1993 жылдары «Бабырнама» кітабының қазақша нұсқасы Байұзақ Қожабекұлының тәржімасы арқылы жарияланды. Ал, Мұхаммед Бабырдың басқа еңбектері әзірше қазақ тіліне тәржімаланған емес. Бұл да болса қазақ әдебиеті мен тарихы үшін сәтін күтіп тұрған келелі жұмыстардың бірі болып табылады.

Бабыр ірі тұлға ретінде саясат пен әдебиетте, парасатты сардар ретінде соғыс майдандарында көріне білді. Сондай-ақ адамзат тіршілігіне жасаған игілігі де сауда-саттық қатынастарға ұстанған саясатында да һәмде Кабулдағы табиғатқа силаған «Бабыр бағында» көрініс тапты. Дос-жарандарға да, ағайын-жекжатқа да барынша мейірлі болды. Жақын ағайындарының адамзатқа жат қылықтарын сынай да білді. Соның бірі өзінің немере ағасы Сұлтан Маһмұт мырзаның адамзатқа жат қылықтарын «Бабырнама» кітабында

бүркелемей-ақ сынайды. Ал өзінің бойын жамандықтан аулақ ұстап жүргені үшін де өзін кейде жалғыз сезініп, бір Алламен сырласуға жүгінеді. Сондықтан илаһи махаббатын сопылық сарындағы поэзиясына өзек ететін-ді. Сөйтіп бүкіл әлемге өзінің әйгілі «Бабырнама» еңбегімен бірге өлеңдер жинағы «Диуан», «Аруз рисаласы», «Мүбаиын» атты мәснәвиін ханәфи фиқһы негізінде жазып, Қожа Аһмет Аһрардың «Рисалейе Вәлидие» атты еңбегінде парсышадан түркі тіліне тәржімалап, мұра етіп қалдырды. Бұның бәрі Бабырдың өшпес дүниеуи және рухани өмірінің табысты жемісі екендігін айғақтайды. Міне осындай күрделі өмірдің аясында Ферғана перзенті бүкіл түркі әлемінің мақтанышы, адамзат қазынасының рухани мирасы болып қала бермек.

Мен «Бабыр қорының» Қазақстан Республикасындағы ресми өкілі ретінде Ауғаныстанның Мазар Шәріп қаласында Һедаиәолла Һедаиәт тарапынан 1387 (2008) жылы 555 бетпен жарық көрген «Бабырнама» еңбегінің түпнұсқалық нұсқасының кітабын толық қазақ тіліне аударып, академиялық басылым етіп биыл яғни 2022 жылдың сәуір-мамыр айында баспадан шығаруға дайындап жатырмын. Сондай-ақ «Бабырнама» кітабының сөздігі және түсініктемелерімен толықтырып келесі жылы яғни 2023 жылына ұлы ғалымның 550 жылдық мерей тойына әзірлеп жатырмын.

ЗАҲИРИДДИН БОБУР МИРЗО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИНИ ТАРҒИБОТ ҚИЛИШ БОРАСИДА ҚИРҒИЗИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ХУСУСИДА

Бегижон Аҳмедов,
Бобур номли халқаро жамоат фондининг Қирғизистон бўйича бўлим раҳбари. Тарихнавис адиб, Қирғизистон ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаларининг аъзоси. Бобур номидаги Андижон давлат университетининг фахрий профессори.

Халқаро миқёсда таниқли олим Зокиржон ҳожи ака Машрабов раҳбарлигида Бобур номли халқаро жамоат фондининг Бобур Мирзонинг нафақат Ўзбекистон, Афғонистон ва Ҳиндистон билан, балки Қирғизистон билан боғлиқ тарихий кашфиётлар очмоқда.

Фақатгина Бобур Мирзонинг ўзи билангина чекланиб қолмай, Ҳазрат Алишер Навоий, Лутфий, Бедил каби қатор буюк аждодларимиз тарихини изланиш бўйича кенг қамровли фаолият олиб бормоқда. Бобур Мирзонинг ҳамнафас, ҳамдаст саркардаларининг ҳаёти билан боғлиқ тарихий янгиликлар очиш фонд фаолиятининг яна бир таҳсинга сазовор қирраларидан бири бўлиб қолди.

Зокиржон ака Машрапов таъкидлаганларидай “қаерда, қандай бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид бойликлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа буюк аждодларимиз қолдирган маданий меросларҳам башарият мулки бўлиб, умуминсоний қадриятлардир”.

З.Машрабов катта обрўга эга жамоат арбоби сифатида Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасида маданий алоқалар, икки қардош халқлар ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида ҳам фаол ишларни амалга оширмоқдалар. Қирғизистонда ўтадиган илмий конференцияларда, дўстлик фестивали каби тадбирларга, таъзия маросимларигача қатнашиб, халқларни дўстликка, ҳамжиҳатликка чақирмоқдалар.

Хусусан, Бобур Мирзо ва Қирғизистон тарихи билан боғлиқ бўлган уч кашфиёт ва янгиликлар қуйидагилардан иборат:

1. Жалол-Обод вилоятидаги Сафед Булон қишлоғидаги Шоҳ Фозил мақбарасини Андижон ҳукмдори Умаршайх Мирзо эмас, айнан Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо сағана учун 350 тилло бериб, гумбаз ҳам қурдиргани аниқланди.

2. Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция Бобур Мирзонинг саркардаси, давлат арбоби ва ҳамдасти Хўжа Калон мақбарасининг Ўш шаҳрига яқин жойда топди.

3. Бобур Мирзонинг Ўш ва ҳозирги Қирғизистон ҳудудига сафарлари, Сулаймон тоғида қурдирган “Оқ уй” ҳужралари ҳақида батафсил маълумотлар йиғилди.

Бобур номли халқаро жамоат фондининг Қирғизистон бўлими ўз фаолиятини қуйидаги жиҳатларда амалга оширмоқда:

1. Халқаро ва худудий илмий-амалий конференциялар, адабий кечалар, конкурслар ўтказилмоқда. Жумладан, Бишкек шаҳрида икки бора Бобур Мирзо ва Алишер Навоий ҳазратларига бағишланган халқаро конференциялар уюштирилиб, унда 11 давлат вакиллари, маданият вазири, Ёзувчилар иттифоқининг раиси, элчиликларнинг раҳбарлари, ОАВ, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Бу йил Қирғизистонда Бобур Мирзо ва ҳазрат Навоийларга бағишланган уч катта илмий-амалий конференция ва адабий-бадиий кечалар Бишкек, Ўш ва Бозор-Қўрғон шаҳарларида 9, 12 ва 19 февраль кунлари ўтказилди. Бундан ташқари Қирғизистонда фаолият кўрсатаётган Бобур ва Навоийларнинг номи билан аталувчи 10та мактабларда бадиий кечалар бўлиб ўтди.

Қирғизистонда Бобур Мирзо ва Алишер Навоийларнинг ҳаётлари ва адабий-илмий мерослари ҳақида илмий-таҳлилий, оммабоп мақолаларни ўз ичига олган 3та китоб нашр қилдик. Масалан, ўзбек ва қирғиз тилларида каминанинг "Тафаккур бўстони", "Ойчулдар гулбағи" китоблари, Бобур номидаги Андижон давлат университетининг олимлари Боҳодиржон ва Замирахон Раҳмоновлар билан ҳаммуаллифликда ёзган "Эзгулик гулшани" илмий-методик қўлланмамизни Бишкекда нашр этдик.

"Ўш садоси", "Ахборот", "Жалол-Обод тонги", "Олам" газеталарида Бобур Мирзо, Алишер Навоий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби буюк шоирларга атаб мақолалар чоп этилмоқда.

Ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда, тарихимизнинг билимдони, маънавий ва маърифий етук, зиёли қилиб тарбиялашда бадиий адабиётнинг роли катталигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистондаги элчихонасига мурожаатимиз қаноатлантирилиб, икки бора 400 дан ортиқ бадиий китоблар Тошкентдан юборилди. Уларни Бобур ва Айтматов номли мактабларнинг кутубхоналарига тантанали топширдик.

Телекўрсатув ва радио эшиттиришлар орқали ўзбек маданияти ва адабий меросимиз тарғибот этилмоқда. Жумладан, Ўш шаҳридаги "Интимақ" ва "Нур" телеканалларида, Бишкек шаҳридаги Қирғиз Миллий телерадиокомпаниясининг ўзбек тилида тайёрланувчи "Дўстлик" радиоси орқали эшиттиришлар уюштириб, унда ҳам мумтоз адабиётимизнинг буюк намояндалари ҳақида баённома, таҳлилий дастурлар тайёрланмоқда.

Бу йилги иш режаларимизда тарихий қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш асосий ўринни эгаллаган. Халқаро фонд раиси Зокиржон ака Машрабовнинг раҳбарлигида Хўжа Калон мақбарасини тиклаш ва ободонлаштириш тарихий иш бўлади, деб қатъий ишонаман.

АБУЛФАТҲ НУРИДДИН МУҲАММАД ЖАҲОНГИРШОҲ ВА ИМОМ АЛ-РАББОНИЙНИНГ МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ

Дилором Салоҳий,
филология фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат Чет тиллар институти
Яқин шарқ тиллари кафедраси.

Аннотация

Мақолада Буюк Бобурийлар сулоласининг тўртинчи императори Нуриддин Жаҳонгиршоҳнинг нақшбандия тариқати шайхи Аҳмад Сирҳиндий билан биргаликда Ҳиндистонда олиб борган маърифий соҳадаги янгиликлари хақида фикрлар баён этилган.

Таянч иборалар: Абулфатҳ, “ўн икки дастур”, “дини илоҳий”, ислом, зардуштийлик, христианлик, шариат, тариқат, нақшбандия, ислоҳот.

Аннотация

В статье излагаются мнения о религиозных преобразованиях в Индии, проведенных четвертым императором династии Великих Бабуридов Нураддином Джахангиршахом под предводительством наставника тариката накшбандия Ахмадом Сирхинди.

Ключевые слова: Абульфатх, “двенадцать программ”, “дини илаахи”, ислам, зараастризм, христианство, шариат, тарикат, накшбандия, преобразования.

Дунё тамаддуни тарихида чуқур из қолдирган ва беш асрга яқин ҳукмронликда давом этган Буюк Бобурийлар Империясининг тўртинчи вакили, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг эвараси Султон Салим Баҳодир шу кунга қадар илмий адабиётларда таъкидланиб келинаётганидек, ҳаётини сархушлик ва маишатбозлик билан ўтказган, аёлларни ва турли кўнгилочар ўйинларни ёқтирадиган, салтанат имкониятларидан ўз ҳузур ҳаловати йўлидагина фойдаланган[4] шахс эмас эди. У ўз ҳукмронлиги (1605-1627) даврида Ҳиндистонда буюк темурийзода бобокалони асос солган маданий-маърифий тамаддунни

[4] Қаранг: История Востока. Т. III. Восток на рубеже средневековья и нового времени. XVI—XVIII вв. (главная редколлегия под председательством Р.Б. Рыбакова). — Москва: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2000. — С. 164.

янги бир йўналишда тараққий этиши учун имкон яратди ва ўзи ҳам бу жараёнда иштирок этди.

“Жаҳонгиршоҳ” номи билан тахтга чиққан Султон Салим Баҳодир ҳукмронлигининг биринчи йилларидаёқ барча улуғ подшоҳлар каби империяси ҳудудларини кенгайтиришни мақсад қилди. Унинг “Жаҳонгиршоҳ” фахрли лақаби ҳам айнан шу мазмун ва мақсад ифодаси сифатида берилган эди. Подшоҳ даврида империя таркибига 1614 йилда Мевар, 1620 йилда Аҳмаднагар, 1621 йилда Бижапур, Голконда ва Панжобнинг бир қисми қўшиб олинди. Шу зафарлари боисидан подшоҳ номига “Абулфатҳ” – “(ҳидоятга чақириш учун Ерларни) очувчиларнинг отаси”, “зафарлар отаси” куняси (мақтовли лақаб)и ҳам қўшиб айтиладиган бўлди. У давлат сиёсатини юритишда демократик тамойилларга таянишга мойил эди ва унинг бу хусусияти давлатни ҳинд рожалари билан келишиб идора қилишга хайрихоҳлик кўрсатишида намоён бўлади.

Жаҳонгиршоҳ отаси Акбар ўрнида Агра тахтига ўлтирар экан, унинг ҳукмронлиги даврида мамлакатда нисбий тинчлик-осойишталик ва сиёсий барқарорлик ҳукм сурди. У давлатни идора этиш юзасидан “Ўн икки дастур” эълон қилди. Унинг бу дастури бевосита Буюк Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида келтирилган ўн икки ижтимоий табақа вакиллари ва уларни бошқариш тактикаси, усуллари ҳақидаги маълумотларни ҳам қамраб олган эди. Подшоҳ эълон қилган бу дастурда жамият иқтисодий, маданий, маиший соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш назарда тутилган эди. Жумладан, деҳқонларга ношаръий солиқлар солиш, маҳаллий ҳокимлар томонидан савдогарларнинг молларини очиб кўришни манъ этиш ва савдогарлар фаолиятининг мамлакат ичкарисидаги дахлсизлигини таъминлаш, гуноҳ қилиб жазога тортилганларнинг қулоқ бурунларини кесишни манъ этиш, шароб ишлаб чиқаришни манъ этиш, жониворларни сўйиш учун маълум бир кунни белгилаб қўйишни манъ этиш, дунёга янги келган қиз болаларни ўлдиришни манъ қилиш, асосан Бенгалия вилоятида одатга кирган тўланмаган солиқ ҳисобига болаларни тортиб олишни қатъиян манъ этиш каби юксак инсонпарвар қарорлар қабул қилинган эди.

Подшоҳнинг бу инсонпарвар ички сиёсати унинг бой маънавий дунёқарашидан келиб чиққан бўлиб, бу бевосита буюк бобокалони Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ва бобоси Ҳумоюн Мирзо табиатларидаги юксак маданият ва инсоний фазилатлар, илм ва маърифат, инсонсеварлик хислатларининг ўзига хос такрори, ифодаси

эди. Жаҳонгиршоҳнинг буюк бобокалони Бобур Мирзо иқтидори ва қобилиятини мерос қилиб олганлиги унинг айнан бобокалони услубида ижод қилганлигидан ҳам далолат беради. Бобурийшоҳларнинг ҳаммалари шарқ мумтоз шеъриятда юксак иқтидор кўрсатиб ижод қилишган. Аммо, Жаҳонгиршоҳ табиатан ижодда ҳам, маданий ва маърифий соҳаларда ҳам айнан Бобур Мирзо фитрати, руҳиятига яқинлик намоён этган. Унинг ҳукмронлиги даврида шоҳ саройида тасвирий санъат турларидан ўша даврда энг замонавий саналган миниатюра санъати беқиёс даражада ривож топди. Подшоҳ эътибори ва марҳамати туфайли саройдаги мўйқалам соҳиблари, рассомлар бу мамлакатда илгари кўрилмаган даражадаги муваффақиятларга эришдилар. Бунинг натижасида бизгача Жаҳонгиршоҳнинг ҳаётлик пайтида чизилган бир неча портретлари етиб келган. Маълумки, миниатюра санъатидаги тарихийлик анъанаси тарихий шахсларнинг расмларини чизиш тажрибасига олиб келган эди. Ҳиндистонда Акбар даврида ҳам миниатюра санъати жуда ривожланиб кетган эди. Акбар саройи рассомлик мактаби вакиллари томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур портрети уни кўрган инсонлар хотиралари асосида чизилган эди. Отасининг бу санъатсеварлик ва меценатлик фаолиятини Жаҳонгиршоҳ янада ривожлантирди. Тасвирий санъатнинг юксак даражадаги ривожи бевосита меъморчиликка ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Жаҳонгиршоҳ даврида бир неча саройлар, мақбаралар барпо этилди. Отаси Акбаршоҳ мақбараси қурилди. Ушбу меъморчилик обидаларида тасвирий санъат усталарининг катта меҳнати ўз ифодасини топган. Жаҳонгиршоҳ кундаликларини ўрганган тарихчи олимларнинг маълумотларига кўра, баъзи обидалар безакларини ишлашни саройидаги машҳур рассомларга ўзи шахсан топширган.[5]

Жаҳонгиршоҳни ижодда буюк бобокалони Бобурга янада яқин қилган ҳодиса – унинг кундаликлари бўлмиш “Жаҳонгирнома” асаридир. Асар ўзининг ҳаётий лавҳаларга бой тасвир услуби, равон тили ва самимий ифода тарзи билан жаҳонга машҳур “Бобурнома” дан асло қолишмайди. Асар унинг муаллифи қизиқишлари ва дунёқарашининг кенглиги, турли соҳалардаги чуқур билими ва изланувчанликка мойиллигидан гувоҳлик беради. Жаҳонгиршоҳнинг бу каби маданий соҳалардаги ютуқлари, ислоҳотлари анча кенг доирани қамрайди ва ҳануз етарли даражада ўрганилмаган.

[5] Қаранг: Эдвард Терри, 1655 год. Путешествие в Восточную Индию.

Подшоҳнинг ўз жамияти маърифий онгини йўналтириш, янгилаш соҳасидаги ислоҳотлари ҳам махсус эътиборни талаб этади.

Жаҳонгиршоҳнинг Ҳиндистонда кучли маърифий ислоҳотлар амалга оширилишининг асосий сабабчиси бўлиши шу даврнинг йирик олими, исломдаги машҳур беш тариқат муршиди Аҳмад ал-Форуқи Сирҳиндий – Имом ал-Раббоний фаолияти билан боғлиқ.

Жаҳонгиршоҳнинг отаси Жалолиддин Акбар Бобурийлар империясининг қудрати, мустаҳкам сарҳадлари, бой маданияти ва мавқеини юксак мақомга кўтарган шахс сифатида тарих саҳифаларида қолди. Аммо бу подшоҳ мамлакатда диний соҳада ислоҳотлар ўтказишга киришиши биланоқ, ўзига қарши бўлган катта бир кучга рўбарў бўлди. Ислом шариатининг поклигини асраш йўлидаги ҳаракат бошида Имом ал-Раббоний номи билан машҳур бўлган шайх турар эди. Акбарнинг диний соҳадаги олиб борган ислоҳотлари адабиётларда анча кенг ёритилган. Унинг қисқача мазмуни шундан иборатки, 1582 йилда подшоҳ индуизм, зардуштийлик, қисман христианлик ва ислом шариатларини муштарак талқин этувчи “дини илоҳий” ни жамият ҳаётига жорий этади. Бу ғояни у ўзининг садоқатли вазири, машҳур тарихий шахс Абул Фазл билан биргаликда ишлаб чиқади. Янги дин шариатида ислом ақидаларини рад этувчи жуда кўп фатволар бор эди. Бу шароитда биринчи бўлиб Имом ал-Раббоний жамиятида юз берган ислом ақидаларининг йўқолиб кетишини олдини олиш учун курашга отланди ва император Акбар томонидан ишлаб чиқилиб, эълон қилинган янги – бир неча дин синтезидан иборат бўлган толерант бир диннинг ёйилишига қарши чиқди. У бу дин мазмуни ислом шариати ва маданиятига мутлақо мос келмаслигини ва ундан воз кечиш лозимлигини таъкидлаб, императорга мурожаат ёзди. Аммо Акбар унинг мурожаатини эътиборсиз қолдирди.

Акбар вафотидан кейин шайх ислом дини софлиги, Қуръон ва суннатга мукаммал амал қилиш лозимлигини таъкидлаб, ўзининг ҳамфикрлари ва муридлари билан фаол ҳаракат бошлайди. Аввалига Жаҳонгиршоҳ отасининг диний бағрикенглик мазмунидаги ғоялари мазмунига чуқур кирмайди ва пок ислом ҳимоячилари билан бўлган қаттиқ бир тўқнашувдан сўнг, Имом ал-Раббонийни Гвалор қалъасида ҳибс этади. Шайх икки йил бу қалъада қолади. Шу орада шайхнинг мурид ва шогирдлари, ҳамфикрлари катта куч бўлиб, салтанатга хавф туғдирадилар. Подшоҳ шайх билан холи суҳбат қилишни исташини, уни шахсий меҳмони сифатида икром қилмоқчи эканлигини маълум қилади. Аммо шайх подшоҳ ҳузурига ўзининг бир қатор талаблари баён

этилган мактубини юборади ва шу мактубдаги талабларнинг амалга оширилиши таъминлансагина, шоҳ қабулига боришини айтади. Мактуб мазмуни ва пири тариқат талаблари билан танишиб чиққан Жаҳонгиршоҳ олдига қўйилган масаланинг қанчалик жиддий эканлигини идрок этади ва шайхга ҳамфикр сифатида мамлакатда амалий ҳаракатларни бошлайди. Жаҳонгиршоҳ ва Имом ал-Раббоний мамлакатда анча кенг ёйилиб кетган динсизлик ва бидъатларга қарши курашишади. Подшоҳ диний раҳнамоси - қодирия, суҳравардия, чиштия, кубравия ва нақшбандия тариқатлари муршиди Имом ал-Раббоний кўрсатмалари ва таълими асосида бир қатор ислоҳотларни ўтказади. Бу ислоҳотлар асосан қуйидагилардан иборат эди:

- мамлакатда вайрон этилган барча масжидлар қайтадан қурилади ва жамоат ихтиёрига берилади;
- ислом шариати аҳкомлари бажарилишини назорат қилиш учун қози, муфти ва бошқа назоратчилар вазифаларига тикланадилар, бундай лавозимлар қайта жорий этилади;
- “Янги дин” номи остида жорий этилган ислом шариатида рад этилган барча қонунлар бекор қилинади, шариат қонунлари эса ҳаётга фаол тадбиқ ва тарғиб этила бошланади;
- пок эътиқод ҳимояси учун курашга чиққан ва шу сабабдан қамоқхоналарга солинган ёки бадарға этилган мўминлар озод қилинади ва юртларига қайтарилади;
- мусулмонлар юртида ғайридинлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳаётларининг хавфсизлиги, дахлсизлигини таъминлаш мақсадида жорий этилган жон бошига бериладиган жуда оз миқдордаги жизъя солиғи қайта жорий этилади;
- қорамол, хусусан сигирларни сўйишга рухсат берилади;
- император қаршисида ерга сажда қилиш манъ этилади ва б. бир қатор.

Бу ислоҳотлар диний ислоҳотлар бўлса-да, уларнинг чуқур маърифий аҳамияти ҳам мавжуд бўлиб, фақат муайян доирадаги суфийлар учун эмас, балки жамиятнинг барча онгли ва пок эътиқодли қатлами учун аҳамиятли эди. Бунинг моҳияти шундан иборатки, Имом Раббоний суфизмни жуда кенг доирада ёйган шайх эди. У шариат ва тариқат орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини, шариат умумий, тариқат хусусий жиҳатларга эга эканлигини баён этади. Унинг тушунтиришича, шариат – ислом қонунларига бўйсуниш, тариқат эса – аҳли сунна йўли, Суннани ҳурмат қилиш, Суннага тўлиқ бўйсуниш йўлидир. Ушбу фикрларини Шайх яна шундай асослайди: шариат уч қисмдан таркиб

топган, бу – илм, амал ва ихлос. Руҳий покланиш йўли (Тариқат) ва унинг маҳсули (Ҳақиқат) – Шариатнинг икки хизматчисидир, яъни булар – шариатнинг учинчи қисми бўлмиш ихлосни кучайтириш воситасидар. Тариқатнинг турли мақомларига кўтарилиш ва Ҳақиқат мақомига етишдан мақсад – ҳақиқий ихлосга эришиш бўлмоғи лозим.

Имом ал-Раббоний жамиятда ўзининг охирги тўхтаган мақоми – нақшбандия тариқатининг кенг ёйилиши учун хизмат қилди. Бу тариқат ижтимоий ҳаётга ғоят мослиги, юксак маданий шакл ва мазмунга эгалиги, умумбашарий моҳияти билан маърифатпарварларни ўзига жалб этди. Бу тариқат маърифатнинг энг яқин, беозор ва завқли руҳий камолот йўлини таклиф этиши билан аҳамиятли эди.

Тарихий манбаларда Жаҳонгиршоҳнинг бу тариқатга кирган ёки кирмаганлиги, муносабати ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Аммо шу нарса эътиборга моликки, подшоҳ ўзининг буюк бобокалони Бобур Мирзо расман кирган тариқатни мамлакатда ёйилишига хизмат қилиши, нақшбандия тариқатининг ислом оламида "Мужаддиди алфи соний", яъни "иккинчи минг йилликда диннинг янгиловчиси", деган фахрий номга сазовор бўлган йирик муршидини ўзининг ҳаммаслаги ва ҳамкорига айлантириши катта ҳодиса саналади.

Бобур Мирзонинг замондоши Ҳасанхожа Нисорий ўзининг "Музаккири аҳбоб" номли тазкирасида буюк подшоҳнинг Ҳиндистондан Самарқандга "Ҳазрати Махдумий мулло Хожагий Косонийга (қ.с.) бир бўлак олтин қўймасини ниёз тариқасида юбориб, ёнида ўзининг ушбу қитъасини ҳам шоҳид қилган»[6] лиги ҳақида хабар беради.

Воқеанинг тўлиқ тафсилоти Ҳазрат Махдуми Аъзам (қ.с.) нинг Бобур Мирзо юборган ҳадя муносабати билан ёзилган «Рисолаи Бобурия» асарида келтирилади.[7] Бу асар мазмунидан маълум бўлишича, Бобур Мирзо Самарқандда Хожа Аҳрори Валидан кейин нақшбандия тариқати пешвоси бўлган пирдан ўзини муридликка олишни сўрайди. Пир подшоҳнинг бу илтимосини мамнунлик билан қабул этади ва рисолада уни "мурид" деб расман эълон қилади.

Хулоса шундан иборатки, Буюк Бобурийлар сулоласининг биринчи императори Бобур Мирзо нақшбандия тариқатини Ҳиндистон ҳудудига ўзининг тимсолида, шу тариқат аъзоси сифатида олиб кирган бўлса, унинг учинчи авлоди бўлмиш император Жаҳонгиршоҳ бу

[6] Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб.-Тошкент:"Мерос", 1993. 53-б.

[7] Махдуми Аъзам Даҳбедий.Рисолаи Бобурия.Таржимон, сўзбоши ва тадқиқот муаллифи Комилхон Каттаев. - Самарқанд, 2015.

тариқатнинг бутун мамлакат бўйлаб ёйилиши соҳасида катта аҳамиятга молик янгиликларни жорий этди. Бунинг натижасида кейинги асрларда Ҳиндистон ва Покистондаги маърифий тафаккурнинг айнан шу тариқат асосларидаги юксак тараққиёти учун замин яратилди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Антонова К. А. Очерки общественных отношений и политического строя Могольской Индии времён Акбара (1556—1605) – Москва, 1952.
2. История Востока. Т. III. Восток на рубеже средневековья и нового времени. XVI—XVIII вв. — Москва: «Восточная литература» РАН, 2000.
3. Махдуми Аъзам Даҳбедий. Рисолаи Бобурия. - Самарқанд, 2015.
4. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. - Тошкент:”Мерос”, 1993.
5. Эдвард Терри, 1655 год. Путешествие в Восточную Индию.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ШАХСИЯТИ ВА АДАБИЙ ЭССЕ ИМКОНИЯТЛАРИ

Исроил Сулаймонов,
СамДУ Муттоз адабиёт тарихи кафедраси мудири, филология фанлари доктори.

Аннотация: Ушбу мақолада академик А.Қаюмовнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти” номли тадқиқоти таҳлил этилган. Унда муаллифнинг «Бобурнома»даги тарихий воқеалар ва фактлар асос бўлган ҳамда уни илҳомлантириб, бадиий-илмий асар яратишига сабаб бўлган жиҳатлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, “Бобурнома”, академик А.Қаюмов, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти, тарихий факт, бадиий талқин.

Аннотация: В статье анализируется исследование академика А.Каюмова «Творчество Захириддина Мухаммада Бабура», посвященное жизни и творчеству Захириддина Мухаммада Бабура. В нем описаны исторические события и факты в авторской «Бабур-

наме», а также аспекты, которые вдохновили его и привели к возникновению произведения искусства и науки.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммад Бабур, «Бабур-наме», академик А.Каюмов, творчество Захириддин Мухаммада Бабура, исторический факт, художественная интерпретация.

Resume: The article analyzes the research of academician A.Kayumov “Creativity of Zakhiriddin Muhammad Bobur, dedicated to the life and work of Zakhiriddin Muhammad Bobur. It describes historical events and facts in the author’s “Boburnoma”, as well as aspects that inspired him and led to the emergence of works of art and science.

Key words: Zakhiriddin Muhammad Bobur, “Boburnoma”, academician A.Kayumov, creativity of Zakhiriddin Muhammad Bobur, historical fact, artistic interpretation.

Кейинги йиллар ўзбек насрида эсселашув жараёни кечмоқда. Бу хусусиятни илмий мақолалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. А.Қаюмов, И.Ҳаққул, С.Олим ва бошқа адабиётшуносларнинг кейинги ўн йиллик мақолаларининг эссе жанрига тобора яқинлашаётганлиги бугунги адабий жараённинг табиий маҳсулидир. Академик А.Қаюмовнинг Бобур ижодиётига бағишланган асари шу жиҳатдан характерлидир. А.Қаюмов ушбу асарига ёзган сўзбошида мазкур битикларини рисола атайди. «Китобхонни зериктириб қўймаслик учун тасвир шакли бадиийлаштирилди», - деб изоҳ ҳам беради. Бизнингча, ушбу асарни эссе жанри талабларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда шундай аташ, маъқулроқ. Чунки эсседа ҳам илмий, бадиий, публицистик хусусиятлар шу тарзда уйғунлашади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига янгича талқинда, ҳам илмий, ҳам бадиият нуқтаи назаридан мурожаат қилган олим академик Азиз Қаюмов саналади. Бобур таржимаи ҳоли ва ижодини ўрганишда, асарларининг нашр этилишида, уларнинг дунё юзини кўришида, кенг оммага етиб боришида бу инсоннинг хизматлари бениҳоядир. Ушбу мақолада олимнинг сўнгги йилларда нашр этилган[8] тадқиқотига мурожаат қилинди. Бу тадқиқотни яратишда, муаллиф айтганидек, «Бобурнома»даги тарихий воқеалар

[8]Қаюмов А. Асарлар. 10-жилдлик, 5-жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. Тошкент, «Мумтоз сўз», 2009. – 303 Б.

ва фактлар асос бўлган ва уни илҳомлантириб, бадиий-илмий асарлар пайдо бўлишига сабаб бўлган.

А.Қаюмов «Бобурнома»дан конкрет тарихий воқеа ва фактларни мисол сифатида келтириб фикр билдирмайди. Бобур асарларини обдон ўрганган олим ўзининг асарларида булардан ўринли фойдаланади. Шу сабабдан ўқувчи улардан Бобур ҳаёти ва ижодининг кичик эпизодларигача аниқ, ҳаётий маълумотларни билиб олади.

А.Қаюмов асарининг «Зафар ва мағлубият» номли қисмида муаллиф айнан юқоридаги услуб – тарихий воқеларни илмий жиҳатдан умумлаштириб, уни бадиий талқин этади ва айтиш мумкинки, бу илмий умумлаштириш олимга давр воқеа-ҳодисаларини аниқ таҳлил қилиш, уни кези келганда бадиий тасвирлаш орқали мақсадга эришишни таъминлаганки, бу услуб ҳозирги бобуршуносликда, баён тарзи билан фақат Азиз Қаюмовгагина хос, десак хато бўлмайди. Албатта, олим услубига маълум даражада эргашиб, ўзларининг айрим тадқиқотларини, бадиаларини яратиш тажрибаси замондош бобуршуносларимиз, ёзувчиларимиз ижодида ҳам кузатилади, аммо уларнинг бирортаси ҳали бу қадар ихчамлик, илмий кўлам ва бадиий мукаммалликда академик А.Қаюмов даражасига етганлари йўқ, деб ўйлаймиз.

Асарининг «Зафар ва мағлубият» қисмида муаллиф шундай ёзади: «905 (1499-1500) йили Бобур Фарғонадаги ички курашлар давомида Андижон, Ахси, Ўшни қўлдан берди. Унинг аҳволи жуда танг бўлди. Шу пайт Самарқанд ҳокими Муҳаммад Мазид Тархон Бобурни Самарқанд вилояти ҳокимиятига чақирди. Бобур бу таклифни дарров қабул қилди. У Ахсига одам юбориб ўз ғанимлари билан сулҳ тузди ва шу йили зулқаъда ойида Фарғонадан Самарқандга йўл олди. Муҳаммад Мазид Тархон унинг истиқболига чиқди. Улар ҳали Самарқандга етганларича йўқ эдики, Самарқандни Шайбонийхон эгаллади, деган хабар келди. Бобур Кешга кетди. Бу ерда Муҳаммад Мазид Тархон Бобурни қолдириб, Ҳисорга, Хисравшоҳ хизматига ўтиб кетди»[9].

Муаллиф шунча тарихий далилларни келтирса-да, «Бобурнома»ни тилга олмайди. Ваҳоланки, бу тарихий фактлар айнан «Бобурнома»дан олинган. Ўша пайтдаги мавжуд сиёсий, ижтимоий ҳолатни тарихий фактлар асосида қисқа умумлаштириб,

[9]Қаюмов А. Асарлар, 212-213-б.

ўқувчига ўша давр сиёсий ҳолати, Самарқанд тахти учун кураш иштирокчилари ҳақида умумий маълумот бермоқда, холос. Бу ўринда муаллиф «Бобурнома»даги фактик маълумотларни келтирмасдан умумий маълумот бериш билан кифояланади. Ушбу матннинг давомида ҳам шу ақидасига содиқ қолиб, Бобурнинг ғолиблик ва мағлублик ҳолатини фақат шарҳ бериш орқали баён этади, холос. «Бобурнома»дан бирон бир иқтибос, парча келтирмайди. Бу услуб муаллифнинг шу асари учун қўллаган баён тарзи, тарихий воқеликни илмий-бадиий талқинда бериш услубидир. Юқоридаги матннинг давомини кўрадиган бўлсак: «Бобур ва унинг одамлари шаҳар ва вилоятдан маҳрум бўлиб, тентираб қолдилар. Баъзи навкарлар Бобурдан ажралиб ҳар тарафга кета бошладилар. Бобур ўзига содиқ қолган одамлар билан тоғлар оша яйловларга ўта Кўҳак дарёси бўйига етиб келди. Бу вақтда Бобурда икки юз қирқ кишигина қолган эди. Шу аскар билан Бобур 906 (1500) йили Самарқандга ҳужум қилиб, уни эгаллади. Шунда Бобур ўн тўққиз ёшда эди. Бу Бобур томонидан Самарқандни иккинчи қайта эгаллаши эди. Самарқанд аъёнлари Бобурга садоқат изҳор қилдилар... Атроф вилоятлардан Бобурга ёрдам учун қўшинлар кела бошлади. Бобур катта куч йиғиб, Сарипул деган жойда Шайбонийхон қўшини билан тўқнашди. Бу жангда Шайбонийхон қўшини устун чиқди. Бобур ўз одамлари билан шаҳарга кириб, дарвозаларни беркитди. Шайбонийхон Самарқандни қамал қилди. Бобур қўшини ва Самарқанд халқи қамалда оғир азобларни бошдан кечирдилар. Шаҳарда озиқ-овқат қолмади. Ҳеч қаердан ёрдам келмади. Бобурнинг баъзи лашкарбошилари ўз одамлари билан шаҳардан чиқиб қоча бошлади...»[10].

А.Қаюмов Бобур таржимаи ҳоли учун ўта муҳим бўлган бу тарихий фактдан фойдаланиб, турли даражадаги бадиий образларни яратишга муваффақ бўладики, бу тарихий фактлар бадиийлик касб этади, китобхонни муаллиф фикрига ҳамоҳанг тарзда кўҳна тарих воқеаларига ошно қилади: «899 (1494) йил. Сешанба, рамазон ойининг бешинчи куни. Шаҳар ҳовлиларида баҳоли қудрат ифтор тадорики. Шоҳи тўқувчи Мулла Алижоннинг ташқари ҳовлисидаги меҳмонхонада бугун ифтор учун кичик бир жамоа жам бўлган. Улар Қиёсий, Журъат, Асирий ва хонанда Соатхон. Бу жамоат ҳаммалари

[10]Қаюмов А. Асарлар, 212- 213-бет.

косиблар, аммо табъи назм аҳлига мансуб косиблар...»[11]. Бу парча А.Қаюмовнинг «Асарлар»ига киритилган «Кутилмаган янгилик» номли ҳикояси бўлиб, юқорида номлари келтирилган шахсларнинг барчаси муаллифнинг тафаккуридаги хаёлий, бадиий образларидир. Улар ҳақида «Бобурнома»нинг бирор бир ўрнида маълумот берилмайди.

Муаллиф бу суҳбатдошларнинг фикрини давом эттирар экан, уларнинг нутқида қадим андижонийларнинг шеваси яққол сезилиб туради. Бу билан муаллиф асарига ҳаётийлик ва ҳақонийлик бахш этиш мақсадида шундай йўл тутади: «Суҳбатдошлар туркий (эски ўзбек) тилида сўзлашар эдилар. Уларнинг талаффузи, ифода услуби жуда адабий эди. Бу фақат табъи назм эгаларига эмас, балки бутун Андижон халқига бир одат. Ҳар бир саводли хонадонда, бундай хонадонлар Андижонда кўп, кишилар Мир Алишер Навоийнинг шеърлари туркий тилнинг Андижон лаҳжасида ёзилганини қайд этар экан, бу билан ифтихор қилар эдилар: яна машҳур мусиқий устоди Хожа Юсуфнинг Андижондан эканини ғурур билан эслатардилар... Суҳбатдошларнинг илтимосига кўра, Сабрий ўзининг янги бир шеърини ўқиб берди. Бу Навоий ғазалига боғланган мухаммас эди. Асирий, Қиёсий, Журъат ҳам ўзларининг янги шеърларини ўқидилар[12]. Бу билан муаллиф Бобурнинг «Бобурнома»да Андижон ҳақида келтирган маълумотларига ишора қилади, гўё: «Эли туркдур. Шаҳри ва бозорида туркий билмас киши йўқдур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудки Ҳирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур»[13].

Бобурнинг Самарқанд ва Андижон орасида саргардон бўлиб юрган пайти. Мағлубликка яқин бу ҳолат Бобурга сиёсий бир хулосага келиш, кимни дўсту кимни душман эканлигини билолмай сарсон бўлган маҳали: «Дабусийда Боқи тархонни босиб Бухоро устига боришбтур. Ўротеппадин Бўрка яйлоғи йўли била Сангзорға келдук. Сангзор доруғаси қўрғонни берди. Қанбар Али чун туттуруб, олдируб келди, ани Сангзорда қўйуб, ўттик»[14].

[11]Юқоридаги асар, 208-б.
[12]Қаюмов А. Асарлар. 5-жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. Т.: Мумтоз сўз, 2009, 209-б.
[13]Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. Тошкент. Шарқ. 2002, 34-б. кейинги ўринларда ушбу манбадан олинган парчаларга асар номи ва саҳифаси қўйилади.
[14]«Бобурнома», 77-б.

А.Қаюмов ана шу тарихий воқелик ва далиллардан фойдаланган тарзда бадиий йўсинда Бобур ва беки Қосимбекнинг бадиий образини тўлдиришга ҳаракат қилади: «Сангзор дарёси қувнаб оқар эди. Сангзорнинг зилол сувлари тошдан тошга урилиб ўйнашаётган тўлқинлар билан тўла. Атрофдаги тоғлар кенг далалар бағрида дарё ёқалаб ҳорғин йўл босаётган одамлар ва отларга бепарво боқадилар. Уларнинг кетидан отлари ҳорғин қадам ташлайдилар. Отлар ҳам очликдан шундай толиққанларки, энди улар одамларни эмас, одамлар отларни ташимоқдалар.

– Фақат шукрона билан яшамоқ керак, - дейди Қосимбек ҳолдан тойган Бобурга, – энг муҳими ўлим хавфи ортда қолди. Дизакда Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой ҳокимлик қилади. У кўп инсофли ва мусулмонваш йигит. Кеча унга киши юборганман. Иншаоллоҳ у сизни лозим ҳурмат билан кутгисидур.

– Умидвормиз, - деди Бобур ғамгин жилмайиб, аммо мундин нари не бўлғусини ёлғиз Аллоҳу таолонинг ўзи билур.

– Мундин буён ҳам Тангри иноятига умид боғлаб, ўз ҳокимиятингизни барқарор этмоқ саъйингизда турингиз. Ёнингиздаги беклар ва йигитлар муҳим синовдан яхши ўтдилар. Уларга ҳамиша таянмоғингиз мумкин, - деди Қосимбек қавчин. Шу пайт узоқдан бир гуруҳ отлиқлар кўринди... Келаётган отлиқларнинг бошида Тоҳир дўлдой кўринди. Қосимбек уни дарҳол таниди ва буни Бобурга айтди... Шоҳона учрашув маросимининг барча қоидаларига биноан у Бобурни кутиб, Дизакка ўзи олиб кирди»[15].

А.Қаюмов «Бобурнома»да келтирилган тарихий шахслардан Хожа Калон ҳақида сўз юритади. У шахснинг Ҳиндистондаги фаолияти даврида Бобур билан бўлган муносабати, улар ўртасидаги воқеалар «Бобурнома»да ҳам батафсил берилган. Жумладан: «Хожа Калон чун Ҳинддин мутанаффир эди, борурида Деҳлининг уйининг иморатларининг томида бу байтнинг битибурким:

Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,

Сияҳрўй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам*.

Биз Ҳиндистонда туруб бундай зарофатомиз байт айтмоқ ва битмоқ бесуратдир. Кетмакдин бир кудурат бўлса бу навъ зарофаттин икки кудуратдур, мен даҳи бир рубоий айтиб битиб юбордим:

[15]Қаюмов А. Асарлар. 5-жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. Т.: Мумтоз сўз, 2009, 214-б.

*Мазмуни: Агар соғ-саломат Ҳинддан ўтиб кетсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам юзим қаро бўлсин.

Юз шукр де, Бобурки, кариму ғаффор,
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиғлиғига гар сенга йўқдур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор»[16].

Мазкур парчада ифодаланган Бобур ва бошқа тарихий шахслар тасвиридан муаллиф бадиий образ яратади, тарихийликни бадиийликка айлантиради: «Бобур Кобулға совғаларни элтмоқни Хожа Калонға топширди. Унинг қўшини қалин бўлганлиги учун Ғазна, Гардиз, Султон Масъудий ҳазорани, Ҳиндистондаги Кўҳром парганасини Хожа Калонга берди... А.Қаюмовнинг «Бобурнома»да мавжуд бўлмаган бу маълумотларни келтиришдан мақсади – Бобурнинг Хожа Калонга шунчалик ҳиммат кўрсатиб Афғонистон, Ҳиндистонда улкан шаҳарлар ҳадя этса-да, у Бобурга қарши иш қилади, унинг давлатдорлигига маънавий зиён етказади, ношукурлик қилади: «...Орадан уч-тўрт кун ўтди. Яна Аградаги дарахтзор. Унинг бағридаги салқин йўлакда Бобур ва унинг мўйсафид арбоби сайр қилиб суҳбат тутмоқдалар. Бобур ўзининг узоқ йиллар синалган дўсти Хожа Калоннинг кетмоқ қароридан хафа. Энг яқин дўстлар ҳам, вақти келиб ўзликни дўстликдан устун қўядилар. Кун аста-секин муҳитга чўкмоқда. Осмон юзасини қоронғулик тумани қоплаш вақти яқинлашмоқда.

Бобур ўз суҳбатдошига деди:

– Хожа Калон Ҳиндан мутанаффир эди. Унинг кетар чоғи уйининг деворига ёзган байтини эшитдингизми?

– Йўқ, тақсирим.

– Бўлмаса мана ўқингиз.

Бобур қўйнидан бир қоғоз олиб суҳбатдошига узатди.

Мўйсафид киши подшоҳнинг қўлидан қоғозни одоб билан олди ва уни кўзига яқинлаштириб, ўқиди:

Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,
Сияҳрўй шавам гар ҳавои Ҳинд кунам.

Қофияни хуб туширган. Эҳтимол, юзи қоралигидан тавба қилаётгандир, - деди муйсафид киши, бу шеърдан туғиладиган ёқимсиз таассуротни юмшатмоқ мақсадида.

– Йўқ, деди Бобур қатъий равишда, - бу байт Хожа Калоннинг юзи қоралигига иқроридир. Чунки, давом этди ўз фикрини шарҳ этиб, – биз Ҳиндистонда туриб, мундоқ зарофатомез байт айтмоқ ва

[16]«Бобурнома, 210-б.

битмоқ кўринмаган бир ҳол. Кетмоғидан бизга оғирлик бўлди, бу хил зарофатдан икки бор малол етди»[17].

Бу ўринда Бобур тарихий шахс бўлса-да, Мўйсафид тўқима образ бўлиб Бобур бадиий образини тўлдиришга, муаллифнинг ушбу «Бобурнома»да келтирган рубоийсидаги мақсадни очишга хизмат қилмоқда. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу рубоий таҳлилида А.Қаюмов ижодкор адиб эмас, балки адабиётшунос олим сифатида фикр юритади.

«Бобурнома»да Нўён Кўкалдош ҳақида келтирилган тарихий маълумотни А.Қаюмов асарида берилиши ҳолатига эътибор қаратсак: «Бобур ўз кишилари билан Пискентга келган пайти бир фожиа юз берган эди... Бобур Самарқанд ҳокимиятини эгаллаганда Мўмин унинг ҳузурига келган эди. Аммо бу қилиғи совуқ, ёқимсиз одам Бобурга ёқмади. Унинг ғийбат гапларни кўп гапириши, қўлидан бир иш келмагани ҳолда ўзгаларни қилган яхши ишларини ўзиники қилиб кўрсатишга уринмоғи дарҳол билиниб қолди. Бобурнинг садоқатли одамларидан бири Нўён Кўкалдош Мўминнинг ярамас ишлари тўғрисида Бобурни мутаассил хабардор этиб турган эди»[18], - деб бадиий манзара яратган муаллиф ушбу сирли фожианинг асл илдизини аниқлашга ҳаракат қилади. Бу шубҳали ўлимнинг асосий ташкилотчиси Пискент ҳокимининг укаси Мўмин деган қатъий хулосага келади.

А.Қаюмов ушбу тарихий ҳақиқатни холисона изоҳлайди, воқеликка ўзининг муносабатини билдиради. Бу воқеага алоқадор тарихий шахсларнинг бадиий тасвирини бериб, улар яшаган даврдаги сиёсий жараёнлар, уларнинг Бобур билан боғлиқ томонларини таҳлил этишга ҳаракат қилади. Бу муаллифнинг ўзига хос услуби – тарихий воқеаларни илмий шарҳлаш, уларни умумлаштирган ҳолда тасвирлаб беришдан иборат. А.Қаюмов тасвирига эътибор берсак, биринчидан, ушбу саҳна «Шубҳали ўлим», деб номланишиданоқ маълум бўладики, муаллиф тарихий фактларга таяниб, уни бадиий тасвирлашга киришади: «Садоқатли сипоҳи ва дўсти Нўён Кўкалдошнинг бу шубҳали ўлими ёш Бобурга қаттиқ таъсир қилди. Мўминнинг қилғиликларини текшириш ва ҳақиқатни аниқлашнинг вақти эмас, бунга имконият ҳам йўқ эди. Шунинг учун аламини ўзидан олиб ёш йигит узун қиш кечалари юм-

[17]Қаюмов А. Асарлар, 244-245-б.
[18]Қаюмов А. Асарлар, 216-б.

юм йиғлаб чиқар эди. Бир ҳафта-ўн кунгача шу аҳвол давом этди. Ниҳоят Бобур ўзини қўлга олди...»[19]. Муаллиф Бобур бадиий образини умумлаштирган тарзда воқеаларни илмий таҳлил этади ва мазкур воқеа мазмунини илмий баён услубида тугатади. Шу билан бирга, муаллиф Бобурнинг содиқ дўсти Нўён Кўкалдошнинг вафоти Бобурнинг маънавий мағлублик пайтига тўғри келишини бадиий тарзда, чиройли тасвирлар билан баён этади. Бобурнинг рақиблари уни мағлуб этиш, маънавий руҳий зарба бериш мақсадида унинг яқин кишиларидан жудо қилишини Бобур тақдирида жуда кўп бор кузатамиз. Шу каби тақдир синовларида тобланган Бобур ўзининг буюк мақсадлари сари дадил одимлайверди, бу каби синовлар унинг зоҳирини, руҳиятини чиниқтириб, унинг ҳаёт ҳақидаги, инсонлар ҳақидаги қарашларини шакллантирди: «Бобур ҳаётнинг аччиқ ва чучукларидан бир қисмини татиди. Андижон ва Самарқанд тахтида ғоз ўлтирди, ғалаба жомидан кайф қилди. Сўнг мағлубият заҳарини тотди; очлик, қувғин, хиёнат найзаларидан жароҳатланди»[20]. Бобур ёш бўлса-да ҳаётнинг кўп синовларини бошидан кечирди, гоҳида ғалабадан масрур бўлган, ундан сархуш лаҳзаларни кўрган бўлса, баъзида мағлублик аламини ҳам тотиб кўрди, ҳаётнинг нақадар бешафқат ва бебақолигини тушуниб етди. Ёш бўлишига қарамай, Бобур дунёнинг ўткинчи ҳою ҳаваслари, шоҳлик миннати ва инсонларнинг ўзаро муносабатлари хусусида бир қарорга келди. Шу лаҳзаларни хаёлидан кечираётган Бобур Андижон ва Самарқанд ўртасида сарсон-саргардон кезган, ҳеч кимдан на яқин қариндошларидан, на дўст биродарларидан ёрдам бўлмай афтода ҳолда юрган дамларида Оббурдан атрофидаги бир булоқ бошига келади. Бошидан ўтган воқеаларни эсларкан, шу булоқ бошида Саъдийнинг «Бўстон»идаги байтлар хаёлидан ўтиб, уни ўша булоқ бўйидаги бир тошга ёзиб қўйишга қарор қилади. Мана ўша байт:

Шунидамки, Жамшеди фаррухсиришт,
Ба сарчашмае бар санге навишт:
«Бар ин чашма чун мо басе дам заданд,
Бирафтанд то чашм барҳам заданд.
Гирифтем олам бо мардию зўр,
Валекин набурдем бо худ ба гўр»[21]

[19]Қаюмов А. Асарлар, 217-б.
[20]Ўша асар, 220-б.
[21]«Бобурнома», 88-б.

Ҳаррару Бобур 917.

Мазмуни:

Эшитганим борки, Жамшеддек номдор,
Бошбулоқ тошига ёздирди ёдгор:
«Бу булоқ бошида кўплар тин олди,
Кўз юмиб очгунча йитди-йўқолди.
Мардлигу зўрлик-ла жаҳонни олдик
Лекин қабристонга қуруқ йўл солдик»

Мен Бобур ёздим 1511-12.

Бу сатрлардан англаш мумкинки, ёш Бобур форс тилини мукаммал билган ва Шарқ мумтоз адабиётидан яхши хабардор бўлган. Унинг бу каби фалсафий мазмундаги байтлар ёздиришининг боиси, юқорида айтганимиз, бир тарафдан дўсти Нўён Кўкалдошнинг ўлимини унутолмаётган бўлса, иккинчи томондан унинг маънавий мағлубияти умидсизлик туйғуларини уйғотган эди. Юқоридаги байтлар мазмунига эътибор берсак, у дунёнинг ярмини эгаллаган Искандар Зулқарнайн ўлгандан кейин қўлини тобутдан чиқариб қўйишини васият қилган фалсафий фикрларга ҳамоҳанг келади. Бобур бу вақтда гарчи ҳеч нарсаси йўқ, на мол мулки, на борар жойи бўлмай туриб бу мазмундаги байтни ёздириши унинг ҳаётий хулосалари натижасидир десак, янглишмаймиз. Балки шу лаҳзаларда Бобур шоҳлик миннатидан дарвешлик қисматини афзал кўрган бўлиши ҳам мумкин. Сабаби у кейинчалик барча нарсага – ҳисобсиз мол мулкка, чексиз ҳудудга эга давлатга эришган пайтларида ҳам ўзини дарвешона тутгани уни ҳаётида юз берган шу каби синовлар, ўзидан олдин ўтган ҳукмдорларнинг қисмати бир умр сабоқ бўлган бўлиши, эҳтимол. Шунингдек, Бобур инсондан фақат яхши ном, эзгу ишларгина мерос қолиши лозимлигини англаб етади, гўё Алишер Навоий айтган:

Бу гулшан ичраки йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.
тарзидаги фикрларига монанд йўл тутади.

Хуллас, ушбу вазиятдаги ҳолати ҳақида «Бобурнома»да маълумот берган Бобур ўзининг қуйидаги байтини келтириб, «Бу матлаъни ўшул айёмда айтиб эрдим», - дейди:

Такаллуф ҳар неча суратта бўлса ондин ортуқсен,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен[22].

[22]«Бобурнома», 88-б.

Хулоса ўрнида айтсак, ушбу мақолада «Бобурнома» асосида яратилган асар таҳлили орқали қўйилган масала тадқиқ этилди. Унда муаллиф ўзининг дунёқараши, бадиий маҳорати ва тасвирлаш услубидан келиб чиққан ҳолда «Бобурнома»га мурожаат этгани ўрганилди. Муҳими, «Бобурнома»га мурожаат қилар экан, муаллиф унинг энг характерли, Бобур шахсиятини очиб берувчи, унга бевосита дахлдор бўлган воқеликларга эътибор қаратади. А.Қаюмов асарида бадиий концепция тарихийлик асосига қурилади, тарихий шахсларнинг бадиий образини яратишда профессионал ёндашади, деб бемалол айтиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. Тошкент. Шарқ. 2002. – 336 Б.

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент: Шарқ, 2014. – 744 Б.

3. Хайриддин Султон. Бобурийнома. Тошкент: Маънавият, 2019. – 463 Б.

4. Қаюмов А. Асарлар. 10-жилдлик, 5-жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. Тошкент, «Мумтоз сўз», 2009. – 303 Б.

БОБУР ИЖОДИДА НАЗМ ВА НАВО

Оқилхон Иброҳимов,
санъатшунослик фанлари доктори,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти профессори.

Аннотация: Адолатли подшоҳ, улуғ шоир ва ноёб мусиқий истеъдод соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг серқирра ижоди билан ўзбек шеърияти баробарида миллий мақом санъати ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўшган эди. Мир Алишер Навоийнинг муносиб издоши ўлароқ мусиқа илми ва амалиётини мукаммал эгаллаган Темурий шаҳзода санъат аҳлини мудом қўллаб-қувватлади, сарой маданиятида мумтоз мақомларни ривожлантириш борасида муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Унинг бу борадаги фаолияти ва ижодий мероси бугунги ўзбек миллий мусиқаси ва унинг ривожида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Калит сўзлар: Бобур, мақом, савт, мўғулча, рисола, адвор, усул, Фарғона-Тошкент мақом йўллари.

Улуғ Соҳибқирон давридан келаётган илғор сарой маданий анъаналарини қадрлаган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бутун умри давомида санъат аҳлига эҳтиромли бўлди, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берди. Айни вақтда, нозик таъб Темурий шаҳзоданинг кўнгил даврасини безаганлар ҳам санъаткорлар эди. Бобожон, Руҳдам, Қосим Али, Юсуф Али, Тангриқули, Рамазон каби созанда ва хонандалар шулар жумласидандир.

Айни вақтда, "мусиқа ва ўзга санъатларни ғоятда нозик идрок этган" Бобур Мирзо ўзининг ноёб истеъдод қирраларини шеърият билан бирга мақом санъатида ҳам намоён этишга фурсат топган, аруз ва мусиқа илмлари бобида махсус рисолалар битган [1, 50; 2, 261; 3, 15]. Бу ўринда арузга доир рисоласида Рудакий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Аттор, Ҳайдар Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Камол Хўжандий, Абдуллоҳ Ҳотифий ва яна кўплаб шоирлар ижодидан таҳлилларга мувофиқ келтирилган шеър намуналари ҳамда "Бобурнома"да тилга олинган Хожа Абдулло Марварий, Қул Муҳаммад Удий, Шайх Нойий, Юсуф Али, Мулло Ёрак, Шоҳқули Ғижжакий, Ҳусайн Удий, Мавлоно Шиҳоб Муаммоий, Фахриддин Қўбизчи каби мусиқа устозларига берилган холис ва лўнда тавсифлар – эътиборга сазовордир.

Бобур Мирзо ижодига мансуб шеърият ва мусиқа намуналарида ўзаро узвийлик борки, бу ҳол шеърият ва мусиқанинг эгизак янглиғ сифатлари, мумтоз жабҳада эса, кўп жиҳатдан умумий аруз вазнлари билан тавсифланади. Зотан, назмда қалам тебратган даврнинг аксарият ҳукмдору шоирлари мусиқадан, мусиқа аҳли эса шеъриятдан яхши хабардор эди. Абдулқодир Мароғий, Мирзо Улуғбек, Мавлоно Соҳиб Балхий, Хожа Юсуф Бурҳон, Ҳофиз Басир, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Паҳлавон Муҳаммад, Камолиддин Биноий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва яна кўплаб буюк сиймолар фаолияти бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мумтоз шеъриятда ўша даврда машҳур Ўн икки мақом номлари зоҳир ва ботин маъноларда кенг қўлланган ҳамда бу борада Ҳазрат Навоий ижоди барчага юксак намуна эди. Жумладан, Ҳазрат Навоийнинг "Рост" мақомининг атамаси битилган

қуйидаги байти мазмунига ўхшаш шеърий мисралар Бобур ижодида ҳам учрайди:

“Қадди ҳажринда тортсанг нола,
“Рост” оҳанги, эй Навоий туз”.

“Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,
Бир навое Рост қил мундоқ мақоминг борида”.

Мақом ижрочилигида “созлар келинчаги” (Дарвиш Али Чангий) таърифини олган чанг чолғуси алоҳида нуфузли ўрин тутган. Ҳазрат Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонидаги беназир санъаткор сиймоси бўлган Дилором эса афсонавий самовий созанда – (чангчи) Зуҳра сайёрасининг ер юзидаги тимсоли ўлароқ талқин этилади:

Чангини қўлға олиб айлади соз,
Чанг ила нағма айлади оғоз.

Нағма ул навъ ошкор этти
Ким эшитгач шаҳ ўзидин кетти.

Бобур ижодида ҳам чанг чолғусидаги таъриф гўзал ёр тимсоли билан уйғунликда бирга келади:

Телба кўнглумким, сенинг чангингдадур, ёд айлагил,
Бир навозиш бирла кўнглумни менинг шод айлагил!

Ишрат ичра ҳар қачонким, чанг олсанг илгинга,
Фурқатингда қолгон эгри қоматим ёд айлагил.

Соз айлаб бир нишотангез чанг, эй дилрабо,
Бенаво кўнглумни ғам чангидин озод айлагил.

Мажлис ичра чанг бирла тортиб овоз, эй пари,
Сабру ҳушим жузву авроқини барбод айлагил!

Чангда ҳар кун чолур ёринг чу йўқтур, Бобуро,
Ерга бош чалмоқ била ўзунгни муътод айлагил.

Заҳириддин Бобур ижодида Ҳазрат Навоийга муносиб издошликни яна бир жабҳада кўрамиз. “Маълумки, Навоийнинг ўзи мусиқа соҳасида ҳам юксак истеъдод эгаси эди. Унинг қаламига мансуб ҳар бир шеърий асар, шунинг учун ҳам, мусиқийлиги билан

ажралиб туради ва ашула йўлларига осонликча тушади”,– деб ёзган эди устоз Исҳоқ Ражабов [4, 412]. Бу каби ҳолат Бобур Мирзо ижодига ҳам хосдир. Қолаверса, Темурий шаҳзода ғазал мулкининг султони илгари сурган аруз илмининг муносиб давомчиси ҳам эди: “Заҳириддин Бобур, ўзбек тили фонетик нормалари ва араб, форс-тожик аруз системасининг негизи асосида Навоий “Мезонул-авзон”ида ишлаб чиқилган, ўзбек арузи қонун-қоидаларининг илмий назарий талабларга ҳар томонлама жавоб бера оладиган даражадаги назм низомини яратди” [5, 13].

Иттифоқо, мақом санъати ва мумтоз шеъриятнинг ўзаро уйғунлиги ва шу аснодаги равнақи эътиборли бўлган. Алалхусус, арузга яқин адвор илми асосидаги Ўн икки мақом тизими бастакорлар учун бебаҳо ижод манбаи ҳисобланган. Шунга кўра, ҳар бир мусиқа таснифотчиси муайян асар яратиши жараёнида ушбу тизимдан ўрин олган мукаммал парда ва куй тузилмаларидан андоза олиб, уларни турли шеърий вазн ва усулларга пайванд этган. Бадиий назиранинг мусиқадаги бир кўриниши бўлган бу ижодий жараёнда ҳар бир бастакорнинг истеъдод даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Адвор илмидан яхши хабардор Бобур Мирзо ҳам ушбу тизимга таянган ҳолда ўзининг ноёб мусиқий истеъдодини намоён қилиб турган: “Мулло Ёрак панжгоҳда мухаммас даврида боғлаған нақшини ўткарди. Яхши нақш боғлабтур. Неча маҳал эди, мундоқ нималарға машғуллуқ қилмайдур эдим. Бу тақриб ила “Чоргоҳ” савтини боғладим. Нечукким, маҳаллида мазкур бўлғусидир” [6, 271]. Дарвиш Али Чангийнинг мусиқага оид машҳур рисоласида Бобур Мирзонинг Рости Панжгоҳ мақомига сажъ боғлагани ҳақида маълумот келтирилади [7, 278].

Шунингдек, бизгача мақомлар таркибида етиб келган ва семантик мазмунида ҳарбийча интизомлашган мардонавор сиймони ифодаловчи Савт (Мўғулча) усули ҳам Бобур ижодига мансублиги тахмин қилинади. Зотан, Амир Соҳибқирон ва Темурийлар даври мусиқа ижодиётида усул омили ва бадиий ифодаси бениҳоя муҳим аҳамият касб этган. Бежиз эмаски, Темурийзодалар усулларнинг сабаб, ватад ва фосила асосларини яхши англаганлар, Мирзо Улуғбек ва Султон Ҳусайн Бойқаролар эса ноғора зарбларини амалий билганлари ҳолда янги усулларни ҳам ихтиро қилганлар [8, 95-101].

Бобур Мирзо Ҳиндистон заминида асос солган Буюк давлат (Буюк Бобурийлар сулоласи) саройида она юрт тароналари, шу

жумладан, Ахси саройи мақом анъаналари ижодий давом эттирилган эди. Хусусан, Бобурийлар давлатида фаолият кўрсатган олимлар – Рамаматиянинг “Сангит ратнакар” (“Мусиқа-уммон”) рисоласида (1550) келтирилган қиёсий жадвалда Фарғона-Тошкент мақомларига оид намуналар ўрин олгани, Муҳаммад Ғиёсиддин қаламига мансуб “Ғиёс-ул-луғат” (XVIII аср) қомусий асарида мақом шўъбалари қаторида “Фарғона” атамасининг келтирилиши – бу борада муҳим далиллардир [9. 61]. Янги шарт-шароитларда ривожу равнақ топган мақом намуналарининг айримлари кейинчалик (XIX аср охирига келиб) “Рок” ва “Мўғулча” номли шўъбалар тарзида Шашмақом туркумидан ўрин олгани ҳақиқатга яқиндир [10, 34-39].

Қолаверса, аруз вазнининг ўзбек шеъриятига мувофиқ қарийб барча ўлчов тизимларида шеърлар битган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой назмий мероси бугунги кунга қадар турфа айтим жанрлари (мақом шўъбаси, тарона, сувора, ашула ва б.)да кенг қўлланиб келинмоқда. Бинобарин, ҳозирги давр мусиқа маданиятимизда муҳим ўрин тутаётган, жаҳон тамаддунида эса нуфузи тобора ортиб бораётган салобатли мақом санъатининг юзага келишида улуғ аждодимизнинг ҳам ҳиссаси борлигини эътироф этиш – адолатдандир.

Адабиётлар

1. Низомиддинов Н.Ф. Ҳинд мумтоз мусиқаси ва миллий чолғулари. –Т.: ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи, 2008. –150 б.

2. Расулова Т.С. Джелал-ад-Дин Мухаммад Акбар. –Т.: Musiqa, 2013. – 351 б.

3. Виноградов В.С. Индийская рага.– М.:1976.

4. Ражабий Ҳ. Ражабийнома (Сулола қиссаси).–Т: Art press, 2016.– Б. 650.

5. Бобир, Заҳириддин Муҳаммад. Мухтасар. – Т.: Фан, 1971.–203б.

6. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т., Фан, 2019.–447 б.

7. Раджабов И.Р. Трактаты о музыке. Из Собрания Восточных рукописей АН РУз. – Т.: 2020.– 278 б.

8. Иброҳимов О. Соҳибқирон салтанатида ҳарбий мусиқа санъати. “Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти” Республика илмий-амалий конференция тўплами. –Т.: 2019, Б. 95-101.

9. Бриҳаспати Ачария. Мусулмонлар ва Ҳиндистон ярим ороли мусиқаси. Т.: 2009. –79 б.

10. Иброҳимов О. Бобур ва Бобурийлар саройи мақом анъаналари. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари” Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами.– Т.: 2020, 34-39.

БОБУРИЙ ЖАҲОНГИР – ТАБИАТ ОШИҒИ БЎЛГАН

Дилором Ёрматова,
ЎзДЖТУ профессори.

Отаси Буюк Акбар дунёдан ўтганидан сўнг шаҳзода Салим бир ҳафталик мотамдан сўнг 1605 йил 24 октябрида келажакда тарихчилар адашиб юрмасликлари учун Жаҳонгир исми билан Агра тахтига ўтирди, у Туркия подшоҳининг исми Салим II бўлгани учун ўзига бошқа ном танлади. Ўз фикри йўқ, даврнинг ички вазиятларини тўғри таҳлил қила олмаган тарихчилар, бу подшоҳ ҳақида турли хил салбий фикрларни ёзадилар, гўё у қарори йўқ, субутсиз, аёлларни яхши кўрган деб. Аслида Бобурийлар ичида энг қизиқарли шахслардан бири, ўта истеъдодли инсон шаҳзода Салим бўлган.

Албатта, бу инсонлар ўз даври учун сулоласига маъқул бўлган инсондир, аммо бугунги кунга унинг таърифи унчалик тўғри келмас. Бу ишнинг икки асосий сабаби бор, бири унинг таланти билан боғлиқ бўлса, иккинчиси унинг табиати билан боғлиқ эди. Биринчидан бу подшоҳ, худди буюк бобоси Шоҳ Бобур ёзиб қолдирганидай, ўзидан кундалик дафтар қолдирган, иккинчидан унинг шоҳлик даврида сарой рассомлари жуда катта ютуқларга эришдилар. Айниқса портрет соҳасида жуда катта ишлар қилинди, ушбу нарсалар салтанат эгасининг нақадар кенг қамровли ва ҳаёти реалистик воқеаларга бой эканлигини кўрсатади.

Тарихнинг ҳақиқатсизлиги шундаки, Шоҳ Бобур аслида ўша қўлёзмаси билан машҳур бўлган бўлса, аммо Жаҳонгирнинг кундаликлари одамларга номаълумдир. Шоҳ Бобур даврида бундай кундаликлар ёзиш одат эмасди, китобда жуда қизиқарли воқеалар тўғрисида маълумотлар келтирилган, аммо Жаҳонгирнинг кундаликлари ҳам тўғриси ўз қиммати жиҳатидан ундан кам эмас.

Шоҳ Бобурнинг биографияси ўз ёзуви билан акс эттирилган , орадан йиллар ўтгач эса Жаҳонгиршоҳнинг ёзувида ютуқлар бор, чунки у кунма кун ўзининг табиати, фан ва санъат ҳақида ўзи фикрларини ёзиб борган. У кундалик ҳаётда кўрганларини ҳаёт ҳақида жўшқин туйғулар билан бойитиб, таҳлил қилиб, уни қайта тасвирлашни хоҳлаб яшади. Ушбу фикрлар унга нисбатан инсонда меҳрли муносабатлар пайдо қилади, қачонки унинг кундаликларини ўқир экансан, муаллифнинг умидлари ва қайғуларига шерик бўласан.

Жаҳонгир 1569 йили туғилган, Буюк Акбарнинг учинчи ўғли бўлиб, онасининг исми Мариям уз-Замони (1542—1623), Бхармал рожаси Дхундхаранинг қизи бўлган.

Менинг ўйлашимча, биргина мисол бу кундаликнинг ўзига тортишини англатадики: бир тарих бир неча ойлар давомида узилиб ва тўхтаб ҳар хил варақлардан олиниб баён қилинган. Икки дона турна бир вақтлар кимдир томонидан тутиб келинган, улар беш йил давомида қушларнинг кичкинагина қафаси бўлиб, доимо шоҳ Жаҳонгирнинг ёнида бўлдилар. Қушларга қарайдиган шоҳ Жаҳонгирни қули қушларга “Лайли ва Мажнун” деб, лақаб қўйган бўлади ва бир куни подшога эндиликда уларнинг кўпайишини маълум қилади. Чунки қул уларнинг севги ўйинини томоша қилганини айтади.

Бу гапни эшитган шоҳ Жаҳонгир қулга турналарнинг севги ўйинларига алоқадор ҳаракат бошланса уни дарҳол хабардор қилишини буюрди. Бир куни тонг саҳарда Жаҳонгирнинг қафас томон югуришига тўғри келади. Турналарнинг ўйинини кўрган подшо шундай деб ўз кундалигида ёзиб қолдиради. Император ўз кўрганларидан кейин энди бу турнанинг тухум қўйишини ва жўжалар чиқишни кутади. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг қушлар уя қуришади ва она турна икки дона тухум қўяди.

Шоҳ Жаҳонгир ўз ёзувларида қушлар тухумни навбат билан босиб ўтиришларини, баъзан улар тухумнинг елкасига тумшуқлари билан уриб текшириб кўришларини баён этади. Негадир Император кейинги пайтларда қушларнинг узоқроқ тухумни босиб ўтираётганини пайқаб қолади, шу кунларда кунлар ёмғирли бўлиб анча салқинлашган эди, бундан ўзига хос хулоса чиқарган Жаҳонгир уларнинг қафасини совуқдан ҳимоя қилиб, қафасга салқин ҳаво кириш йўлларини ёптиради. Шоҳ Жаҳонгирнинг

қувончига кўра, икки тухумдан ҳам турна жўжалари очиб чиқишади. Биринчи тухумдан ўттиз бешинчи куни, иккинчи тухумдан ўттиз еттинчи куни жўжалар чиқади, уларнинг ҳар бири бир ойлик товус жўжаларидай келарди.

Турналарнинг онаси болаларни хас ва чигирткалар билан боқарди. Жўжалар яхшигина ўсиб катта бўла бошладилар, аммо катта эркак турна болаларни тумшуғи билан кўтара бошлагандан сўнг, уни алоҳида қафасга олишга Жаҳонгир буйруқ беради. Икки қафасга бўлинган турналар бир-бирлари билан қийқиришиб хабарлашардилар. Турналарнинг бу овозлари бошқа турналарни ҳам шу жойга чақирди, бир вақт яна бир дона турнани тутиб оладилар, шунда Жаҳонгир бу турнани оёғига ҳалқа кийгизиб учириб юборди.

Кундаликда мана шундай эътиборга лойиқ бўлган қизиқарли ҳодисалар баён қилинган, ҳар бир варақда бизга намуна бўладиган ва бир-биридан қизиқроқ ёзилган. Ерга ҳозиргина тушган иссиқ метеоритни топиб олганидан сўнг Жаҳонгир ўзининг қиличига метеоритдан қўшимча қўшиб ясашларини таклиф қилади. Бундан ташқари шоҳ Жаҳонгир қушларнинг нафас олишини ўрганиш учун уларнинг бўйнини кесиб кўрди, қуённи ютиб юборган илонни ёриб кўрди, шернинг қўрқмаслиги ва кучлилиги сабабини билиш учун унинг ичини ёриб органларни ўрганишни, шунингдек жуда катта нарсаларни Жаҳонгирга тақдим қилинган катта шафтолини ёки банан дарахтини ўлчаб ва олган натижаларни ёзиб қолдиради.

Яна шунингдек подшоҳнинг кундалигида Сиам эгизаклари, альбинос ҳайвонлар, географик номларнинг келиб чиқиши, филларнинг ҳомиладорлик муддатлари, синган суякларни мумиё тезлатади деб эшитганида, бир қушнинг оёғини синдириб унга мумиё қўйиб боғлайди, аммо суякнинг битиши тезлашмади, балки мумиё эски бўлгандир. Ўз давридаги фалсафий фикрларни [40] жуда узоқ ўрганади ва шундай хитоб қилади, менинг ақлим бу нарсага етмади. Мен буни оддий эртак деб билдим дейди, шоҳ Жаҳонгир.

Имкони бўлган вақтларда шоҳ Жаҳонгир ўзининг фикрларини текшириб кўришга ҳаракат қилади. Шоҳ Жаҳонгир қўчқорларнинг шохларидаги қуртлар ҳаракатга тушганида улар бир-бирлари билан шохлашадилар деган фикрларга ишонмайди. Аммо у қўчқорларнинг шохларида қуртлар бўлиши мумкин, лекин шохлашувига бу нарса сабаб эмас, бу нотўғри айтилган дейди.

Аслида шоҳ Жаҳонгир ҳамма нарсага реалистик нуқтаи назар билан қараган, шунинг учун бирон жойда бир ажойиб воқеа бўлибди, дейилган қабристонларга борган ва у ердаги хизмат қилувчиларга “Асл ҳолат нима эди” деган саволни берган.

Жаҳонгир ўзининг тасаввурларини изоҳлашда доимо рассомларга ишонган ва уларни ҳамма жойда ёнида олиб юрган. Бир куни унга курка совға қилганларида уни жуда чиройли қилиб таърифлайди (курканинг осилиб турган зиракларини, худди курка ўзини қизил маржонлар билан безаганга ўхшайди” деган сўзларни келтиради. Шунда ёнидаги рассомга қушнинг суратини чизишга буюради ва шундай дейди:” Подшоҳ Бобур ўз хотираларида қушларни таърифлаган бўлса ҳам у ҳеч қачон рассомларга уларнинг суратини чизишни буюрмаган. Агарда ҳайвонлар кўриниши бошқача бўлса, мен уларни чизишга буюрдим дейди ўз Жаҳонгирнома”си ёки ўз кундаликларида [1].

Ўзининг қизиқувчанлигини шоҳ Жаҳонгир отаси Буюк Акбардан олган эди, ҳам ҳамма нарсани охиригача билгуси келарди, “Акбарнома”да ёзилишича у барча воқеаларни сўраб, суриштириб оларди. Аммо Буюк Акбарни метафизикага оид ғаройиб ҳодисалар қизиқтирган, тажрибаларда ишларни худога олиб бориб бажарилган бўлса у янада хурсанд бўларди: масалан бирон сўз эшитмай катта бўлган боланинг аҳволи қизиқтирган, албатта бу ҳолатда бола гунг бўлиб қолган. Шу вақтда сўзлаш ҳам худонинг иродаси билан бўлади ва бола гапириб кетади дейишганлар.

Шоҳ Жаҳонгирнинг отасидан фарқи унинг эмпирик тажрибалар олиб боргани ёки кўриниб турган табиатнинг оддий ҳодисаларидан завқлангани, бирон бир дарахт гуллаб турса жуда қувонгани ва яқин бориб очилиб турган, ҳар бир гулни мўъжиза дея ҳайратга тушган. Император ўз замонида ҳар бир олимга жуда яхши муносабатда бўларди, аммо бир инглиз олими унинг ўлимидан ўттиз йил кейин Лондонга бориб Қироллик жамиятини тузишга ҳаракат қилишини тирик бўлиб билганида шоҳни янада бениҳоя қувонтирган бўларди.

Шоҳ Жаҳонгирнинг ушбу нарсаларни кўриб ҳайратланишига сабаб ва имконият унга отасидан тинч ва осойишта давлат мерос қолганидан эди. Унинг ҳукмронлигининг биринчи ўн етти йили мамлакат салтанатида вазият деярли тинчлик билан ўтди, баъзан кичик-кичик қўзғолонлар бўлар эди, уни бостиришга кўп куч керакмас эди. Шоҳ Жаҳонгирнинг подшоҳлик салтанатининг

биринчи ярмида икки киши унинг ҳаётида катта рол ўйнайди-бири асли исми Меҳринисо бўлиб кейинчалик, Нур Маҳал (Саройнинг Нури маъносини англатади) деган исм берилади, аммо яна сал кейинроқ эса унга Нур Жаҳон ёки Дунёнинг Нури номи берилади. Иккинчиси Жаҳонгирнинг учинчи ўғли Хуррам, келажакда Шоҳ Жаҳон ёки Дунёнинг шоҳи исми билан тарихга киради [2].

Ҳумоюн давридан бошлаб саройдаги таниқли аёллар ва саройдаги амалдорларнинг хотинлари ва қизлари зерикмасликлари учун ўзларича бозор-ўчар ва савдо-сотиқ қилардилар, бу шунчаки зериккан аёллар ва ёш қизлар учун кўнгил очар ўйин бўларди. Ҳарам қоидаларидан сиқилган ва зериккан аёлларга озгина шўхлик қилиш имкони, эркин юриш ва бир-бири билан кулишиб, ҳазил қилиш мумкин бўлган. Мана шундай савдо-сотиқ ўйинларида султон Меҳринисо билан саройга келганидан сўнг тўрт йилдан кейин 1611 йил март ойида танишиб қолади.

Орадан икки ой ўтгач май ойида шоҳ Жаҳонгир Меҳринисога уйланади. Меҳринисо руҳан жуда кучли ва ўта қобилиятли аёл бўлган. Жуда яхши шеърлар ёзган; газламаларга чиройли гуллар босган, кийимларнинг ярашган фасонини ўйлаб топган, нақшлар чизган, гиламларни ўз услубида тўқитган, ҳеч кимда йўқ нақшларни туширтирган, жуда яхши мерган бўлиб овга чиққанда йўлбарсларни филнинг устида ўтириб ёпиқ айвончадан ота билган. Бир марта бори-йўғи олтита ўқ билан тўртта йўлбарсни отиб ўлдирган. Ниҳоятда гўзал ва оқила аёл бўлган, кейинги асрларда Ҳиндистон рассомлари фақатгина бу аёлнинг турли туман портретини чизганлар, аммо билишимизча бирорта ҳам рассомга султоннинг аёлини ҳақиқатан кузатиш ёки ҳусни- жамолини томоша қилмоқ насиб этмаган.

Султон Жаҳонгир бошқа подшоҳларга қараганда анча ҳақиқатгуй бўлган, ўзининг хос хонаси деразасидан тилладан бўлган занжирини тушириб қўйган, агарда кимдир подшоҳга арзини айтмоқчи бўлса келиб, тилла занжирга осилган қўнғироқчани жиринглатган. Умуман олганда, Жаҳонгир айрим ҳаракатлари билан катта бобоси Бобур Мирзога ва Улуғ Акбарга жуда ўхшаган бўлади. Подшоҳ Жаҳонгир даврида ҳинд халқи анча тинч ҳаёт кечирган. Ҳали бизнинг олдимизда қиладиган ишларимиз жуда кўп, Бобурийларни ўрганишга катта эътибор бериб, Улуғ Акбарнинг “Акбарнома” номли олти томдан иборат китобини (Казан шаҳрида

нашр этилган), Жаҳонгирнинг “Жаҳонгирнома” номли ва бошқа Бобурийлар ҳаётига оид китобларни ўзбек тилига таржима қилиб халқимизга етказиб беришимиз лозим. Бундан ташқари, Бобур Мирзонинг “Бобурнома “ китобининг катта қисми йўқолиб кетган, бундай йўқотмаларни топиб “Бобурнома” ни тўлиқ чоп этишга эришишимиз лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Гаскойн Бэмбер. Великие моголы. Центрполиграф. 2020.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Шарқ нашриёти. 2015 й.

“БОБУРНОМА” ЖУҒРОФИЙ МАНБА СИФАТИДА

Муқаддас Тожибоева,
Андижон Давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти ф.ф.д.

“Бобурнома” мумтоз адабиёт тарихида йирик эпик асар сифатида қадрли. “Бобурнома” XV асрнинг насрий-бадиий асари сифатидагина эмас, балки тарихий, географик, этнографик, зоологик маълумотларнинг етарлича кенглиги билан ҳам катта аҳамият касб этади. Асар нафақат Бобур яшаган даврнинг воқеалари баён этилганлиги билан, балки ҳеч қайси манбаларда мавжуд бўлмаган қимматли илмий маълумотларни ўзида акс эттириши билан ҳам ажралиб туради. Бу эса Бобур ҳазратларининг ҳар бир фанга оид маълумотларни теран ифодалаши, олимона салоҳияти, ижтимоий-сиёсий воқеликни зийрак кузата олишлиги дунёни идрок этишдаги қарашларини намоён этади. Асарда Фарғона водийси, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг табиати, аҳолиси ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, хўжалик фаолияти ҳақида илмий маълумотлар ёзиб қолдирилган. Муаллиф тавсифлаш принципи асосида содда, тушунарли ва аниқ таърифлар орқали ҳар бир жойнинг географик хусусиятларини батафсил ёритиб беради. Бобур ўз тавсифларида ҳозирги илмий муомалада қўлланилаётган бир қатор принципларга амал қилган ҳолда иш кўради. Муаллиф тавсифи берилаётган ҳар бир вилоят ёки маълум бир жойнинг таърифига систематик тарзда ёндашади: тасвир аввалида ўша жойнинг географик жиҳатдан

жойлашиш ўрни, иқлими, фойдали қазилмалари, шифобахш ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий ҳолати ва бошқалари ҳақида ҳақиқий олим назари билан аниқ ва батафсил маълумот беради. Масалан, **Ўрта асрларда Фарғона вилояти катта ҳудудларни эгаллаган. Асарда** Фарғона қуйидагича тавсифланган:

- географик жойлашуви: *Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлубтур*. Маъмура – экин битадиган обод ер, канора – чет, чекка, яъни Фарғона вилояти ер юзида экин битувчи обод ер (Мовароуннаҳр)нинг чекка қисмида жойлашган;
- чегаралари: *Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар*;
- таркибидаги шаҳарлари: *...шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмолиқ ва Олмоту ва Янги ким, кутубларда Тарозкент деб битирлар (*Ҳудуднинг шимол томонида аввалдан шаҳарлар мавжудлиги ёзилган, булар Олмалиқ, Олмота ва китобларда Тарозкент номи билан юритилувчи Янги шаҳарлардир). *Ети пора қасабаси бор; беши Сайҳун суйининг жануб тарафида, икки шимоли жонибта…* Фарғона таркибида етти шаҳарча (қасаба) мавжудлиги, уларнинг бештаси Сайҳун сувининг жанубида, қолган иккитаси шимол томонда эканлиги) ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган;
- вилоятнинг тузилиш таркиби: *Мухтасар вилояттур,* яъни ихчам, катта бўлмаган вилоят. *Гирдо-гирди тоғ воқеъ бўлубтур* - Вилоятнинг айланаси тоғ билан ўралгандир. *Ғарбий тарафидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур* - Фақатгина ғарб томонда тоғ йўқ, Самарқанд ҳамда Хўжанд шаҳарлари бор. *Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиш ёғий кела олмас,* шу сабабли ҳам душман бостириб кирмоқчи бўлса, айнан шу ғарб томондан кирган, бошқа томонларда тоғ бўлгани боис у томонлардан ҳатто душманлар ҳам кира олмаган;
- дарёлари: *Сайҳун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдур, шарқ ва шимолий тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, ғарб сори оқар, Хўжанднинг шимоли Фанокатнинг жануби тарафидинким, ҳоло Шохрухияға машҳурдур, ўтуб яна шимолға майл қилиб, Туркистон сори борур. Туркистондин хейли қуйироқ бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёға қотилмас.* Демак, ушбу маълумотга асосан фикр юритиб парчани таҳлил қилсак, Сирдарё

Хўжанд суйи дейилган. Бу дарё Хўжанднинг шимол тарафидан келиб, вилоят ичи билан ўтади ва ғарб томон – Туркистонга қараб оқади. Туркистондан сал қуйироқ жойда бу дарё қумга сингади, ҳеч бир дарёга қўшилмайди.

Бобур катта шаҳарлар билан таништирар экан, уларнинг топографияси, гидрографик объек**тлари, экспорт ва импортини ҳам баён э**тади**.**

Шу ўринда "Бобурнома" асари миллий адабиётда мумтоз тарихий-бадиий насрнинг юксак намунаси сифатида XX аср бошларида яратилган асарларга, хусусан, Исҳоқхон Ибратнинг "Тарихи Фарғона" асарида тарихий, географик маълумотларни беришда ҳам асосий таянч асар бўлганлигини таъкидлашни истадик. Ибрат тарих воқеаларини реал тасвирлаш билан бир қаторда Фарғона водийси, ундаги шаҳар ва қишлоқлар ҳақида этнографик ва географик маълумотлар тасвирида Бобурнинг системали ёндашув усулидан фойдаланади. Бобур каби Фарғонанинг ўша даврдаги ҳудуди, географик ўрни, шаҳарлари, аҳолиси кабилар ҳақида маълумот берган. Бундан ташқари, у ҳудуднинг келиб чиқиш тарихи: кимлар барпо қилганлиги, нега бу ном билан аталгани, яъни номнинг этимологияси, ундаги боғлар, сувлари, мозорлари ҳақида ҳам фикр юритган. Адиб қаламга олган вилоят ёхуд шаҳрига чин маънода географ сифатида батафсил маълумот беради. Бу ҳолатни "Тарихи Фарғона"даги Фарғона таърифида кузатамиз:

- Чегарадош ҳудудлари: *Фарғона губирнаси шимоли-шарқий тарафдан Самарчин, шимоли-ғарбий тарафдин Сирдарё ёки Туркистон, ғарби-жануб тарафидин Бухоро хонлиги маҳкуми топойир. Яъни Шарғон ҳукумати мустақаласига муттасилдир. Жануби-шарқи Чинға тобеъ Туркистони Шарқий, эски Қошғар маҳкумиға муттасилдур.* Ушбу парчада Фарғона вилоятининг XIX асрдаги сиёсий ҳолати баён қилинган. Яъниким, ушбу губерния шимол-шарқ тарафдан Бухоро хонлигига маҳкум - тобедир. Жануби-шарқи эса Шарқий Туркистон - эски Қошғар ҳукмига бўйсунган.
- Аҳолиси: *Фарғона аҳолиси аксариятда ўзбек, сорт, тожик, қорақалпоқ, қипчоқ тоғ тарафларинда… қирғиз – ерли халқлар булардин иборатдур. Ақлият ила ажнабалар тижорат ила мухталитдир. Булардин жуҳуд, ҳинди, арман, пирсиён, гурзин ва бўлак халқлар ақлиятдадурлар…[1.280]* [23] Ибрат ҳудудни

[23] Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. -Тошкент: Маънавият, 2005. Б.280

таърифлаш билан бир қаторда, ундаги аҳоли ҳақида ҳам етарлича маълумот бериб кетган. Унинг ёзишича, Фарғона аҳолиси ўзбек, тожик, сорт, қорақалпоқ, қипчоқ, қирғиз - жамийки ерли халқлардан иборатдир. Ақлият (аслида аҳлият - аҳолиси) ва ажнаба (ўзга миллат, ўзга дин вакиллари) савдо-сотиқ билан шуғулланган. Булардан жуҳуд, ҳинд, арман, форс, грузин ва бошқа халқлар аҳолисидандирлар.

Бобур асарида Фарғона вилояти тавсифи унинг бешинчи иқлимданлиги ҳақидаги маълумот билан бошланади: *Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур...* Биламизки, "Бобурнома"да тилга олинган ҳар бир мамлакат, вилоят, шаҳар ёки қишлоқ етти иқлимнинг бирида жойлашганлиги айтилади, яъни Бобур бирор географик жойга таъриф-у тавсиф беришдан олдин, аввало, унинг нечанчи иқлимда жойлашганини белгилаб олган. Ибрат эса Фарғона шаҳрининг келиб чиқиш тарихи ва уни кимлар барпо қилганлиги ҳақидаги фикрлар билан ҳудудга янгича тарзда ёндашади: *... бу бизни мутаваттин бўлуб турган Туркистон музофотида Фарғона деб машҳур ва бу лафз илан мазкурдур… Фарғона бир шаҳри қадим ва аҳолийи надимдирки, аввали Искандари Румийдан ва Қубод ва Афросиёбдан қолгандир…* Кўриниб турибдики, Фарғона деган ном билан машҳур бўлган ушбу вилоят тарихи узоқ йилларга дахлдор бўлиб, бу жой номлари тарих зарварақларида тилга олинган буюк шоҳлар: Искандар ва Афросиёблардан қолгандир, яъни улар замонида барпо этилгандир. Исҳоқхон Ибрат ушбу асарни ёзишдан аввал ҳудуд тарихи баён қилинган ўзигача бўлган кўплаб асарлар билан танишиб чиқади. Бунинг далилини айнан шу Фарғонага берилган таърифларда, мисол учун олинган парчаларда кўришимиз мумкин. Ҳар бир парча берилишидан олдин унинг манбаси келтирилади, зид фикрлар кетма-кет берилиб, якунловчи фикр Ибратнинг ўзи томонидан хулоса сифатида берилади: *Искандари Румий Ақсои шарифга зулумотга борган вақтларида Фарғона Баҳодир деган умароларидан бирини қўйиб кетиб, ул киши обод қилган экан… Аммоки, "Равзат ус-сафо"да Нўширавон отаси Қубод подшоҳ вақти вафотига яқин Туркистон мамлакатининг Нўширавон ўғлига тайин қилиб, Фарғонани аксар жойларини ул обод қилғон экон. Ва баъзи вақтларда Ахсикент пойтахти бўлғон экон…* Ушбу маълумотларга кўра Фарғона вилояти Искандаршоҳнинг умароларидан ҳисобланган Фарғона Баҳодир

исмли шахс томонидан бино қилинган, лекин яна бир манба (“Равзат ус-сафо”) да Фарғонанинг аксар жойлари Нўширвон томонидан обод қилинганлиги айтилади. Якун қисмида Ибрат юқоридаги маълумотлар учун хулоса фикр бериб кетади: *Барҳарҳол бу Фарғона Қубод, Нўширавон, Афросиёб ва Искандарлардан қолғон эски шаҳарлиги маълум бўладир.*

Бобур асарида Фарғона вилоятининг бешинчи иқлимданлиги, географик жойлашуви, чегаралари, таркибидаги шаҳарлари, аҳолиси, мевалари, об-ҳавоси билан таништирса, Ибрат Фарғона шаҳрининг келиб чиқиш тарихи, кимлар барпо қилганлиги, номнинг этимологияси, унинг боғлари, зилол сувлари, мозорлари ҳақида маълумот беради.

Бу икки асарни қиёсий таҳлил қилиш жараёнида Фарғона вилоятининг XV va XIX-XX асрлардаги географик ўрнини тўлалигича кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Энг муҳими, Ибрат “Тарихи Фарғона”да реал тасвир усулини қўллашда ҳам айнан Бобур ижодига хос хусусиятни ўзлаштирганки, бу асарнинг қимматини оширишдаги муҳим омиллардан бири бўлган. Мақола ичида Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асаридаги географик тасвирни қисқача бериб ўтиш билан “Бобурнома” жуғрофий манба сифатида жадид адиблари ижодига қай даражада катта таъсир кўрсатганлигини эътироф этишни кўзлаган эдик [2. 221].

“Бобурнома”га қайтсак, Бобур ҳақиқий санъаткор адиб сифатида жойлар тасвирида кичик тафсилотларни ҳам эътибордан қочирмайди, вилоятлар, шаҳар ва қишлоқлар манзарасини гавдалантирувчи гўзал реалистик лавҳалар чизади. Андижон, Ўш, Самарқанд ва бошқа ўнлаб шаҳарлар тасвири бунга ёрқин мисолдир. Бобур 1494-йил воқеаларини, отасининг ҳалокати ва унинг ўрнига ўзининг тахтга ўтириши, амакиси Султон Аҳмад Мирзо ва тоғаси Маҳмудхоннинг (қайнота-куёвнинг) Бобур устига қўшин тортиши, бироқ ёш ҳукмдордан шикаст еб, сулҳ тузишга мажбур бўлишларини ҳикоя қилишдан олдин Фарғона беклиги ва унинг етти шаҳрини батафсил тасвирлайди, уларнинг ўзига хос табиий, ижтимоий, иқтисодий ва кўплаб бошқа хусусиятларига тўхталиб ўтади. Жумладан, асардаги Фарғона вилоятининг энг катта шаҳри ва пойтахти — Андижон тасвири ғоят жонли, бадиий тасвир воситаларига бой ва таъсирчан бўёқларда ифодасини топган. Тасвирда Андижоннинг жуғрофий ўрни, чегаралари, ғалласининг мўллиги, меваларга бойлиги, айниқса,

қовуни ва узумининг яхши бўлиши, қовун пишиғида полиз бошида қовун сотиш расм эмаслиги ҳақида содда, равон ва тушунарли лавҳаларни келтиради. Шунингдек, шаҳар дарвозалари, шаҳарга тўққиз арикдан сув кириб, бирон ердан чиқиб кетмаслиги, қалъанинг атрофи буткул маҳаллалар билан ўралганлиги, қалъани муҳофаза этувчи сув тўлдирилган айлана ҳандақ билан маҳаллалар орасида кенг тош йўл тушганлиги, ов қушлари кўп ва семиз бўлиши ҳақида жуда ишонарли, қизиқарли ва мазмунли ҳикоя қилинади.

Маълумки, замонавий географик тавсифларда жойнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши муҳим саналади. “Бобурнома”да бунга ҳам жиддий эътибор билан ёндашилган. Бобур Андижоннинг катта шаҳар экани, аҳолисининг кўплиги ҳамда аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланишини қуйидаги факт билан кўрсатиб ўтади: “Тўққиз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердан ҳам чиқмас”.

Бобур Андижонга таъриф бераркан: “Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур” дейди. Шу билан бирга, водийнинг бошқа шаҳарлари таърифида ҳам безгак қайд этиб ўтилади. Бу ўринда Бобур нафақат Андижон, балки умуман водийга хос бўлган ва инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатни таъкидлаган. Маълумки, тиббиёт географияси касалликларнинг ҳудудий тарқалиши, ҳудуд билан боғлиқ келиб чиқиш сабабларини ўрганади.

Шу жиҳатдан Бобур берган маълумот ҳам тиббий географияга оид тавсиф деб қаралиши мумкин.

“Бобурнома” муаллифи замонавий географияда кенг қўлланувчи усуллардан бири – қиёслаш усулидан фойдаланган, унинг ёрдамида шаҳарларнинг географик жойлашувини аниқ белгилаш, уларнинг табиатига хос хусусиятларни кўрсатиб беришга эришган: “...Яна бир Косондур. Ахсининг шимолида тушубтур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким, Андижон суйи Ўшдин келур, Ахси суйи Косондин келур... Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор”. “Бобурнома”да географик ҳудудларга оид қиёсий тасвирларни кўплаб учратиш мумкин, айниқса, уларнинг халқ тилида ифодалаганлиги айни муддао бўлган: “...Яна бир Хўжанддур, Андижондин ғарб сориға йигирма беш йиғоч йўлдур. Хўжанддан Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йўлдур...” Ёки: “...Сайҳун суйи шимол жонибидин оқар. Қўрғондин дарё бир ўқ отими бўлғай”. Бу борада Ҳ.Ҳасановнинг фикрлари ўринли: “Бобир асарида қиёсий усул кўп қўлланилган: турли жойлар иқлими, паст-баландлиги,

аҳолиси ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан таққосланган” [2.195].

Дарҳақиқат, З.М.Бобур йирик давлат арбоби, шоир, тарихнавис, этнограф, географ олим сифатида илмий ва бадиий баркамол асарлар қолдирган ёркин сиймодир.

Фойдаланган адабиётлар рўйҳати:

1. Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. -Тошкент: Маънавият, 2005. Б.280
2. Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари ва маҳорат масалалари. –Тошкент: MUMTOZ SO’Z2017. Б 221.
3. Ҳасанов Ҳ. Бобир сайёҳ ва табиатшунос. –Тошкент: Ўзбекистон, 1981. Б.195.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ШЕЪРИЯТ КЕЧАЛАРИ

Шерхон Қораев,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
СамДУ тадқиқотчиси.

Шоҳлар шоири Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) Фарғона адабий муҳитида улғайди. Унинг отаси Умаршайх Мирзо адабиётсевар подшоҳ бўлган. “Бобурнома”да ёзилишича, у авлиёлар султони Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳга мурид (шогирд) бўлган. Суҳбатларига кўп мушарраф бўлган. Хожа ҳам уни фарзанд деб атаган.

Саводли бу темурийзода доимо “Хамсатайн” (Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий “Хамса”лари), достонлар ва тарихлар ўқиган. Султон Умаршайх кўпинча “Шоҳнома”ни мутаола қилган. Шеърий истеъдоди бўлса-да, бироқ шеър ёзишга қунт қилмаган.

Вақт топиб хушсуҳбат темурий мирзо бирор баҳона билан хўп шеърлар ўқиган [5, 32]. Айниқса, Умаршайх ҳузурида ҳам бошқа темурий ҳукмдорлар қошида ўтказилгани каби шоирлар иштирокида шеърият кечалари ташкил этилган ва бундай йиғинларда ёш Бобур ҳам қатнашган.

Кези келиб, шоҳлар шоири Бобур Мирзо ҳам тахтга чиққач темурийлар анъанасига асосланиб, Ахсикент, Самарқанд, Кобул ва

Агра каби шаҳарларда ҳамда сафарларда атрофига доимо шоирларни тўплаб, шеърхонлик кечалари ва мушоиралар уюштирган: *“Бобур Мирзо фазилат бобида ками йўқ: назм ва наср ва туркий ва форсийни бебадал айтур (эрди); мусиқий илмидин ҳам хабари бор: аруз ва қофияға ҳам рисолалари бор:*

Ва бир неча аҳли табъким – улар: олим, ҳаким, уламо, шуаро, табиб, муаррих, умароларким, аларни ушбу подшоҳ доимул авқот (вақт) суҳбат(мажлис)дин айру қўймас эди”[1, 266]. Шеърият кечаларида Бобурнинг ўзи ҳам ўз шеърларини ўқиган: “*Бобур подшоҳ андоқ подшоҳ эрдики, навъ-навъ фазллар бирла ораста, шижоатда ғолиб эрди. Ва шеъри туркийда Амир Алишер (Навоий) раҳматуллоҳ алайҳидан кейин ҳеч киши андоқ шеър айтолмабдур”* [4, 240]. “Котиблар подшоси” Мавлоно Мир Али Котиб бир ғазалида “сўз мулкининг шоҳи” Бобур Мирзони шундай тасвирлаган:

Сари ман хоки дари подшаҳи мулк ки ҳаст,
Фахри шоҳони мамолик, шарафи насли самар.
Падшаҳи фузало, кони сахо, баҳри карам,
Сару ҳалқаи даҳри сари ҳунари беватанӣ.
Сари арбоби ҳунар Шоҳ Муҳаммад Бобур,
Хоқони диловари-ю Хизри замони,
Ғайр аз суханат нест ба гитӣ акнун.
Мажмуаи маъниу, шаҳи мулки сухани,
Ҳазрати подшаҳи мулки сухан.

(Мазмуни: Бошим бир мамлакат подшоҳининг эшиги тупроғидирки, Ул мамлакатлар шоҳлари фахри, мевали насл, ифтихори бўлган бир шоҳдир. У фозиллар подшоси, сахийлик кони, карам денгизи, Санъат аҳлининг боши Шоҳ Муҳаммад Бобурдир, Дунё халқасининг ва ватансизлик санъатининг бошидир; Қаҳрамон хоқонсан ва замон Хизрисан. Сенинг сўзинг бугун дунёни тўлдиргандир, Маънолар тўпламисан, сўз мулкининг шоҳисан,ўз мулкининг ҳазрат подшоҳи) [2,163].

Бобур Мирзо Самарқандни 1501 йилда эгаллаганда ҳам, ўз саройида Биноий, Фироқий каби шоирлар билан шеърхонлик қилган. Камолиддин Биноий (1453-1512) саройдаги мушоираларда қатнашган, жумладан бир оҳанг ва рубоий Бобурга бағишлаган. Бу ҳақда Бобур “Бобурнома”да “*Навода бир амал менинг отимға боғлаб ўткарди. Ўшул аснода бир рубоий айтиб ўткарди”* деган ва Биноийнинг мажлисда айтган қуйидаги рубоийсини келтирган:

Не ғалла маро к-аз ў тавонам нўшид,
Не муҳмали ғалла то тавонам пўшид,
Онро ки на хўрданасту не пўшидан,
Дар илму ҳунар кужо тавонад кўшид.

(*Мазмуни: Не егулик ғаллам бор ва на кийинишга асраган кийимим бор. Ейдигани, киядигани бўлмаган киши илм ва ҳунарга қандай урина олсин?)*

Бобур эса Биноийга адабий мажлисда шундай жавоб қайтарган:

Ишлар бори кўнглунгдагидек бўлғусидур,
Инъому вазифа бори буйрулғусидур.
Ул ғаллаю муҳмалки деб эрдинг, бердим,
Муҳмалға бўю ғалладин уй тўлғусидур.

Мулла Биноий Бобур таъбири билан айтганда, адабий йиғинда бу рубоийнинг сўнғги мисрасининг қофиясини радиф қилиб, унга жавобан ўзга қофия била бир рубоий айтган:

Мирзомки, шоҳи баҳру бар бўлғусидур,
Оламда ҳунар бирла сар бўлғусидур.
Бир муҳмал учун мунча иноят бўлди,
Мустаъмал агар десам, нелар бўлғусидур[1, 81]**.**

Шоир Абулбарака Фироқий Бобур ва Биноий ўртасида бўлиб ўтган ушбу мушоирага шоҳид бўлган ва Бобурнинг *“Ишлар бари кўнгилдагидек бўлғусидур”* деб бошланадиган мазкур рубоийсига Биноий томонидан айтилган жавобга қатъий эътироз билдирган ва жавобни “ўша радиф ва қофияда айтмоқ керак эди” дея мажлис аҳлига ўзининг қуйидаги рубоийсини тақдим қилган:

Бу жаврки қилди давр, сўрулғусидур,
Султони карам бу узрни қўлғусидур,
Тўкилган агарчи тўлмас, эй соқий,
Тўкулганимиз бу даврада тўлғусидур. [3, 19]

Кўриниб турибдики, Бобур ҳузуридаги адабий мажлисларда мушоиралар қизғин ва қизиқарли тус олган.

Шоир Муҳаммад Бадахший (XV-асрнинг 2-ярми-XVI-асрнинг ўрталари) Бобур биринчи марта Самарқандни қўлга киритганда, унинг хизматига кирган ва мажлисларида қатнашган. Бадахший ҳақида “Бобурнома”да шундай ёзилган: *“Яна Мулло Муҳаммад Бадахший эди...Шеъри бу мазкур бўлғон (Алишер Навоий, Сайфий Бухорий, Абдулло Маснавийгўй) шеърича йўқтур. Муаммода рисола битибтур, муаммоси ҳам хейли яхши эмас. Хушсуҳбат*

киши эди”.[5, 140] Бобур Ҳиндистон тахтини эгаллаганда ҳам, Муҳаммад Бадахший (Жунуний) яна унинг ҳузурига борган ва шеърият кечаларида иштирок этган.

Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича, Султон Ҳусайн Бойқаро маж-лисларида қатнашиб, тахаллусини ўзгартирган, таниқли шоирлардан Мавлоно Мажлисий Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабий йиғинларида ҳам иштирок этган*:* Бир кун (Мажлисий) Бобур подшоҳ мадҳида бир қасида ёзиб, унинг муборак мажлисига тақдим этган:

Соқиё, хез ки машшотаи боғ аст насим,
Дастаи ойнаи жом кун аз соиди сим.

(Мазмуни: Эй соқий, тур, насим боғни ювиб – таровчидир бугун, кумуш билагингни жом учун даста қил.)

Шунда подшоҳнинг хаёлига мулло Мажлисийни адабий йиғинда етти минг танга билан мукофатлаш фикри келди. Қасида ўқилаётган пайтда эса тасодифан подшоҳнинг эсига чиғатой улуси султонлари (жумладан Бобур ҳам) ҳажв этилган, Муҳаммад Шайбонийхон мажлисларида ўқилган ва Муҳаммад Солиҳга нисбат берилувчи қуйидаги рубоий тушиб қолди:

Мискин Чиғатойки, кундузи тундир онға,
Аҳволи паришону қаро кундур онға,
Мағрур бўлуб, ер юзига сиғмас эди,
Сичқон тўшуги эмди минг олтундур онға.

Шунда Бобур шоирдан сўрайди:

- Муҳаммад Солиҳ бу рубоийни не сабаб билан айтган?

Мажлисий ўзи эшитмаган бу рубоий подшоҳга ёққан бўлса керак, деб ўйлайди ва дейди:

–Рубоий ижодкори камина, Муҳаммад Солиҳ номи билан нотўғри шуҳрат топган.

Шунда бирдан подшоҳнинг (мажлисда) авзойи ўзгариб, уни қатл этишга буюради, лекин кечиришни маъқул кўриб:

- Шеър сийлови учун тайин этилган етти минг танга мулло(Мажлисий)нинг хунбаҳоси ҳисобланади, ўзини эса бу мажлисдан чиқариб юборинглар- деган [2, 80].

Бобур мажлисларида турли қиссалар, достонлар ва ҳикоятлар ҳам ўқилган. Абулқосим Жалойир бир мажлисда “Гапирувчи тўтилар” ҳақидаги ҳикоя айтиб, Бобурга завқ бағишлаган: *“Абулқосим Жалойирким, яқин мулозимларимдиндур, ажаб*

ривоят қилди: (эмишки) ушбу жинс тўтининг қафаси ёпуқ экандур, тўти айтибдурким: "Рўйи маро во кунки, дамгир шудам (менинг юзумни оч, димиқиб кетдим". Яна бир навбат каҳорлар (ҳаммоллар) дам олғали ўлтурғонда раҳгузар эл (йўловчилар) ўтиб борадур экандур, тўти дебтурким: "Мардум рафтанд, шумоён намераванд (одамлар кетди, сизлар кетмайсизми)?" Вал-уҳдату алал-ровий (бу гапларнинг тўғрилиги сўзлаб берганнинг зиммасида)",-деб ёзилади "Бобурнома" табдилида.

Маълумотларга қараганда, Бобур шеърий йиғинлар ташкил этишни хуш кўрган. "Бобурнома"ни кўчирган "Мусаввиди авроқ" (котиб) кўп вақтини адабиёт аҳли билан мушоирада ўтказган Бобур Мирзо ва унинг мажлис аҳли-адабий йиғинлари иштирокчилари ҳақида маълумот бериб ўтган: *"Булар: Абулбақоким, илми ҳикмат бобида бебадал эди. Ва Шайх Зайн садрким, Зайниддин Хавофийнинг набираси эрди: ҳиддати табъи бор эди, назм ва иншодин салиқалиғ ва Ҳумоюн подшоҳ замонида умаролиғ ҳам топиб эди. Ва Султон Муҳаммад кўсаким, Мир Алишер (Навоий)нинг мусоҳибларидин эрдиким, подшоҳ суҳбати(адабий йиғин)да иззат топиб, сарафроз бўлуб эрди. Ва Мавлоно Шиҳоб Муаммойиким, "Фақирий" тахаллус қилиб эди, фазойил ва шеърдин насибаси бор эди...Ва Сурх Вадоийким, туркий ва форсийда назм айтур эди. Ва Мулло Бақоийни салиқаси кўп эрди ва "Махзанул асрор" вазнида подшоҳ отиға маснавий айтиб эди... Ва (Ғиёсиддин) Хондамир муаррихким, турфа киши эди. Тасонифлари борким, халқ орасида машҳурдур: "Ҳабиб-ус-сияр" ва "Хулосат-ул-ахбор" ва "Дастур анвор" ва ўзга тасниф(китоб)лари ҳам бор".*[1, 267]. Бундан ташқари, Бобур энциклопедияси маълумотларига кўра, Абдуллоҳ Асас Бобурнинг базмларида фаол иштирок этган аъёнларидан бири бўлган. Султон кутубхонаси бошлиғи, шеъриятни тушунадиган, зукко ва ширинсухан Абдуллоҳ Китобдор ҳам Бобурга яқин ҳамсуҳбат бўлган. Саркарда, давлат арбоби ва шоир Муҳаммад Байрамхон (1501-1562) 16 ёшида Бадахшон ҳокими Ҳумоюн Мирзо хизматига кирган. Шоирлик қобилияти туфайли у Бобур хизматига тавсия этилган. Бобур ёш Байрамхонга расмий мушоираларда қатнашишга рухсат берган. Қасиданавис шоир ва олим Нажмиддин Муҳаммад Абулқосим Коҳий (1463-1581) Бобур, Ҳумоюн ва Акбаршоҳ саройидаги суҳбатларда қатнашган. Мулло

Шамс – Бобурнинг надимларидан бири бўлиб, у ҳукмдорнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, ҳамсуҳбатлик қилиш, жумладан, қизиқ ва ибратли ҳикоялар айтиш билан шуғулланган. Шоир Мулло Ҳажрий эса 1502 йили Бобур хизматига кириб, унинг мажлисларида иштирок этган. Бобурнинг яқинларидан бири Муҳаммадий Кўкалдош унинг доимий ҳамсуҳбатларидан бўлган ва саройдаги мажлисларда ҳозир бўлган. Подшоҳнинг мулозимларидан Турди Муҳаммад Қипчоқ Бобур ҳузурида ўтказилган кўнгилочар мажлисларда қатнашган.[3, 506] Яъни, “Бобурнома”да ёзилишича, *“Чанор боғининг эшигида солғон суратхонанинг шарқи-жануб сари ёнида кичикрак оққина уй тикилиб эди, анда мажлис бўлди. Турди Муҳаммад Қипчоқ била Мулло Китобдорни ҳам мажлисқа тиладук”*. Мажлисларда қизиқчилар ва масхарабозлар ҳам қатнашиб, йиғинларни қизитишган. Ғиёс Масхара – Бобур саройида масхарабоз вазифасида хизмат қилган. Ғиёс Масхара:[3, 628]. У ҳақда “Бобурнома”да шундай қайд этилган: *“Сўнгра Ғиёс масхара келди. Неча қатла мажлистин мутояба тариқи била буюрилдиким, ихрож қилдилар. Охир шалойин бўлуб, масхаралиқ била мажлисда йўл топди”*. Бобурнинг Ҳиндистондаги саройида Абулқосим Хонанда, Руҳдам, Бобожон, Қосим Али, Тенгриқули, Иброҳим Қонуний, Нўъмон Лангархон каби мусиқачилар, хонандалар хизмат қилган ва улар форсча ва туркий қўшиқлар куйлаб мажлисларга файзу тароват бағишлашган. Бобурнинг созандаларидан Нурбек у билан ҳамсуҳбат бўлиб, подшоҳнинг ҳузурида уюштириладиган кўнгилочар мажлисларда иштирок этган ва уд чалган. Бобур саройида хизмат қилган машшоқлардан бири Нурулло(ҳ) Танбурчи бўлган[3, 402].

Хулоса қилиб айтганда, Бобур Мирзо ҳузуридаги адабий мажлислар мумтоз адабиётимиз тараққиётига хизмат қилган. Адабий йиғинларда шоирлар ва санъаткорлар ўз истеъдодини намоён этиб, танилган ҳамда улар томонидан шоҳ асарлар яратилган. Албатта, келгусида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурида ўтказилган шеърият кечаларини тадқиқ этиш бобуршуносликни янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т: Шарқ НМАК БТ-2002.

2. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб.Т:Мерос.1993.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т: Шарқ НМАК БТ-2014

4.Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон, 2011.

5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.Ўқитувчи, 2008.

“ОЛТИН БЕШИК” ВА “САНГИ ОИНА” РИВОЯТЛАРИ: ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ТЎҚИМА

Ҳикматулло Дўсматов,
ФарДУ тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Аннотация: Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва унинг Фарғона вилояти Сўх туманида ўтказган саргардонлик дамлари билан алоқадор ривоятлар: “Олтин бешик” ҳамда “Санги оина” (тош ойна) ҳақида фикр юритилади. Мазкур ривоятларнинг ўзига хос аҳамияти ёритилади.

Аннотация: В данной данной статье рассматриваются народные сказания “Олтин бешик (золотая колыбель)” и “Санги оина (каменное зеркало)”, связанные с жизнью Захириддина Мухаммада Бабура и периодом его скитаний в Сохском районе Ферганской области. Освещаются особенное значение данных сказаний.

The summary: In given article national legends “Олтин бешик (a gold cradle)” and “Санги оина (a stone mirror)”, connected with the life of Zahiriddin Muhammad Babur and the period of his wanderings in Sokh area of the Ferghana region are considered. Also are shined especial value of the given legends.

Калит сўзлар: бадиий тўқима, тарихий ҳақиқат, афсона, ривоят, ақида, қабила.

Ключевые слова: художественный вымысел, историческая правда, миф, сказка, сказание, убеждение, племя.

Keywords: art fiction, the historical truth, a myth, a fairy tale, the legend, belief, a tribe.

Тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима масаласи тарих фанининг ўрганиш объекти бўлса-да, ушбу масалани адабий манбалар ва халқ оғзаки ижоди мисолида ҳам ўрганиш муаммонинг ҳар томонлама ёритилишига имкон яратади. Шу боис, кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигида ҳам тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқимага доир айрим ишлар майдонга келди **[1]**.

“Олтин бешик” ва “Санги оина” ривоятлари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Фарғона вилояти Сўх туманида бир йил муддат давомида кечирган ҳаёти ва саргардонлиги билан алоқадор бўлиб, булар ўз вақтида нафақат шоҳ ва шоир ҳаётида, балки Қўқон хонлиги тарихида ҳам муҳим сиёсий аҳамият касб этган.

Маълумки, Бобурнинг умри жангу жадалларда ўтган. 12 ёшида Андижонда тахтга ўтириб, токи Ҳиндистонни тўла забт этгунга қадар босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солинса, бир сўз билан буни ҳаловатсиз умр дейиш мумкин. Аммо шу беҳаловат умри орасидан биз унинг ҳаётга нақадар ошиқлиги, тирикликнинг барча ҳодисотлари юрагида, руҳида ўрнашиб қолганлигини кўрамиз ва у мислсиз ақл-заковат, илоҳий завқ ва покиза ҳиссиёт эгаси эканлигини сезиб турамиз.

Умуман, «Бобурнома» асарини ўқир эканмиз, унинг қанчалик тарихий қимматга эга эканлигини баҳолашга ақл ожизлик қилади. Чунки асарда аниқ саналар, жой ва одамлар, табиат мўъжизалари – ҳайвонот ва наботот сирлари битилганки, бу асарни битишнинг ўзи муаллифнинг катта сабр-тоқат соҳиби эканлигини кўрсатиб туради. Шу билан бирга, эътибор берилса, асарда Бобур руҳининг нақадар пок, зеҳни юксак даражада ўткир эканлиги намоён бўлади. Масалан, мавзуга доир бир мисол келтирамиз: *«Исфаранинг бир шаръисида жануб сори пушталарнинг орасида бир парча тош тушубдур. «Санги оина» дерлар, узунлиги тахминан ўн қарич бўлғай, баландлиги баъзи ери киши бўйи, баъзи ери кишининг белича бўлғай, ойинадек ҳар нима мунъакис бўлур»* **[2, 7-бет]** таърифида тўғридан-тўғри жангу жадаллар билан кетаётган Бобурда тошга нисбатан саркарда синчковлиги акс этса, тошнинг жойлашуви таърифи орқали унинг жуғрофия илмидан хабардор эканлиги намоён бўлади.

Бобур Фарғонада Шайбонийхондан енгилгач, бир мунча вақт тожу тахтдан маҳрум бўлиб, Сўх ва Ҳушёр (*тоғлар орасида жойлашган Қирғизистон билан чегарадош ҳозирги Сўх қишлоқларидан бири*) тоғларида кун кечиришининг боиси Сўх, айниқса, Ҳушёр душмандан ҳимояланиш учун стратегик жиҳатдан қулай жой ҳисобланади. Бу ҳақда географ олим Х.Ҳасанов қуйидагича фикр билдиради: «Бобур Самарқанд-Қарши орқали Ҳисорга юриши мумкин бўлмаган, чунки Шайбонийхон йўлини тўсиб қўйган. Самарканд-Зарафшон водийси орқали юриши ҳам хавфли бўлган. Бу ерларда Шайбонийхон тарафдорлари ҳукмронлик қилган. Мирзо Бобур Фарғона водийсидан охирги марта кетганида баланд тоғлар (Олой ва Қоратегин)дан ошиб, Мастчоҳ қишлоғидан Ғарм ва Обигарм орқали Ҳисор водийсига тушган бўлиши мумкин». **[3, 15-бет]** Чунончи, Архиён яқинидаги мағлубиятдан сўнг Мирзо Бобурга фақат Сўх томон орқалигина Фарғонани тарк этиш чораси қолган эди. 1871 йил Қўқон хонлигига ташриф буюрган рус олими А.П.Федченко ҳам Сўх қишлоқларида бўлиб, бу ерларнинг ҳар томонлама хавф-хатардан холи жой эканлигини кўргач, қуйидагиларни келтириб ўтади: “Мен Қўқонда бўлган вақтим Сўхда хон томонидан қўрғон қурилганлигини айтишди. Шу қўрғонлардан бири ҳақида эшитганим шу бўлдики, қўрғон одам чиқиб бўлмас баланд қоя устида бино қилинган экан... Яна шуни маълум қиламанки, Сўхнинг юқори қисми деярли ҳар томонлама тоғлар билан ўралган бўлиб, Чичиқтов тарафдан юриш жуда хавфли. У ҳам бўлса, Сўхнинг қуйи томонига олиб борувчи йўлдир. Шавкатли Бобур ҳам тожу тахтдан маҳрум бўлган кезлар Сўх тоғи ва Ҳушёр ҳудудида бир йилга яқин яшириниб юрган экан” **[4, 160 бет]**. А.П.Федченконинг ушбу маълумотидан шу нарса маълум бўладики, Мирзо Бобур бу ерларни яшаш учун бежиз танламаган эди. Бинобарин, Сўхнинг юқори қисми ва Ҳушёр қишлоғи душман таъқибидан беркиниш учун жуда қулай жой эди. Қолаверса, Сўхда кун кечириш ҳам ўзига хос томонлари мавжуд: овланадиган жонзотлар кўп, сувлари мазали, ҳавоси тоза... Шу билан бирга, жуда кам эҳтимол билан Бобур “ҳар нима”нинг аксини кўрсатадиган Санги оина, яъни ойна тошда ўз келажаги ва тақдирини кўриш учун борган, деб айтиш мумкин. Лекин тарихий манбалар Бобур сўхликлар билан яшаётган вақт Сўхнинг Тул қишлоғида Санги оина деб аталувчи тошга дуч келганлиги, бу тош келажакдан башорат

берувчи тош бўлганлиги учун ҳам у ўзининг келажагидан хабар топганлиги ҳамда унда яна тожу тахтга умид уйгонгач, қўшин тўплаб Қобулга юриш қилганлиги ва у ердан Ҳиндистонни забт этганлиги таъкидланади.

Дарҳақиқат, Сўх маҳаллий аҳолиси муқаддас деб билган, юрт бошига фалокат келганида ёки мусибат одамларни тарк этмай қўйган пайтлари мадад сўраб илтижо қилган, муҳими, "ҳар нима"нинг акси кўринган мўъжизавий тош – "Санги оина" Бобур ҳаёти ва тақдирида бурилиш ясалишига сабаб бўлган. Тошнинг сирларидан яна бири шу эдики, бемор келиб тошга суйкалса, дарддан фориғ бўлган. Ҳатто ҳайвонларнинг ҳам бирор жойи шикаст етса, шу тошга келиб тузалар экан. Шунинг учун ҳам сўхликлар уни "сирли тош" деб ҳам аташган. Тошнинг яна бир сирли томони шунда эканки, унда фақат пок инсонларгина ўз аксини кўра олган. Бобур Мирзо ҳам тушида ва маҳаллий аҳолидан эшитган Санги оинанинг олдига келиб, унга назар солган дам унда тожу тахтдан шоҳона либослар билан ўтирган сурати намоён бўлибди. Шундан сўнг Мирзо Бобур Тангрига беҳисоб шукроналар айтиб, ортга қайтибди ва шу зайлда Қобул сари равона бўлиб, яна ҳукмдорликни қўлга киритибди **[3, 13-бет]**.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, тарихда Султон Бобур билан боғлик яна бир неча тошлар мавжуд бўлиб, бу тошлар ҳам Бобур Мирзо умрини саргардонликдан кечган даври ҳакида ҳикоя қилади. Яъни 1501 йили Бобур Мирзо узоқ давом этган қамалдан сўнг Самарқандни ташлаб чиққач, бир неча ой мобайнида сарсон-саргардонликда умр кечирган. Ўша кезлар у Мастчоҳ қишлоғидаги қайроқтошга шеърий мисраларни ўйиб ёздирган эди. Бобур Мирзога тегишли мазкур қайроқтошни кейинчалик 1953 йилда Аҳрор Мухторов маҳаллий аҳолининг ёрдамида излаб топишга муяссар бўлди. Тошнинг ҳажми 51х45х16 см бўлиб, силлиқланган юзаси 20х30 см ни ташкил қилган. Тошда чиндан ҳам Бобур Мирзо тарафидан ўйиб ёздирилган шеър ва унинг тагида **«хатни ёзди Бобур, хижрий 917»** деган ёзув ҳам туширилган эди. Ҳозирда эса мазкур тош Тожикистон Давлат Археология музейида сақланмокда.

Таниқли олим С.Кораевнинг келтиришича, Мастчоҳнинг Овчи ва Янгиариқ қишлоқлари орасидаги дарада «Бобурхон тахти» деган бошқа бир катта ясси тош ҳам бор. Ривоятга кўра, Бобур Мирзо шу

ерда тўхтаб ўтаётганида ана шу тошда ўтириб дам олган экан. Ўшандан буён ушбу тош муқаддас тошга айланган.

Бобур Мирзонинг Мастчоҳда тошга битган байтлари Сўхдаги у билан боғлиқ афсонанинг ҳакикатга яқин эканлигини исботлаётгандай туюлади. Темурийлар салтанатининг пойтахти Самарқандни олиб, сўнгра уни бой бериб, дунё неъматларидан воз кечиб, тоғлар ичида ҳаёт кечириш Бобур Мирзога хос хусусият эди. Аммо унинг метин иродаси ҳар қандай оғир шароитда ҳам, инсон боласи дош бера олмайдиган фожеалар суронида ҳам, шавкатли саркардага панд бермади. Халқимизда «Афсонанинг замирида ҳақиқат ётади» деган нақл бор. Назаримизда, Сўхдаги Санги оина билан боғлик афсоналарнинг замирида чин ҳақиқат яширингандек. Бинобарин, бир неча асрлар ўтган бўлишига қарамай, маҳаллий аҳоли ўртасида Бобур Мирзо билан боғлиқ афсонанинг сақланиб қолганлиги бизни афсоналарга ҳар доим атрофлича ёндашишимиз зарурлигини талаб килади: “Санги оина” афсонами, ҳақиқатми? Яна шу саволни берган ҳолда, қуйидаги хулосага келиш мумкин бўлади: бу муқаддас заминда яшаб ўтган улуғ зотлар тўғрисида сўз юритганимизда, биз улар тўғрисида кўплаб афсона ва ривоятларга дуч келамиз. Афсуски, бу афсоналарни баъзи бировлар қуруқ уйдирма гаплардек қабул қиладилар ва бошқаларни ҳам бу афсоналарга ишонмасликка ундайдилар. Аммо, айтганларидек, афсона ҳар қандай далилдан ҳам тарихийроқдир.

Тарихчи Ў.Сўфиевнинг қайд этишича, Деҳвайрон ва Суратии Тул тоғларидан топилган тошга битилган суратлар бу ерда одамлар жуда қадимдан, яъни Тош асри (палеолит, сезолит ва неолит)дан бошлаб яшаганлигидан далолат беради **[5, 44-бет]**.

Қуръони каримда «У жой (жаннат)да кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган барча нарсалар бордир» дейилганидек, дарҳақиқат, Сўх ўзининг қадимийлиги билан тарихчиларни, стратегик қулайлиги билан шоҳларни,наботот ва ҳайвонот олами билан биологларни, жаннатмонандлиги билан эса шоирларни ўзига мафтун этиб келганлигини қуйидаги шеърий мисралар билан ҳам тасдиқлаш мумкин:

Ҳазрати Алининг қадами етган
Қаҳқаҳа овози оламни тутган,
Ровийлар тарихга Сўх дебон битган,
Маҳмуд Ғазнавийнинг қалбин ром этган,

Бобур Мирзо кўнгил узолмай кетган,
Исминг юрагимда ловуллаган чуғ,
Муқаддас тупроғим жаннатмонанд Сўх.
(Иқбол Мирзо. "Жаннатмонанд Сўх" мадҳияси, ***3, 29-бет****)*

"Бобурнома"нинг дастлабки саҳифалари 1494 йил воқеалари, Фарғона вилоятининг тасвири билан бошланади. Муаллиф Исфара вилояти ҳақида сўз юритар экан, Моваройуннаҳрнинг Шайбонийхон томонидан эгалланиши тарихига тўхталади: "Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон била Олачахонға шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда, ушбу Сўх била Ҳушёр кўҳпояларияға келиб, бир йилға ёвуқ танқислиқ била ўткариб, Кобул азимати қилдим" **[2, 7-бет]**.

Форсий тилдаги иккинчи «Бобурнома» дейишимиз мумкин бўлган «Тарихи Рашидий» асарида ҳам Бобур Мирзонинг сиёсий шароитни ўрганиш учун Сўх ва Ҳушёрда бир йил азоб-машаққатда кечирган кунлари бир ҳадис далолати билан шундай берилган: «Подшоҳ Фарғона жанубидаги тоғларга кетди ва кўплаб қийинчиликлар, машаққатларни бошдан кечирди. Подшоҳнинг онаси ҳам ҳамроҳ эди. Подшоҳ мулозимларининг кўпчилиги аҳли аёллари билан кўчмоқда эди. Мўминларнинг имоми, яхшиларнинг яхшиси, мусулмонларнинг амири Ҳазрат Али (Аллоҳ унинг юзини иймон нури билан ёритсин) бундай деган экан: «Ҳазрат Пайғамбаримизнинг сўзларига кўра: «Сафар – дўзахнинг бир парчасидир». Маккор фалакнинг зулмкорлигига кўра, ҳар бир азиз ва гавҳар каби пок кишилар учун тайёрлаган жафокорлиги ва душманлиги, хорликка солишлари қанча бўлса, уларнинг ҳаммаси ана шу сафарда Бобур Подшоҳнинг ва унинг сафдошлари бошларига ёғилди» **[6]**.

Ушбу воқеалар Хуршид Давроннинг "Самарқанд хаёли" асарида қуйидагича изоҳланади: "Бобур Мирзо Сўх томонларда бир йилча саргардон умр кечириб, сўнг бир ҳовуч йигитлари билан тоғ ошиб, дарё кечиб Кобил томонларга бош олиб кетди. У манзилни мўлжаллаб бораркан, на уйқусида, на ўнгида ҳаловат топарди. Кеча-ю кундуз йўл босиб, от устида тебранганча Мир Алишер Навоийнинг бир байтини оғзидан қўймай, қайта-қайта такрорларди:

Мақсуд топилса яхши, йўқса нетайин,
Бошимни олиб қай сори эмди кетайин?..

“Мақсуд топилса яхши, – деб пичирларди унинг толиқишдан оқарган лаблари, – мақсуд топилса яхши…” Алам билан айтилаётган бу сўзлар унинг ичида кучли қийноқ жо эканидан дарак берарди. Дилини ўртаётган фожиага – ватандан “бош олиб кетмоққа” Бобур Мирзо руҳан тайёр эди”.

Пиримқул Қодировнинг “Тилидан айрилган халқ маънавий Ватанидан жудо бўлади” номли мақоласида эса Сўх ва Ҳушёрда Бобурнинг қувғинда икки йил юрганлиги алоҳида таъкидланади. «Бобурнома»да номлари зикр этилган, Бобурга яхшилик қилган сўхлик одамлар кейинчалик Бобурни йўқлаб Ҳиндистонга борганлиги, ундан катта эъзоз кўрганликлари тарихий факт сифатида қайд этилади ҳамда катта эҳтимол билан уларнинг авлодлари ҳамон тириклигига урғу берилади. Ушбу маълумотлар “Бобурнома”да қуйидагича изоҳланади: *“...Шанба куни ойнинг олтисида тўй бўлди. Қизилбош ва ўзбак ва ҳиндуларнинг элчилари бу тўйда бор эрдилар… Яна Андижондин ва бевилоят ва беватан юрган ерларимиз ва Сўх ва Ҳушёрдин келганларга чакманлар ва қумош хилъатлар ва олтундин ва кумушдин, рахтдин, жинсдин инъомлар бўлди. Қурбон била Шайхнинг навкарларига ва Коҳмард раоёсиға ҳам ушбу дастур била иноятлар бўлди”* **[2, 323-324-б.]**.

“Бобурнома”да тилга олинган Сўх ва Ҳушёр қишлоғи аҳлининг айнан Мирзо Бобурнинг Фарғонадан олис Ҳиндистонда 1528 йили берган зиёфатида иштирок этиб, қимматбаҳо совға-саломлар олишларидан Бобурнинг Сўх ва Ҳушёрда ўтказган пайтларида маҳаллий аҳоли томонидан ўз вақтида катта ҳурмат ва иззат кўрганликларини хулоса қилиш мумкин.

Адиб Пиримқул Қодиров тарихчилар олдига Бобур ва Сўх билан алоқадор муҳим бир маъсалани ўрганиш долзарблигини қўяди: “Бобурнинг Сўх, ва Ҳушёрдан Хуросонга қувғин бўлиши ҳақида «Тилла бешик» деган машҳур ривоят ҳам яратилган. Унинг бешикда қолган ўғли кейинчалик эл эъзозлайдиган одам бўлиб етишган, вафот этгач, Қўқон яқинида махсус мақбарага дафн этилган, деган ҳикоятлар бор. Бу ривоят ва ҳикоятлар ҳаёт ҳақиқатига қанчалик тўғри келишини тарихчиларимиз аниқласалар яхши бўларди” **[7]**.

Бобурнинг 4 ўғил фарзанд кўрганлиги маълум: Ҳумоюн Мирзо, Комрон Мирзо, Аскарий Мирзо, Ҳиндол Мирзо. Бироқ афсоналарда унинг яна бир ўғли бўлгани айтилади. Олтин бешикка солиб ташлаб

кетилган чақалоқни минг уруғи оқсоқоли топиб олиб, вояга етказади. Ушбу “Олтин Бешик” афсонаси Қўқон хонлиги тахтини минг уруғи вакиллари эгаллаши учун асос бўлган. “Олтин бешик” – Қўқон хонлигини идора этган минг сулоласининг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятга кўра, 1512 й. Бобур Самарқанддан Фарғона орқали Ҳиндистонга қочади, йўлда Бобурнинг хотинларидан бири – Саидофоқ ўғил туғади. Қочоқлар гўдакни қаровсиз ташлаб кетишга мажбур бўлишган. Уни қимматбаҳо зийнат буюмлари қўйилган бешикка ётқизиб, содиқ хизматкорлардан бирига қолдирадилар. У Бобурга гўдакнинг тақдири ҳақида хабар бериши керак бўлган. Бу вақтда мазкур жойда ўзбекларнинг қирқ, қипчоқ, қирғиз ва минг уруғларининг овуллари бор эди. Ушбу уруғ вакиллари болани топиб, унга Олтин Бешик деб ном қўйганлар. Бола минг уруғи овулига жойлаштирилган. Олтин Бешик вояга етганда халқ унга ҳар бир уруғдан (қирқ, қипчоқ, қирғиз ва минг) биттадан қизга уйланишга имкон беради. Минг уруғидан бўлган катта хотин унга ёлғиз ўғил туғиб беради. Унга Тангриёр деб ном қўядилар, бошқача қилиб Худоёр ёки элоқ Султон деб атай бошлайдилар. Бобур асарларида Олтин Бешик ҳақида ҳеч нарса демаган, замондошлари ҳам уни тилга олмайдилар. Шу боис бу ривоятни Қўқон хонлари ўз шажараларини Бобур билан боғлаш ва ўз ҳокимиятларини барқарор этиш мақсадида тўқишган, деб ҳисоблаш мумкин.

Ривоятларга кўра, Олтин Бешик 1545 й. вафот этган. Унинг ўғли Тангриёр кейинчалик Фарғонанинг ҳукмдори бўлади, лекин хон эмас, балки бий деб аталади. Бу ном унинг авлодларидан то Олимхонгача берилган. Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмфармоси Сайид Муҳаммад Худоёрхон Шералихон ўғлининг насаби султон Бобур ва хотини Сайидофоқ бегимдан туғилган Олтин Бешикхондан бошланганлиги айтилади. Бу насаб Султон Бобурнинг ота-боболари орқали буюк Соҳибқирон Амир Темур Кўрагонга бориб уланади. Ўтмишдаги кўпгина муаррихларнинг китобларида бу хусусда анчагина маълумотлар мавжуд. Масалан, Ниёзмуҳаммад ибн Авазмуҳаммаднинг «Тарихи Шоҳрухия», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансобу-с-салотин ва тавориху-л-хавоқин» («Султонларнинг насаблари ва хоқонларнинг тарихи»), Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи»), Фозилбек Отабек ўғлининг «Мукаммали тарихи Фарғона», Муҳаммад Аминбек Худоёрхон ўғлининг «Фарғона музофоти

хонлари хусусидаги воқеотлар», рус тарихчиси Владимир Наливкиннинг «Краткая история Кокандского ханства» («Қўқон хонлигининг қисқача тарихи») асарлари шу жумлага киради.

Юқорида номлари зикр этилган муаррихлардан анча илгари яшаб ўтган баъзи нуфузли муаллифлар ҳам бу фикрни таъкидлаганлар. Масалан, Амир Умархон ўз девони дебочасида: *«Бу ошуфта тасвидот роқими ва бу паришон абёт нозими андоқ баёни ҳол ва шарҳи мофилбол қилурким, вужудим гулбуни Темур Кўрагон гулистонини шажарасини самарасидур, асолат бўстонида иззат баҳорининг обу ҳавоси тарбияти бирла бош чекиб, нашъу намо пайдо қилди ва хилқатим ниҳоликим, Бобур Султон чаманининг навбовасидир* **[8, 19-бет]**» дея бу ҳақиқатни тарих учун нақшлаб қолдирган бўлса, Хоннинг тоғаси Раҳмонқули оталиқнинг қизи ва завжаи муҳтарамаси Нодирабегим ҳам ўз ғазалларида бу фикрни такрорлаганини кўрамиз. Чунончи бир ғазалида у:

Саёдат хонадони шоҳ Бобур насли покиман,

Худоё, раҳмат айла жумла авлоди изомимни,– байтини битиб, ўз устози фикрларини давом эттирганлиги маълум **[9, 150-бет]**.

Айни вақтда бу фикрларни рад этиб, «Олтин бешик» воқеасини ривоят деб ҳисобловчи тадқиқотчилар ҳам оз эмас. «Олтин бешик»ни ривоят эмас, балки ҳақиқат, деб билувчилар ҳам бор **[10]**. Хуллас, биз сўз юритган Мирзо Бобур ҳаёти ҳам шундай афсоналарга бой бўлиб, қадимий битикларимизда айтилганидек: *“Бул ҳикоят агарчи афсона тусида эрса-да, ул ҳақиқатдан йироқ эмасдур”.*

Адабиётлар:

[1] Алламбергенов А.Ж. Тарихий романларда тарихий ҳақиқат ва бадиий талқиннинг синтези (К.Мамбетовнинг тарихий асарлари мисолида). НДА. Т., 2012.

[2] З.М.Бобур “Бобурнома”. Т.: “Юлдузча”, 1989. –Б. 367.

[3] Ҳаким Сўфий. Сўх тумори. Т.: Янги аср авлоди. 2007. – Б. 221.

[4] Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. Москва, 1875. – Б. 160.

[5] Сўфиев Ў. Деҳвайрон андар Сухи бостон. Т.: Наврўз, 2011. – Б. 143.

[6] Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий». Шинжонг халқ нашриёти, Урумчи, 2007. Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамовалар таржимаси. http://e-tarix.uz/milliyat-insholari/194-tarixi-rashidiy.html

[7] “Ёшлик” журнали, 1989 йил, 5-сон. Изоҳ: Пиримқул Қодиров билан Шукур Содиқ суҳбати: http://ziyouz.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=6815:2014-10-18-05-50-45&catid=501:2013-05-20-06-46-09&Itemid=123

[8] Амирий. Девон. Т., «Фан», 1972.

[9] Пўлатжон Қаюмов. Тазкираи Қайюмий. Т., 1998.

[10] Қаранг: Шариф Юсупов: Худоёрхоннинг вафоти. http://e-tarix.uz/maqolalar/489-maqola.html

БОБУР ҚОМУСИНИНГ РУС ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

(таҳлил, хулоса, вазифалар)

Ваҳоб Раҳмонов,
Бобур номли халқаро жамоат фонди бошқарув кенгаши аъзоси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисми бўлган бобуршунослик, гарчи XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида узил-кесил шаклланган бўлса-да, соҳа олимларининг жонбозликлари ва Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабовнинг моддий ва маънавий ҳомийлиги ва ташаббускорлиги натижасида яратилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” энциклопедиясининг икки нашри амалга ошиб, унинг учинчи нашри ва инглиз, рус, турк, араб тилларига таржима этилишидай ҳали жаҳон илмий тарихида бўлмаган жараён кузатилмоқда. Ушбу ҳолат мамлакат президенти Ш.М.Мирзиёевнинг учинчи Ренесанс ҳақидаги башоратининг амалга оша бошлаганидан амалий дараклардир.

Бобур қомусининг рус тилига таржимаси Андижон давлат университетининг рус тили ва адабиёти бўйича мутахассис бўлган ишчи гуруҳ (раҳбари Ёркиной Олтмишева)га топширилган эди.

Улар ишни ниҳоясига етказиб фонд раёсат муҳокамасига топширдилар. Бу нусха аввало Девоннинг шу соҳа мутахассисига топширилди ва улардан жиддий эътирозлар билан фондга қайтарилди.

Камина бу иш билан бошдан-оёқ танишиб, баҳоли қудрат қалам урдим. Қомус-жуда катта ҳажмли илмий маҳсул. Уни рус тилига ўгириш маъсулияти ҳам ҳазилакам эмас. Таржимонлар жамоаси кучлари етганча курашганлар, ишлаганлар, тугаллаганлар. Ютуқлар - ўзимизники.

Мулоҳазалар:

а) Қомус таржимони ҳозирги рус тилининг билимдони, академик илм мутахассислари бўлмоғи лозим эди. Ишнинг катта, бир қисми ўзбекча фикр юритилиб, русчага кўчирилган. Академик тил камбағаллиги сезилиб қолган. Ҳолбуки бу қомус рус тилида бугун яратилган илмнинг янги оҳорли намунаси бўлмоғи керак эди;

б) бу соҳадаги тажрибасизлик ўзини кўплаб саҳифаларда сездириб қўйган. (Шу даражадаки, юзлаб маротаба “асарлар”) (соч.) ва “адабиётлар” (лит.) таржимада “ас”. (.....)ва “ад”. (адабиётлар) ҳолида сақланган.

в) агар “Бобурнома” нашрлари ўз нуқсонларини жуғрофий сабабларга кўра “Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистонга тегишли наботот ва ҳайвонот ҳамда жуғрофий нуқсонларга йўл қўйган бўлишимиз мумкин” деб эътироф этган бўлсалар, таржимонларимиз кўпчилик соҳаларда оқсашган:

- сўзнинг илмий, аниқ муқобилини қўллай олмаслик;
- таржимада сўзга нисбатан енгил-елпи ёндашиш (“фикримизча” - по нашему каби).
- услубий хатоликлар худди талабанинг машқини эслатади. Чунончи: “Рубаи Бабура в “Д” написаны на разные темы- социальные, духовно-просветительские, этико-воспитательные темы. (стр.559)
- таржимада родни фарқлай олмаслик туфайли Бобур қизни ёқтирган матн, аксинча қиз Бобурни ёқтирган бўлиб чиққан: “Когда Бобур поехал в Герат, увидев в доме тети по отцовской линии Поянда Султан Бегим, влюбился и уговорил её ехать в Кабул” (596-597) бўлиши мумкин эди.
- русча терминологик ва ономастик анъанага тўла амал қилмаслик каби ҳолатлар таржиманинг умумий савиясига таъсир этган.
- илмий таржима гарчи бадиий асар таржимаси каби ўта сермашаққат бўлмаса-да, таржимондан катта маъсулият талаб қилади.

Қомус-шу соҳа илмининг қаймоғи эканлигини эсда тутмоғимиз лозим.

Хулоса: ишни ҳар бир таржимон ҳар бир сўз таржимасига аҳамият бериб яна бир карра кўриб, тузатиб чиқсалар яхши бўларди. Айрим мақолалар компютер таржимасига ўхшаб қолгандай.

Девон муҳаррири истиқболларини нашрлардан олиш шартлиги талабини қўйиш,

- бу талаб ижроси сезилмаяпти.

Вазифалар (Бу таржимонларга тегишли эмас):

- мақола муаллифлари ёки таҳририят вакиллари кейинги беш йилликдаги (бобуршунослик ютуқлари);
- эскирган, ортиқча (Бобур комусида Бобурнинг уч ойликда ўлган чевараси, эшак, сичқон ҳақидаги маълумотлар шартмикин?) мақолалардан воз кечмоқ;
- навқирон бобуршунослар ҳақида мақолалардан киритиш;
- шу муддат вафот этган олимлар саналарига аниқлик киритиб, қайд этиш; чунончи биргина Ўзбекистондан бу йилларда Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов, Ҳасан Қудратиллаев, Ғофуржон Сатимов, Янглиш Эгамова, Карим Тойжонов сингари бобуршунослардан жудо бўлдик;
- яратилган янги китоблар: мақола, тўплам, рисола, монографияларни "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" да акс эттириш;
- жаҳон бобуршунослиги янгиликларини киритмоқ;
- Бобур қомусининг биринчи нашридаги ўнлаб шахслар ҳақида иккитадан мақола ёзиш каби ҳолатларни олдини олмоқ;
- мақолаларни янги маълумотлар билан бойитмоқ керак бўлади.

ТАРИХ КЎЗГУСИДА АКС ЭТГАН ШУЪЛА

("Бобурнома" ва "Юлдузли тунлар"нинг қиёсий таҳлили)

Юлдуз Каримова,
филология фанлари номзоди, доцент,
Жиззах давлат педагогика институти.

Икки ҳодисани юзлаштириш ҳар икки ҳодисанинг аввал кўрилмаган қирраларини кўришга, илгари унча намоён бўлмаган жиҳатларини ёритишга имкон беради. Яъни улар бир-бирига шуъла ташлаб, бири иккинчисида, иккинчиси биринчисида акс этади.

(Сувон Мели)

"Замонавий асар ёзганимда бутун кўз олдимда турган ҳаёт менга қанчалик кўп нарса берган бўлса, тарихий асар ёзганимда

“Бобурнома”, қисман “Ҳумоюннома” ҳам менга шунчалик кўп нарса берди”[24], — дейди тарихий романлар устаси, ҳассос ёзувчи Пиримқул Қодиров.

“Юлдузли тунлар” романини ёзишга ниятланган адиб ўзи таъкидлаганидек, “Бобурнома” ва ундан ташқари яна кўплаб тарихий манбаларни ўрганди, ўзининг бадиий нияти, ғоявий-бадиий мақсадига кўра уларни саралади, қайта бадиий жонлантирди.

Адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов “Жанр, сарлавҳа, концепция (тасвир предмети салмоғи) асарнинг илк семиотик марказида ярқираб кўзга ташланади. Илк семиотик марказ деганда аксарият ҳолларда биринчи мисра (сатр, жумла) тушунилади.

Илк жумла (сатр, мисра) биринчи таассурот асар ҳақидаги ғайришуурий англаш манбаи”[25] дейди.

Дарҳақиқат, миллий романчилигимизнинг энг сара намуналарининг илк жумласига эътибор қаратсак, муҳтарам олимимиз ҳақликларига ишонч ҳосил қиламиз. Тарихий романчилигимизнинг тўнғичи “Ўткан кунлар”нинг ибтидоси *“1264-инчи ҳижрия, далв ойининг 17-чиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботқон, теваракдан шом азони эшитиладир...”* жумласидир.

“Ўткан кунлар”нинг илк жумласи: қуёшсиз, нурсиз, шом қоронғилиги чўккан қиш кунининг тасвири, оҳанги нафақат роман қаҳрамонларининг фожеий умри моҳиятидан китобхонга дарак беради, айни пайтда бу тасвирда қоронғиликда қолаётган Ватан тақдирига ҳам ишора бордек.

Ойбекнинг “Навоий” романи “Баҳор қуёши кўкнинг тиниқ ферузасида Ҳиротнинг Гавҳаршодбегим мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавойи бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чақнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди”[26] деб бошланади.

“Навоий” романининг илк жумласидаёқ ўқувчи З. М. Бобурнинг “Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллиги бор эди, ҳиммати ва

[24]Норматов У. Изланиш қувончи ва ташвишлари (Ёзувчи Пиримқул Қодиров билан суҳбат). Етуклик. -Т. 1982.-Т. 1982.337-бет

[25] Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Т.: “Sharq”, 2007, 53-бет

[26] Ойбек. Навоий (роман). –Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2016, 12-бет

ғарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай”[27] деган эътирофининг нафасини сезади. Асарнинг илк жумласида роман ғоявий мазмунига сингдирилган Бойқаро адолати ва ҳимматидан, Навоий ва Жомийлар даҳосидан яшнаган ва яшарган муаззам бир давр манзарасига рамзий ишора бор.

Гувоҳи бўлганимиздек, ҳар икки романнинг ҳам илк жумласи китобхонни асарнинг яхлит, умумий руҳига олиб киради. Ўқувчи асар об-ҳавосини ўзида ҳис этади, кўз билан қабул қилинган илк жумладаги бадиий информация қалбга кўчади ва ҳис этилади, муҳтарам олимимиз таъкидлаганидек, биринчи таассурот – асар ҳақидаги ғайришуурий англам юзага келади.

Энди муқоясага объект сифатида танланган икки асарнинг илк жумласига эътибор қаратсак: “Бобурнома” ахборот, маълумот тариқасидаги жумла билан бошланган: “Тангри таолонинг иноятиа ва коинот сарвари бўлган ҳазрат Расули Акрамнинг шафоати, поккўнгил чаҳорёрларнинг ҳиммати билан сешанба куни, рамазон ойининг бешинчисида, саккиз юз тўқсон тўққизинчи йили Фарғона вилоятига ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим”[28].

Асар тарихий, мемуар характерда бўлганлиги учун илк жумлаёқ гарчи унда муаллифнинг тақдир иноятидан шукроналиги, озми-кўпми эмоцияси сезилиб турган бўлса-да, ахборот-маълумот тариқасида бериляпти.

“Юлдузли тунлар” романи – бадиий асар. Асарнинг илк жумласиёқ ўзининг бадиий таъсирчанлиги, романда тасвирланаётган макон ва замон руҳини китобхонга бирдан юқтира олиши билан эътиборли. Илк жумланинг ўзиёқ, адабиётшунос олимимиз таъкидлаганидек, китобхон кўз ўнгида романда тасвирланган оламнинг яхлит бир манзарасини намоён қилгандек: “Милодий 1494 йилнинг ёзи. Саратон иссиғида Фарғона водийсининг осмонига чиққан қуюқ булутлар кун бўйи ҳавони дим қилиб турди-ю, кечки пайт бирдан жала қуйиб берди. Қизил тупроқли тепаликлар орасидан ўтиб келаётган Қувасой қон қўшиб оқизилгандек қип-қизил бўлиб кетди”[29].

“Юлдузли тунлар”даги илк жумла: ёз бўлишига қарамай Фарғона осмонига чиққан қуюқ булутлар тасвири, кутилмагандаги

[27] Бобур З. М. Бобурнома. –Т.: “Юлдузча”, 1989, 159-160-бетлар
[28] Бобур З. М. Бобурнома. –Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2008. 29-бет
[29] Қодиров П. Юлдузли тунлар. Бобур. –Т.: “Sharq”. 2010. 20-бет (бундан сўнг ҳар икки нашрдан олинган кўчирмаларнинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади)

шаррос жала, қондек қип-қизил бўлиб оқаётган серсув Қувасой роман бош қаҳрамони Мирзо Бобур умри мазмун-моҳиятидан хабар бергандек, айни пайтда бу тасвирда осмонини қора булут қоплаган темурийлар салтанатининг қиёфаси ҳам намоён.

Бизга маълумки, Мирзо Бобур ўз мемуарини “Вақое” деб атаган, бир-икки ўринларда “тарих” деб ҳам тилга олган. Аммо кейинчалик “…турли адабиётларда бу асар “Воқеоти Бобурий”, “Тузуки Бобурий”, “Таворихи Бобурий”, “Бобурия” номлари билан тилга олиниб келди. Кейинчалик унга “Бобурнома” деб мурожаат этиш ва шу ном билан аташ расм бўлиб қолди”[30].

Романнинг кейинги нашрларида “Юлдузли тунлар” сарлавҳаси олдига “Бобур” ҳам деб ёзиладиган бўлди. Асар тарихий-биографик бўлганлиги учун бу ҳам қайсидир маънода тўғридир. Аммо китобхон қалбига роман “Юлдузли тунлар” сарлавҳаси билан йўл топган. “Санъаткор асарни қанча етилтириб, руҳида пишитиб юрса, кутилган сарлавҳа бирдан пайдо бўлади. “Сароб”, “Синчалак”, “Қутлуғ қон”, “Уфқ”, “Гирдоб”, “Диёнат”, “Қилкўприк”, “Руҳлар исёни”, “Юлдузли тунлар” сингари номларда асарнинг жон-жонидан ўтиб келган руҳ-оҳорлилик, ижодий изланиш азоби аниқ сезилади”[31].

Пиримқул Қодиров танланган дастлабки сарлавҳанинг пишиқлиги, оҳорлилиги шунда кўринадики, юлдуз (ёруғлик) ва тун (қоронғилик) сўзларини усталик билан бир-бирига пайвандлашдан ҳосил бўлган латиф бир контрастлик, тасвирийлик Бобур Мирзо умрининг мазмуни, моҳиятини ўзида ифодалагандек туюлади, бу ҳам ёзувчининг бадиий маҳоратидан дарак беради.

Қолаверса, бу ном асарнинг хотима қисмидаги тасвир — Бобур Мирзонинг сўнгги нафасида унинг кўнглидан кечган ўй-хаёлларга ҳам мос.

“— Баданимда…қон уюшиб қолаётгандай…— деди Тоҳирга.

Тоҳир унинг елкаларини, қўлларини, кейин оёқларини секин-секин уқалай бошлади. Бобур бундан сал енгил тортгандай бўлди-ю, кўзини очиб яна осмонга қаради.

Юлдузлар энди жой-жойида тўхтаб, сокин нур соча бошлади. Ана Олтин Қозиқ. Унинг ғарб томонидаги Етти Оғайни юлдузлари

[30] O‘zbek nasri tarixidan. T. “Fan”.1982. 64-bet
[31] Расулов У. Бадиийлик – безавол янгилик. –Т.: “Sharq”, 2007, 51-бет

уфққа оғиб тушиб кетяпти. Шарқдан эса бир тўп бўлиб Ҳулкар юлдузлар кўтарилиб келяпти.

— Бизнинг Қувада ҳам Ҳулкар худди мана шунақа бўлиб чиқар эди, — деди Тоҳир.

Бобур ҳам болалиги ўтган Андижон осмонини эслади. Мана шу Етти Оғайни юлдузлар ўша ерда ҳам Олтин Қозиқни айланиб ўтиб, ғарбга ботиб кетарди…Ўша ерда ҳам Етти Оғайни уфққа бош қўйган сари Ҳулкар юлдузлари осмоннинг баланд жойларига чиқиб борарди…

Осмон дунёнинг ҳамма жойида бир экани, умрининг бошланишида Андижонда кўрган юлдузлари умрининг охирида Аграда ҳам чақнаб тургани унга сўнгги бир тасаллидек туюлди…

Тун ярмидан ошганда Тоҳирнинг ўкириб йиғлагани қоронғи боғни зир титратди” (557-б.).

Маҳоратли ёзувчи яратган мукаммал бадиий тасвир китобхон тафаккурида юксак даражадаги ассоциативлик пайдо қилади. Осмон тўла юлдузларга сўнгги нигоҳини тикиб жон берган Бобурга нисбатан ёзувчи ўлди ёки вафот этди, деган сўзни ишлатмайди. (Мирзо Бобурнинг вафотини биз Тоҳирнинг ўкириб йиғлаган ҳолатдаги тасвирдан биламиз). Чунки Мирзо Бобур каби башариятнинг шонли фарзандлари ҳеч қачон ўлмайди. Ўзи яшаган феодал қоронғи ўтмишни маърифати ва маънавияти билан ёритган Мирзо Бобур вафотидан сўнг ҳам ўзининг инсоний, ҳам ижодий даҳоси билан энг ёруғ йўлчи юлдуз каби башариятга доимо тўғри йўлни кўрсатиб тураверади.

Ўзининг ижодий тажрибалари билан ўртоқлаша туриб: “Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни аввал неча маротаба кўрганим эсам-да, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман”, – деб ёзган эди Абдулла Қодирий.

“Бобур Мирзо ва унинг авлодлари ҳақида тарихий романлар ёзиш жараёнида Ҳиндистонга уч марта ижодий сафар қилдим. Шимолдаги Кашмирдан тортиб жанубдаги Бомбей, Калькутта, Мадрас вилоятларигача кўп жойлар менда жуда ёркин таассурот қолдирди...”[32] – деб ёзади “Ҳиндистон ажойиботлари” деб номланган сафарномасида Пиримқул Қодиров.

Ўрни келганда буюк адибларимизнинг ибратомуз фазилатлари: китобхон олдидаги масъуллик туйғусини нақадар

[32] П. Қодиров. Қалб кўзлари (Бадиалар, ўйлар, эсдаликлар). –Т.: “Маънавият”, 2001, 40-бет

теран ҳис этишларини кўрсатадиган бир ҳолатни Абдулла Қаҳҳор мисолида таниқли адабий танқидчи Озод Шарафиддиновнинг хотираларидан келтирмоқчимиз: “Абдулла ака Ҳиндистон сафаридан қайтгандан кейин Ҳиндистон ҳаёти ҳақида жуда қизиқ гапларни айтиб берди. Бу гаплар ёзувчи кўзи билан кўрилган чиройли деталларга бой эди. Ҳикояни эшитгандан кейин, Абдулла акага Ҳиндистонда кўрган-кечирганларини бир повест ёки сафарнома тарзида ёзишни маслаҳат бердик. Абдулла ака мийиғида кулди-қўйди. Ўша айтган гапларидан битта кичкина мақола қилди-ю, нарига ўтмади (Бу мақола А. Қаҳҳорнинг 1989 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган 5 жилдлик асарларининг 5-жилдида “Ҳиндистон хотиралари” номи билан жой олган – Ю. К.). Нега бундай қилганини сўраганимизда, “Бир-икки кўрган билан ҳаётни билиб бўладими, билмаганингдан кейин қандай ёзасан?”[33] деб жавоб берди.

Ёзувчилик ва ёзиш масъулиятини теран ҳис этган Абдулла Қаҳҳорнинг суҳбатдошларига берган жавоби Абдулла Қодирийнинг ўқувчи учун тўлиқ англанмай қолган фикрини ойдинлаштиради, назаримизда.

Озод Шарафиддинов эса ҳар икки адибнинг ижодий тамойилларини китобхонга янада теранроқ етказиш учун дейди: “ёзувчининг ўзи яхши билган нарсаси” китобдан ўқиб олган билимлари, одамлардан эшитганлари ва ҳатто ўз кўзи билан кўрганлари ҳам эмас. Албатта, буларнинг ҳаммаси – китобий билим ҳам, одамлар билан жонли алоқа ҳам, дунёнинг узоқ-яқинини кўриш ҳам ёзувчи учун жуда зарур, буларсиз юксак ёзув маданиятига, чуқур ёзувчилик тафаккурига эга бўлиб бўлмайди. Бироқ бари бир буларнинг ўзигина ҳали ёзувчига бемалол қалам олиб, ижодга киришишга асос бермайди. Афтидан, “ёзувчи ўзи яхши билган нарса” дегани “ёзувчи ўзи чуқур ҳис қилган нарса” деган тушунчани ҳам ўз ичига оладики, асардаги ўқувчи қалбини куйдирадиган оташ ана шу ҳисдан пайдо бўлади”[34].

Айтиш мумкинки, Пиримқул Қодировнинг заковати, тафаккури, хаёлоти ва мунаққид Озод Шарафиддинов

[33]О.Шарафиддинов. Истеъдод жилолари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 110-бет
[34] Ўша манба, 111-бет

таъкидлаганидек, муаллиф қалбидаги дарддошлик ҳисси, унинг ёниқ илҳоми, ўқувчи олдидаги масъуллиги ҳатто реал тарихда ҳам мавҳум қолган вазиятга аниқлик киритди. “Бобурнома”нинг 1494 йил воқеалари баёнида муаллиф Самарқанд подшоҳи Султон Аҳмад Мирзо ва мўғул улусининг хони Султон Маҳмудхон ўзаро сулҳ тузиб, бири Сайҳуннинг жанубидан, бири шимолидан Умаршайх салтанатига лашкар тортиб келганларини айтади. “Ахси қўрғони баланд жар ёқасида эди. Ушбу йили душанба куни, рамазон ойининг тўртинчисида Умаршайх Мирзо жардан кабутарлар ва кабутархонаси билан учиб, ҳалок бўлди. Ўттиз тўққиз ёшда эди” — деб ёзади. (32-б.).

Бир неча сатрлик “Бобурнома” даги мана шу қисқа маълумот Пиримқул Қодировнинг ғояси, ҳассос фикри, бадиий тахайюли билан “Ахси. Ажалга даво йўқ” сарлавҳаси остида каттагина бобга айланди.

Бу ҳақда ёзувчининг ўзи адабиётшунос олим Умарали Норматов билан бўлган адабий суҳбатда шундай дейди: “Одам жардан йиқилиши мумкин. Лекин каптархона, яъни бино нега йиқилади? Буни аниқ тасаввур қилиш учун мен Наманган областининг Тўрақўрғон районига бориб, эски Ахсикент турган ўша тепаликни кўрдим. Ҳали ҳам бир неча терак бўйи келадиган баланд жар тагидан дарё оқиб турибди”[35].

Умаршайх Мирзо ҳалокатининг бадиий талқинида Пиримқул Қодировга нафақат фожиа рўй берган жойни бориб, ўз кўзи билан кўриш, ўрганиш ёрдам берган, балки ёзувчи Умаршайх Мирзонинг юрт, тожу тахт қайғусида ёниб турган онларини чуқур бир илҳомий дард билан ҳис эта олган, қаҳрамони қўллаши мумкин бўлган чора-тадбирларни ўз юрагидан шууридан ўтказа олган. Ўша суҳбатнинг давомида ёзувчи шундай дейди: “Бу ерда каптарлар осмонга яхши учган бўлса керак. Лекин подшо одам оғир уруш пайти каптархонада нима иш қилиши мумкин? У пайтда ҳозирги алоқа воситалари бўлмаган. Отлиқ чопарлардан хабар келавермагач, Умаршайх Мирзо қанотли чопарини ишга солмоқчи бўлган, каптарни ўзи учиргиси келган. Жар тагини эса дарё емириб қўйган...”[36]

[35] У. Норматов. Изланиш қувончи ва ташвишлари (Ёзувчи Пиримқул Қодиров билан суҳбат). Етуклик. –Т.: 1982, 337-бет
[36] Ўша манба

Гувоҳи бўлганимиздек, “Илҳом билан маҳорат топишгандагина китоб ёзувчининг қалбидан қўшиқдай отилиб чиқади, китобхоннинг қалбида акс садо янграйди”[37]. Эътироф этиш керакки, “Юлдузли тунлар”нинг Умаршайх Мирзо фожиаси тасвирланган саҳифалари муаллиф қалбидан қўшиқдай тўкилган, шунинг учун ҳам ўқувчи бу таъсирли лавҳани алоҳида ҳайрат ва ҳаяжон билан, энг муҳими, ишониб ўқийди.

Андижон ва Марғилондан хабар кутаётган Умаршайх Мирзо отлиқ чопарлар келавермагач, отланиб аркдан чиқади. “Умаршайх Мирзо қалъанинг бир четида, дарёнинг баланд қирғоғи устида, жар лабида турган кабутархонага қараб йўл олди. Отлиқ чопарлар дом-даракси кетганликлари учун Мирзо энди қанотлик “чопар”ларини ишга солмоқчи эди…Бироқ бу баҳайбат ўнгирлар оёқ остидаги заминни ичдан ҳилвиратиб қўйганини, кабутархона ортидаги жарнинг тагини сув ўйиб кетганини, ер ўпирилгудек бўлиб турганини Мирзо ҳам, унинг атрофидаги мулозимлар ҳам мутлақо сезмас эдилар” (45-б.).

Ёзувчи дарё, унинг баланд қирғоғида жойлашган кабутархона, найча қилинган қисқа хатни чиний кабутарнинг қаноти тагига жойлаб, уни учириб юбориш учун зинадан кабутархона томига чиқаётган Умаршайх Мирзо ҳаракатларини шунчалик аниқлик билан тасвирлайдики, гўё китобхон ўша ҳолатнинг жонли гувоҳига айланади.

Айниқса, зилзила, тўфон, ўпирилиш каби турли табиий офатларни олдиндан жониворларнинг сезиши ҳақидаги маълумотдан усталик билан фойдаланган ёзувчи тасвирда яна ҳам ҳаётийликка, таъсирчанликка, энг муҳими, китобхоннинг ишончига эришган.

Дарҳақиқат, ёркин, таъсирчан тасвир ўқувчи хаёлотига қанот бағишлайди: оёғи остидаги заминнинг бўшаб, нураб ўпирилиш даражасига бориб қолганини билмаётган темурий ҳукмдор(лар), ғафлатийликда, ўз ҳукмдорларидан қолишмайдиган ҳайбаракаллачи мулозимлар, бир қушчалик онги, сезими йўқ кабутарбонлар, жарга йиқилиб чилпарчин бўлмаслик учун юлқиниб чиқиб, чанг-тўзонлар ичидан мусаффо осмон бағрида отилган кабутар… Беихтиёр Бобур Мирзонинг:

[37] А. Қаххор. Ҳақ сўзнинг кучи. 5 жилдлик. 5-жилд. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 217-бет

Хазондек қон ёшим, сориғ юзумдин эл танаффурда,
Баҳар ранге, биҳамдуллоҳ, улусдан ўзни қутқардим —
деган сатрлари ёдимизга тушади.

Таҳлил объектларимизнинг майдонини кенгайтириб, Умаршайх Мирзонинг кабутарлар ва каптархонаси билан жарга учиб ҳалок бўлишининг бадиий талқини билан боғлиқ яна бир бадиий асарни қиёсга тортсак. Австриялик немис олими ва ёзувчиси Фриц Вюртле ҳам худди Пиримқул Қодиров каби душман юрт остонасида турган бир вақтда подшо кўнгилхушлик учун каптархонага чиқмаслигини, юраги ниманидир сезган ҳукмдор, хабарчи чопарлар душман қўлига тушиб қолиши мумкин, — деган фикр билан каптарлардан фойдаланмоқчи бўлганини бадиий мулоҳаза этади. Аммо Фриц Вюртле талқинида Умаршайх Мирзо каптарлардан ҳарбий мақсад йўлида эмас, балки тахт вориси бўлган ўғли Бобурга ўзининг сўнгги сўзларини етказиш учун фойдаланди. Ёзувчининг бадиий тасвирдаги ўзига хос муваффақиятини кўрсатиш учун қиссадан парча келтирамиз: “Ахсидан Заҳириддин ҳузурига келган “Бийно басир” — Қосимбек Умаршайх Мирзонинг ўлимида сотқинларнинг қўли борлигини, буни шахсан ўзи текшириб кўрганлигини айтар экан, қўйнидан оқ каптар чиқарди. Умаршайх Мирзонинг Бобурга, — тахт ворисига аталган сўнгги васиятида шундай сўзлар бор эди:

“… кимки вақт синовларига дош бера оладиган уй қуришни истаса, ғиштни тўғри терсин, қоришмани эзилган халқ кўз ёшидан тайёрламасин! Муқаддас китобимизда ёзилган гапни ёдда тут: Аллоҳ ер ва осмонни бизга эрмак учун яратмаган. Сен эса, менинг ўғлим ва меросхўримсан, сен ёшсан, жасурсан, ҳамиша ақлли, мулоҳазали бўл. Ким сенга ҳамиша садоқат билан хизмат қилса, хушомадгўйлик қилмаса, ундай одамни ёнингда сақла ва маслаҳатига қулоқ сол”[38].

“Андижон шаҳзодаси” болаларбоп, саргузашт-қисса. Асарнинг умумий руҳида саргузашт-қисса табиатига хос хусусиятлар етакчилик қилса-да, васиятнома билан боғлиқ тасвир – ёзувчининг муваффақиятли топилмаси. Зукко китобхон васиятномадан Амир Темурнинг нафасини сезади. Бежиз ҳам Бобур Темурий шаҳзодалар ичида соҳибқирон бобоси Амир Темурнинг энг муносиб издоши сифатида баҳоланмайди. Ф.Вюртле талқинида ана шунга ишора бор.

[38] Ф. Вюртле. Андижон шаҳзодаси (Й. Эгамова таржимаси). –Т.: “O‘qituvchi”, 2011, 47-бет

Хулоса қилиб айтганда, битта тарихий факт ҳар иккала ёзувчига ҳам ўзлари танлаган жанрнинг табиатидан келиб чиқиб, бадиий тасвирлаш маҳоратларини юзага чиқариш имконини берган.

Дарҳақиқат, манбалар бағридаги зарраларни илғаш, улар бағрига яширинган сирни топиш, бадиий заковат, ақл, ҳис-туйғу уйғунлигида китобхон ишонч ва ҳаяжон билан ўқийдиган тасвирларни ярата олиш, улар ўртасида диалектик яхлитликни ўрната олиш тарихнавис ёзувчидан жуда катта иқтидор, меҳнат талаб қилади.

Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев Пиримқул Қодировнинг тарихнавислик маҳоратини эътироф этиб шундай дейди: “Ёзувчи ғоят чигал замондаги саноқсиз тарихий ҳодисалар ўртасидаги мавжуд сабабий боғлиқликларни яхши ҳис қилади. Турли манбалардаги тарихий далилларнинг ўзаро алоқадорлик жиҳатларини сезгирлик билан кўра олади”.[39]

Дарҳақиқат, кўра олиш, ҳис қилиш, бадиий идрок этиш, ўз қаҳрамонларининг дунёсида яшай олиш, улар билан дарддош бўла олиш, тасвирда ақл ва туйғу уйғунлигига эришиш санъаткор ёзувчининг энг зарурий фазилатлари эканлиги “Бобурнома” ва “Юлдузли тунлар”нинг муқоясасида шоён кўриниб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Норматов У. Изланиш қувончи ва ташвишлари (Ёзувчи Пиримқул Қодиров билан суҳбат). Етуклик. -Т. 1982. -Т. 1982
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Т.: “Шарқ”, 2007
3. Ойбек. Навоий (роман). –Тошкент. “Ўзбекистон” номидаги матбаа-ижодий уйи, 2016
4. Бобур З. М. Бобурнома. –Т.: “Юлдузча”, 1989
5. Бобур З. М. Бобурнома. –Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2008
6. Қодиров П. Юлдузли тунлар. Бобур. –Т.: “Шарқ”. 2010
7. Қодиров П. Қалб кўзлари (Бадиалар, ўйлар, эсдаликлар). –Т.: “Маънавият”, 2001
8. Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976
9. Вюртле Ф. Андижон шаҳзодаси (Й. Эгамова таржимаси). –Т.: “Ўқитувчи”, 2011
10. Йўлдош Қ. Ёниқ сўз. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006

[39] Қ. Йўлдош. Ёниқ сўз. –Т.: “Yangi asr avlodi”, 2006, 11-бет

БОБУРНИНГ ПЕЙЗАЖ ҒАЗАЛИ

Зуҳра Мамадалиева,
А.Қодирий номидаги Жиззах ДПИ
Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси
кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни “Бобурнома”дай гўзал ва мукаммал асар муаллифи, янги салтанат асосчиси, маърифатли сулола бобокалони, қомусий илм соҳиби, кучли адабиёт назариётчиси, янги ёзув ихтирочиси, фиқҳ олими ва албатта ўзига хос мураккаб тақдир соҳиби бўлган дилбар шахс сифатида биламиз. Бироқ, Бобур Мирзо аввало шоир эди. Унинг нозик ва ўткир дид соҳиби, маърифатли қалб эгаси эканлиги, “Бобурнома”даги ҳақпарварлиги ва самимияти замирида ҳам мана шу буюк қисмат – шоирлик ётарди. Бу ҳақда Бобур Мирзо девонининг 1994 йилдаги нашрига сўзбоши ёзган адабиётшунос олим, профессор А. Абдуғафуров қуйидагича фикр билдирган: “Кейинчалик “Бобурнома”да бутун кўлами билан кўринган етакчи хусусият – ўз ҳолати ва кечмишларини, кайфият ва таассуротларини, шодлик ва ташвишларини, интилиш ва орзуларини баён этиш – Бобурнинг илк ғазал ва рубоийларидаёқ тўла-тўкис юзага чиққан. Бадиий сўзга, шеъриятга Бобур ўзлигини, ўз руҳий оламини очиш воситаси деб қараган”.[А. Абдуғафуров: 1994, 5].

Бобур Мирзо мана шу азалдан ато этилган шоирлик қисмати эгаси ўлароқ шеъриятга жуда эрта меҳр қўйди. Биз қўлимиздаги номукаммал девон мисолида шуни айта оламизки, у ўзбек адабиётидаги ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, маснавий, фард каби жанрларда гўзал ижод намуналарини яратди. Бироқ Бобурнинг энг кўп истифода этган жанри, албатта, бу ғазал жанридир. Бобур Мирзо ғойибона устози ҳазрат Навоий (ўзининг таъбири бўйича айтганда Алишербек)нинг мазмун жиҳатидан ошиқона, орифона, риндона, табиат тасвирига бағишланган каби мазмуний жиҳатдан бир қатор янги турларини кашф этган ғазалга ўз ижодининг гултожи сифатида мурожаат этди.

Биз қуйида унинг биргина ғазали таърифида ўз фикримизни исботлашга ҳаракат қиламиз.

Биз таҳлил қилаётган ғазал мазмунан табиат тасвирига бағишланган, шаклан эса мусалсалдир. Ғазалда ошиқнинг ожиз ва ниёзмандлиги, унга қарама қарши тарзда маъшуқанинг мағрур ва эҳтиёжсизлиги гўзал сўз санъатлари воситасида табиат тасвири билан параллел тарзда очиб берилган:

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим.

[Бобур шеъриятидан: 1982, 39;Заҳириддин Муҳаммад Бобур: “Девон” 1994, 38-39.]

Байтни таҳлил қилиш учун бизга ундаги мураккаб сўзларнинг мазмунини билишимиз талаб этилади. Ҳажр – айрилиқ, лоларух – лола юзли, гўзал ва соғлом маъшуқа, зард эса сариқ, олтинранг каби маъноларни билдиради. Шундан келиб чиқиб, ғазалдаги мазмунга юзланамиз: *хазон бўлган, яъни сарғайиб, умри интиҳога етган япроқ каби, эй лола юзли маъшуқам, сенинг гулдек дийдорингни айрилиғида сарғайиб кетдим.*

Халқ орасида сарғаймоқ сўзи ибора сифатида ҳам ишлатилади. Бу ибора “интизор бўлмоқ”, “кўп кутмоқ”, “интиқиб кутмоқ” маъноларини ифодалайди. Байтда иборага мос тарзда *хазон япроғи янглиғ* ташбеҳининг қўшиб ишлатилиши унинг мазмунни тўлдириб, пафосни кучайтиришга хизмат қилган. *Хазон япроғи* ва *гул ҳамда лола рух* ва *чеҳраи зард* каби сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида тазоднинг бир йўла икки гўзал намунасини яратилиб, байтнинг бадиий эстетик қуввати ошган.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Оёғингга тушуб барги хазондек бунча ёлвордим.

Навбатдаги байтда ошиқ ва маъшуқа ҳолати орасидаги тазод улар табиатига ҳам кўчирилади. Яъни, маъшуқа гўзал, саркаш. Бу хусусиятлари билан у доим ям-яшил ва тик ўсувчи сарвга қиёсланган. Ошиқ эса бунга акс ҳолатда забун ва ожиз. Шу қадар ожизки, ҳатто маъшуқасига ишқ изҳорини ҳам айта олмайди. Фақатгина унинг оёғига “тушиб” ёлворишга кучи етади, холос. Шунинг учун ҳам у ўзини “барги хазон”дан бошқа нарсага ўхшата олмайди.

Байтда бу сафар мангу навқирон сарв умри поёнига етиб, тўкилган хазонга қаршилантириш орқали тазод санъатига мурожаат этилмоқда.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.

Навбатдаги байтда сабз – янги чиққан майса ва хуррам – хурсандлик, шодумонлик маъноларини ифодалашини назарда тутадиган бўлсак, байтнинг маъноси қуйидагича бўлади: *Гарчи мен сенинг ишқинда хазон япроғидек (борса келмас томонга кетиб) бораётган бўлсам ҳам латофат, яъни нозиклик гулшанида сен хуррамликда мангу даврон сур.* Ушбу байтда ишқдаги изтироблар натижасида ўзининг ҳалокатини – хазондек тўкилиб, йўқ бўлиб

кетишини билган ошиқ тилаклари ифодасини кўрамиз. Шу ҳолатда ҳам у маъшуқасига узоқ умр ва шодумонлик тилаётгани эса унинг нақадар олийжаноб ва содиқ эканлигини билдиради.

Байтда бу сафар хазон япроғи бирикмасига сабз ва хуррам сўзлари тазод бўлиб келмоқда.

Хазондек қон ёшим, сориғ юзумдин эл танаффурда,
Ба ҳар ранге, биҳамдиллоҳ улусдин ўзни қутқордим.

Ушбу байтда *танаффур* сўзи бизга нотаниш бўлиб, нафратланиш, ёмон кўриш натижасида қочиш, узоқлашиш маъноларини ифодалайди. Шундан келиб чиқадигн бўлсак, ғазалнинг маъноси қуйидагича бўлади: *Кўз ёшларим қонга айланиб, дарахтдан тушаётган хазондек қуйига оқишини ва сариқ юзимни кўрган эл мендан нафратланиб, узоқлашди. Мен эса ҳар қандай ранг билан бўлса ҳам, одамлардан ўзимни қутқарганим, улардан узоқлашганим учун Яратганга шукур айтаман.*

Ушбу байтда маъшуқа тасвири йўқ. Бироқ ошиқ тасвирининг ўзиёқ бизда ишқнинг унга қанчалик фожиавий таъсир ўтказганлигини кўришимиз учун кифоя қилади. Унинг ошиқлик орқасидан элнинг нафратига сабаб бўлган ҳолати ғазалнинг умумий тасвирига трагик пафос киритади.

Хазоннинг сарғайишидан бошқа, қизариши (айтайлик ўрик барги мисолида)ни назарда тутган шоир уни ошиқнинг сариқ юзи билан бирга қонли кўз ёшларига ҳам муқояса қилмоқда.

Ғазалнинг шу байтигача келган хазон япроғи,барги хазон бирикмалари шунчаки сўз бўлмай, образ даражасига етган. Бунинг сабабини улуғ шоирнинг умр дафтари “Бобурнома”дан топсак, не ажаб?! Китобнинг “Тўққиз юз ўн бешинчи (1509-1510) йил воқеалари” бобида Бобур Афғонистонда юрган пайтлари ҳақида ёзар экан, қуйидаги жумлаларга дуч келамиз: “Боғи Вафодаги энг яхши маҳаллар эди. Ҳовли майдони буткул себаргазор, анор дарахтлари сап-сариқ, хушранг хазон бўлибди...

Душанба куни Исталифда хазон сайрига борилди. Ўша кеча қаттиқ ёмғир ёғди... аср намозига яқин Беҳзодийга етиб келдик. Хазон жуда кўп тушганди... Тўкилган хазонлар шу қадар гўзал эдики, сарғайган дарахтлар остида ўтириб шароб ичдик... Бир олма дарахти яхши хазон бўлганди, ҳар бир шохида беш-олти барг қаторлашиб қолганди, агар рассомлар қанча ҳаракат қилиб чизсалар ҳам, бундай чизолмасдилар”. [Заҳириддин Муҳаммад Бобур: 2012, 184-186]. Бобур ўз ҳаёт китобидаги куз фонида чизилган бу чизгилар унинг лирикасида биз таҳлил қилаётган ғазалга образ бўлиб хизмат қилган бўлса, не ажаб?!

Ахир “Бобурнома”нинг 2012 йилда нашр этилган табдил нашрига сўзбоши ёзган адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмон шоир шеъриятига унинг ўз ҳаёти таъсирини ўтказганлиги ҳақида: “Бунинг устига унинг мумтоз шеъриятга дадил киритган таржимаи ҳоллик хусусияти ҳам Бобур шеъриятини алоҳида нурлантириб туради”, деган фикрлари бежиз айтилмаган. [Ваҳоб Раҳмон: 2008, 5.]

Не толеъдур мангаким, ахтари бахтим топилмайдур,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

Алишер Навоийнинг ўзбек ғазалчилигига қўшган яна бир ҳиссаси – бу маъвиза байт ҳисобланади. Бундай байтлар кўпинча мақтаъдан олдин келиб, фалсафий маъно-мазмунга эга ҳисобланади. Унда шоир баъзан ғазал мазмунидан чекиниб, баъзан эса аксинча, ғазалдаги байтларни умумлаштириб, фикрлайди. [Sirojiddinov Sh,Yusupova D, Davlatov O: 2019, 296]. Демак салафининг ушбу анъанасини давом эттирган Бобур Мирзонинг ҳам ушбу мақтаъдан олдинги байтини маъвиза ёки лирик чекиниш байти десак, бўлади.

Ундаги нотаниш сўзлар *ахтар – юлдуз, авроқ эса варақлар* деганидир.

Демак, шоир ушбу байтда, нафақат, ғазалда умумлаштирган ҳолда ошиқ бўлиб, балки, бутун ғазалиётнинг лирик қаҳрамони мисолида фикрламоқда. Яъни: *бу қандай қисмат эканки, фалак (асл маъноси осмон, бу ўринда икки маънода келиб, ҳам осмон ва ҳам тақдир, қисмат маъноларини ифодаламоқда) варақларини шеър ёзадиган дафтаримдек варақлаб ахтарсам ҳам, бахтим юлдузини топа олмадим?!*

Ўрта аср Шарқ астрологиясида ҳар бир инсоннинг ўз юлдузи бўлади, у соҳибининг бахтли ёки бахтсизлигини белгилайди, деган ақида мавжуд эди. Ушбу ақидага мурожаат этган шоир қисматим осмонини дафтар варағидек варақлаб қидирсам ҳам бахтим ахтари – юлдузини топа олмадим, демоқда ўкинч билан.

Байтда ахтар ва ахтардим сўзлари ёрдамида тажнис санъати воситасида гўзал сўз ўйини яратилган.

Улуснинг таъну таърифи, манга, Бобур баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ёмон-яхшидин ўткардим.

Мақтаъда Бобур Мирзо маъвиза байтдаги ва ғазалдаги фикрни умумлаштириб, хулосаламоқда. Яъни: *менга одамларнинг таъна қилиб, ёмонлаши ҳам, таърифлаб улуғлаши ҳам баб-баравар. Чунки мен ўзимни ёмон ва яхши деган таърифлардан юқори қўйиб бўлганман.*

Таъну таъриф ва ёмон-яхши сўзлари орқали икки бор тазод ҳамда айни вақтда лафф ва нашр санъатларига мурожаат қилган санъаткор шоир ёмону яхшига юқоридан қарашдек дарвешона ва айни пайтда мардона тафаккур билан ғазалини якунламоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ғазал мардонавор ҳаёт кечирган нозик кўнгил соҳибининг ишқ ва ошиқлик мавзусига йўғрилган юрак кечинмалари тасвиридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. Тошкент: Фан, 1994. 143 бет.

2. Бобир шеъриятидан. Тошкент: Ўзбекистон, 1982. 143 бет.

3. Бобурнома. Тошкент: O'qituvchi, 2012. 187 бет.

4. Sirojiddinov Sh,Yusupova D, Davlatov O. Navoiyshunoslik. Toshkent, Tamaddun: 2019. 520 bet.

З.М.БОБУРНИНГ БУЮК САРКАРДАЛИК МАҲОРАТИ ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ РУҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ИБРАТ

Алишер Мамажонов,
З.М. Бобур номидаги Андижон Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди,
Абдувоҳид Алишеров,
З.М. Бобур номидаги Андижон Давлат университети ўқитувчиси.

Тарих-кишилик жамиятининг узоқ минг йилликлардаги ўтмиши, ўша жамиятнинг турли даврларида яшаб ўтган халқ оммасининг фаолиятини ўрганади ва ёритади. Ҳаётга назар солсак инсонларнинг онги, тафаккури ҳамда дунёқарашлари ўзгарди. Уларнинг кўпчилиги турли-туман фикр-андишалар билан банд бўлиб яшасада, бундай фикр-андишалар хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ хато бўлсин, барибир, унинг соҳибига бутунлай гўзал кўриниш, ажойиб бўлиши табиий бир ҳолдир.

"Гўзал турмуш роҳат-фароғат билан умр ўтказмоқдан иборатдир. Умр ҳеч маҳал бир ерда тўхтаб турмас, балки ҳамиша бирин-сирин ўтар ва ниҳоят тугар ҳам. Ўтган умрни бутун дунё

молини бериб бўлса ҳам қайтариб бўлмас. Шунинг учун бу оз умрни роҳат - фароғат билан кечирмоқ, зое ўтказмоқдан сақланмоқ лозим бўлади” [2,7] деган сўзларга қулоқ тутадиган бўлсак, оиланинг бахт саодати ақлли, илмли, яхши тарбияли болаларни етиштиришдир. Ана шу тарбиялар орқали дунёда улуғ зотлар етишиб чиқиши муқаррардир. Мақолада З.М.Бобурнинг буюк саркардалик маҳорати ёшларнинг маънавий-ахлоқий руҳиятини мустаҳкамлашда ибрат мавзусида қисқача маълумот беришга ҳаракат қилдик.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий руҳиятини мустаҳкамлаш тўғрисида гап кетганда, уларга фақат диний ақидалар, диний расм-русумлар мажмуаси эмас, балки турли фалсафий, ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий қарашлар тизимидан таркиб топганлигидан далолат берувчи миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришишдир. Бунда ота-онани улуғлаш, оилани мустаҳкам сақлаш, фарзаднинг бурчи, ўзаро меҳр оқибат, иффат, ор-номус, ҳаё каби асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган фазилатлар, устоз ва шогирдлар одоби каби эзгу қадриятларга содиқ қолиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий ғоя тарғиботини изчиллик билан давом эттириш каби хислатларни сингдириб бориш шубҳасиздир.

“Биз-дарахт, болалар мевамиз эмаски, улар шиғил пишганда одамларнинг олдига қўйсак, бир ўтиришда еб, дуо қилиб кетаверсалар ва шу билан ишимиз тугаса! Болалар аслимизни, наслимизни асрлардан-асрларга ташувчилардир! Яралишига биз сабабчи бўлдик, аслида, улар Аллоҳнинг неъматларидир” [3, 246]. Гар шундай экан барча ота-оналар ўз фарзандлари учун маъсул ва мураббий бўлиши давр талабидир. Ҳар бир бола тарбияни оилада, мактабда, маҳаллада, бошқа билим даргоҳларида олади. Аммо бола тарбиясида асосий ўринни оила эгаллайди. Чунки бола оилада туғилади, юриш, сўзлашни, муомалани оилада ўрганади, бола дунёни оилада танийди. Шунинг учун ҳар бир боланинг биринчи ва асосий устози ота-она ҳисобланади. Ота-она, фарзандлар туғилганидан сўнг, ўзининг юриш-туришини, муомаласини назорат қилиши лозим. Зеро, бола шогирд бўлиб, устозларини, яъни ота-онанинг қилган ишларини такрорлашга ҳаракат қилади.

Ёшларда ватанпарварлик тарбияси ва ҳунари тўғрисида гап кетганда “Қобуснома”даги ушбу сўзларни эслаш мақсадга мувофиқдир: “Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлса-ю, аммо

ҳунари бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур; насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил...Бу от фақат бир нишонадин бошқа нарса эмасдур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил" [4, 5] дейилгани ҳар бир ёшнинг ҳунарга, меҳнатга бўлган қизиқишини ёшлигидан оилада шаклланишига олиб келади.

Инсоният тарихида буюк кишиларнинг ўрни ўта муҳим ва роли катта бўлган. Ундай кишилар жамият тараққиёти тамаддуни(цивилизацияси)га ғов бўлиб қолган ижтимоий-сиёсий иллатларни ўзгалардан олдин илғаб оладилар, уларни ўзларига хос ноёб қобилият, мустаҳкам ирода ва доно сиёсат билан бартараф қила оладилар. Ундай шахсларнинг номи у ёки бу халқ тарихига ўчмас ном бўлиб битилиб қолган ана шундай юртдошларимиздан бири, киндик қони Андижон диёрида тўкилган, номи жаҳонга машҳур Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Темурийларнинг Фарғона мулки подшоҳи, кейинчалик улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳиндистондаги давомчиси, буюк саркарда, беқиёс шоир ва серқирра олимлигидан ташқари яна бир қанча улуғ сифатларга эга бўлган у зотнинг салобати ва салоҳияти йиллар ўтган сайин бутун жаҳонни лол қолдириб келяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг - "Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.

"Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди" дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди" [1, 504-505] - деганлари тарбия масаласида ибрат бўладиган буюк аждодларимиз фаолиятини янада кенгроқ ўрганиш учун имкониятлар яратиб бермоқда.

Эндиликда номи бутун жаҳонга машҳур Заҳириддин Муҳаммад Бобур Андижонда-катта онаси Эсон Давлатбегим чорбоғида ҳижрий 888 йил муҳаррам ойининг олтинчи (1483 йил 14 февраль) куни тонг отар чоғда ёруғ дунёга келди. Унга исм қуйиб беришни сўраб Умаршайх Мирзонинг пири Ҳазрати Эшон-Хожа Аҳрор Валийга чопар кетади. Унга "Заҳириддин Муҳаммад", деб гўзал исм қўйиб беради.

Набира туғилганлигидаги хабар Муғулистонга-катта ота Юнусхонга ҳам етиб боради, у билан Мўғулистондан келган меҳмонлар чақалоқни бирма-бир қўлга олиб, ниҳоятда завқланишди. Юнусхон эса шу завқ таъсирида Заҳириддинни “йўлбарсим”, “шерим” деган маънода “Бабр-бабр” деб эркалатган. “Заҳириддин” исми мўғуллар учун талаффузда андак қийин бўлгани боис оддийроқ қилиб “Бабр” деб атаган, шунга кўра бўлғуси шаҳзода номи “Заҳириддин Бобир” деб, кейинчалик эса “Бобур” деб ёзиладиган бўлди [5, 18-19].

Инсон ўз фарзандига кичик ёшдан тарбиялаб, одоб бермоғи керак. Маълум ёшга етгач, баъзи нарсаларни болага қабул қилдириш қийин бўлади. Уларни ҳаётда ўз ўрнини белгилашга интилиш ўзида олижаноб мақсадга, ахлоқ тушунчасини чуқур тушуниш ва уларни маълум тизимга солишга жавоб берадиган сифатларни ҳосил қилиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Юқорида айтганимиздек, бобурийлар хонадонида ҳам бола тарбияси масаласига кичик ёшдан эътибор қаратилади. “Миллатнинг етуклиги, шахснинг маънавий камолоти ўз Ватанига бўлган муҳаббати, ҳурмати, самимияти, меҳр-оқибати билан белгиланади. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат одамнинг қонига она сути билан киради. Бу муқаддас туйғуни она алласи парвариш қилади, ота тарбияси ва намунаси улғайтиради” [6:39]. Ана шу туйғуга амал қилган ҳолда Бобур тарбиясига эътибор бериб, Шарқона таълим қоидасига кўра, болани уч ёшлигиданоқ бағрини илму урфон нури билан ёритиш тараддусига киришади. Давр талаби шундайки, Ислом дини қоидасига биноан, савод чиқаришни Аллоҳни Каломидан, сўнгра араб тилидан бошламоқ лозим бўлган шуни ҳисобга олиб, 1486 йил қиш ойидан бошлаб, алифбо ўрганишга киришди. Араб алифбосидаги илк ҳарфларни ўргатиш ҳамда Қуръони каримни Фотиҳа сурасини ўқитиш қоидаси бўлиб, дастлабки савод чиқариш ибтидосидир. Бобур биринчи кунданоқ “Алҳамду” калимасининг тўғри талаффузини ўрганиб олди.

Бир ҳафта ичида у Фотиҳа сурасини тажвид (тўғри қироат) қоидаси билан ёд олиб улгурди. Тўрт ёшга тўлганда араб тилининг “сарф” қисмидан хабар топди, ёзувни ҳам ўрганиб улгурди, анча-мунча китобларни ўзбошимчалик билан “таталаб” ўқишга киришган эди, аммо ўқитувчиси бунга йўл бермади. Фақат “Қобуснома” ва “Калила ва Димна” каби тарбияга оид китобларни ўқитар эди”[5, 53-54].

“Китоб ўқиш энг ҳузурли, энг гўзал юпанчлардан бўлгани каби зеҳн орттирмак, илму маърифат ҳосил қилмак, хуллас, илму тарбия ўрганмак учун жуда керакли бўлган ишлардан биридир. Бир яхши китоб ўқиш ила қайғулар тарқаладир, лекин аввало шуни айтаманки. Бизнинг учун тўғри-ю, дуруст китоблар кўришдан фойдалироқ ҳеч нарса йўқ” [8, 11]. Буни ҳисобга олган ҳолда у беш ёшга етганлигини эътиборга олиб, одоб-ахлоқ жиҳатдан унинг тарбиясига жиддий киришилди. Тенгқурлари ичида анча гавдалироқ, тетик ва соғлом кўринганига эътибор қаратган ота Умаршайх Мирзо ўғлини жисмоний тарбияга бериш, аста-секин ҳарбий машқларни ўргатишга киришмоқни ўйлар эди.

Инглиз олими Херальд Лембнинг ёзишича у олти ёшга етганда, уни “ичкаридан”, яъни аёллар хонасидан олиб чиқиб, эркакчасига тарбиялай бошлади. Унинг тарбияси билан энди кўпроқ эркаклар шуғулланарди”[5, 62].

Бобур етти ёшга тўлди, ўша давр табобат илмида болалар саломатлигини асраш муҳим масала эди. Қизамиқ, чечак, безгак, кўк йўтал каби касалликлар гўдаклар ҳаёти учун ҳаққоний офат эди. Уни бу дардларга чалинмаслиги учун чорбоғда махсус табиб ҳам истиқомат қиларди. Табиб удумга биноан ҳар йили маълум касалликка қарши “эмлаш” усулларини қўллар эди. Бобурни чечак касалидан сақлаш учун етти ёшга тўлганида мўғул табиб маслаҳати билан бўйнига кўк феруза тош осиб, қўлига ҳам боғлаб қўйдилар. У касалликка учрамай, соғ-саломат ўсмоқда эди. Шуни ҳисобга олиб отаси шаҳзодаларга хос айрим ҳунарларни ўргатишни тайинлади. Унга тез югуриш ва сувда сузишни ўргатдилар.

Бобур етти ёшга тўлганида унга махсус рикобдор (узангибон, отга миндирувчи) тайинланиб, от миниш ва чоптиришга ўргата бошлади. Аввалига рикобдор устоз миниб, кейин эгар олдига Бобурни ўтказди. Қамчи уриши билан от чопиб кетди. Рикобдор Бобуржонга “Шаҳзодам, эгар қошини маҳкам ушланг, бошингизни баланд кўтариб, олдинга қаранг, қўрқманг” деган эди. Тулпор елдек чопиб кетди. Шу тариқа от минишни ўрганиб олди. Бу машғулотни ўрганиб олгач, унга ёйдек эгикроқ, ихчамгина махсус бағдодий қилич ясаб бердилар ва алоҳида яроғбардор тайёрладилар. Уни қилич ушлашга, унинг билан турли ҳаракатлар қилишга ўргатди. Қилични иккала қўлида ушлашга, икки қўлида бирдек зарба беришга ўргатадилар.

Энди камон отишда маҳорат ҳосил қилиш навбати келди. Маълумки, тарихда порохдан ўқ ясаб отадиган милтиқ кашф қилингунга қадар камон (ўқ-ёй) бутун дунё ҳарбий ишида узоққа отадиган асосий қурол бўлиб келган. Аввалига бу махсус тирандозлар(мерганлар) иши бўлган, кейинчалик камон ҳар қандай мамлакат армиясининг асосий узоққа отиш қуролига айланган. Урушда қилич ишлатиш учун ёвга яқин бориш керак, камонда эса қарши томонга узоқ масофадан туриб талафот етказиш мумкин. Бобурни ёшлигидан камонда отишга ўргатдилар. Саккиз ёшлигида у камонни куч билан яхши эголмасди, шунга яраша, ўқ ҳам унча узоққа учмасди. Куч-ку болада секин-аста пайдо бўлар, шунинг учун уни белгини яқинроққа қўйиб, мўлжални тўғри олишга ўргата боришди.

Бобур секин-аста камондан отиш машқига ҳам ўрганиб кетди. Энг муҳими, мўлжални аниқ олиш ва уни ўқ билан уриш. Аммо аниқ мўлжалга олиш, яъни мерганлик зийракликка ва аниқ-равшан кўра билишга боғлиқ. Устози мана шунга эътиборни қаратди ва шаҳзодани аниқ мўлжалга олишга, яъни мерганликка ўргатди.

Бобур тўққиз-ўн ёшидан бошлаб чавгон ўйинида қатнашар экан, энг муҳими - от чоптиришни, эгарда маҳкам ўтирган ҳолда энгашиб, қўлдаги чавгон таёқча билан тўпга ташланиш ва уни мўлжалга олиб яхши ўрганиши кераклигини яхши биларди. Ҳаммадан тез от чоптириш, тўпни олдинга суриб, “рақибига” бермасдан, тезлик билан олиб бориб дарвозага киритиш - мана шу вақтдаги чаққонлик, отда туриб мўлжални аниқ олиш ва орқадан бировни қувиб етишига имкон бермаслик - булар ўйиннинг асосий шартлари ҳисобланарди. Аммо болалар учун хавфли бўлгани сабаб (чанг-тўзонда кўзга бирор нарса кириши бор) кўп ҳам рухсат этавермас эдилар. Атрофдаги қийқириқлар эса ўйинга алоҳида файз, қизиқиш бахш этарди [5, 76], бу эса болаларни жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишига сабаб бўлар эди.

Бобур ўн ёшга тўлганида ота-бола от миниб атрофни сайр қилишга чиқадиган бўлишди. Айниқса, баҳор кезлари мулозимлар билан қир-адирлар оша отда сайр қилиб юрган пайтларда унинг қалбида ота юрти - гўзал Фарғона водийси ва киндик қони тўкилган Андижонга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари уйғона бошлади. Юртга бўлган фарзандлик ҳис-туйғулари кейинча ватан, улус ҳақидаги ғазалларининг асосий мазмунини ташкил қилди.

Юқоридагиларидан ибрат олган ҳолда бугунги кун ёшларини маънавий-аҳлоқий руҳиятини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширар эканмиз, бунда асосий вазифа ёшлар қалбида ватанпарварлик, халқпаварликни уйғотиш асносида жамият ишига дахлдор, миллат тақдирига тақдирдош, Ватан истиқболи учун жавобгар шахсни шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун маънавий-аҳлоқий руҳиятни мустаҳкамлаш, жавобгарлик ҳиссини уйғотиш, дахлдорлик туйғусини ошириш вазифаларини билмоғимиз лозим.

Инсондаги энг чиройли фазилатлар, аввало, оила бағрида куртак ёяди. Фарзандларимизнинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши оиладаги тарбияга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ота-боболаримиз оилавий тарбияга ғоят нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратган. Фарзандлар бахт-саодати, келажаги учун ҳалол касб ила ҳалол луқма топишга ҳаракат қилишган. Яхши устозлар қўлида таълим олишини таъминлашган [9, 56].

Фарзандни болаликдан касб-ҳунарга, меҳнатга ўргатиш лозим, шунда уни тарбиялаш осон кечади. Ота-она иқтисодий томондан қанча бой бўлмасин, ҳеч қачон фарзандни ҳаддан зиёд эркаламаслик ва исрофгарчиликка ўргатмаслик керак. Бу дунёда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бўлгани боис, инсон томонидан яратиладиган ва табиат инъом этадиган ноз-неъматларнинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Шундай экан, фарзандни инсон томонидан, табиат томонидан яратилган ноз-неъматларни қадрлашга ва исроф қилмасликка ўргатиш лозим. Агар доимо болага хоҳлаган нарсаларни муҳайё этсангиз, у бу нарсаларнинг қадрига етмайдиган бўлади. Агар ўзи меҳнат қилиб, ҳалол меҳнат билан ўша нарсаларга эришса, у буларни қадрлайди ва эҳтиёт қилади. Шунингдек, бу унга асалдан ҳам ширин ва олтиндан ҳам қиммат туюлади [10, 65].

Агар биз таълим-тарбия соҳасидаги ишларимизни аниқ тизим асосида ташкил этиб, уларнинг самарадорлигини оширмасак, эртанги кунимизни қуролмаймиз, ўз мақсадлари-мизга етолмаймиз. Ҳар бир инсон алоҳида ва тўлақонли тизим экан, унинг ана шу серқирра, ранг-баранг ва зиддиятли оламига мос равишда ғоявий таъсир комплекс тарзда, кенг миқёсли, ёшлар оламини яхлит ҳолда қамраб олган шаклда олиб борилмоғи лозим. Бу борада “Бир болага етти маҳалла ҳам ота ҳам она” деган шиор доимий кун тартибида

туриши лозим. Биз ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим.

Ёшларни баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида умид ва кутмоқ инсоннинг қаноти эканлиги, қанотлар қанча катта бўлса, у шунчалик юксакка уча олади.Умидсиз қолсачи, тамбаллашади, ўзи хайр қилолмагандек, бандалик вазифаларини ҳам адо этолмайди. Шунинг учун ҳам, улар кўзингизга хунук ва нуқсонли кўринади. Чучук сув ичиб юрган одамгина сувнинг шўр-тузли эканлигини пайқайди. Яъни ҳар қандай ашёнинг сифати зидди орқали маълум бўлади...Улуғ тангри сизга истаганингизни беради, нимага эришиш йўлида ҳиммат кўрсатсангиз, ўшанга сизни муяссар айлайди. Чунки "қуш қанотлари билан юксалади, мўмин ҳиммати билан" [11, 92-93].

Хулоса қилиб айтганимизда, ёшларни бугунги даврга теран ва чуқур мушоҳада юритган ҳолда назар ташлашни, ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Ёшларда маънавий-аҳлоқий руҳиятни ҳосил қилиш ва янада мустаҳкамлаш, турли воситалар орқали қадриятларимиз, менталитетимизга ёт тушунча ва ғоялар кириб келиши, тарқалишини олдини олиш барчанинг бурчи ва вазифаси ҳисобланади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни саркардалик фаолияти ҳамда давлатни бошқариш усули ва йўллари ҳамма учун ибратдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, З.М. Бобурнинг яшаш тарзи билан танишгач, унинг ҳақиқий комил инсон бўлганига амин бўламиз. Шунга кўра унинг шахси барча учун ибрат мактаби, у биз учун орзудаги шахсдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Мирзиёев Шавкат. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: "Ўзбекистон". 2017. 592 б.

2. Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. - Т.: "Меҳнат". 1991.32 б.

3. Содиқова Турсуной. Ҳаёт тилсими. 3-жилд - Т.: "Ўзбекистон". 2016. 352 б.

4. Кайковус. Қобуснома. - Т.: "Истиқлол". 1994. 173 б.

5. Жалилов Сайфиддин. Шаҳзода Бобур. -Т.: "Movarounnahr". 2013. 112 б.

6. Туленов Жондор. ва б. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. - Т.: “Ўзбекистон”. 1993.48 б.

7. Самарқандий Абу Лайс. Танбеҳул ғофилин.- Т.: “Мовараунnаҳр”. 2014. 592 б.

8. Назимо Алий. Қизлар тарбияси.-Т.: “Камалак”. 1994. 64 б.

9.Тинчлик ва осойишталик- олий неъмат. - Т.: “Мовароиннаҳр”. 2013.-144 б.

10.Файзулла Абдуазимов ва б. Бахтингиз ўз қўлингизда: ҳаётий воқеалар ва суд очерклари.-Т.: “Akademnashr”. - 2012.-192 б.

11. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. - Т.: “Янги аср авлоди”. 2017.240 б.

YOSHLARNING TARBIYASINI ZAMONAVIY ASOSDA, ILMIY-TEXNOLOGIK TALABLARNI HISOBGA OLIB ISLOH QILISH

Zamiraxon Mirzakarimova,
ToshDTU Olmaliq filiali dotsenti, f.f.n.,
Madinaxon Toshtemirova,
MTTU «MISiS»ning Olmaliq filiali assistenti.

Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash barchamiz uchun o‘z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo‘qotmaydigan masaladir. Ushbu dolzarb masala uzluksiz jarayon bo‘lib, u bir-biriga bog‘liq siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, g‘oyaviy-mafkuraviy, madaniy-ma’rifiy tadbirlar majmuasidan iborat. **Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash – mamlakatda amalga oshirilayotgan yoshlarga oid davlat siyosatining asosiy tamoyil va ustuvor yo‘nalishlaridan biri ekanligi hech kimga sir emas. Hozirgi murakkab globallashuv davrida, yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash bilan bog‘liq dolzarb vazifalar va ularni hal etish yo‘llari, davlat va nodavlat tashkilotlar, oila, mahalla, ta’lim-tarbiya institutlarining roli va ahamiyatini o‘zaro hamkorligi belgilab beradi. Vatanparvar insonlarni tarbiyalashda xalqimizning tarixiy merosi katta ahamiyatga ega. Shu sababli tarixiy merosni asrab-avaylash, o‘rganish va kelajak avlodlarga qoldirish davlatimiz siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biriga aylandi.**

2020 yil 10 iyunda *O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 369-son qarori* “Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash ishlari samaradorligini yanada oshirish chora-tadbirlari” to‘g‘risida qabul qilindi. Bunda yoshlarni milliy g‘oya va Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash, ularning qalbi va ongiga Vatan himoyasi sharafli va muqaddas burch ekanini chuqur singdirish, qadimiy tariximiz va madaniyatimiz, jonajon Vatanimizning mustaqilligi va ravnaqi yo‘lida fidokorona kurashgan milliy qahramonlarimiz bilan faxrlanish, ularga munosib bo‘lish tuyg‘usini shakllantirish kabilar asosiy vazifalar etib belgilangan. O‘zbek tilining izohli lug‘atida: Vatan — kishining tug‘ilib o‘sgan o‘lkasi, shahri, ona yurti, diyori, har bir fuqaro uchun mamlakat, turar joy, boshpana, maskan, uy ma’nolarini ifodalashi ko‘rsatilgan. Inson ulg‘aygan sari uning Vatan haqidagi tushunchalari ham kengaya boradi. Yurtimizda tug‘ilib-o‘sgan har bir inson “Vatanim” deganida o‘z uyini, qishlog‘ini yoki shahrini emas, balki O‘zbekiston Respublikasini nazarda tutadi. Bu esa Vatan tuyg‘usining, vatanparvarlikning xalqimiz qalbidagi ifodasidir. Vatan tuyg‘usi — bu aziz va go‘zal yurtimizga hurmat va sadoqatli bo‘lish. Vatan tuyg‘usi — bu Turon, Movarounnahr, Turkiston va hozirda O‘zbekiston deya atalgan zaminda yashab kelayotgan xalqimizning oltin merosini, uning tarixini o‘rganishga intilishdir.

Vatan ozodligi uchun jonini fido qilgan To‘maris, Shiroq, Spitamen, Najmiddin Kubro, Jaloliddin Manguberdi, Temur Malik, Zahiriddin Muhammad Bobur singari xalqimizning mard va jasur farzandlari biz uchun, o‘sib kelayotgan yosh avlod uchun o‘rnak-namuna timsolidir. Masalan, bobomiz Najmiddin Kubroning [1, 234-235] o‘chmas jasoratini eslaylik. Bu jasorat zamirida ona Vatanga cheksiz muhabbat va sadoqat tuyg‘usi yotadi. O‘z davrida “Yurtim, Turonim, sendan ayrilmoq — mening o‘limim, sening uchun o‘lmoq — mening tirikligimdur”, deb yozgan edi Fitrat. Bu so‘zlarda vatanparvar insonning qalb nolalari ifodalangan. O‘sib kelayotgan yoshlarni, ya’ni Vatanimizning bo‘lg‘usi himoyachilarini vatanparvarlik ruhida tarbiyalash — davr talabi.

Vatanparvarlik insonning o‘z oilasiga, avlod-ajdodlarining or-nomusiga chuqur ehtiromi, vijdoniga, burchiga va o‘z so‘ziga sodiqligidir. Agar insonni bolalik chog‘idan o‘z xalqiga, uning an’analariga, tili va madaniyatiga muhabbat hamda hurmat ruhida tarbiya qilmasak, unda vatanparvarlik hissi bo‘lmaydi. Vatan hissi insonga Vatanidan olisda bo‘lganida yaqqol seziladi. Turli sabablar bilan o‘zga yurtlarda yashagan ko‘plab vatandoshlarimizning hayoti ayanchli va

qayg‘uli kechgani bizga tarixdan ma’lum. Buning ifodasini buyuk saltanat egasi Zahiriddin Muhammad Bobur ijodida ham ko‘ramiz. Bobur barcha imkoniyatlarga ega bo‘lishiga qaramay, tug‘ilib o‘sgan Vatanidan olisda bo‘lgani uchun o‘zini baxtiyor inson deb hisoblamaydi.

Vatan ravnaqi — milliy g‘oyamizning yuksak tushunchalaridan biri bo‘lib, u fuqarolarimizning bilimi va kamoliga bog‘liq. Har bir yurtdoshimiz, qaysi sohada xizmat qilishidan qat’i nazar, bu haqiqatni to‘liq anglagan holda, o‘zining ma’naviy kamoloti uchun mas’uliyatni his etishi, shaxsiy manfaatlarini shu yurt, shu xalq manfaatlari [2, 50-51] bilan uyg‘unlashtirib yashashi va o‘sib kelayotgan yosh avlodni komil inson etib tarbiyalashi lozim. Shuning uchun ham Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev “Vatanparvarlik har bir davlat hayotining ma’naviy asosi hisoblanadi va jamiyatni har tomonlama rivojlantirish borasida eng muhim safarbar etuvchi kuch sifatida namoyon bo‘ladi”, deya bu jarayonga yuksak baho bergan edi.

Bugungi kunda mamlakatimizda Yangi O‘zbekistonni barpo etishdek ulug‘ maqsadga erishish yo‘lida asosiy tayanchimiz bo‘lgan azmu shijoatli yoshlarga e’tibor va g‘amxo‘rlik ko‘rsatish, ularga barcha sohalarda o‘z iqtidori va salohiyatini to‘liq namoyon etishi uchun zarur sharoit va imkoniyatlar yaratib berish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi hisoblanadi. Yangi O‘zbekistonning Uchinchi Renessans poydevorini mustahkamlash hamda uning tadrijiy rivojlanishga vatanparvar shaxs sifatida hissa qo‘shish barcha vatandoshlarimizning ezgu orzu umidlaridan biriga aylanmog‘i kerak. Darhaqiqat, “Yangi O‘zbekiston – barchamizning ezgu orzumiz, mehnatkash, tinchiliksevar xalqimizning orzusi. Unda xalqimizning azaliy umid-niyatlari, yuksalish sari intilishlari o‘ziga xos tarzda aks etmoqda.

Bugungi kunda yoshlarni ongu tafakkurini ma’rifat asosida shakllantirish va tarbiyalash eng muhim va asosiy vazifalardan biriga aylanmoqda. Darhaqiqat, “Yoshlarning tarbiyasini zamonaviy asosda, ilmiy-texnologik talablarini hisobga olib isloh qilish, takomillashtirish borasida olib borilayotgan ishlar uchun bugungi kun ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda ilmiy va ma’naviy asosda shakllantirishni taqozo etmoqda. Tarbiyaga yangicha, tizimli yondashuv, bolalarda tayanch fazilatlarni shakllantirishda oila, maktabgacha ta’lim, umumiy ta’lim, o‘rta maxsus kasb-hunar va oliy ta’lim muassasalari, mahallalarning ijtimoy-pedagogik imkoniyatlarini to‘liq yuzaga chiqarish va ular orasida ilmiy-metodik uzviylikni yangi darajada ko‘tarish darkor”.

Jamiyatdagi barqarorlikni mustahkamlash va davlatning puxta xavfsizligini ta’minlash O‘zbekiston uchun hayotiy zarurdir. Shularni nazarda tutib, O‘zbekiston Respublikasi mustaqil davlat va xalqaro munosabatlarning sub’ekti sifatida o‘zining mudofaa siyosatini barcha mamlakatlarning tinch-totuv yashashi, boshqa davlatlarning ichki ishlariga aralashmaslik, ularning mustaqilligini, shuningdek, davlatlararo tarkib topgan chegaralarning buzilmasligi va o‘zgarmasligini hurmat qilish prinsiplariga asoslaydi.

Ushbu prinsiplardan kelib chiqib, Yangi O‘zbekiston Uchinchi Renessans davrida O‘zbekiston mudofaasiga ko‘maklashuvchi “Vatanparvar” tashkiloti ko‘magida yoshlarni milliy g‘oya va Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalashda hamda ularning qalbi va ongiga Vatan himoyasi sharafli va muqaddas burch ekanini chuqur singdirishda, milliy armiyamizning qudrati va salohiyatiga bo‘lgan ishonchini kuchaytirishda, turli ichki va tashqi tahdidlarga qarshi mafkuraviy immunitetni shakllantirishda salmoqli ishlarni bajarishga erishadi, degan umiddamiz. O‘zbekiston davlatchiligi taraqqiyotida Amir Temur va Temuriylar sulolasi muhim o‘rin tutadi. Zahiriddin Muhammad Bobur ushbu buyuk ajdodlarga munosib shohlardan biridir. U o‘zbek mumtoz adabiyotining yirik vakili: buyuk shoir, tarixchi, geograf, davlat arbobi, iste’dodli sarkarda, boburiylar sulolasi asoschisi, temuriy shahzoda. Ulug‘ bobomizning sertashvish hayoti va jo‘shqin faoliyati siyosiy jihatdan inqirozga uchragan Temuriylar davlatining so‘nggi davriga to‘g‘ri keldi. Ushbu davr barcha azob-uqubatlarini boshdan kechirish Bobur Mirzo chekiga tushdi. Otasi Axsida bevaqt, 39 yoshida fojiali halok bo‘lgach, oilaning katta farzandi, 12 yoshli Bobur valiahd sifatida taxtga o‘tiradi. Bobur hukmronligining dastlabki 2-3 yilida mavqeini mustahkamlash, bek va amaldorlar bilan o‘zaro munosabatni yaxshilash, qo‘shinni tartibga keltirish, davlat ishlarida intizom o‘rnatish kabi muhim chora-tadbirlarni amalga oshiradi. Boburning dastlabki siyosiy maqsadi Amir Temur davlatining poytaxti, strategik va geografik jihatdan muhim bo‘lgan Samarqandni egallash va Movarounnahrda markazlashgan kuchli davlatni saqlash, mustahkamlash hamda Amir Temur saltanatini qayta tiklashdan iborat edi.

Boburning o‘z guvohligiga ko‘ra, shoir sifatida ijodiy faoliyati Samarqandni ikkinchi marta egallagan vaqtda boshlangan; «Ul fursatlarda biror-ikkirar bayt aytur edim», deb yozadi u. Bobur Samarqanddaligining ilk oylarida Alisher Navoiy tashabbusi bilan ular

o‘rtasida yozishma boshlanadi. Bobur atrofida ijodkorlar to‘plana boshlashi ham shu yillarga to‘g‘ri keladi. O‘tmish adabiyot va tarix, musiqa va san’atdan yaxshi xabardor bo‘lgan, diniy ta’limotga chin ixlos qo‘ygan Bobur har doim olimu fuzalolar davrasida bo‘ldi, xususan ijod ahliga, kasbu hunar [3, 317-318] sohiblariga samimiy ehtirom ko‘rgazib homiylik qildi, ularni moddiy va ma’naviy rag‘batlantirib turdi. Bobur tabiatan ijodkor edi. Yigitlik yillaridan boshlab to umrining oxirigacha samarali ijodiy ish bilan shug‘ullandi, har qanday sharoit va vaziyatlarda ham ijoddan to‘xtamadi, natijada har jihatdan muhim boy ilmiy va adabiy meros qoldirdi.

Yurt sog‘inchi haqida Zahiriddin Muhammad Boburdek hech bir shoir yozmagan bo‘lsa kerak. Chunki Vatan ishqi, yurtga qaytish istagi umrining so‘nggi damlarigacha uni tark etmadi. Buyuk davlat arbobi shu armon bilan olamdan o‘tgani barchamizga ma’lum. Uning ilhomchisi ham ona yurt tuprog‘i bo‘lgan bo‘lsa, ne ajab. Bobur she’rlarini o‘qir ekansiz, bir ma’yus ohang qulog‘ingizga chalinaveradi. Bu yurt sog‘inchi, dard-alamlar, qo‘lida qalam o‘rniga qilich tutgan, jangu jadalda tog‘u toshlarda sarson yurgan shoir ohangiga o‘xshaydi. Ijodsiz yashay olmasligini anglab, urushlardan to‘ygan, qalam egasining nolasi ham deysan, kishi. Jamiyatdan, yon-atrofdagilardan aldangan, ulardan yaxshilik ko‘rmagan, turli xiyonatlarga uchragan kishi alamlariga ham o‘xshaydi. Bir umr bobosi Temurbek bunyod etgan go‘shani o‘sha holat-da ko‘rish orzusi bilan yashagan, elini farovon, ilmli ko‘rish orzusida yurgan adolatli shoh nolasi yoxud o‘n ikki yoshida otadan ajrab, yurtga boshchi bo‘lib azob chekkan o‘smir nolasi emasmikan?! Mehr ko‘rsatib mehr ko‘rmagan, yaxshiligu vafoyu jafo nimaligini chuqur anglagan, tengi yo‘q sarkarda, jang san’atining mohir egasi, qalbi halim kishining nolasiga o‘xshaydi. U zotning sifatlari haqida gapiraversak keti uzilmaydi. Bu xislatlar buyuk Sohibqiron bobosidan o‘tgan bo‘lsa ne ajab. Birgina ruboiysi ham u kishining ko‘ngil alamlarini aniq namoyon etadi.

Mirzo Bobur shuncha dard-sitamlar ko‘rishiga qaramasdan qalam bilan shamshirni birdek yurgizgani, yirik davlatga asos solgani, benazir ash’orlar bitgani kishiga hayrat baxsh etadi. Bobur ijodida insonning ma’naviy kamolotini ta’minlovchi, ilm-ma’rifatga chorlovchi manzumalarni, ma’naviy-ma’rifiy xarakterga ega badiiy lavhalarni nihoyatda ko‘plab uchratishimiz mumkin. Ularning har biri barkamol

yosh avlodni tarbiyalashda, inson ruhiy kamolotini yuksaltirishda muhim didaktik manba bo‘lib xizmat qila oladi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev rahbarligida tariximizni, buyuk ajdodlarimiz merosini o‘rganish va ularni yoshlar o‘rtasida keng targ‘ib qilishga alohida e’tibor qaratilayotgani quvonarli. Bu yoshlarni buyuk ajdodlar qoldirgan meros va milliy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalashga xizmat qilyapti. Zahiriddin Muhammad Bobur va uning avlodlari tomonidan qoldirilgan bebaho ilmiy va ma’naviy-madaniy meros esa buyuk bobokalonlarimiz bilan faxrlanish, yurtni, Vatanni sevish tuyg‘ularini yanada jo‘sh urdiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Aliev A. Ma’naviyat, qadriyat va badiiyat. – T.: Ma’naviyat, 2000. – 630 b

2. Aliqulov X. Gumanistik meros va shaxs ma’naviy kamoloti. – Toshkent: Ma’naviyat, 2006.–56 b.

3. Xabibullaev, S. X., Zufarov, T. U. (2020). Profilaktika zabolevaniy sredstvami fizicheskoy kulturi. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 315-324

RUMER GODENNING “GULBADAN” ASARI HAQIDA

Rajab Qilichev,
BuxDUPI dotsenti, tarix fanlari nomzodi.

XX asr ingliz adabiyotining taniqli namoyandalaridan biri, shoira, jurnalist va muarrix Margaret Rumer Godendir. U 1907-yilda Kalkutta shahridagi ingliz kemachilik kompaniyasi vakili Artur Leyx Goden oilasida tavallud topgan. To Godenlar oilasi 1920-yilda Angliyaga qaytib kelgunga qadar Margaret Godenning bolalik yillari Hindistonda kechgan. U bu go`zal va maftunkor diyorga mehr qo`ygan bo`lib, uning jozibasi, sirliligi, madaniyatidan hayratga tushar, garchi keyinchalik Angliyada istiqomat qilsa-da, tez-tez bu o`lkaga kelib turishni kanda qilmasdi. 1929-yilda o`zining ilk asarlarini yaratishni boshlaydi va 1949-yildan ijodga sho`ng`ib ketadi. U 60 dan ortiq badiiy va publisistik asarlar muallifi hisoblanib, ulardan “Xitoy jumbog`i”, “Xonim va hukmdor”, “Qora nargis”, “Daryo”, “Hind quyoshi ostidagi ikki kishi”, “Shivaning

kabutari”, “Qora tulpor” , “Gulbadan” kabi asarlari unga katta shuhrat keltirdi.

Eng hayratlanarlisi shundaki, Goden boburiyzoda malika Gulbadan hayoti va ijodini chuqur o`rganib, olib borgan izlanishlari natijasi o`laroq 1980-yilda “Gulbadan” nomli tarixiy-badiiy asarni yaratdi. Bu bilan u nafaqat hind, balki o`zbek kitobxonlari qalbidan ham keng o`rin egalladi. Ushbu asarning yozilishi ilmiy jamoatchilik tomonidan noyob hodisa ekanligi takror va takror e’tirof etildi. Yurtimiz mustaqilligi tufayli “Gulbadan” asari Bobur xalqaro fondining raisi Zokirjon Mashrabov boshliq ilmiy ekspeditsiya chog`ida qo`lga kiritildi va ingliz tilidan o`zbek tiliga Xolida So’f`iyeva tomonidan tarjima qilindi hamda o`zbek kitobxonlariga taqdim etildi.

Ushbu asar garchi ilmiy-ommabop yo`sinda yozilgan bo`lsa-da, temuriy shahzoda va malikalar hayotiga qiziquvchi, xususan, Gulbadanbegim shaxsiyatini o`rganishga ishtiyoqmandlar uchun kutilmagan sovg`a bo`ldi. Ushbu tarixiy risola Gulbadanbegim siymosini yanada yorqinroq gavdalantirishda, uning hayoti, faoliyati bilan yaqindan tanishishda hamda uning bizga ma’lum bo`lgan va bo`lmagan qirralarini ochib berishda muhim rol o`ynaydi.

Goden ushbu asarni yozishda Boburning “Boburnoma”, Gulbadanning “Humoyunnoma”, Abulfazlning “Akbarnoma” asarlarini chuqur o`rganib va ularga tayangan holda Gulbadan shaxsiyatini va uning atrofidagi odamlar hayotini badiiy obrazlar bilan yoritishga asosiy e`tiborni qaratgan. Shuni ta’kidlab o`tish lozimki, o`sha davr ruhiyatini ko`rsatib beruvchi miniatyuralar ham Goden uchun yaxshi tasvir vositasi bo`la olgan. Goden Gulbadanni tasvirlash chog`ida undan hech qanday surat saqlanib qolmaganligini aytib o`tib, “Humoyunnoma” asari ruhiyatidan kelib chiqib uning ancha og`ir-bosiq tabiatli, mulohazali ayol bo`lganligini ta’kidlaydi. “Afsuski, Gulbadan shaxsan o`zi haqida juda kam yozgan, yozganlari ham ko`proq shu kunlarga taalluqlidir”- deydi Goden[1.B.63].

Goden Gulbadanni va tarixiy sharoitlarni hech qanday bo`rttirishsiz, real tasvirlashga, sodda va ravon tilda yozishga harakat qilgan va buning uddasidan chiqqan. Asar 4 qismdan iborat bo`lib, uning “Bobur shoh davri” nomli birinchi va “Bobur shoh” nomli ikkinchi qismlari Zahiriddin Muhammad Boburga bag`ishlangan bo`lib, ularda uning yurti, ota-bobosi, erishgan g`alabalari, mag`lubiyatlari, Hindistonni olishi, oilasi, barpo

qilgan inshootlari, bog`lari haqida keng qamrovli ma'lumotlarni berib o`tadi.

Bundan tashqari, Rumer o`sha vaqtdagi ayollarning kiyimi, yurish-turishi, cholg`u asboblari, ayollar mashg`uloti haqida ham keng va qimmatli ma'lumotlarni berib, xuddi ularni o`z ko`zi bilan ko`rgandek tasvirlaydi. Bunga sabab, uning o`sha davrda yoki keyinroq yaratilgan miniatyuralar tasviridan unumli foydalanganligi bo`lsa kerak

Asarning ikkinchi qismida Goden Gulbadan begimning hayotida muhim va asosiy rol o`ynagan Mohim begim obraziga ham chuqurroq to`xtalib o`tadi. U Mohimning Farrux ismli go`dagidan ajralib, yurak – bag`ri qon bo`lganda Gulbadan u uchun tayanch va yupanch bo`lganligini alohida ta`kidlaydi. Gulbadanning bolalik yillarini uni tarbiyasiga olgan o`gay onasi Mohim begim, albatta shoh Bobur va o`sha davrda roy` bergan bir qancha tarixiy voqea-hodisalar bilan bog`laydi. Shunday hodisotlardan biri Sekri jangi nomi bilan tarixga kirgan. O`sha paytda Gulbadan to`rt yoshda bo`lib, qariyb oltmish yildan so`ng bolalik, yoshlik onlaridagi hodisotlarni qog`ozga tushirdi. Gulbadan jangni quyidagicha tasvirlaydi: "To`qqiz yuz o`ttiz uchunchi yili jumodul avval oyida sahar vaqtida Sekri tog`ining etagida, bu tog`ning ustida hozir Fotehpur shahri barpo etilgan, Rona Sanga bilan jang bo`ldi. Allohning inoyati bilan podshoh g`alaba qozondilar va g`oziy bo`ldilar"[1.B.41.].

Asarning "Humoyun hukmdorligi davri" nomli uchinchi qismi Humoyun podshohligini yoritishga bag`ishlangan. Bobur vafotidan so`ng Gulbadan Humoyun homiyligi ostida bo`ldi. Bu orada Mohim begim ham vafot etib, 10 yashar Gulbadan yolg`izlanib qolganligi bois Humoyun unga juda mehribon edi deydi muallif. Goden Humoyunni tasvirlar ekan, uning xayolparast, tushga va uning ta'biriga, irim-sirimga qattiq ishonadigan kishi edi deydi. Gulbadanda esa Humoyun tabiatiga xos kamchilik va nuqsonlar deyarli ko`zga tashlanmasligi va unda ayniqsa, irimchilik umuman yo`qligini aytib o`tadi.

Gulbadanning ta'kidlashicha, "Firdavs makon hazrat" ya'ni Bobur shoh vafotlaridan keyin jannat oshiyon (Humoyun) 12 yil davomida Hindistonda hukmron bo`ldilar. Fuqaro tinchlik va osoyishtalikda umrguzaronlik qildi, u kishiga bo`ysunib, itoatda bo`ldi". Ammo Goden yuqoridagi tasvirlarni Gulbadan nazaridagi aldamchi bir hodisa ekanligini, Humoyunning o`sha davrdagi hayoti o`zi tasavvur qila olmaydigan janglar, isyonlar va xoinliklarga qarshi kurashlarga to`la holda o`tgan degan fikrni ilgari suradi. U agar Humoyunning hayot

yo`lida to`g`anoq bo`lgan ikki sabab - o`zining afyunga odatlanishi va ukalarining xoinliklari bo`lmaganda edi unga omad ertaroq kulib boqqan bo`lar edi deb ham ta'kidlaydi. Goden Humoyunni kechirimli aka sifatida tasvirlaydi, chunki u inilari, yaqin do`stlari qilgan xoinliklarni, fitnalarini kechirishga tayyor edi. Haqiqatan Humoyun ukalari Komron, Askariy, Hindol qilgan xiyonatlarni kechirib, aka-ukachilik munosabatlarini uzmagan.

Goden o`z tadqiqotining "Akbar hukmdorligi davri" nomli to`rtinchi qismida Akbarshohni tasvirlar ekan, aynan uni Gulbadan ismining tarixda o`chmas iz qoldirishining asosiy sababchisi qilib ko`rsatadi. Bunga sabab uning bobosi va otasi faoliyati haqida tarixiy bir asar yaratish to`grisidagi buyrug`i bo`ldi. Shu tufayli boburiylarning umr va ijod yo`llari haqidagi haqiqat yuzaga chiqdi deb fikr bildiradi Goden.

Gulbadan uch buyuk hukmdor-otasi Bobur, akasi Humoyun va jiyani Akbar davrini qamrab olgan o`ta murakkab zamonda umrguzaronlik qildi. Bu hukmdorlar orasida eng mashhuri Akbarshoh bo`lsa-da, Gulbadan otasi va akasini nihoyatda ulug`lagan. Biroq, Akbarshoh bo`lmaganda, Gulbadanning mavqe-martabasi bunchalar yuqori ulug`lanmagan, uning nomi o`sha davrda yashagan yuzlab malikalar singari xalq nazariga tushmasdan qolib ketgan bo`lardi.

1603 yilning fevralda, Angliya qirolichasi Yelizaveta I vafot etgan yili, sakson yoshli Gulbadan begim ham bezgak kasalidan hayotdan ko`z yumdi. Jahon tarixidagi eng buyuk saltanatlardan bo`lgan boburiylar saltanatining zebo va oqila vakilasi, katta aql-idrok va noyob iste`dod egasi, Boburning sevimli qizi Gulbadanning nomi malika Gulbadan begim nomi bilan insoniyat tarixida abadiy qoldi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1.Rumer Goden. Gulbadan.-T.: Sharq., 2007.

БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА АЁЛ САНЪАТКОРЛАР

Насиба Турғунова,
ЎзДСМИ доценти, Санъатшунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация; Амир Темур ва Темурийзодалар ўз ҳукмронлик даврларида мусиқа санъатига алоҳида эътибор қаратдилар.

Хусусан, Ахси саройида аёллар санъати равнақ топишида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг хизмати беқиёсдир. Бобур Мирзо ҳам отаси изидан бориб муғанниялар ижодига ҳомийлик қилиши натижасида аёл созанда ва хонандалар ижоди янада гуллаб яшнади. Гулбаданбегимнинг маълумотига кўра, сарой маликалари орасидан ҳам моҳир созандалар етишиб чиқадилар. Жумладан, Музаффар Мирзонинг қизи Меҳрангизбегим бир қанча созларни ижро қилишни пухта ўзлаштирган эди. Умаршайх Мирзо бошлаб берган мусиқа соҳасидаги ҳомийлик ва анъаналар унинг ўғли Бобур ва Бобурийзодалар – Ҳумоюн, Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида мусиқа санъати ўзининг меърожига кўтарилди.

Калит сўзлар: санъат, ижод, созанда, хонанда, муғанний, муғаннія, раққос, раққоса.

Турли манбалардан аёнки, “арабларнинг юришларига қадар ҳам, ундан кейин ҳам олий ва маҳаллий ҳукмдорлар саройларида куй ва қўшиқ ижодкорлари назарий ва амалий мусиқа билан шуғулланганлар” [5. 3.]. Булар орасида аёллар ҳам бўлиб, улар қадимдан саройларда мусиқачи бўлиб хизмат қилганликларини археологик топилмалар асосида англаб олиш мумкин. Бу борада академик М. Раҳмоновнинг эътиборли фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтамиз: “Феодалларнинг истиқомат қиладиган Хоразмдаги Тупроқ қалъа, Бухоро ёнидаги Варахша, Термиз атрофларидаги Холчаёнтепа, Болаликтепа, Далварзинтепа қалъаларининг атрофлари истеҳкомлар, баланд деворлар, чуқурлар билан ўралган бўларди. Бу қалъаларда ҳаёт зерикарли ўтарди. Шунинг учун феодаллар ўз қалъа ва саройларига жуда кўп санъат соҳибларини, созанда, раққос ва актёрларни тўплаб, ўз қавмлари ва хонадонлари учун тез-тез томошалар, базмлар ўтказиб турганлар [6.122-169.].

Шарқ оламида ислом дини кенг ёйила бошлаган даврларда ҳам халифа ва хонларнинг саройларида шеърият қаторида мусиқа ва рақс санъатлари доим эътиборда бўлган. Қолаверса, “нафақат шоҳ ва амирлар, балки уларнинг амалдорлари – вазир, бек ва бошқа зодагонлар хонадонлари ва улар уюштирадиган базмларни гуллатган ҳам ҳофиз ва созандалар бўлишган” [5.3.].

Бундай базм ва бошқа маданий тадбирларда аёл мусиқачилар ҳам иштирок этганликлари шубҳа туғдирмайди. Зеро, ўтмишга оид айрим тарихий манба ва мўъжаз миниатюралар Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар, шунингдек, Бухоро, Хива ва Қўқон хонларининг саройларида кўплаб мусиқачи аёллар фаолият кўрсатганликларидан гувоҳлик беради [3.].

Амир Темур жангдан зафар қозониб қайтгач Самарқандда шаҳар ташқарисида ўзи барпо этган қасрларда, “Боғишамол” ва “Боғи дилкушо” боғларида навбати билан хордиқ чиқарар, қайси боғга кўчиб ўтмасин албатта у ерда катта тантаналар ва маросимлар ўтказилар эди. Клавихонинг маълумотига кўра бундай “байрамларга шунчалик кўп халқ йиғилар эдики, уларнинг кўплигидан ўтиб бўлмас, фақатгина кузатувчи аскарлар йўлни очиб берсагина, олдинга силжиш мумкин эди” [7.122.]. Ана шундай хурсандчилик кунларида деҳқонлардан тортиб новвойларгача подшоҳ чодири атрофига тўпланишар эди. Созандаларнинг аксарияти Амир Темурнинг атрофига жамланиб ўтиришар эди [7.135.]. Соҳибқироннинг завжалари Бибихоним ва Сарой Мулк хонимлар томонидан маликалар базми вақти-вақти билан уюштириб турилганлиги манбааларда қайд этилади. Табиийки, бундай тадбирларда саройда хизмат қилган аёл созандаю-хонандалар ҳам иштирок этганлар.

Бу анъана Темурийзодалар даврида ҳам муносиб давом эттирилган. Бунга, хусусан, созанда аёллар чанг, най ва дойра чолғуларида машқ қилаётгани тасвирланган ўша давр мўъжаз миниатюраларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Яна шуниси диққатга сазоворки, Самарқанд, Ҳирот ва Бухоро саройлари қаторида Фарғона водийсида XV асрнинг иккинчи ярмига келиб қад кўтарган Ахси давлати саройида ҳам аёлларнинг ижодкорлиги равнақ топа бошлаган эди. Муғанниялар нинг бундай ижодий анъанаси дастлаб Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо ҳукмдорлиги даврида шаклланган бўлиб, сўнгра Бобур Мирзо ҳомийлигида янада ривож топди. Бунга Бобурнинг ўғли Ҳумоюн туғилиши шарафига Қобулда ўтказилган тўй тасвири туширилган қуйидаги мўъжаз миниатюра бир далилдир.



Миниатюранинг ички саҳнасида Бобур эркак ва аёл раққосаларнинг рақсини томоша қилаётгани, дойра ва най чалаётган созандалар ҳамда ташқи томонда эса уд ва дойра чертаётган созандалар тасвирланади. Жумладан, аёл ўз рақсига қўлида ушлаб олган қайроқ билан дойра усулига мос ҳолда ўзига хос ритм бераётгани аниқ ва равшан ифодаланади. Эркак раққос ҳам ноғора усулига мос тарзда қилич ўйнатаётганининг гувоҳи бўламиз. Демак, раққосалар ва созандаларнинг ҳаракатлари шуни англатадики, даврада шўх, жозибадор куй ижро этилмоқда.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1526 йили Панипатда Султон Иброхим бинни Султон Искандар бинни Баҳлул Лудийни енгиб моддий ва маданий бойликларни қўлга киритган эди. Бобурнинг изнида бўлган Хожа Калонбек ундан “Ҳиндистон ҳавоси мижозимга тўғри келмаяпти” [4.13.] деб Кобулга кетишига рухсат беришини сўрайди. Бобур Хожа Калонбек қўлига рўйхат беради ва ана шу рўйхат асносида “валинеъматларига ва ҳар бир бегимга

Султон Иброҳимнинг хос ўйинчиларидан бир раққоса” [4.16.] ва бошқа бойликлардан беришни буюради.

Бобур Ҳиндистонга кетар чоғида 96 та аёлларни ҳам олиб кетганлигини ва уларнинг ҳар бирига алоҳида маош тайинланганлигини Гулбаданбегим Хумоюннома асарида қайд этади. Албатта, бу аёллар турли байрам ва маросимларда иштирок этадилар. “Ҳумоюннома” орқали саройда аёлларга хизмат қилувчи аёл санъаткорлар ҳам бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотга эга бўламиз. Таъкидлаш жоизки, маликалар ҳам ўз даврининг етук санъаткорларидан мусиқа санъатидан таълим олганлар. Хусусан, Мирзо Бобур билан Ҳиндистонга борган аёллар орасида “она тарафдан аммаси Султон Ҳусайн мирзонинг невараси Музаффар мирзонинг қизи *Меҳрангизбегим* ҳам бор эди. Уни жон-дилдан яхши кўришар, унга эрларнинг киймини кийдиришарди. У анвои ҳунар соҳиби эди. У зеҳгиртарошлик, чавгонбозлик, ёй отишни билар ва кўплаб созларни чаларди” [4.36.].

Бобур ва унинг ўғли Ҳумоюн жангдан қайтгач бегимларни, опа-сингилларини, қизларини зиёрат қилиши одат тусига кирган эди. Зиёратларда аёллар томонидан эрта тонгга қадар ўйин-кулги, базми-жамшид ўтказилар эди. Гулбаданбегимнинг маълумотига кўра “Ҳумоюн ҳар қайси бегим ва опа-сингилларнинг уйига ташриф буюрсалар, ҳамма бегимлар ва опа-сингиллар уларга қўшилиб бирга келардилар. Эртаси куни бу ҳақир (Гулбадан)нинг уйига ташриф буюрдилар. Ўтириш ярим кечагача давом этди. Кўпчилик бегимлар, опа-сингиллар, бекалар, оғалар ва оғачалар, созанда ва хонандалар бор эди” [4.43.].

Бобурнинг санъатга бўлган қизиқиши ва санъаткорларни эъзозлаши фарзанди Ҳумоюн ва набираси Акбарга ҳам ўтган эди. Улар ҳам саройда санъаткор муғанний ва муғанниялар учун барча шароитларни муҳайё қилдилар. Жумладан, Ҳумоюн Кобулда “Тилсим” номли боғни яратади. Аввалига боғнинг очилиш маросимини ўтказишади, кейинроқ боғда мирзо Ҳиндолнинг никоҳ тўйи ўтказилади. “Ҳовуз бўйида меҳмонхона бўлиб, унинг дарчаларига панжара тутилганди. Ёшлар ана шу меҳмонхонада ўтиришди. Ўйинчилар ўйинга тушишди. Қизлар базми ҳам авжида эди” [4.40-41.].

Ҳинд мусиқасининг таниқли мутахассиси С.Бриҳаспати берган маълумотига кўра, “мусулмон оилаларига ҳинд аёлларининг келин

бўлиб кириб келиши ва янги қўшма наслнинг пайдо бўлиши билан бир қаторда ҳиндча урф-одатлар ҳам қўшилди. Ҳинд аёл хонандалари ва раққосаларининг канизаклар сифатида мусулмон санъаткорларнинг хонадонларида сақланиши ҳам оддий ҳол бўлиб қолди”[1.26.].

Аёлар орасида ҳам Бобурнинг эвараларидан шоира ва созандалар етишиб чиққан эди. Жумладан, Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб (тахтбезаги) Оламгирнинг қизи Нодирабегим болалик чоғидан шеърият ва мусиқага қизиқади. Отаси саройда хизмат қилувчи Мулло Муҳаммад Ашраф Исфахоний ва Мулло Жевонни унга устоз қилиб тайинлайди. Натижада Нодирабегим етук шоира ва хаттот бўлиб етишади. Аёллар орасида танбур чертишда моҳир созанда бўлиб донг таратган эди [8.58.].

Тарихий манбаларни қиёсий ўрганиш асосида, Амир Темур ва Темурийзодаларнинг саройларида кечган ижодий жараёнлар ва мавжуд бадиий анъаналар кейинги даврларда ҳам аёллар санъати шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Гарчанд XVI асрга келиб Темурийлар ҳукмронлиги ўз мавқеъини йўқотган бўлишига қарамай, уларнинг саройларида юзага келган аёллар санъати изсиз йўқ бўлиб кетмади, балки Ўрта Осиёда бирин-кетин юзага келган Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида янгича мазмун-маъно касб этди.

Адабиётлар

1. Achariya Brihaspati. Мусулмонлар ва Ҳиндистон ярим ороли мусиқаси. Таржимон З.Насруллаев. –Т.: 2009. – 79 б.
2. Бобирнома расмлари. Тузувчи Ҳ.Сулаймон. – Т.: 1969. 155 б.
3. Вызго.Т.С. Музыкальные инструменты Средней Азии (исторические очерки). – М.: Музыка. 1980. С. – 190.
4. Гулбаданбегим Заҳириддин Муҳаммад Бобур қизи. Ҳумоюннома. Т.: 2016. 102 б.
5. Мўъжизий Исматуллоҳ. Таворихи мусиқийун. –Т.: 2010. 104 б.
6. Раҳмонов М. Ўзбек театри. Қадимий замонлардан XVIII асрга қадар. –Т.: 1975. – 287 б.
7. Руи Гонсалес де Клавихо. Амир Темур испан элчиси нигоҳида. Таржимон У.Жўраев. – Т.: 2019. 176 б.
8. Турғун Файзиев. Темурий Маликалар. – Т.: 2013. 69 б.
9. Турғунова Н. Фарғона водийси яллачилик санъати. – Наманган.: 2016. 364 ва б.

“БОБУРНОМА“ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАҲЛИЛДА

Раъно Собирова,
Андижон Давлат университети
хорижий тиллар факультети.
Факультетлараро чет тиллар (аниқ ва табиий фанлар)
кафедраси катта ўқитувчиси.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари бетакрор мемуар асар бўлиб, кўп соҳаларга оид материалларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Дунё олимлари, соҳа мутахассислари, тилшунос олимлар ва кўплаб тадқиқотчилар ушбу асардан ўз илмий изланишларида ҳозирги кунгача тўлақонли фойдаланиб келмоқдалар. Лексик ва семантик гуруҳлар олам лисоний манзарасининг таркибий қисмлари бўлиб, маълум бир тилнинг маданий ва миллий ўзига хослигини ўзида намоён этади. Лингвокультурологик методология кундалик турмуш тарзидаги тушунчаларга асосланади ва уларда ифодаланадиган миллий-маданий фактлардан ҳаёт маъносини излашга ҳаракат қилади. Шу муносабат билан лингвокультурологиянинг диахрон, синхрон, структур-функционал, типологик, тарихий-генетик, қиёсий тарихий методларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. **Диахрон метод** - турли лингвомаданий бирликларни маълум бир вақтлар нисбатида қиёсий таҳлил қилишга асосланган.

2. **Синхрон метод** - бир вақтда мавжуд бўлган лингвомаданий бирликларни таққослаш.

3. **Структур-функционал метод** - лингвомаданий объектни қисмларга ажратиш ва қисмлар орасидаги муносабатларни аниқлашни ўз ичига олган усул.

4. **Тарихий-генетик метод** - лингвомаданий фактнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва келажаги нуқтаи назаридан ўрганишга қаратилган.

5. **Типологик метод** - тарихий-маданий жараёндаги турли лингвомаданий бирликларнинг типологик яқинлигини аниқлаш учун мўлжалланган.

6. **Қиёсий - тарихий метод** - лингвомаданий бирликларни замонда қиёслаш ва уларнинг моҳиятига кириб боришга асосланган.)

Айнан шу лингвокультурологик таҳлилда Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” қомусий асаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, кундалик турмуш тарзи ва уй-рўзғор буюмларига оид сўзларни ҳам учратишимиз мумкин. Умрининг кўп қисми сафарларда, саргашталикда ўтган шоир ва шоҳ қаламига мансуб реалистик лавҳаларда бир манзилдан иккинчи манзилга кўчиш ҳаракатларига оид тасвирлар кўплаб учрайди. Ана шундай лавҳаларда **партол** сўзи бир неча ўринларда берилган.

*1. Сабоҳи дарёдин кемаларни келтуруб, аксар черик эли чодирларни, п**артол**ларни кема била ўткардилар.* (З.М.Бобур “Бобурнома” Т.,ЎзФА нашриёти, 1960 й.)

*а) Эрталаб дарёдан кемаларни келтириб, аскарларнинг кўпчилиги чодирлари ва **партол**ларини кемада олиб ўтдилар.* (З.М.Бобур “Бобурнома”, Табдил варианти, 2008 йил.)

*б) Эрталаб дарёдан кемаларни келтириб, аскарларнинг кўпчилиги чодирлари ва **партол**ларини кемада олиб ўтдилар.* (З.М.Бобур “Бобурнома”, Табдил варианти, 2017 йил.)

*2. Баъзи чодир ва гилем ва **партол**дек нималари черик элига тушти*. (З.М.Бобур “Бобурнома” Т.,ЎзФА нашриёти, 1960 й.)

*а) Баъзи чодир, гилам, **сафар анжоми - кўрпа-тўшакдек нарсалар** лашкаримиз қўлига тушди.* (З.М.Бобур “Бобурнома”, Табдил варианти, 2008 йил.)

*б) Баъзи чодир, гилам, **сафар анжоми - кўрпа-тўшакдек нарсалар** лашкаримиз қўлига тушди.* (З.М.Бобур “Бобурнома”, Табдил варианти, 2017 йил.)

Партол сўзи биринчи жумлада ***партол*** шаклида берилган бўлса, кейинги мисолда *партол* - ***сафар анжоми - кўрпа-тўшакдек нарсалар*** шаклида табдил қилинган.

А.Т.Замонов “Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (XVI аср)”илмий тадқиқотида “партол (катта қоп)” тарзида изоҳ бериб ўтган.[1].

“Сафар қопи – партол. Ҳозир сафар қопи деб аталадиган махсус қоп Шайбонийлар даврида партол деб номланган. Унда чодир, қўй ёки эчки терисидан тайёрланган пўстак, кўрпа-тўшак ва бошқа маиший асбоблар олиб юрилган”.[2]. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш жоизки, бундай сафар қопи фақат ҳарбийлар учунгина эмас, рўзғор буюми сифатида ҳам ишлатиладиган предметдир.

Изоҳлардан кўринадики, ***партол*** сафар қопи сифатида бугунги кунда рус тилидан кириб келган **рюкзак**нинг эквиваленти дейиш мумкин. Агар шундай бўлса, “Бобурнома”нинг табдил вариантларидаги “*сафар анжоми - кўрпа-тўшакдек нарсалар”* тарзидаги изоҳи ўринли эмас*, яъни сафар анжоми – кўрпа-тўшакдек нарсалар солинадиган қоп* дейилса, ўринли бўлар эди. Демак, ўзлашма сўзларни қабул қилишдан олдин мана шу тарздаги тарихий ноёб асл туркий сўзларни юзага чиқариш, бундай эквиваленти топилмасагина, ўзлашма сўзни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. **Рюкзак** сўзининг синоними сифатида **партол** сўзини ҳам луғатларга киргизишни таклиф қиламиз. “Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати”да эса мантиқан шу вазифани бажарадиган шевага хос ***напрамач*** буюмининг изоҳи учрайди. *Напрамач (мапрамач)* – бўйи ва эни кўрпа ёки гилам тахлами энига мослаб, ичига кийим-кечак, кўрпа-тўшак кабилар жойлаб қўйиладиган қилиб шолдан тайёрланган рўзғор буюми.[3]. Фақат бу буюмнинг фарқи у *сандиқ, қути* сингари уй жиҳози вазифасини ўташига урғу берилади.

Шунингдек, “Бобурнома” асарида *гилам, дастурхон, пичоқ, қошиқ, болта* каби рўзғор буюмлари номлари ҳам келтирилган. *Чопқи* сўзини *“чопқулаб”* шаклидаги равишдош таркибида учратдик.

Тўш-тўшидин ***пичоқлаб, чопқулаб,*** *пора-пора айладилар*. (З.М.Бобур “Бобурнома”)

Шу тариқа,“Лексикани идеографик ўрганиш тилшунослар учун у ёки бу тилнинг лексик имкониятларини тўлароқ намоён қилишга қулай шароитлар туғдиради”.

Шунингдек, туркий тилнинг турли босқичларида ёзилган кўплаб бебаҳо адабий-бадиий асарлар лексикаси ҳам тилимизнинг маълум бир лексик қатламини ўрганиш ва жамлашда бой манба вазифасини ўтай олади. Хусусан, ўзбек тилининг уй-рўзғор буюмларига оид лексикаси кўплаб қадимги, аксарияти халқнинг моддий маданияти билан чамбарчас боғлиқ ноёб элементларни ўз ичига олади. Ушбу тематик гуруҳнинг лексик бирликлари халқнинг асл ҳаёти соҳаларидаги ҳар қандай энг кичик оғишларга ҳам аниқ жавоб беради. Шундай сўзларнинг баъзилари фақат маълум бир лаҳжа ёки шева учун характерли бўлиб, уларнинг баъзилари сақланиб қолган қадимги туркий лексик бирликларини англатади. Бундай сўзларни

аниқлаш ва ўрганиш қиёсий-тарихий лексикологиянинг асосий вазифаларидан бири бўлган туркий тиллар луғатининг семантик ривожланишини тиклаш учун жуда қимматли материал беради.

Маълум бир тилдаги луғавий бирликларни мазмуний жамлаш усулининг дастлабки белгиларини Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” (“Туркий сўзлар девони”) асарида кўришимиз мумкин. Гарчи асарда лексемалар алоҳида лексик майдон сифатида жамланмаган бўлса-да, ўзбек тили идеографиясини диахрон-синхрон тарзда шакллантиришда муҳим манба бўла олади. Луғатда туркий тиллар лексикасига мансуб 7500 сўз изоҳланган (бошқа ҳисобларга кўра, М.Кошғарий изоҳлаган сўзларнинг сони 9000 дан ошади). Бу сўзлар туркий халқлар ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамрайди: моддий маданият предметларининг номлари (кийим-кечак, уй, рўзғор, безаклар, музика, қурол-яроғ, асбоб-ускуна, хўжалик буюмларининг номлари); этноним ва топонимлар; қариндошлик номлари; давлат тузумига оид терминлар; таом номлари; ҳайвонлар ва ўсимликларнинг номлари; касаллик ва дориларнинг номлари; илмий, диний, этнографик, географик терминология; йил фасллари, ой ва ҳафта кунларининг номлари; тарихий ва мифологик қаҳрамонларнинг номлари ва шу кабилар. [4, 8].

Н.Абдулаҳатов ва бошқа муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилган “Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқиқи” қўлланмасида уй-рўзғор буюмларининг бир қисми бўлган сопол буюмлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. “Одатда, ҳозирги даврда сопол идишларнинг турини катта-кичиклигига қараб сопол товоқ, хум ёки кўза деб атаб қўя қоламиз. Бироқ қадимда бу идишларнинг ҳар бирининг вазифасига қараб ўзига хос номи бўлган. Бунга Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ифодаланган кулолчиликка оид ҳамда сопол, ёғоч ва суякдан ишланган идишларнинг турли атамаларини мисол қилиб олиш мумкин:

Чанақ – ёғочдан ишланган тузлуқ ва шу каби идишлар.

Саринч – ёғочдан ясалган челак.

Лагун – ичи чуқур қилиб ёғочдан қилинадиган идиш. Унда сут, қатиқ ва шунга ўхшаш нарсалар ичилади. *Ёғоч товоқ.* Бизнингча, ҳозирда бу сўз Андижон шеваларида *лаган, лаганча* вариантларида

қўлланади, фақат замонавий шакли ёғочдан эмас, алюминий, пластик ва чинни каби материаллардан ишланади.

Чунак – ёғочдан қилинадиган сут соғадиган идиш, *ёғоч челак (чигилча)* ва бошқалар.[5, 68-69].

Н.Мирзаевнинг "Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати"да ҳам айрим сопол идиш турлари берилган. **Чоргўша** [ф-т]. Сут ва қаймоқ сақлаш учун сополдан тайёрланган тўртбурчак шаклдаги идиш. **Чува, ёғчува.** Жувоз ёғини сақлайдиган, уч-тўрт килограмм чамасида ёғ кетадиган сопол идиш. [6 ,100-101].

Шунингдек, "Девону луғотит турк"да *сали* – андава*, йула* – чироқ, қандил,*йигна*-нина,*йасғач* – уврa тахта, *(*асли *ясси ёғоч* бирикмасидан келиб чиққан), *йастуқ* – ёстиқ, *йанлуқ* – чўпон тўрваси*, йанчуқ* – ҳамён*, йэмачўк* – буғдой ташиладиган кичик қоп, *кўвўз* – юнгдан тўқилган, ерга солинадиган ҳар қандай *палос, гилам, шолча, намат* (*кигиз* сўзининг эскирган варианти бўлиши мумкин); *ашич* – қозон, *қамич* – чўмич*, очақ* – ўчоқ, *уруқ* – арқон*, ötўк* – дазмол, *айақ* – идиш, коса, пиёла каби жуда кўплаб уй-рўзғор буюмлари номлари изоҳланган.[7].

ДЛТда ҳозирда ҳам истеъмолда бўлган кўплаб уй-рўзғор буюмларининг қадимий номлари берилган. Уларнинг айримлари бир неча синоним вариантларга эга эканлиги эса турли туркий қабилаларда турлича ном билан аталганлиги билан тавсифланади. Масалан, қайчи – бичғуч, синду, қифту.

Идеографик луғатларнинг шаклланиш тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири Голландиянинг Лейден кутубхонасида сақланаётган XIV аср обидаси, муаллифи номаълум бўлган **"Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий"** (қисқа қилиб "Таржумон" деб ҳам атайдилар) сўзлигидир.

"Таржумон", биринчидан, кўп тилли луғат, иккинчидан, туркий тиллар материаллари асосида ёзилган дастлабки идеографик луғатдир.

Идеографик луғатларнинг дастлабки намунаси бўлганлиги учун унда айрим камчиликлар ҳам учрайди. Буюмлар қаторида ўша буюмга алоқадор, лекин буюм бўлмаган нарсалар ҳам уядош сўзлар қаторида бериб кетилган: масалан, *ўт (олов), кул, туз, мурч,сақич, сурма, элик* каби.

Демак, юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўзбек тили лексик-семантик гуруҳларини микромайдон сифатида тадқиқ

қилишда туркий тилшуносларнинг лексикани идеографик ўрганиш борасидаги узоқ йиллик анъана ва тажрибалари бебаҳо назарий ва амалий манба бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар .

1.Замонов А.Т. Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (XVI аср).Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

2. Эргашев Ф. Шайбонийлар даврида курол-яроғ ва ҳарбий аслаҳалар. https://mv-vatanparvar.uz/kr/3010/.

3. Мирзаев Н.Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.58.

4. Қўчқортоев И., Исабеков Б. Туркий филологияга кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

5. Абдулаҳатов Н., Тошпўлатов И., Носирова У., Жўрабоева У. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқиқи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013.

6. Мирзаев Н. .Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1991.

7. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, 1960.

“БОБУРНОМА” ДА ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ СИЙМОСИ

Эльмира Ҳазратқулова,
ЎзМу докторанти.

Аннотация: Ушбу мақолада “Бобурнома”да тасаввуф манбаларига хос бўлган жиҳатлар, шу жумладан, валийлар тазкирасига хос бўлган унсурларнинг акс этиши ҳақида илмий кузатишлар баён қилинган. Бобурнинг нақшбандия тариқати вакили Хожа Аҳрор Валийга нисбатан чуқур эҳтироми асардаги лавҳалар мисолида ҳамда турли тадқиқотчи олимларнинг қарашлари асосида таҳлил қилинган.

Мумтоз адабиётнинг ажралмас бир қисми бўлган тасаввуф соҳаси ўзининг ибратли маънавий хусусиятлари билан ўқигувчини ўзига жалб қилади. Бобурнинг пирларга бўлган хайрихоҳлиги ва улар билан кези келганда ғойибона тарзда муносабатга киришиши

тарихий воқеликлар баёнида кетма-кет тарзда аён бўлган эди. “Тарихи Рашидий”асари муаллифи Ҳайдар мирзо ҳам бу соҳа намояндаларининг ўзига хос жиҳатлари, кароматлари, ибратли фазилатларини тарихий реал воқеалар билан қоришиқ ҳолда келтириб ўтган. Кўп қиррали ва хусусиятли мазмунга эга «Бобурнома»нинг матнида маълум бир валийга бўлган муносабат тарихий воқелик заруратидан келиб чиққан ҳолда равшан бўлади. Бобур диққат қилган тасаввуф алломалардан бири Хожа Мавлоно Қози бўлган. Хожа Мавлоно Қозининг Бобур ҳаётига амалий таъсири ниҳоятда катта бўлган. Ёш Бобурнинг дастлаб тахтга ўтириш жараёнидаги қийинчиликлардан тортиб, Андижондаги хиёнат можароларида ҳам ўзининг қатъий садоқатини кўрсатган арбоб эди. Маълум бўлишича, Хожа Мавлоно Қози Хожа Убайдуллоҳнинг муриди бўлиб, унинг тарбиятида маънавий камолотга эришган. Унинг валийлик сифатига Бобур ишонч билан қарайди: «Хожа Қозининг валилиғида менинг ҳеч шакким йўқтур... Хожа Қози ажаб киши эди. Қўрқмоқ анда асло йўқ эди. Онча далер киши кўрилган эмас. Бу сифат ҳам валоят далилидур. Сойир эл ҳар неча баҳодур бўлса, андак дағдағаси ва таваҳҳуми бўлур. Хожада асло дағдаға ва таваҳҳум йўқ эди». [1.64.] Дарҳақиқат, тасаввуфий-илмий тадқиқотларда таъкидланганидек, «Агар Аллоҳ ўзи танлаган валийсига ўзини танитса унга муҳаббатни ҳам қўрқувни ҳам сезмайдиган қилиб қўйган, чунки улар унинг учун ҳеч бир маънога эга бўлмаган». [2. 90.] Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасанлар томонидан уюштирилган давлат тўнтариши натижасида ушбу хиёнатга астойдил қарши турган Хожа Мавлоно Қозининг жонига ҳам суъиқасд қилинади: «Андижонни олғондин сўнг менинг Хўжанд келганимни эшитиб, Хожа Мавлонойи Қозини арк дарвозасида осиб шаҳид қилдилар». Лекин тарихдаги бу каби хунрезликлар ўз жазосини олмай қолмаган. Ушбу фитна иштирокчиларининг кейинги тақдири ҳақида Бобур ёзади: «Қайси иш валоятқа мундин яхшироқ далилдурким, аларға қасд қилғонлардин оз фурсатта осор ва аломат қолмади»[2.64.] Демак, Бобурнинг келажакда иқтидор ҳосил қилиб, мураккаб хатарли синовлардан ўтиши учун унга мададкор бўлган валий зотларнинг ишончи ва мададкор бўлиши муҳим роль ўйнаган экан. «Бобурнома» воқеаларидан маълумки, Хожа Аҳрор валий Бобурнинг энг қийин дамларида уни ғойибона тарзда маънан-руҳан қўллаб қувватлаб келган. Бу ҳақда Бобур

Самарқандни ишғол қилиш жараёнларини тасвирлаган пайтларида маълум қилади. Бобурнинг ҳикоя қилишича, азим Самарқандни эгаллаб, сустлашган темурийлар салтанатини қайта тиклашга бўлган уриниш орзуси уни бир дам ҳам тарк этмаган. Шу боис ҳам унинг Самарқандни қамал қилиш жараёнларида бу ишдан умидворлиги катта эди. Айни шу дамларда унинг тушида Хожа Аҳрор валий сиймоси бўй кўрсатгани ҳикоя қилинган.Унда айтилишича, Хожа Аҳрор валий Бобурнинг ҳузурига келиб, унинг қўлидан кўтаргач, Бобурнинг оёқлари ердан узилади. Бобур ушбу илоҳий тушнинг таъбирини яхшиликка йўяди. Маслаҳат учун, яқин саркардаларидан Самарқанднинг қўлга олиниш кунини башорат қилинишларини сўраганида Нўён Кўкалдош бу ғалаба ўн тўрт кунда рўй беришини тахмин қилади. Дарҳақиқат, роппа-роса ўн тўрт кунда ёш Бобурга пойтахт Самарқандни эгаллаш шарафи насиб қилади. Зикр этилган илоҳий тушни Бобур ушбу ғалабага ишора сифатида қабул қилган эди. Хожа Аҳрор валийнинг навбатдаги мадад бериш ҳолати Карнон қалъасида бўлиб ўтган эди. Бобур хиёнаткор беклар-у, навкарлар қошида чорасиз қолган дамларида ажалга бош эгганини тасвирлайди: «Ўзумда бетоқатлиғе фаҳм қилдим. Қўптум, боғ гўшасиға бордим. Ўзум била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса, охир ўлмак керак.

Агар сад сол мони ва-р яке рўз.

Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз

Мазмуни: Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур (П.Шамсиев).

Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борубтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб, Хожа Яҳёнинг ўғли ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг ўғли Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимға аблақ от миниб кўп жамоати аблақсувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга юбордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлик маснадиға ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соатда фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг ва уйғонинг» [1. 100.] Мазкур ибратли лавҳа орқали Бобурнинг ҳақиқатдан ҳам

душманлар қўлидан бир неча дақиқаларда халос бўлишини сўзлайди. Айнан ушбу илоҳий тушни Бобурнинг садоқатли бекларидан бири Қутлуқ Муҳаммад Барлос ҳам уч кун илгари кўрган ва уни қутқаришга чоғланган эди. Бироқ «Бобурнома»ни инглиз тилига таржима қилган Анетта Сусанна Бевереж хоним мазкур лавҳага [3. 651.] шубҳа билан қараб уни «ғайриоддий нажот»дея атайди. Бевереж хоним ўз иддаосида қуйидаги эътирозларни келтиради: Ушбу лавҳа асарнинг қўлёзмасига бобурий Жаҳонгир шоҳ томонидан Ҳайдаробод нусхасига қўшиб қўйилган бўлиши мумкин, асарда тилга олинган қутқарувчи шахслар асарнинг бошқа ўрнида тилга олинмаган, лавҳада ровий услуби асар услубидан фарқ қилиши: *подшоҳ* сўзи муаллифнинг тилига мос келмаслиги, ва бу пайтда лавҳада айтилганидек, хонлар Андижонда бўлмагани даъво қилади. Шунингдек, Бевереж хоним эътирозларида Хожа Аҳрор валийнинг айнан Хожа Яъқуб исмли набираси борлиги номаълумлиги ва бу маълумотлар тарихда сақланмаганини шубҳа остига олади.Бизнингча, Анетта Бевереж хонимнинг эътирозлари ўзини оқламайди. Биринчидан, Бобурнинг ровий сифатида ҳикоя қилиш услуби бу лавҳада ҳеч қандай ўзгаришга учрамаган, лавҳанинг синтактик қурилмаси матннинг бошқа жойларидан фарқ қилгани йўқ, иккинчидан, лавҳадаги подшоҳ сўзи асарнинг дастлабки жумласидаёқ, Фарғона тахтига ўтириш воқеаларида ҳам тилга олинган эди, учинчидан, асарнинг ишончли Лондон, Эдинбург, Қозон қўлёзмалари асосида унинг илмий танқидий матнини тайёрлаган япон олими Эйже Мано ҳамда адабиётшунос Саидбек Ҳасановлар ҳам ушбу лавҳани нашрга киритганлар, тўртинчидан, Хожа Аҳрор Валийнинг кейинги авлодлар шажарасини аниқлаш борасидаги тарихий тадқиқотлар ҳали ўз якунига етгани йўқ. Шу билан бирга ушбу лавҳа агар асоссиз равишда киритилган бўлганида «Бобурнома»нинг мазмунида ҳам сунъий ғализлик келиб чиқиши табиий эди, биз эса матнда воқеликлар кетма-кетлигида ҳеч қандай узилишни кўрмаймиз. Демак, бу лавҳа Бобурнинг ўз қўли билан ёзилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Асарда тилга олинган қутқарувчи шахсларнинг бошқа тилга олинмаслиги ҳам шубҳа уйғотувчи омил эмас, чунки «Бобурнома»нинг йўқолган саҳифалари ҳамон топилгани йўқ. Ушбу шахсларнинг номлари йўқолган саҳифаларда тилга олинган бўлиши ҳам мумкин. Академик Ботирхон

Валихўжаев ўзининг «Буюк маънавий муршид» номли рисоласида ушбу лавҳага қуйидагича муносабат билдиради: «Эҳтимолки, бундай тасвирлар Бобур қўллаган бадиий тасвир усулидир, бу усул Алишер Навоийда ҳам, Мавлоно Лутфийда ҳам ва бошқа шоирларда ҳам учрайди, бас шундай экан, уни ҳаётий ва реал деб қабул қилиш мумкинми, дегувчилар ҳам бўлар. Биз бундай фикрларга тўла-тўкис қўшиламиз. Шу билан бирга қайси шаклда бўлишидан қатъий назар бу тасвирларда Бобурнинг Хожа Убайдуллоҳга нисбатан бўлган самимий ихлоси акс эттирилган. Бу эса муҳимдир. Ана шу ихлос туфайли Бобур ўз шахсий ҳаёти ва ижтимоий фаолиятида Хожа Убайдуллоҳ фазилатлари ва айтганларига амал қилишга ҳаракат қилди» [5. 78.] Бизнингча, академик Ботирхон Валихўжаевнинг бу тахмини Бобурнинг ровийлик услубига мос келмайди, сабаби, муаллиф сифатида у ёлғондан ҳазар қилишга, фақат ростини битимакка одатланган эди, бундай ўйлаб топилган *бадиий тасвирни (*тўқима тушни) шундай йирик асарга киритишга яна Валийнинг сиймосини ушбу ёлғонга аралаштиришга Бобурда ҳеч қандай маънавий эҳтиёж йўқ эди. Маълумки, Бобур ўзининг оғир хасталиги даврида Хожа Аҳрор валийнинг руҳидан мадад истаб «Волидия» асарини ўзбек тилида шеърий табдил қилгани, шундан сўнг бутунлай соғайиб кетгани ҳақида маълумот берган эди. Бу ҳолат ҳам унинг ушбу пирга бўлган ғойибона ихлоси ҳаётининг охиригача давом этганидан дарак беради. Шу билан бирга Бобурнинг Ҳиндистонни забт этиш дамларида ҳам яна бир пир Жалолиддин Косоний - Махдуми Аъзамга ғойибона ихлос билан назр-ниёзлар юбориб, ундан дуо илтимос қилгани ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилган. Рус шарқшуноси Бартольд «Мифтоҳ ут-толибин» асаридаги бир лавҳани ўрганиб, унда Бобурнинг Рано Санга билан бўладиган уруш олдидан уни Хожа Мухаммад Хабушоний-Кучоний ғойибона тарзда дуо қилгани, ҳамда Бобурга ғолиблик насиб қилгани тўғрисида маълумот беради.

Афсуски, собиқ Шўро тузуми даври илмий адабиётларида Ҳожа Аҳрор Валийнинг темурийлар салтанатида тутган ўрни ҳамда таъсир доираси ҳақида нохолис муносабатлар билдириш авж олган эди. Ҳожа Аҳрор валий сиймосини тўлиқ англамаслик, ўрганишга уринмаслик натижасида ушбу туҳмат айблови бошқа нашрларда, асарларда ҳам авжига чиққан эди. Бироқ Хожа Аҳрор валийнинг

том маънодаги сийратини гавдалантирувчи тасаввуфий асарларда (Муҳаммад Қозининг «Силсилат ул-орифин», Али Сафийнинг «Рашаҳот»), шунингдек, академик Ботирхон Валихўжаевнинг «Буюк маънавий муршид» [4.65.]рисоласида бу каби бўҳтонларни буткул инкор қиладиган ибратли тарихий воқеалар далиллар асосида текширилган. Мазкур қўлёзма ва рисолалардан маълум бўладики, уйдирма ва туҳмат маълумотларнинг аксарияти Хожа Аҳрор валий тириклигидаёқ тарқала бошлаган. Ушбу нохолис маълумотлар Хожа Аҳрор валийнинг мол-мулки ва обрўсини кўролмаган душманлари томонидан тарқатилгани ва улар ҳаётлик пайтидаёқ ушбу разиллиги учун жазо топганликлари ўрганилган. Шу билан бирга кейинги йилларда Хожа Аҳрор валийнинг фаолияти ва унинг Мовароуннаҳр, Хуросон тарихида тутган ўрни ҳақида бир қатор рисола ва қўлланмалар нашр қилиниб, ушбу сиймо ҳақидаги кўплаб чалкаш маълумотларга ойдинлик киритилди.

“Бобурнома”нинг хорижлик олимлар томонидан шубҳа остига олинган бир қатор саҳифалари шу пайтгача ўзбек олимлари томонидан киришилмаган бир буюк вазифа – *илмий танқидий матнни тайёрлаш* эҳтиёжини янада кучайтиради. Зеро япон профессори Эйже Мано бошлаб берган илмий жасоратни бугунги кунда янгича методлар ва чуқур илмий мақсадлар билан давом эттиришимиз керакки, бу борада бобуршунос олимлардан ўзаро ҳамжиҳатлик ва якдилликни кутиб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ НМАК. – Т.: 2002. 334 б.

2. Исақова З. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг «Насойим ул муҳаббат» асари асосида) фал.ф.ном. дис..иши. – Тошкент. 2007. 130 б.

3. Қаранг: DEMİR, C. (2016). Baburname’de Hoca Ubeydullah Ahrar. *Uluslararası Turkce Edebiyat Kultur Eğitim Dergisi, 5*(2), 651-660.

4. Valixo‘jayev B. Buyuk ma’naviy murshid. – T.: Fan, 2004. 70 б

5. Бори элга яхшилик қилғил. Кенжа Қ. – Т.: 2004. 200 б.

“БОБУРНОМА” –XVI АСР 1-ЯРМИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТОПОНИМЛАРИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

Гўзал Хидирова,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Марказий Осиёнинг XV аср охири – XVI аср 1-ярмидаги топонимияси ҳақидаги маълумотлар ўша даврда ёзилган Темурийлар ва Шайбонийлар даври воқеликлари акс этган тарихий, адабий ва мемуар услубдаги манбалардан ўрин олган ва улар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари муҳим манба саналади.

“Бобурнома” ва топонимия мавзуси аввалдан олимларни қизиқтириб келган ва бу мавзуга оид бир қанча илмий мақолалар мавжуд. Фарғона водийси этник масалалари ва ономастикаси билан шуғулланган С.С.Губаева ўзининг “Бабур и топонимия” номли мақоласида “Бобурнома”да учрайдиган географик жой номларининг этимологиясини келтиради, фонетик ўзгаришларини таҳлил қилади ва Бобурни “биринчи топономист” сифатида қайд этади [7, 178-180].

Ўзбек топонимикаси фанига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олим Ҳ.Ҳасанов аждодларимизнинг ёзма меросини ўрганар экан, “Бобур асарлари – бамисоли таги йўқ бир хазина” дея қайд этади. Унинг Бобурнома асари ва ундаги жой номлари таҳлилига бағишланган бир неча мақолалари мавжуд. Жумладан, унинг ““Бобурнома”даги бир чалкашлик” номли мақоласида асарнинг нусхалари ва нашрларида бир жой номининг хато ишлатилганлигини XVI аср бошқа манбалари, географик координаталари асосида таҳлил қилган [8, 12-14]. Олимнинг “Заҳириддин Бобир сайёҳ ва олим” рисоласига берган яна бир “Луғат ва ном” мақоласида “Бобурнома”нинг муҳим бир терминологик манба эканлиги қайд қилинган, географик терминлар ва уларнинг изоҳлари, Бобур тасвирига кўра Фарғона водийсининг ўша даврдаги харитаси илова қилинган [9, 14-18]. Луғатшунос олим С.Қораевнинг “География номлар маъноси”, “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” каби асарларида жой номларининг

этимологияси, тарихини ёритишда тарихий манбаларга, жумладан, “Бобурнома”даги маълумотларга таянган.

Темурийлар даври тарихи бўйича мутахассис олим О.Бўриевнинг ““Бобурнома”даги топонимлар изоҳли луғати” номли монографиясида асарда учраган Марказий Осиё ҳудудига оид топонимлар ва уларнинг изоҳли луғати, манбада ёзилиш шакллари қайд қилинган. Ҳар бир топонимнинг ҳозирда қайси ҳудудга тўғри келиши, асарда қандай воқеа-ҳодиса муносабати билан тилга олинганлиги, тарихий географияси ҳақида муҳим маълумотлар бор [2]. Олимнинг қайд этишича, умумий ҳисобда “Бобурнома”да жами 1250 дан ортиқ жой номи қайд этилган бўлиб, шундан 800 дан кўпроғи Марказий Осиё ҳудудига, қолган топонимлар турли жойларга тегишли. О. Бўриевнинг яна бир “Фарғона водийсининг Темурийлар манбаларидаги тавсифи” номли рисоласида темурийлар даври тарихи ва географиясига оид ёзма манбалардаги, жумладан, “Бобурнома”даги маълумотларга асосланиб водийнинг XIV – XV асрлардаги тарихи ва тавсифи, тарихий географияси таҳлилий услубда баён этилган. Рисолада водийнинг топонимик луғати тузилиб, “Бобурнома”даги топонимлар рўйхати ҳам илова қилинган [3].

Бундан ташқари “Бобурнома”даги топонимлар мавзуси Г.С.Журабаева [5], Ж.З.Собиров [10], С.И. Жўрабоева [4, 138-139] каби ёш тадқиқотчилар мақолаларидан ҳам ўрин олган.

“Бобурнома” мемуар услубда ёзилганлиги сабабли, ундаги топонимлар Мирзо Бобурнинг ҳаёти давомида турли вазиятлар сабаб,борган ва тўхтаб ўтган ҳудудлар ҳақидаги ҳикоялари билан боғлиқ ҳолда тилга олинади. Асар жой номларига (географик ўрни, турлича ёзилиш шакллари ва мазмуни) тегишли изоҳлар, этимологиясига оид маълумотларга бой. Қуйида бунга бир нечта мисоллар келтиришга ҳаракат қилдик.

Бобур баъзи жой номларининг эски номи ва ўша даврда қайси ном билан машҳур бўлганлигини эслатиб ўтади. Масалан, “Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдур”[1, 34]. “Фанокат ҳоло Шоҳрухияға машҳурдур” [1, 34]. “Оҳанин дарвозаси ҳоло Мазори Шоҳға машҳурдур” [1, 59].

Бобур баъзи ўринларда топонимларнинг номланиш сабабларини халқ орасида юрган афсона, ривоятларга боғлаб тушунтиради.

Ҳодарвеш.“Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини тополмай “Ҳо дарвеш”, “Ҳо дарвеш” дея-дея тамом ҳалок бўлурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар” [1, 36].

Такасекретку.“Бу жиҳатдин ул мавзиъ бу исмға мавсумдурким, тоғ доманаси жиҳатидин бу дарё андоқ тор оқарким, ривоят қилурларким, ул ердин така секригандур” [1, 37].

Бобурнинг баъзи жой номларига берган изоҳларида унинг ўзидан олдинги манбалардан ҳам хабардор эканлиги маълум бўлади. Ахси ҳақида шундай ёзади:“Китобларда Ахсикат битирлар” [1, 36]. Тошканд жой номи ҳақида:“китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларким, “камони чочий” андин ибораттур”. “Фарғона, Хўжанд ва Ўратепаким, асл буларнинг отлари китобларда Усрушнадур ва Усруш ҳам битирлар”. “Тошканд ва Шоҳрухияким, Шош ва Банокат битирлар” [1, 59]. Конигил ўланги ҳақида: “Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Конобгир экандур, вале тарихларда тамом Конигил битирлар, хейли яхши ўлангдур” [1, 60].

Асарда баъзи топонимлар этимологияси кўпинча жойнинг табиий ҳолати билан боғлаб изоҳланган: Масалан, Кандибодом ҳақида: “Бодоми яхши бўлур. Бу жиҳатдин бу исмға мавсумдур” [1, 36]. *Кеш.*“Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хуб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар” [1, 61].

Бобур айрим жой номларини табиий географик жойлашув хусусиятларидан келиб чиқиб номланиш сабабларини тушунтиради.“Бу сув (Кўҳак суйи) била Самарқанд орасида бир пушта тушубтур, Кўҳак дерлар. Бу рўд мунинг тубидин оқар учун Кўҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуғ рўд айирибтурлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар” [1, 59]. “Пуштайи Кўҳакнинг доманасида Конигилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Оби Раҳмат ҳам дерлар” [1, 59]. *Кўли мағок ўланги.*“Бир ёнида бир улуғ кўл воқиъ бўлубтур, бу жиҳаттин Кўли мағок ўланги дерлар” [1, 61].

“Бобурнома”да мамлакат, вилоят, шаҳар, қишлоқ ва кент номлари, қалъа ва қўрғонлар, работлар номларига берилган изоҳлардан ташқари, масжид ва боғлар номларига берилган қизиқарли изоҳларни учратиш мумкин. *Масжиди Муқаттаъ.*“Бу жиҳатдин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитоий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур” [1, 60]. *Масжиди Лақлақа.*“Ул

гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гугбаздин лақ-лақ ун келур, ғариб амредур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас” [1, 60]. “Ушбу боғчада (Пуштайи Кўҳак сари доманада) яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чиннихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур” [1, 60].

“Бобурнома”да баъзи топонимларнинг турли халқлар тилида қандай аталиши, қандай маъно англатиши ҳақида маълумотлар бор.

Масалан, Самарқанд ҳақида: “Мўғул ва турк улуси Семирқанд (Семизқанд) дерлар” [1, 59]. “Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар, Қарши мўғулча оттур, гўрхонани мўғул тили била “қарши” дерлар. Ғолибо, бу от Чингизхон тасаллутидин сўнг бўлғондур” [1, 61].

“Бобурнома”да айрим жой номларининг изоҳи маълум тарихий воқеълик, ҳодисотларга боғлаб тушунтирилади. Масалан, Самарқанд шаҳрида бунёдкорлик фаолияти билан боғлиқ маълумотлар баёнида бу каби маълумотларни кўплаб учратиш мумкин.“Улуғбек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Яна ушбу мадраса ва хонақоҳға ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур, Мирзо ҳаммомиға машҳурдур, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандта онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай” [1, 59]. “Маъмун халифа расад боғлабтурким, “Зижи Маъмуний”ни андин битибтурлар” [1, 60]. Шоҳи Кобул тоғи хусусида: “Ул тоғнинг қулласида шоҳи Кобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар” [1, 107].

Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома” асарида топонимларга берилган изоҳлардан маълум бўладики, Бобур юксак билим, кенг тафаккурга эга, маълум ҳудуд географияси ва тарихидан ҳам хабардор шахс бўлган. Асарда келтирилган табиий объектлар, маъмурий-ҳудудий бирликлар ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жой номлари, уларнинг маънолари, келиб чиқишига оид мулоҳазалар Марказий Осиёнинг XVI аср 1-ярми топонимиясини ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. // Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари

асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов // Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. // – Т.: “Шарқ”, 2002. 336 б.

2. Бўриев О. “Бобурнома”даги топонимлар изоҳли луғати. – Тошкент: “Наврўз”, 2015. – 140 б.

3. Бўриев О. Фарғона водийсининг темурийлар манбаларидаги тавсифи. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 120 б.

4. Джурабоева С.И. «Бобурнома» асарида топонимларнинг қўлланилиши // Молодой ученый. – 2021. - № 30 (372). – С. 138-139.

5. Журабаева Г.С., Шарафутдинова Н.Х. Исследования топонимов Ферганской долины в «Бабур-наме» // Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность: Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференции. – М., 2020 г. – 660 с.

6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. – Тошкент: “Шарқ”, 2014. – 744 б.

7. Этнография имен. – Москва: “Наука”, 1971. – С. 178-180.

8. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: “Фан”, 1965. – 81 б.

9. Ҳасанов Ҳ. Заҳириддин Бобир сайёҳ ва олим. – Т., 1960.

10. Sobirov J.Z. “Boburnoma”da joy nomlari toponimikasi // Academic research in educational sciences. Volume 2, Issue 6, 2021.

ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЯТИНИ БОБУРНИНГ ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Жаҳонгир Қаршиев,
Самарқанд давлат чет тиллар институти докторанти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.02.2018 йилдаги ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида 140-сон қарорида қуйидагилар концепциянинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

-ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;

-қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

-миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

-ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

-ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш;

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш - бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб бориш [1].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти Андижон шаҳрида туғилди. Унинг отаси Умаршайх мирзо темурийлардан бўлиб, Фарғона улусига хукмронлик қилар эди.

1494 йил Андижон ҳокими, Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо тасодифан ҳалок бўлади ва унинг ўрнига тахтнинг вориси, 12 ёшлик ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур тахтга чиқади. Улуғ бобомизнинг серташвиш ҳаёти ва жўшқин фаолияти сиёсий жиҳатдан инқирозга учраган Темурийлар давлатининг сўнгги даврига тўғри келди. Ушбу давр барча азоб-уқубатларини бошдан кечириш Бобур Мирзо чекига тушди. Тарих майдонида кечган турли қарама-қаршиликлардан сўнг Бобур Кобул сари йўл олди.

Бобур подшоҳ Кобулдан Ҳиндистонга беш марта юриш қилади. Бешинчи юришда, яъни 1526 йил 21 апрелда тарихда машҳур жанг – Панипат жанги бўлади. Бу жанг Деҳли ҳукмдори Султон Иброҳим

ибн Султон Искандар ибн Баҳлул Лўдий билан бўлиб ўтади. Тарихчиларнинг маълумотларга қараганда, Султон Иброҳим Лўдийнинг юз мингга яқин аскар ва мингтага яқин жангари филлари бўлган. Бобур подшоҳнинг эса жами ўн-ўн икки минг аскари бўлган. Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» асарида ушбу воқеаларни анча батафсил баён қилади. Иброҳим Лўдий устидан қозонилган ғалабадан сўнг 27 апрелда Деҳлида Бобур подшоҳ номига хутба ўқилади. Бобурнинг бу ғалабасидан кейин баъзи ҳинд ва афғон феодаллари иттифоқ тузиб, Читора ҳокими Рона Санго раҳбарлигида Бобурга қарши бош кўтардилар. Бу даҳшатли жанг ҳам Бобур ғалабаси билан якунланди. Бу ғалаба билан Бобур Ҳиндистонда узил-кесил ҳокимиятини ўрнатган эди. У йирик бир давлат – империя вужудга келтирган эди. Бу империяни европаликлар «Буюк мўғул империяси» деб номлай бошладилар, чунки улар темурийларни Чингизхон авлодлари деб ҳисоблар эдилар. Бобур умрининг охиригача Ҳиндистонда қолди.

Бобур ватанни қўмсайди, ёр-дўстларини соғинади. У Афғонистон ва Мовароуннаҳрдаги дўстлари, ёр-биродарлари билан муттасил алоқада бўлиб туради, уларга ўзининг янги асарларини ва совға-саломларини юборади. Лекин у умрининг охирига қадар ватанига қайтиш орзусидан айрила олмайди. Бобур 1530 йил 26 декабрда Аграда ўзи обод қилган Зарафшон чорбоғида вафот этди. Бобур асос солган давлат Ҳиндистоннинг Англия томонидан босиб олинишига қадар давом этди. Жавоҳарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» номли асарида Бобурга баҳо бериб, шундай ёзади: «Бобур дилбар шахс, уйғониш даврига хос ҳукмдор, довюрак, серғайрат ва эпчил инсон, у ҳаёт нафосатидан, лаззатидан лаззатлана билган. Бобур Ҳиндистонга келиши билан у ерда янги давр ва янги салтанат бошланди. Мамлакат қудрати ва шуҳрати ошиб, Бобурийлар салтанатининг шуҳрати бутун Осиё ва Европа бўйлаб тарқалди».

Унинг «Бобурнома»дан ташқари шеърлар девони бўлиб, мазкур девон Бобурнинг Лутфий ва Навоийдан қолишмайдиган даражада етук бир лирик шоир эканига далилдир. Бобур ўзининг «Мубайяин» номли асарида солиқ солиш тартиблари, экин майдонларини тайинлаш, қандай ерлардан қайси ҳажмда солиқ олишни шариат мезони билан ўлчаб,чиройли назмий асар яратган. Бобур ушбу асарини ўғли Ҳумоюн Мирзога атаб ёзган, деб тахмин қилиш

мумкин. Чунки асарда у Ҳумоюн, Комрон Мирзоларнинг номларини тилга олиб, уларга тилак билдиради. Бундан ташқари, Бобур Хожа Аҳрорнинг тасаввуфга оид «Волидия» номли асарини назмга солиб, эски ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, Бобур аруз илмига мансуб бўлган асарнинг ҳам муаллифидир.

Бобур исмининг луғавий маъноси –«Йўлбарс»дир. Унинг жисми исмига монанд бўлиб, йўлбарсдек кучли, довюрак, абжир ва эпчил бўлган. Бобурнинг энг йирик ва ажойиб асари, уни бутун дунёга танитган, Европа шарқшунослари томонидан Юлий Цезарнинг комментариялари билан бир қаторга қўйилган китоби «Бобурнома»дир. «Бобурнома» тарихий-бадиий асардир. «Бобурнома» тарихий манба бўлиши билан бирга, ўзбек прозасининг қимматли ёдгорлигидир. Шу билан бирга, «Бобурнома» география, этнография, тиббиёт, халқ медицинаси ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича маълумот берувчи асардир. У ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорлигидир [2].

Бобурнома эски ўзбек тилида ёзилган (тахминан 1518/19—1530). "Бобурия", "Воқеоти Бобур", "Воқеанома", "Тузуки Бобурий", "Табақоти Бобурий", "Таворихи Бобурий" каби номлар билан ҳам маълум. Бобурнинг ўзи эса "Вақое" ва "Тарих" деган номларни ишлатган. “Бобурнома”да 1494—1529-йилларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий сиёсий воқеалар йилма йил ўта аниқлик билан баён қилинган бўлиб, улар муаллиф ҳаёти ва сиёсий фаолияти билан бевосита боғликдир.

"Бобурнома" ўзида баён қилинган воқеалар жараёнига кўра 3 қисмга: Бобурнинг Мовароуннаҳр (1494—1503), Афғонистон (1504—24) ва Ҳиндистон (1524— 30) даги ҳукмдорлик даврига бўлинади. Биринчи қисмда Бобурнинг отаси — темурийларнинг Фарғона улуси ҳокими Умаршайх Мирзо (1461—94) хусусида ҳамда Бобурнинг Фарғона тахтига ўтириши (1494-йил июн), аммо Темурийлар давлатида авж олган тахт учун кураш оқибатида ўз улусидан маҳрум бўлиши (15-аср 90- йиллари), Самарқанд учун Шайбонийхонга қарши олиб борган жангу жадаллари (1497—1501)нинг самарасиз кетиши ва ниҳоят, тожу тахтдан бутунлай ажраб, Ҳисор тоғлари орқали тахминан 250 навкар билан Афғонистонга юз тутиши (1504) ҳақидаги воқеалар батафсил зикр қилинган. Иккинчи қисмда Бобурнинг Кобулни забт этгани, сўнг у ерда мустақил давлат тузгани (1508), Эрон шоҳи Исмоил

Сафавийнинг ҳарбий ёрдами билан Самарқандни яна ишғол қилгани (1511), лекин шайбонийлар (Убайдулла Султон, Муҳаммад Темур Султон ва Жонибек Султон) дан енгилиб (1512), Кобулга қайтгани, кейин эса Ҳиндистонни забт этишга ҳозирлик кўра бошлагани хусусидаги воқеалар баён этилган. Учинчи қисм эса Бобурнинг Деҳли султони Иброҳим Лўдийни мағлуб этиб (қаранг Панипат жанглари), Шимолий Ҳиндистонни босиб олгани (1526) ва Бобурийлар давлатини барпо қилгани ҳақидаги маълумотлардан иборат.

Асарда бевосита Бобурнинг ўзи лашкарбоши сифатида қатнашган бир неча катта -кичик жанг манзаралари маҳорат билан берилган. Ўша даврдаги қўшин тузилиши, уруш олиб бориш, жанг усуллари, қамал ҳолатлари, қурол-яроғ турлари, қўрғонбузар қурилмалар билан бир қаторда асарда кўплаб ҳарбий маъмурий истилоҳлар (туман, улус, кўкалтош, эшикоға, ахтачи, тархон, шиғовул, шарбатчи (шарбатдор), мубашшир, туғчи, мирохур, рикобдор, доруға, мурчил, манжаниқ, ўрон ва бошқалар) ҳам учрайди.Шунингдек, "Бобурнома"да темурийлар қўшинининг тузилиши, ҳарбий санъати ва бошқа ноёб маълумотлар бор. Бундан ташқари, Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистон ўтмиши ва замонавий ҳолати, халқлари, қабилалари, уларнинг тили, маданияти, касб-ҳунари, урф-одатлари, расм-русумлари, анъанавий тадбир маросимлари, шунингдек ўша давр жамиятига хос ижтимоий табақаларга тегишли маълумотлар баён этилади. Айниқса Фарғона, Андижон, Самарқанд, Кобул, Ҳирот, Агра каби йирик шаҳар, вилоятларнинг жуғрофий маъмурий тузилиши, маданий ҳаёти, туманлари, аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, дарё ва сув ҳавзалари, чўл-адирлари, тоғ-саҳролари, боғу роғлари, табиати, иқлими, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, табиий бойликлари ҳақида муфассал маълумотлар берилади.

"Бобурнома” да Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфий Бухорий, Оҳий, Муҳаммад Солиҳ каби ўнлаб ижодкорлар, Хожа Абдулло Марварий, Қул Муҳаммад Удий, Шайх Нойий, Юсуф Али, Мулло Ёрак, Шоҳқули Ғижжакий, Ҳусайн Удий, Беҳзод, Шоҳ Музаффар каби кўплаб санъаткорлар тавсиф этилиб, уларнинг ижодий фаолиятларига холис баҳо берилади. Жумладан, Алишер Навоий ҳақида шундай дейилади: "Алишербек назири йўқ киши эди.

Туркий тил била то шеър айтибтурлар, — ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас".[3].

Бобур фаолиятини ўрганиш бўйича Европа шарқшуносларидан Витсен, Джон Лейден, В.Эрскин, Р.М.Калденот, Паве де Куртейл, Денисон Росс, А.Бевериж хоним, Лен Пуль, Э.Холден, В.Х.Моременд ва бошқалар, рус олимларидан Н.И.Ильминский, В.В.Вяткин, А.Самайлович, В.Бартольд ҳамда афғон ва ҳинд олимлари олиб борган тадқиқотларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Ўзбек олимларидан Ҳ.Ёқубов, В.Зоҳидов, С.Азимжонова, С.Алиев, А.Қаюмов, С.Жамолов, Ҳ.Ҳасанов, Ҳ.Қудратуллаев ва бошқалар самарали хизмат қилдилар.

Бугунги кунда Бобур ва Бобурийларга тааллуқли кўплаб моддий бойлик ва асарлар, қўлёзмалар дунё бўйлаб кенг тарқалган. Масалан, унга тегишли ноёб қилич Нью-Йоркнинг Метрополитен музейида сақланади. Бобомизга инъом қилинган Кўҳинур олмоси эса Буюк Британия қироллик оиласи томонидан тасарруф этилади. Буюк саркарда ва давлат арбоби Бобурнинг тарихий ашёлари дунё музейлари ва шахсий коллекциялардан жой олган.

Шунингдек, Ҳиндистонда ҳам Бобур ва Бобурийларга тегишли буюмлар, тарихий манбалар жуда кўп. 1528 йилда ёзилган “Девони Бобур” нинг асл қўлёзмаси ва 1640 йилда чизилган “Шаҳзода Доро Шукуҳнинг тўй маросими” миниатюрасининг нусхалари шулар жумласидан. Ушбу ноёб асарлар нусхалари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида мамлакатимизга олиб келинди.

Маълумотларга кўра, Бобур ҳаётлик чоғида иккита девон тузган. Уларнинг бирига Мовароуннаҳр ва Афғонистонда, иккинчисига эса Ҳиндистонда ёзган шеърлари киритилган. Бу ҳақда “Бобурнома” нинг милодий 1519 йилдаги (ҳижрий 925 йил) воқеалар баёнида шундай дейилади: “Ҳофиз Мир котибнинг оға-иниси Самарқандтин келиб эрди, бу фурсатта Самарқандға рухсат бериб, Пўлод Султонға девонимни йибордим”.

Бобур девони Шарқ мумтоз лирик жанрлардаги асарлар мажмуасидан иборат тўплам. Ҳозирги кунгача дунё қўлёзма фондлари ва кутубхоналарида Бобур девонининг 9 та қўлёзма нусхаси борлиги аниқланган.

Бугунги кунда Бобурийлар қолдирган меросни ўрганиш ва халқимизга етказиш борасида Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатимизнинг Ҳиндистон ва Покистондаги элчихоналари

томонидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, буюк давлат арбоби, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун арафасида Ҳиндистондаги элчихонамиз билан Рампур Раза кутубхонаси ҳамкорлигида Бобурийлар даврига оид қўлёзма ҳамда миниатюралар кўргазмаси ташкил этилди. Бобур асарларидан парчалар, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шоҳжаҳон ва Аврангзеб тасвирланган миниатюра, китоблардаги расм, бадиий асарлар кўргазма экспозициясидан жой олди. Қайд этиш жоиз, Ҳиндистонда 1774 йилда ташкил этилган Рампур Раза кутубхонасида Бобурга тегишли кўплаб қўлёзма, нодир экспонатлар сақланади. Музейнинг Бобурийлар даври тарихи, адабиёти ва санъати билан боғлиқ бўлими кўпчиликда алоҳида қизиқиш уйғотади. Машҳур “Девони Бобур“нинг асл нусхаси ҳам шу ерда сақланмоқда. Бобур унда ўз қўли билан битган сатрлар мавжуд.

– Бобурийлар Ҳиндистон тараққиётига улкан ҳисса қўшган шахслардир, – дейди Рампур Раза кутубхонаси масъул котиби Санам Али Хон. – Бу тарихий ҳақиқат. Бобурий подшоҳлар илм-фан, бунёдкорлик соҳасида бошқаларга ўрнак ҳисобланади. Улар ҳомийлигида қурилган бинолар бугун Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш халқларининг фахридир. Шунингдек, Бобурийлар ақл-заковат, ижодий ишларда кўпчиликка ўрнак. Ушбу сулола вакиллари томонидан қолдирилган бебаҳо маънавий мерос ҳинд ва ўзбек халқлари бойлиги. Рампур Раза кутубхонасида сақланаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар сулоласига оид тарихий ашёлар маданий илдизларимиз, тарихимиз ўхшашлигидан далолат.

Бобур Мирзо йигирма ёшида (1504-йилда) «Хатти Бобурий» ни кашф қилди. Шарқ мумтоз адабиётининг турли жанрларида ажойиб шеърлар ёзиб, девон яратиб берди. «Бобурнома» дек улкан ҳажмли тарихий-бадиий асарини яратиб туркий наср имкониятларининг беқиёс эканлигини амалда исботлади. Адабиётшунослик борасида туркий арузнинг хусусиятларига оид асарини ёзди. Дин асосларига бағишланган рисоласи «Мубайян» ни яратди. Шунингдек, Нақшбандий тариқатининг пешвоси Хожа Аҳрори Валийнинг «Волидия» асарини шеърий усулда туркий тилга таржима қилди. Булардан ташқари, Бобур Мирзонинг мусиқа ва ҳарбий билимларга оид рисолалар ёзгани ҳам манбаларда баён этилади, бироқ бу асарларнинг тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

Бобур Мирзо девонида Шарқ шеъриятининг ғазал, рубоий, туюқ, маснавий, қитъа, фард, муаммо каби жанрларида ижод этилган шеърлар жамланган. Улар орасида ғазал, рубоий, туюқ жанрида ижод этилган шеърлар алоҳида аҳамият касб етади. Шоирнинг назмий асарлари, жумладан, ғазалларида анъанавий ишқ мавзуси етакчилик қилади. Бобур Мирзо шеъриятида ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган ҳукмдор шоирнинг таассуротлари: ғалабадан масрурлик, қариндошларнинг панд бериб қўйишидан шикоят, борлиқ гўзаллигидан завқланиш, она-ватандан жудолик ва уни қўмсаш туйғулари билан битилган, шунингдек, панд-насиҳат руҳида ёзилган ғазаллар кўплаб учрайди. [4].

Хулоса шуки, адолатли шоҳ ва буюк шоир Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ҳамда ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида ўчмас из қолдирди.

Адабиётлар

1. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 23.02.2018 йилдаги 140-

2. Махмудова Севара- Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти (маъруза матни) Тошкент- 2013, 3-10 бетлар

3. ЎзМЭ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил

4. Раҳим Воҳидов, Ҳусниддин Эшонқулов. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти. Тошкент – 2006 йил. 446-448-бет.

“БОБУРНОМА”ДА САМАРҚАНД ТАСВИРИ

Ойбек Қўчқаров,
Андижон давлат университети
Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси докторанти,
Умиджон Жўраев,
Андижон давлат университети магистри.

Аннотация: Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб “Бобурнома” асаридаги Самарқанднинг гўзал табиати тасвири, жуғрофий ҳудуди, муҳташам иншоотлари, ижтимоий-сиёсий вазияти ёритилган.

Калит сўзлар: Самарқанд, “Бобурнома”, Қусам ибн Аббос, Хожа Исмоил Хартанак, Дарғом, Боғи Дилкушо, “Зижи Элхоний”, Батлимус.

Тарихий ёзма манбаларда Самарқанд ёши қадимийлиги ҳақида маълумотлар бор. Муҳаммад ан-Насафий *“ал-Қунд фий зикри уламои Самарқанд”*, Ҳайдар ас-Самарқандий (12 аср) *“Қандияйи Хурд”*, Абу Тоҳирхўжа Самарқандий “*Самария*”, Хитой тарихчиси Чжан Сиян, юнон ва римлик тарихчилар Арриян, Курсий Руф ва бошқа кўплаб муаллифларнинг асарларида бу ҳақда ёзиб ўтилган. Рим ва Самарқанд инсоният тақдиридаги буюк хизматларини назарда тутиб “Боқий шаҳарлар” номини олганлар. Халқ ибораси “*Самарқанд сайқали рўйи замин аст”* – Самарқанд ер юзининг сайқали (жилоси) деб беҳуда айтилмаган. Амир Темур Самарқандни меҳр билан қадрлади, обод қилди, дунёнинг сайқалига айлантирди.

Самарқанд меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 йилда UNESCOнинг Финландияда ўтказилган 25-сессиясида Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Бугунги кунда Самарқандда 73 та йирик тарихий меъморий ёдгорлик мавжуд. Улар орасида: Қадимги Афросиёб манзилгоҳи (мил.авв VIII аср), Ҳазрати Хизр масжиди, Имом ал-Бухорий мақбараси, Имом ал-Мотурудий мақбараси, Гўри Амир (1404), Улуғбек расадхонаси (1428-1429), Улуғбек мадрасаси (1417-1420), Шердор мадрасаси (1619-1636), Тиллакори мадрасаси (1647-1660) шунингдек кўплаб бошқа масжид, мадраса ва мақбаралар бор.

Темурийлар салтанатиниг маркази, Мовароуннаҳр юраги ҳисобланган Самарқанд шаҳрини қўлга киритиш ва темурийлар салтанатини парчаланишига йўл қўймаслик Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг азалий орзуларидан бири эди. “Бобурнома”да баён этилишича 1497 йил ноябрь ойи охирида Бобур Самарқанд тахтини эгаллашини қуйидагича баён қилади: “*Бойсунғур мирзо чиққач бизга хабар келди. Хожа Дийдордин отланиб, Самарқандға мутаважжиҳ бўлдук. Йўлда акобир ва беклар ва йигитлар мутаоқиб истиқболға келдилар. Рабиулаввал ойининг авохирида келиб аркта Бўстонсароға туштум. Тенгри таоло иноятн била Самарқанд шаҳри ва вилояти муяссар ва мусаххар бўлди.*” [1.104] Кўриниб турибдики, йўлда улуғлар, беклар ва йигитлар бирин-кетин истиқболга чиқадилар. Бобурнинг Самарқанд тахтини эгаллашини сарой аъёнлари ва раият ижобий қабул қилган.

Бобур Самарқандга таъриф бера туриб унинг бешинчи иқлимдан, “*Тули (99°) рамзи нужумий (56°) даража ва дақиқадур, арзи — (40°) даража ва дақиқадур*” [1.104] дейди. Бу шуни англатадики, Бобур нафақат шоҳ ва шоир балки жуғрофия илмининг кучли билимдони ҳам бўлган. Географ олимларнинг такидлашича Бобур Самарқанднинг ер шарида жойлашган координатасини аниқ кўрсатиб бера олган.

Шаҳри — Самарқанд, вилоятини Мовароуннаҳр дейдилар. Ҳеч душман қаҳр ва ғалаба билан буни эгаллаёлмагани учун „балдаи маҳфуза“— „ҳимоядаги шаҳар“ дейдилар деб тарифлайди. “*Самарқанд ҳазрати амирул-мўъминин Усмон замонида мусулмон бўлғондур. Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда борғондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг тошидадур*” [1.104]. Самарқанд аҳли учинчи ҳалифа Усмон даврида мусулмон бўлган. Саҳобалардан пайғамбаримизнинг амакилари Аббоснинг ўғли Қусамнинг қабрлари Оҳанин дарвозасининг ташқарисида деб ёзади. Ҳозир Мозори Шоҳ (Шоҳи Зинда) номи билан машҳур. “*Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди*” [1.104]. Бобур Самрқандни Искандар бунёд қилган дейди. Тарихшунос олимлар Александр Македонский Ўрта Осиёни забт этгач 12 қалъа қурдирганини таъкидлайдилар.

Бобур Самарқанд девори устидан қадамлаб ўлчаб чиқишни буюради. “*Қўрғонини фасилнинг устидин буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти*.” Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, бу 10 км дан зиёдроқ. Ўрта асрларда шаҳарлар 15-20 гектардан ошмаган. Самарқанд Ўрта Осиёдаги энг катта шаҳарлардан бири эди. Унинг умумий майдони қарийб 200 гектар бўлган.

Элининг барчаси сунний, покмазҳаб ва шариатга амал қилувчи, диёнатли элдир. Ҳазрати Расули Акрам замонларидан бери Мовароуннаҳрда шунчалик кўп ислом имомлари етишиб чиққанларки, бошқа вилоятларнинг бирортасида бунчалик кўп имом кузатилмаган [2.55]. Ислом оламида “*Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи*” деган юксак шарафга сазовор бўлган Абу Мансур ал-Мотуридий, Қуръони каримдан кейинги иккинчи ўринда турувчи 7275 саҳиҳ ҳадисни ўз ичига олган “*Ал-жоме ас-саҳиҳ*” асарининг муаллифи Имом ал-Бухорий, Ислом динининг далили, исботи (вал-милла) бўлган, “*Ҳидоя*” асарининг муаллифи Бурҳониддин ал-

Марғиноний ҳам Мовароуннаҳрдандир деб ёзади: “*Шайх Абумансурким, аиммаи каломдиндур, Самарқанднинг Мотрид отлиқ маҳалласидиндур... Яна соҳиби «Саҳиҳи Бухорий» Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдиндур. Яна соҳиби «Ҳидоя» ким, Имом Абу Ҳанифа мазҳабида «Ҳидоя»дин муътабарроқ китоби фиқҳ кам бўлғой, Фарғонанинг Марғинон отлиқ вилоятидиндур, ул ҳам дохили Мовароуннаҳрдур*” [1.104]. Бобур ҳеч бир ҳудудда бунча кўп уламо етишиб чиқмаганлигига алоҳида урғу беради. Бугунги кунда дунё уламолари томонидан тан олинган олти муҳаддиснинг учтаси Мовароуннаҳр фарзандидир.

“*Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлубтур, Шарқи Фарғона ва Кошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шоҳрухияким Шош ва Банокат битирлар, жануби Балх ва Тирмиз”* [1.104]. Бобурга хос ҳислатлардан бири аниқликдир. У қайси шаҳар ёки қалъага таъриф бермасин, унинг шимоли, жануби, шарқи ва ғарбий тарафларида жойлашган вилоятларни аниқ кўрсатиб беради. Бу саркардаларга хос хислатдир.

Эрамизнинг бешинчи асрида қазилган Дарғом каналининг Самарқанд аҳлига нафи ҳақида “Бобурномада” қуйидагича ёзади: “*Кўҳак суйи шимолидин оқар, Самарқанддин икки куруҳ бўлғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубтур. Кўҳак дерлар. Бу рўд мунинг тубидин оқар учун Кўҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуғ рўд айирибтурлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидин оқар, Самарқанддин бир шаръий бўлғой. Самарқанднинг боғот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур, Бухоро ва Қоракўлгачаким, ўттуз-қирқ йиғоч йўлға ёвуқлашур, Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдур. Мундоқ улуғ дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухороға сув етмас*” [1.105]. Бобур шаҳарнинг суғориш тизимига алоҳида тўхталади. Ҳиндистон таърифида ҳам буни кўришимиз мумкин: “*Ҳиндустонда оқар сув дарёлардин ўзга камдур. Аҳёнан баъзан ерда қора сувлар бор. Ушмунча шаҳр ва вилоят чоҳ суви била ё ҳавз суви билаким, пашкол ёмғуридин йиғилмиш бўлғай, маишат қилурлар*” [1.344]. Тарихдан маълумки сунъий суғоришнинг кашф этилиши шаҳарсозликнинг вужудга келишида муҳим омил бўлган. Мовароуннаҳрдаги Бўзсув, Зоғариқ ва Дарғом каналлари аҳоли томонидан қазилган. Бу каналларнинг ёши бугунги кунда 1500 йилдан зиёдрокдур.

“Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд” [1.105]. (Узуми ва қовуни, олмаси ва анори, хуллас, барча меваси яхши бўлади. Айниқса, икки мева Самарқандда машҳурдир: Самарқанд олмаси ва Самарқанднинг соҳиби узуми.) *“Қиши маҳкам совуқтур, қори агарчи Кобул қорича тушмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йўқтур*” [1.105]. Қори Кобулдагидек тушмаса ҳам, қиши қаттиқ совуқдир. Кобулча бўлмаса ҳам, ёзларда яхши ҳавоси бор деб ёзади. Бобур Кобул табиати тасвири ҳақида шундай ёзади “*Кобул ҳавосидек ҳаволиқ ер оламда маълум эмаским бўлғай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас*.” Самарқандни Кобулга муқояса қилишдан мақсад шуки, Самарқанд Кобулдан шимолроқда жойлашган бўлса ҳам ёз кечалари пўстин билан ётишга ҳожат йўқлигидир.

Бунёдкорлик ишлари. “*Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг имороти ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлиқ, Кўк саройға мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур. Яна Оҳанин дарвозасиға ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндустондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни “Ва из ярфау Иброҳимал-қавоида (ило охириҳи)”*[40] *андоқ улуғ хат била битиб турларким, бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур*” [1.105].

Соҳибқирон Амир Темур 1398-1399 йилларда Ҳиндистонга қилган юришлари чоғида у ердан моҳир сангтарошларни олиб келади. Бу тош йўнувчилар Кўксаройни шундай муҳташам қурадиларки бундай иморатни дунё аҳли ҳали кўрмаган эди. Кўксарой тўрт қаватли бўлиб, гумбазлар ва деворлари зангори кошинлар, нақшинкор ва гулдор парчинлар билан қопланган учун у шундай ном билан шуҳрат топади. Шаҳар тевараги **Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон** ва **Феруза** каби номлар билан юритилувчи олтита дарвозали мустаҳкам янги қалъа девор билан ўраб чиқилади. 1404 йилда Самарқандда бўлган Испан элчиси Клавихо Амир Темурнинг олиб бораётган бинокорлик ишларидан ҳайратда қолган эди.

[40] **Бақара сураси 127-оят**: Эсланг: Иброҳим (ўз ўғли) Исмоил билан биргаликда Уй (Байтуллоҳ)нинг пойдеворини кўтарар эканлар, (шундай дуо қилдилар): “Эй, Роббимиз, биздан (ушбу ишимизни) қабул эт. Албтта, Сен эшитувчи ва доно зотдирсан!”

Самарқанд боғлари. “*Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарвозасиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар. Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида Конигилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат дерлар, бир боғ солибтур. Нақши жаҳонға мавсум. Мен кўрган маҳалда бу боғ бузулуб эрди, оти беш қолмайдур эди. Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чанордур, қалъаға ёвуқтур. Яна Самарқанднинг қуйи ёнида Боғи Шамол ва Боғи Биҳиштту*р” [1.105]. Амир Темур Самарқадда **Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Баланд, Давлатобод, Боғи Нав, Боғи Шамол, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Майдон** каби чорбоғлар қурдирганини Бобур қайд этиб ўтади. *“Султон Аҳмад мирзонинг замонида ҳам бек ва бекот қалин боғ ва боғча солдилар. Ул жумладин, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбоғича сафолиқ ва ҳаволиқ ва мадди назарлиқ чорбоғ кам бўлғай. Боғи Майдондин қуйироқ, баландининг устида Қулба ўлангига муширф бир чорбоғ солибтур, тамом бу ўланг оёғ остидадур. Чорбоғда ҳам мартаба-мартаба ерларни сиёқ била тузатиб, яхши норвонлар ва сарв ва сафе дорлар тикибтурлар, хили саромад манзилидур. Айби будурким, улуғ суйи йўқтур”* [1.106]. Бобур чорбоғлар ҳақида гапирганда уларга экилган ҳар бир дарахтнинг тури ва нави тўғрисида батафсил тўхталади. (Чорбоғда ҳам паст-баланд ерларни пухта режа асосида тузатиб, қайрағочлар, сарв ва оқ тераклар экканлар, хийла кўркам манзилдир.) *“Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг тош қўрғонида — чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин ҳар кимки Самарқандта подшоҳлиқ қилибтур аларнинг қабри ул мадрасададур”* [1.105]. Бугунги кунда бу жой диққатга сазовор зиёратгоҳ бўлиб, олимлар ва сайёҳларни ўзига жалб қилиб келмоқда.

Улуғбек мирзонинг йирик иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичидаги мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гунбази жуда катта гунбаздир; оламда унчалик катта гунбаз йўқ, деб ҳисоблайдилар. Яна бу мадраса ва хонақоҳга яқин бир яхши ҳаммом солдирган, бу Мирзо ҳаммоми сифатида машҳурдир. Унинг саҳнига ҳар хил тошлардан тўшалган. Хуросон ва Самарқандда бундай ҳаммом борлиги маълум эмас [2.56]. “*Яна бу мадрасанинг жанубида*

бир масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ дерлар. Бу жиҳаттин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитойи нақшилар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур. Бу масжиднинг қибласи била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ғолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи била амал қилибтурлар." Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган масжиди Муқаттаьнинг қибласини аниқлашда мунажжим усулини (астрономик йўсинда) қўллаганлар. Бу Улуғбекка хос аниқликда қурилганлигидир.

Самарқанд расадхонаси. Яна бир юксак иморати Кўҳак тепалиги этакларидаги расадхонадирки, бу зиж битмак (астрономик жадвал тузиш)нинг масканидир. Уч қаватлидир. Улуғбек мирзо бу расадхонада "**Зижи Кўрагоний**" („Кўрагоний астрономик жадвали")ни тузгандирки, оламда ҳозир бу жадвал амалдадир. Бошқа астрономик жадвал билан кам амал қиладилар [2.56]. "*Мундин бурун **Зижи Элхоний** мустаъмал эдиким, Хожа Насир Тусий Ҳалокухон замонида Мароғада расад боғлатибтур. Ҳалокухондурким, Элхон ҳам дерлар. Ғолибо оламда етти-секкиз расад беш боғламайдурлар. Ул жумладин бир, Маъмун халифа расад боғлабтурким, **Зичи Маъмуний**ни андин битибтурлар. Бир **Батлимус** ҳам расад боғлабтур. Яна бир Ҳиндустонда рожа Бикраможит ҳинду замонида Ўжин ва Даҳордаким, Молва мулкидур, ҳоло **Мандуғ**а машҳурдур. Яна бир расад қилибтурлар, ҳоло ҳиндуларнинг мустаъмал Ҳиндустонда ул зичдур. Бу расадни боғлағони минг беш юз сексон тўрт йилдур. Бу ул зичларға боқа ноқисроқтур*" [1.106]. Кўриниб турибдики, Бобур илми ҳайъатнинг ҳам билимдони бўлган. Оламда тузилган етти-саккиз юлдузлар жадвалининг барини санаб ўтади. Жадваллар тузилган давлат, ҳукмдори ва вақти ҳақида ҳам муфассал маълумот беради. Шуни ҳам такидлаш керакки Мирзо Улуғбек ҳам Амир Темур каби мўғуллар авлодига мансуб қизга уйлангани сабабли "Кўрагоний" (хоннинг куёви) мақомини олади. Шу сабабли юлдузлар жадвалини "**Зижи жадиди Кўрагоний**" (1437 йил) деб номлайди. "**Зичи Элхоний**"даги Элхон (1217-1265) эса Чингизхоннинг набираси Хулокухондир. У Эронда Хулокулар давлатига асос солгани билан машхур. "**Зижи Мамуний**" халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли халифа Маъмун (786-833) замонида тузилган. Птоломейни шарқда "**Батлимус**" (милодий 127-151 йиллар) деб аташган. У буюк фалаккиётшунос бўлганлиги туфайли

Али Қушчини ҳам Птоломейга қиёслаб “ўз даврининг Птоломейи” дейишган.

“*Яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур, Боғи Майдонға мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилсутун дерлар, ду ошёна, сутунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар қўпорибтурларким, юқориға чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юққориғи ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу имораттин пуштаи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлғой, арзи етти-секкиз қари, умқи бир қари. Мундоқ улуғ тошни хили йироқ йўлдин келтурубтурлар, Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтиргандин сўнг бу дарз бўлғондур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур*” [1.106]. Бобурнинг бадиий тасвир маҳоратига қойил қолмай иложимиз йўқ. Боғи Майдон тасвирини ўқувчи ўз кўзи билан кўргандай тасаввур қилади.

Бобур Самарқанддаги “Масжиди Лақлақани” қизиқ ҳодиса сифатида тасвирлайди. “*Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин лақ-лақ ун келур, ғариб амредур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас*” [1.106].

“*Самарқанд шаҳри ажаб ороста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хуб нонволиқлари ва ошпазлиқлари бордур. Оламда яхши коғаз Самарқандин чиқар. Жувози коғазлар суйи тамом Конигилдин келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар*” [1.106]. Самарқанд шаҳарин бир хусусияти борки, бунақаси камдан-кам шаҳарда бўлади, яъни ҳар ҳунарманднинг алоҳида бозори бор, бир-бирига аралашган эмас, бу қизиқ расмдир... Оламда яхши қоғоз Самарқанддан чиқади. Самарқанд қоғозининг сифатини шундан билса ҳам бўладики, уни сувда мато сингари ювса йиртилиб кетмайди.

Бобур Самарқандга таъриф берганида дунёга донғи кетган “қирмизи бахмали”га ҳам тўхталиб ўтади. “*Самарқанднинг яна бир матои қирмизи махмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар*” [1.107]. Бу даврда Хитойда шойи “панно”, Ҳиндистонда “Тан роҳати”, “Тунги шабнам” матолари каби Самарқанд “қирмизи бахмали”ни ҳам узоқларга элтадилар.

Хулоса қилиб айтсак, “Бобурнома”да Самарқанд шундай тасвирланганки, унда ҳеч бир нарса Бобур назаридан четда қолмаган. Асарда Самарқанднинг гўзал табиати, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, эли, тили, эътиқоди ҳақида муфассал маълумотлар келтирилган. Биргина Самарқанд тасвирининг ўзи Бобурнинг қомусий олим эканлигига кичик бир ишорадир. Самарқанд шаҳри кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Бугунги кунда олимлар ва сайёҳларни ўзига жалб қилаётган Самарқанд Навоий таъбири билан айтганда “фирдавсмонанд”, унга гарди фано юқмасин.

Адабиётлар

1. З.М.Бобур. Бобурнома. –Т.: “Фанлар академияси нашриёти” 1960й. –Б. 104-106.

2. З.М.Бобур. Бобурнома (табдил). –Т.: “Ўқитувчи” 2008й. –Б. 55-57.

3. Қуръон. Маънолар таржимаси. Таржима ва шарҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: Тошкент Ислом университети, 2001.

“БОБУРНОМА”ДА АМУДАРЁ ВА УНИНГ ИРМОҚЛАРИ ХУСУСИДА

Азизжон Шарипов,
Темурийлар давлати тарихи музейи
«Маънавият ва маърифат» бўлими мудири.

Марказий Осиёнинг энг йирик дарёси **Амударё** дастлаб “Авесто”да *Ваҳви Даитя* (Vahvi Daitya)[41] номи билан тилга олинади. Дарёнинг *Окуз (Ўкуз)*[42] туркий номидан қадимги юнонча *Окс*, *Оксус* (Oxus)[43] атамаси ўзлаштирилган.

[41]Қаранг: Ходжаева Н. Локализация авестийских гор Хаара Бе-резаити, рек Вахви-Датия, Ранха иморя Ворукаша. Душанбе, 2003. – Б. 67-79.

[42] Окуз, Ўкуз (“дарё”) – қадимги туркий халқлар ҳар қандай катта дарёни окуз деб аташган. Яна қаранг: Қошғарий. т. 1, с. 91, 411, 469; т. 3, с. 166, 260.

[43] Стеблин-Каменский И.М. Река иранской прародины // Ономастика Средней Азии. М.,1978. – С. 72-74.

Жайҳун – Инжил ва Тавротда тилга олинган Гихон (Геон) дарёсининг арабий талаффуз шаклидан олинган бўлиб, қадимги иброний тилда “жўшқин” деган маънони англатади. Араблар Амударёни унинг серсув ва жўшқинлиги ҳусусиятидан келиб чиқиб – “Жайҳун”, унинг ортидаги ерларни эса “Мовароуннаҳр” деб аташган ва дарёни Мовароуннаҳр билан Хуросон ўртасини ажратувчи табиий чегара сифатида қарашган. Темурийлар даври ёзма манбаларида ҳам Амударё асосан “Жайҳун” ва нисбатан камроқ “Оби Омуя” шаклида учрайди. Бироқ, дарёнинг “Жайҳун” номи “Бобурнома”нинг бирор бир қўлёзма нусхаларида учрамайди, аксинча унинг иккинчи номи – “Аму” шакли кўп бор қўлланилган.

Баъзи тадқиқотчилар[44] дарёнинг “Аму” аталишини унинг ҳавзасидаги ўрта асрлардаги Амуя (Омуя, Амул)қалъасига[45] боғлайдилар. Зеро, бу давр манбаларида дарё асосан *Аму, Омуй, Омуя, Оби-Аму, Аму суйи* каби шаклларда тилга олинган.

Темурийлар даври манбаларида дарёнинг ҳар иккила номи муомалада бўлган. Чунончи, Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Амударёнинг қадимий номи “Жайҳун” (“Муқаддима” қисмида 13 марта ва асосий матнда 45 марта) ва XV асрдаги аталиши – “Оби Омуя” (13 марта) баравар ёзилаверган. Яъни, топонимнинг қадимий шакли ҳам бемалол муомалада бўлган[46].

“Бобурнома”да ҳам ушбу дарё – *Аму* (**آمو**), *Аму дарёси* (**آمو دریاسی**), *Аму суйи* (**آمو سویی**) шаклларида маълум бир тарихий воқеликлар баёнида тавсифланади. Жумладан, Заҳириддин Бобур 909 (1503) йили Мовароуннаҳрдан Кобул томонга кетаётганида Амударёнинг Айваж гузаридан ўтган: “Аму суйини Уёч (Айваж) гузаридин ўтганда...”[47].

1503 йил ёз ойларида Бобур Фарғона вилоятини тарк этиб, Хуросонга йўл олади. Чағониён ҳудудида етганда Хусравшоҳнинг иниси Ҳисор бекларидан бўлмиш Боқи Чағониёний ўзининг кўп сонли қўшини билан Бобур хизматига ўтишни таклиф қилади. Бу муҳим воқеа Термиз яқинида, Амударёнинг ўнг соҳилида рўй берган

[44]Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. М., 1974. – 216-бет.; Баевский С.И. Географические названия в ранних персидских толковых словарях (XI–XV вв.) // СНВ, вып. 22, книга 2. – М., 1980. - С. 83-89.

[45] Қадимги Омуянинг ўрни Туркманистоннинг ҳозирги Чоржўй шаҳрига тўғри келади.

[46] Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси: монография / ЎзбР ФА Темурийлар тарихи Давлат музейи Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти; Таҳрир ҳайъати Б.Абдуҳалимов (мас.муҳаррир), А.Аҳмедов, Д.Юсупова, А.Хўжаев, М.Исҳоқов, Х.Файзиев. – Тошкент: Mumtoz so’z, 2017. – Б. 285.

[47] Бобур. Бобурнома. Табдил. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б.99.

эди: “Тўққиз юзу ўнинчи йили (1503) Амударё бўйида Боқи Чағониёний менга келиб мулозамат қилди”[48].

Амударё “Бобурнома”да баъзан маълум бир тарихий вилоятнинг ҳудудий чегараларини белгилашда ҳам қўлланилади: “Султон Маҳмуд мирзонинг замонидаёқ Хусравшоҳ навкари беш-олти мингга етганди. Амударёдан Ҳиндукуш тоғигача Бадахшондан бошқа вилоятларнинг ҳаммаси унга тааллуқли эди”[49].

Омуя шаҳри кейинчалик манбаларда Чоржўй деб атала бошланган. Бу ерда Мовароуннаҳрдан Хуросонга ўтувчи йирик кечув[50] – *Чоржўй кечиги* бор эди: “Бир неча кўкалдош ва содиқ кишилари [темурий Султон Маҳмуд мирзонинг тўнғич ўғли] Султон Масъуд мирзони Самарқандга, Султон Али мирзо қошига элтиш фикри билан Кешга келдилар. У жамоа ҳам қасд пайида бўлди. Кешдин қочиб, **Чоржўй кечиги** билан ўтиб Султон Ҳусайн мирзо қошига борди”[51].

Амударёнинг юқори ҳавзалари.

Амударё ўзининг юқори оқимларида икки йирик дарё – Вахш[52] ва Пянж дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Мазкур дарёлар манбаларда[53] – *Оби Вахш, Вахшоб* ҳамда, *Оби Панж,Панжоб* номлари билан келади. Бу дарёлар орасида Хатлон (Хутталон) тарихий вилояти жойлашганлиги сабабли у ердан оқиб ўтувчи Вахш дарёсини Бобур бутун бир вилоятнинг асосий дарёси сифатида ***Хатлон суйи***(ختلان سویی) деб (Султон Ҳусайн мирзо ва унинг ўғли Бадиуззамон мирзо ўртасидаги низолар баёнида) тилга олади.

Мирзо Бобурнинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш борасидаги муҳим саъи-ҳаракатларидан бири Вахш водийсида бўлиб ўтади. Гарчи “Бобурнома”да дарёнинг “**Вахш**” номи келтирилмаган бўлсада, бироқ ўша давр бошқа манбасида учрайди. Хусусан, “Тарихи Рашидий”да Вахш дарёси айнан шу номда икки жойда (11а, 153б варақлар) эслатилади – бири Шарафиддин Али Яздий

[48]Бобур. Бобурнома. Табдил. – Б.45.
[49]Ўша жойда.
[50]Амир Темур давлатига ташриф буюрган Клавихо бошчилигидаги Кастилия қироли элчилари ҳам 1404 йилнинг 10 декабрида мазкур кечув (Омуя гузари) орқали Хуросон томон ўтишган.
[51]Бобур. Бобурнома. Табдил. – Б.63.
[52]Вахш дарёси Помир тоғларидан, Қизилсув ва Муқсу дарёларининг қўшилиш жойидан бошланади. Ҳавзанинг катта қисми Помир-Олой тоғ-тизимида жойлашган. Юқори оқимида Сурхоб (Қизилсув) деб аталади ва ғарбга қараб оқади; чап томондан Обихингоу дарёсини қабул қилиб, Вахш номини олади ва жануби-ғарбий томонга бурилиб Амударёга қуйилади.
[53] Шомий ва Яздий “Зафарнома”ларида – Вахш суйи; Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарида Панжоб, Вахш суви, Оби Вахш шаклларида тилга олинади.

“Зафарнома”сидан “Туғлуқ Темурхонни Мовароуннаҳрга иккинчи бор юриши зикри” (яъни 762/1361 йил Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон Амир Ҳусайн устига юриши ва Вахш дарёси бўйидаги жангда уни енганлиги) баёнида келтирган бўлса, иккинчиси – 916 (1510-1511) йил воқеаларида, Бобурни Ҳисорни эгаллаш мақсадида Ҳамза Султон бошчилигидаги шайбонийларга қарши кураши баёнида эслатилган.

Вахш дарёси асосан тор водий, баъзан чуқур даралардан оқиб ўтади. Дарёнинг мазкур тор дара ҳудудида ўрта асрларда машҳур қалъа – *Пули Сангин*[54] (پل سنگين) ва дарё устига қурилган тошкўприк бор эди. Шунинг учун баъзи манбаларда бу қалъа баъзан *Тошкўпрук (Тошкўфрук)*[55] деб ҳам келтирилган. Мовароуннаҳр шайбонийлар қўл остига ўтгач, Шайбонийхон Маҳдий султонга Чағониён ва Ҳамза султонга Ҳисор вилоятини берган (1503) эди. Шайбонийхон вафотидан (1510 йил, декабр) сўнг Мовароуннаҳрни қайта эгаллаш мақсадида Бобур Кобулдан йўлга чиқиб, Ҳисори Шодмон, Қундуз ва Бағлонга ҳокимлик қилаётган Маҳдий султон ва Ҳамза султонларга қарши юриш бошлайди. Шайбонийлар асосий кучларини Ҳисорда тўплаб, Бобур қўшинини Вахш дарёсидан ўтказмасликка ҳаракат қиладилар. Бироқ Бобур ўз лашкарлари билан Вахш бўйига душманлардан анча олдин етиб боради ва 1511 йили Пули Сангиндан ўтиб, унинг юқорисида жойлашган Обдара[56] манзилида шайбонийларга кучли зарба бериб, уларни Дарбанди Оҳанингача қувиб юборишга муваффақ бўлади. Бобур ғалабаси билан якунланган мазкур жангда шайбоний султонлар – Ҳамза султон, Маҳдий султон ва Мамоқ султон аср олиниб, Мирзо Ҳайдар таъбири билан айтганда “Шайбонийхон мўғул хонлари ва чиғатой султонлари билан қандай муомала қилган бўлса, [Бобур] Подшоҳ ҳам улар билан худди шундай муомала қилади”[57] яъни қатл қилинади.

---

[54] Унинг ўрни Тожикистоннинг, Вахш водийсида жойлашган Нурек ГЭС атрофига тўғри келади.

[55] “Зафарнома”ларда ҳар иккала шакли келтирилган. Қаранг: Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи – Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А.Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатлар тузувчи – Ҳабибулло Кароматов (географик номлар изоҳи – О.Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг Низомиддин Шомий “Зафарнома”сига ёзган “Зайл”и – (“Илова”) ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – Омонулла Бўриев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 41; Яздий. Зафарнома. –22б, 23а варақлар.

[56] Тожикистонда, Илоқ ва Кофарниҳон дарёсининг оралиғида жойлашган тоғолди манзил. Ҳозирги номи Обдараи-даҳона.

[57] Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. / Введение, перевод с перс. А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996.– Б.322.; Тарихи Рашидий. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 1430, 157а варақ.

Панж дарёсининг чап ирмоғи, Бадахшон ва Тохар вилоятларининг йирик дарёси бўлмиш **Кўкча** “Бобурнома”да ***Кўкча суйи*** (**کوکچه سویی**) шаклида эслатилган. Бу дарё Ҳиндукуш тоғларининг шимолий ён бағирларидан оқиб келиб ҳозирги Дашти-Қалъа аҳоли маскани атрофларида Панжга қуйилади[58]. Унинг энг катта (ўнг) ирмоғи Вардуж (Артунж[59]) ва Гунт[60], чап ирмоқлари Кешм[61], Журм (Журмун суви)[62] дарёлари ҳам темурийлар даври манбаларида келтирилган.

912 (1506-1507) йил воқеалари баёнида Бадахшон беклари мазкур вилоятни бошқариб турган Бобурнинг укаси Носир мирзога қарши бош кўтаргани, Кўкча дарёси билан Яфтал оралиғидаги ялангликларда жанглар бўлгани, Носир мирзо енгилгани айтилган[63]: “Ушбу йили Носир мирзо ва унинг қўлидагилар муомаласи ва ишларидан Муҳаммад қўрчи, Муборакшоҳ, Зубайр ва Жаҳонгир сингари Бадахшон беклари ранжидилар, ҳатто ёв бўлдилар. Барча иттифоқ бўлиб, лашкар тортиб, **Кўкча дарёсининг** Яфтал ва Роғ[64] томонидаги текислик орқали отлиқ-яёвни йиғиб, саф тузиб қирлар бўйлаб Ҳамчоннинг яқинига келдилар. Носир мирзо ва қошидаги тажрибасиз йигитлар андиша ва мулоҳаза қилмай, булар билан қирларга келиб уруш қиладилар... Бадахшонликлар Носир мирзони енгиб, бор нарсаларини талон-торож қилдилар. Носир мирзо ...енгилиб, таланиб, Ишкамиш ва Норин билан Келогойга бориб, Қизилсувнинг юқорисидан ўтиб, Обдара йўли билан кириб, Шибарту довонидан ошиб, Кобулга... келди”[65].

Амударёнинг ўрта ҳавзаларида унга учта йирик ўнг ирмоғи (Кофарниҳон, Сурхон, Шеробод) ва битта чап ирмоғи Қундуз дарёси қуйилади.

Кофарниҳон – Ҳисор тоғ тизмаларидан (Дара-и Ниҳом) оқиб келиб Айваж кечуви яқинидан Амударёга қуйилади. Мазкур дарё

---

[58] Кўкчанинг Панж дарёсига қўшилиш жойида археологлар томонидан Юнон-Македония ва Юнон-Бақтриянинг Ойхоним шаҳри (Оксиана Александрияси) харобалари топилган. Қаранг: ПичикянИ.Р. Ай-Ханум // Градостроительство и архитектура. – М., 1991. – 204 с.

[59] Яздий. Зафарнома (1972). 132а варақ.

[60] Ғунд (Гунт, Аличур) – Панж дарёсининг ўнг ирмоғи. Сарчашмаси Аличўр номи билан Ғарбий Помир тоғларидан оқиб келади ва Хоруғ шаҳри яқинидан Панжга қуйилади.

[61] Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. – Б.450.

[62] Шомий. Зафарнома. – Б.75.; Яздий. Зафарнома (1972). 131б варақ.

[63] Буриев О. “Бобурнома”даги топонимлар изоҳли луғати / Масъул муҳаррир М.Исҳоқов. – Т.: Наврўз, 2015. – Б.82.

[64] Яфтал ва Роғ... – Бадахшоннинг шимоли-шарқидаги аҳоли масканлари.

[65] Бобур. Бобурнома. Табдил. – Б. 154.

IX–XIII аср араб манбаларида *Ниҳам, Ниҳамруд*[66] шаклида учрайди. Гарчи бу дарё "Бобурнома"да эслатилмасада, бироқ унинг ҳавзаларидаги Қабодиён, Ҳисор, Айваж каби аҳоли масканлари келтирилган, хусусан: "Қабодиёнга етганда Хусравшоҳнинг иниси – Чағониён, Шаҳри Сафо ва Тирмиз ҳукмдори Боқи Чағониёний Хатиб Қаршийни юбориб, тарафдорлик изҳор қилиб, бизга қўшилмоқчи бўлди. Аму сувининг Уёч кечигидан ўтганда, келиб менга мулозамат қилди"[67].

Сурхон дарёси (Чағонруд) – Ҳисор тизмасининг жанубий ёнбағридан, Тўпалангдарё ва Қоратоғ дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, Термиз шаҳри яқинида Амударёга қуйилади. Чағониён тарихий вилоятидан ўтганлиги сабабли, темурийлар даври манбаларида *Чағониён, Руди Чағониён, Чағонруд, Сағонруд* каби номлар билан тилга олинган. Ҳофизи Абрунинг "География" асарида Термиз атрофларида "Руди Чағониён" сувларидан суғоришда фойдаланганлиги таъкидланган[68].

Бобур Чағонруднинг Чилту номли яйловида Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари кўч ва аҳли аёллари билан ундан ажралиб кетилганлигини эслатади: "Чағониённинг Чилту яйловига тушганда Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари айрилиб, бориб Хусравшоҳга навкар бўлдилар"[69].

Сурхондарё ирмоғи Қоратоғ дарёси IX–X аср манбаларида *Камруд* шаклида учрайди. Сомонийлар даврида яшаган тарихчи Ибн Руста (тўлиқ исми – Абу Али Аҳмад ибн Умар, IX–X аср) Камрудни Сағониён дарёсига қуйилганлигини эслатади[70]. Мазкур дарё "Бобурнома"да ҳам шу номда тилга олинган – ***Камруд*** (**كمرود**), ***Камруд руди*** (**كمرود رودى**). Бобур 906 (1500-1501) йил воқеалари баёнида Чағонруднинг юқорисидаги Новандок тумани ҳамда Камруд дарасидан ўтганлиги эслатади: "Камруд билан юқорига юриб, Сири тоқ довонидан ошмоқчи бўлдик, Навандок туманига етганда Хусравшоҳнинг навкари тўққиз от ва тўққиз парча – мато келтирди. Камруд дарасига етганимизда, Шерали танқўриқчи қочиб

[66]Қаранг: Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 534 с.
[67] Бобур. Бобурнома. Табдил. – Б.100.
[68] Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Б.141.
[69] Бобур. Бобурнома. Табдил. – Б.76.
[70] Abu Ali Ahmad ibn Omar ibn Rosteh. Kitab al-a'lak an-nafisa / Ed. M.J. de Goeje. Bibliotheca geographorum arabicorum. Pars 7. Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1967. P. 93. Яна қаранг: Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. – Б.45.

Хусравшоҳ қошига кетди. Тонгласи Қўчбек биздан айрилиб, Ҳисорга кетди. Камруд дарасига кириб юқори томонга қараб кетдик. Тор ва учма йўлларда, баланд ва тик довонларда кўп от ва туя қолди. Уч-тўрт манзил қўниб, Сири тоқ довонига етдик...”[71]. “Султон Масъуд мирзо Ҳисорда турмоқнинг йўлини тополмай, **Камруд руди** (анҳори) ёқалаб, юқори Сири тоғ йўли билан иниси Бойсунқур мирзо қошига – Самарқандга кетди”[72].

Шеробод дарёси ҳақида XV–XVI аср манбаларида маълумотлар йўқ. Бироқ, Мирзо Бобур Термизнинг шимолидаги, унинг Шеробод дарёси оралиғида жойлашган тоғларни Кўҳтан тоғи деб атайди: “Кўҳтан тоғининг жануб тарафидаги вилоятлар, чунончи, Термиз ва Чагониён, Ҳисор ва Хатлон, Қундуз ва Бадахшон Ҳиндукуш тоғигача Султон Маҳмуд мирзонинг ихтиёрига ўтди”[73].

Афғонистоннинг йирик дарёларидан бири **Қундуз** Ҳиндукуш тоғ тизмасининг Кўҳи Бобо тоғларидан бошланиб, юқори оқимларда *Бомиён,* ўрта оқимларда *Сурхоб* деб аталади. Дарё Бомиён, Бағлон ва Қундуз вилоятларидан оқиб ўтади. Қундуз шаҳридан ўтганда унга ўнг ирмоқ сифатида Хонобод дарёси келиб қўшилади ва Вахш дарёсининг қуйилиш жойидан жануброқ ерларда Амударёга қуйилади.

Қундуз “Бобурнома”да жуда кўп ўринларида баъзан шу номдаги шаҳар, вилоят ва дарё сифатида келади. Матнда – ***Қундуз*** (قندز), унинг ирмоғи эса ***Дўғобаи Қундуз*** (دوغابه قندز) номи билан тилга олинади. Хусусан, “Бобурнома”да 909 (1503–1504) йил воқеалари баёнида Кобул вилояти тавсифида Кобулдан шимоли-ғарб томонда жойлашган Бомиён тоғидан бошланадиган дарё сифатида тилга олинган: “Яна Бомиён тоғидур, бу тоғ берк тоғ воқиъ бўлубтур. Ҳирманд ва Синд ва Дуғобаи Қундуз ва Балхоб суйи бу тоғдин чиқар. Дерларким, бир кунда ҳар тўрт дарё суйидин ичса бўлур” (Б.112). Ушбу дарё бошланган жойдаги тоғ довони “Дўғоба” ва “Зимистон” номлари билан аталган. Ҳиндистон билан Балх оралиғида қатнайдиган савдо карвонларининг йўли мазкур дарё водийси бўйлаб ўтган[74].

[71] Бобур. Бобурнома. Табдил. – Б.76.
[72] Ўша асар. – Б.48.
[73] Ўша асар. – Б.44.
[74] Буриев О. «Бобурнома»даги топонимлар изоҳли луғати. – Т., – Б. 23.

Шунингдек, “Бобурнома”да Қизилсув (Сурҳоб)[75] номидаги дарё эслатилади. Бобур Қундуз дарёсининг ўрта оқимидаги номини (“Сурҳоб”) туркий шаклини – ***Қизилсув*** (**قیزیل سو**) деб келтиради: “Биз Самту[76] йўли билан Қизилсув сари тушган пайтда Хусравшоҳга тааллуқли ерлар – Ҳисор ва Қундузда бўлган уч-тўрт минг уйли мўғул улуси кўчлари билан келиб бизга қўшилди”[77].

Душий қасабасига етганда Қизилсувга ўнг ирмоқ сифатида Андароб дарёси келиб қўшилади: “Яъқубга кетиш учун ижозат берганимиздан сўнг Қизилсувдан қуйига, унинг Андароб суви билан қўшилиш жойига яқин ерда тушилди. Эртаси, рабиул-аввал ойининг ўртасида ёлғиз ўзим Андароб сувидан ўтиб, Души ерларида бир улуғ чинор тубида ўтирдим”[78].

Шунингдек, 912 (1506–1507) йил воқеалари баёнида Носир мирзонинг Бадахшондан қувилгач, Қизилсув бўйлаб юриб Кобулга келгани ҳам айтилган[79]. Бобур ҳаётида яна бир муҳим воқеа Қундуз вилоятида бўлган эди. Маълумки, Бобурнинг опаси Хонзодабегим Шайбонийхон ҳарамида эди. Шайбонийхон Марвда енгилгач, Шоҳ Исмоил Ҳонзодабегимни катта илтифотлар ила ўз элчиси билан бирга Қундузга, Бобур ҳузурига жўнатади. Хонзодабегим ўғли Хуррамшоҳ билан бирга Балхдан тоғ ошиб, Қундуз дарёсидан ўтиб, Бобурга келиб қўшилади: “Шоҳ Исмоил ўзбак (шайбонийлар)ни Марвда мағлуб этганда Хонзодабегим Марвда эди. Менинг ҳурматим туфайли, у ердан узатдилар, Қундузда менга келиб қўшилди”[80].

---

[75] Бу номдаги дарё учта ҳудудда мавжуд: 1) Вахш дарёсининг юқори оқими; 2) Панж дарёсининг ўнг ирмоғи (Бу дарёга Хулбук қалъаси ҳудудидан чап ирмоқ сифатида Яхсу дарёси келиб қўшилади ва биргаликда Амударёга қуйилади); 3) Афғонистондаги Қундуз дарёсининг ўрта оқими ҳам шу ном билан аталади.

[76] Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган кент. Унинг ўрни хозирги Бағлон вилоятидаги Пули Хумри атрофига тўғри келади.

[77] Мирзо Муҳаммад Ҳайдар мазкур дарёнинг форсча “Сурхоб” (сурх – қизил, об-сув) аталишини қўллайди, Вахш ва Сурхоб дарёларни умумий маънода **Ҳисор дарёлари** деб келтиради: “Убайдуллахон давлат ишларини тартибга солиш ва адолат ўрнатиш учун [918/1512-1513 йили] қишнинг охирида Ҳисорга йўл олди. Ўзбекларнинг бу юришидан хабар топган мўғул улуси қочишга жой тополмай қолдилар. Чунки улар Бобур Подшоҳга [исён қилиб] йўлни беркитган эдилар. Андижонга, Султон Саидхон ҳузурига боришни ҳам ўринсиз деб билгандилар. Бироқ, йўллар қалин қор билан қопланган эди. Шу сабабларга кўра улар **Сурхоб ва Вахш** тоғларини мустаҳкамладилар. Улар ўзларини бир томондан **Сурҳоб дарёси**, иккинчи томондан тоғлар билан ҳимояланган деб ҳисоблардилар. ... Бироқ қорлар эриб йўллар очилгач, Убайдуллохон қўшинлари мўғуллар устига чопқин ясадилар ва кўпларини **Ҳисор дарёларида** халок қилдилар” (таржима ўзимизники – А.Ш.). Қаранг: Тарихи Рашиди. 167 б варақ.

[78] Бобур. Бобурнома. Табдил. – Б.102.

[79] Буриев О. «Бобурнома»даги топонимлар изоҳли луғати. – Т., – Б.86.

[80] Бобур. Бобурнома. Табдил. – Б.33.

Амударёнинг қуйи ҳавзалари. Амударёга Термиздан тортиб Хоразмгача бўлган қуйи ҳавзаларида бирорта ҳам ирмоқ қўшилмайди[81]. Хоразм ҳудудига етганда дарё икки тармоққа бўлинади – унинг катта қисми Гурганж (Кўҳна Урганч) шаҳри яқинидан Қорақум чўллари орқали "Оби Гурлан", "Жўйи Гурлан" номи билан Ўзбой[82] водийсидан ўтиб, Гёрлади (бошқа номи Ағрича) деган жойда Хазар (Каспий) денгизига[83] ва қолган қисми дельта ҳосил қилиб Хоразм кўли (Орол денгизи)га[84] қуйилган.

Орол денгизининг ҳолати, Амударёнинг Каспий денгизига қуйилиши масаласи кўпгина олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, 1947 йилда Ўзбой водийсида тадқиқотлар олиб борган археолог С.П.Толстовнинг фикрича, тарихий даврларда мазкур ҳудудда Амударёнинг мунтазам ўзани бўлмаган, деган хулосага келади. XIII–XVI асрларда "Амударёнинг бурилиши" ҳақидаги ривоятлар тегишли даврда Хоразмнинг суғориш тизимини мўғуллар томонидан вайрон қилиниши натижасида дарёнинг Сариқамиш кўлига тўлиб оқиши ва кейинчалик Амир Темур томонидан Хоразмда олиб борилган ободонлаштириш ишлари туфайли мазкур ўзан таъмирланиб қайта Оролга йўналтирганлиги билан боғлиқ деб ҳисоблайди у. Бундан ташқари, Ўзбой ўзани ўз катталиги билан Амударёнинг асосий тармоғи бўла олмаслиги, ўзаннинг баъзи қисмларида ҳосил бўлган кўллар билан қўшиб ҳисоблаганда, киши ҳаёлотида, гўёки бу ерда ҳақиқий дарё ўтганлигини билдирувчи

---

[81] Баъзи тадқиқотчилар узоқ ўтмишда Заравшон дарёси ҳам Тойқир ўзани орқали Амударёга, унинг энг ирмоғи сифатида қуйилганлигини эътироф этишади (Қаранг: Мухамеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса: (с древнейших времен до начала XX в.) / Отв.ред. Я.Г.Гулямов. – Т.: "Фан" УзССР, 1978. – 296 с.). Шунингдек, ўтмишда, Балҳоб (Банди Амир) дарёси ҳам Амударёнинг чап ирмоғи сифатида Келиф Ўзбойи орқали дарёга қуйилган. Табарийнинг маълумотларига кўра VIII асрнинг 1-ярмида Балх шаҳридан Термизгача сузиб бориш мумкин бўлган ягона сув йўли мавжуд эди. Хусусан, ҳижрий 117 (735) йилда араб лашкарбошчиси Асад ибн Абдуллоҳ Балхда сол ва кемаларни жиҳозлаб Термизга сузиб борганлигини таъкидлайди (Табари. История ат-Табари 1987. – Б. 238). Балхобнинг Келиф Ўзбойи билан Амударёга уланиши мумкин бўлган ўзани ҳақида XIX аср инглиз манбалари ҳам маълумотлар келтирилган (Қаранг: Adamec L. W. Mazari-i-Sharif and North-Central Afghanistan. Graz, 1979. – P. 120).

[82] Бу ерда Амударёнинг бу қадимги ўзани ҳақида XV аср ёзма манбаларида маълумотлар берилган. Мовароуннаҳрда бўлган Испания элчиси Клавихо ва тарихчи Ибн Арабшоҳ ҳам Амударёнинг Каспий денгизига қуйилишини таъкидлаб ўтганлар. Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник. С.99; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. I-II китоблар. – Тошкент, 1992. – Б.151, 153 29.

[83] Амударёнинг Каспий–Орол денгизига элтувчи ўзанлари тўғрисидаги маълумотлар манбашунос олим О.Бўриев тадқиқотларида батафсил ёритилган. Қаранг: Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Б. 135.

[84] Бироқ XVI аср ўрталарида Амударё сувлари, асосан, Орол денгизига қуйилган. Кўҳна Урганч шаҳри сувсиз қолганлиги натижасида аста секин харобага айланган ва XVII асрга келиб Хоразмнинг пойтахти Хива шаҳрига кўчирилади. Қаранг: АбдулғозийБаҳодирхон. Шажараитурк. –Т.: "Чўлпон", 1992.

сохта тасаввур ҳосил қилиши мумкин деган фаразни илгари суради[85].

Бироқ ёзма манбалар буни аксини беради[86]. “Зафарнома”нинг ҳар иккала муаллифи Амударёнинг Оролга йўналган ўзани *Эски Ўкуз* деб атайдилар[87]. Темурийлар даври ёзма манбаларига таянган ҳолда, рус олими В.В.Бартольд ҳам алоҳида тадқиқотлар[88]олиб борган.

Шунингдек, тадқиқотчи А.И. Гладышев ҳам дарёнинг ушбу ўзани 10 минг йил давомида мавжуд бўлганлиги, сув миқдори бўйича Амударёдан анча кам бўлганлигини, тектоник жараёнлар натижасида ўзгариб, бир неча маротаба узилиб, аста секин камайиб борганлигини таъкидлайди ва дарёнинг Каспийга элтувчи асосий сувлари 2-3 минг йил олдин тўхтаган бўлиши мумкин деб хулосалайди: “Қуриб қолган дарё ўзани ўрнидаги поғонасимон текис майдон - террасаларда аввалги шаршаралар фаолияти излари, чиғаноқ ва сув моллюскалари сингари қадимий флоранинг кўплаб органик қолдиқларининг топилиши – буларнинг барчаси бир вақтлар бу жойдан Амударё сувларини Каспий денгизига олиб борувчи тўлақонли дарё оқиб ўтганига ҳеч шубҳа қолдирмайди”[89]. Демак, Амударё унинг асосий сувлари вақти вақти билан гоҳ Каспийга, гоҳ Орол денгизига қуйилган.

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даври ёзма манбаларини таҳлил қилиш Марказий Осиёнинг темурийлар давридаги гидронимларини ўрганиш борасида кенг кўламли тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

---

[85]Қаранг: Толстов С.П. Древний Хорезм. // По следам древних культур: сборник. – М.: Государственное издательство культурно-просветительской литературы, 1951. — 272 с.

[86] Қадимги юнон тарихчилари Геродот, Ксенофонт, Полибий, Страбон, Птолемей ўз асарларида Амударёни Гиркан (Гургон, яъни Каспий) денгизига қуйилишини ёзган. Жумладан, Геродот дарёнинг бир қисми ботқоқларда (афтидан Орол денгизи атрофларида) йўқолиб қолганлигини, бошқа қисми Каспийга қуйилишини таъкидлайди. Аррианнинг “Искандар Зулқарнайннинг юришлари тарихи” номи асари ҳам бу маълумотлар учрайди (Қаранг: Арриан. Анабасис Александра. / Пер. Н.Коренькова. Ташкент, 1912. 366 стр. (“Средняя Азия” журнали, 1911, VI–XII китоблар). Страбон ҳам, “Окс дарёси Бақтрия ва Сўғдиёнанинг чегараси бўлиб, Гиркан денгизига қуйилади”, - деб маълумот беради (Яна қаранг: Страбон. География / пер. с др.-греч. Г. А. Стратановского, под ред. О. О. Крюгера, общ. ред. С.Л. Утченко. – М.: Ладомир, 1994.).

[87] Шомий. Зафарнома. – Б.67; Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома // Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрл.: А. Аҳмад, Ҳ.Бобобеков; Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов; Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И.Шоғуломов ва бошқ. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 86.

[88]Бартольд В.В. К вопросу о впадении Амударьи в Каспийское море. Сочинения, Т.III. – М., 1965. – С.248–251; Ўша муаллиф. Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVII века / Сочинения, Т.III. – М., 1965, – С.15–96.; Ўша муаллиф. К истории Хорезма в XVI веке. Сочинения, Т.III, – М.1965. – С.257–259.

[89]Гладышев А.И. Путешествие по уснувшей реке // Природа. 2002. - № 9. – Б. 42-50.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ҲАРБИЙ САРКАРДАЛИК ИСТЕЪДОДИ ҲАҚИДА

Авазбек Мирзаев,
Андижон давлат университети
«Жаҳон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида Бобур халқаро жамоат фонди томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси билан мамлакатимизда кенг жамоатчиликни, халқимизни яқиндан таништириш мақсадида ҳамда буюк аждодимизнинг улуғвор хизматларини кенг тарғиб қилиш, унинг хотирасини абадийлаштириш, асарларини нашр этиш борасида кўламли ишлар олиб борилди.

Жаҳон миқёсидаги барча ҳарбий мутахассислар ва тарихчи олимларнинг хулосасига кўра, Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат буюк давлат арбоби, балки ҳарбий стратегия ва тактика йўналишида ҳам тенгсиз, моҳир саркарда бўлган.

Буюк давлат арбоби ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дастлаб Марказий Осиё ва Афғонистонда ўз хукмронлигини ўрнатиши ва 1526 йилда Ҳиндистонда “Буюк бобурийлар салтанати”га асос солиши бу мамлакатларда ўрта асрнинг хотимаси ва янги даврнинг бошланишини белгиловчи омил бўлгани билан аҳамиятлидир[1.15].

Бобурийлар салтанатига асос солган **Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қўшини билан** Деҳли султони Иброхим Лўдий қўшини ўртасида 1526 йил 21 апрель куни бўлиб ўтган Панипат жанги Ҳиндистон тарихидаги ҳал қилувчи жанглардан бири ҳисобланади. Жамна дарёси бўйида жойлашган Панипат шаҳри, Дехлидан 90 чакирим шимолда жойлашган бўлиб,шаҳарнинг шарқида Панипат текислиги жойлашган. Ушбу мақолада Бобурнинг Панипат жангида қўллаган ҳарбий стратегия ва тактикаси ёритилган айрим адабиётлардаги маълумотларни таҳлил этамиз.

Панипат жанги арафасида Бобур кенг ҳарбий билимларни ва улкан ҳарбий тажрибани эгаллаган эди. Бу даврда яшаган

Шайбонийхон, шоҳ Исмоил Сафавий, Султон Ҳусайн ва бошқа йирик ҳарбий саркардаларнинг тактик усуллари ҳамда манёврлари унга яхши маълум бўлган. Унинг қўшини таркибида, милтиқ билан қуролланган аскарлардан иборат отряд ва турк артиллериячилари бошқарадиган замбараклар бўлиб, бу маҳалда унинг рақибида ўқотар қуроллар умуман йўқ эди [2. 113-114].

Бобурнинг қўшини ўша даврда қудратли артиллерия билан таъминланганлиги учун, ҳинд қўшини олдида анча катта устунликка эга бўлган. Унинг томонидан, душман қўшинларини ён томонидан айланиб ўтиб, орқа томонидан ва рўпарасидан зарба бериш жанг усули ҳам, муваффақиятли қўлланилди **[3. 150]**.

Маълумки, Панипат жанги ҳарбий жиҳатдан ҳал қилувчи воқеа бўлган эди. Бобур ражпутлар томонидан бўладиган жиддий хавфнинг олдини олиб, ўз ташаббуси билан армиянинг ҳимоя чизиғига ҳам янгилик киритади. Тупроқ тўлдирилган жуда кўп қопни араваларга тахлаб, катта масофада камон ва милтиқ отувчилар учун ўзига хос ҳимоя «қалқони» ҳосил қилади. Ғилдиракли «қамал иншоотлари» ясатиб, улар ҳам тўплар билан бир қаторда олдинги қисмларга ўрнатилди. Қудратли душман армияси билан юзлашадиган пайтда Устод Али ва Мустафонинг қўл остидаги тўпчилар ва милтиқчиларнинг кескин ҳаракати билангина қудратли рақиб қўшинига бас келиш мумкин эди [4. 194-195].

Панипат жанги, Бобур билан Иброҳим Лўдий ўртасида 1526 йил 21 апрелда бўлиб ўтган муҳим тарихий жанг Панипат текислигида юз берган. Қўшини рақибиникидан кескин даражада оз бўлгани учун Бобур жангга жуда пухта тайёргарлик кўрган. Унинг фармонига мувофиқ аскарлар етти юзта аравани бир-бирига боғлаб, тўсиқ ясаган. Аравалар билан тўсилмаган жойларда хандақлар қазилган ва дарахтларни кесиб тўсиқлар қилинган. Мерганларга ана шу аравачалар ва тўсиқлар ортида туриб душманни ўққа тутиш тайинланган. Бобур жангдан олдин ўз қўшинини, душман ҳеч бир томондан зарба бера олмайдиган қилиб жойлаштирган, қўшиннинг жанговар тартиби ва қандай ҳаракат қилиши

лозимлигини аниқ белгилаб берган, қисмлар бошлиқларига тайин вазифалар юклаган.

Бобур бу жангда янги ўточар қуроллар ва ҳарбий тактика санъатидан унумли фойдаланган, жумладан, Қули Малик, Кандахор жангларида орттирган тажриба асосида тўлғама усулини қўллаган. Тўлғамага тайинланган қисмлар душман яқинлашиб келиши билан унинг сафини ўнг ва чап томондан айланиб ўтиб орқасидан хужум қилган. Асосий тўқнашувни Махдий Хожа бошлаб берган. Унинг қисми қаттиқ қаршиликка учрагани учун Бобур унга Аҳмадий Парвоначи, Муҳибали Халифа ва Турдибек қисмларини ёрдамга юборган. Марказдан Муҳаммадали Кўкалдош, Шохмансур Барлос ва бошқалар хужумга ўтган. Шу тариқа ўнг қанот, чап қанот, марказ ва тўлғама қисмлари душманни ҳар томондан ўраб олган ва бу жанг тақдирини ҳал қилган**[5. 416]**.

Тўлғама **— жанг чоғида ғаним кучларини қанотлардан айланиб ўтиш, ён ва орқа томондан зарба бериш мақсадида қўлланиладиган махсус ҳарбий тактик амалиёт. Бобур ушбу тактик амалиётни кейинчалик ўзлаштирган ва қатор жангларда, хусусан, 1526 йилда Панипатда султон Иброҳим Лўдий билан бўлган тўқнашувда қўллаган. «Бобурнома»да ҳам ушбу жанг усули баён этилган: ўнг ва чап бўлинмалар, марказий қисм ва ғанимни орқа томонига ўтган жангчилар душманларни ҳар томондан ўраб олиб, уларни ўққа тутишди. Душман ўнг ва чап қанотларда бир ёки икки марта қисқа хужумлар уюштирди; бизнинг йигитларимиз камонлардан ўқлар булутини ёғдириб, яна марказга босим ўтказдилар. Ўнг ва чап қанот қўшинлар томонидан сиқувга олинган душман аскарлари бир жойга тўпланиб қолиб, улар олдинга ҳам, орқага ҳам йўл топа олмадилар[6.** 208**].**

Туфанг— чақмоқтош ёрдамида отиладиган пилта милтиқ бўлиб, 16-асрга келиб, ўт сочиш учун мўлжалланган жанговар қурол милтиқни ифодалаган. XVI асрда яшаган турк сайёҳи Сайд Али Раиснинг гувоҳлик беришича, туфангнинг стволи мисдан ясалган. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, туфанг Ўрта Осиёда 16-асрдан эътиборан қуролланишда ишлатилган. Бобур

қўшинида туфанг ясайдиган усталар ва туфанг билан қуролланган аскар — туфакандозлар бор эди, улар Панипат жангида Иброҳим Лўдий устидан қозонилган ғалабага салмоқли улуш қўшган**[7.** 798-бет**]**.

Бобурнинг қўшини таркибида **узун стволли артиллерия қуроли ҳисобланган замбарак ҳамда шу қуролдан фойдаланадиган замбаракчи, яъни замбарак отувчилар бўлган.**

Бобурнинг баранғор, яъни қўшинлар жанговар сафининг ўнг томонида турадиган ҳарбий қисмлари ва жувонғори, яъни қўшинлар жанговар сафининг чап томонида турадиган ҳарбий қисмлари тўлғама усули билан ғанимнинг орт томонига ўтиб унга кучли зарбалар берган. Иброҳим Лўдий асосий кучлари ва жанговар филлар билан марказга ҳамла қилган. Шунда Бобур ҳўкизларнинг хомтерисидан эшилган арқонлар билан бир-бирига маҳкам боғланган 700 та арава ва улар орасига ўрнатилган туроқалқонлар паноҳида турган туфакандозларни жангга ташлайди. Туфак ва замбарак ўқларидан яродор бўлган филлар чекиниб устларидан филбонларни йиқитиб, пиёдаларни янчиб ўтади, ҳиндлар саросимага тушиб қочишга тушганлар. Султон Иброҳим Лўдий ва тахминан 50 минг ҳинд жангчиси ҳалок бўлган. Бобур Деҳли ва Аграни забт этиб, Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар давлатига асос солади**[8.** 48**]**.

Узоқ тарихдан маълумки, истилочилар қайси шаҳарни забт қилсалар, уни албатта вайрон қилишган. Аммо Бобур, Неру айтганидек, бундай қилмади. 1526 йил, 21 апрелда тарихий Панипат жангида ғалаба қилганидан сўнг дарҳол бу ерда ғалаба шаънига боғ барпо қилишга буйруқ берди. Бу – ўша давргача кўрилмаган тарихий ҳодисалардан эди[9. 43**].**

Панипат жанги Бобурнинг буюк саркарда сифатидаги иқтидорини яққол намоён этган. Хусусан, унинг сон жиҳатдан жуда катта душман қўшинини оз сонли лашкар билан тор-мор қилгани ҳарбий санъат тарихидан жой олган. Панипат жанги Ҳиндистон тарихида ҳам, Бобур ҳаётида ҳам ўта муҳим воқеа бўлган. Бу ғалаба туфайли Бобур шимолий Ҳиндистонда узил-кесил ўз ҳокимиятини ўрнатиб, янги буюк салтанатга асос солган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қўплаб қўллаган тактик усулари ҳар қандай ҳарбий мутахассисни ҳам эътиборини қаратиши муқаррардир. Умуман олганда эса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий тактикада қўллаган, хусусан, ўқотар қуроллардан фойдаланиш, тўлғама **- жанг чоғида ғаним кучларини қанотлардан айланиб ўтиш, ён ва орқа томондан зарба бериш мақсадида қўлланиладиган махсус ҳарбий тактик амалиёт,** ҳарбий қисмлар жойлашган ерни тўсиқлар билан ўраш каби усуллари ижобий натижалар берганлигини кўриш мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий маҳорати, жаҳон ҳарбий санъатига қўшган ҳиссаси Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидай асраш мақсадида тузилган Миллий армиямизнинг барча хизматчилари учун дастуруламал бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобур ва Бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2008.

2. Азимджанова С. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. – Москва, “Наука”, 1977.

3. История Востока. Том. III. - М.: «Восточная литература» РАН, 2000.

4. Машрабов З. Бори элга яхшилиғ қилғил... – Тошкент: Ғофур Ғулом Номидаги НМИУ, 2013.

5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир ҳайъати А.Каюмов ва бошқ. Бош мухаррир: А.Аъзамов. - Т.: “Sharq”, 2014.

6.Захирад-Дин Бабур. Бабур-наме. – Ташкент, Главная редакция энциклопедий, 1992.

7. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-жилд, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2004.

8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2003. 48-бет.

9. Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар. – Тошкент: «Шарқ», 2006.

“БОБУРНОМА” КЕЛТИРИЛГАН ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ МАСОФАЛАРДА АКС ЭТИШИ

Ниҳола Нарзуллаева,
ЎзР ФА шарқшунослик институти илмий ходими.

“Бобурнома”- тарихий географик манба. Унинг деярли барча саҳифасида бирор жой номи, аҳоли турар жой пункти, дарё ёки кичик бир овулнинг номини учратиш мумкин. Эътиборлиси шундаки, муаллиф бу жойларни атрофлича, холисона назар билан тасвирлаб берган. Асарда келтирилган турли соҳага оид атамалар ва уларнинг қўлланилиш кўлами олимлар томонидан кўп тадқиқотларга жалб этилган. Шу жумладан метрологик атамалар, уларнинг қийматлари ҳақидаги маълумотларнинг аксарияти асарда жамланган. Бу атамаларнинг аксарияти узунлик, масофалар, яъни манзиллар орасидаги оралиқлар миқдорига оид. Узунлик ўлчов атамаларининг қиймати асрлар оша ўзгариб турган.

Ўрта асрларда мавжуд бўлган жойлар (қишлоқ, овул, шаҳар ва ҳк.) чегараларининг ҳозирги кунда мавжуд ўрни билан тафовутда бўлиши аниқ ҳолат. Бобур масофаларни йиғоч, куруҳ, мил каби ўлчов атамалари орқали ифодалаган. Йиғоч (йағоч, оғоч) масофалар ўлчашда қўлланилган метрик атама. Унинг қиймати ҳақида турли маълумотлар мавжуд. Маҳмуд Қошғарий уни *йиғач* -“ер фарсахи” деб атайди [3.746]. “Ҳудуд ул-олам”да оғоч шаклида учрайди.Ўрта асрларда ҳудудларнинг чегалари ҳозирги шаклда эмас, шунга қарамасдан бу маълумотларнинг баъзиларини метрик тизимда таҳлил этиш фойдадан ҳоли бўлмайди:*“Яна бир Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи-жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йиғоч йўлдур”*[1.35]. “*Яна бир Марғинондур, Андижоннинг ғарбидадур, Андижондин етти йиғоч йўлдур*”[1.35]. “*Хўжанддин Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йўлдур, қадим шаҳрлардиндур*”[1.35]. *Самарқанднинг ғарби тарафи йигирма беш йиғоч йўлдур, Бухоронинг ҳам неча тумоноти бор*[1.61].

Бугунги кунда Ўш ва Андижон ҳудуд орасидаги масофа 52км, Андижон ва Марғилон ораси 79 км, Хўжанд ва Самарқанд ораси 283км, Самарқанд ва Бухорор 272 км га тенг. Агар манбада

келтирилган қиймат асосида йиғочнинг миқдорига аниқлик киритадиган бўлсак, унда 11-13 км оралиғида бўлади. Албатта бу таҳлиллар тахминий асосга эга.

Самарқанднинг шарқ тарафи Хон юртиға тушулди, Самарқандтин уч куруҳ бўлғай. Кўҳак суйи Самарқанд шимолидин оқар, Самарқандтин икки куруҳ бўлғай[1.56].

Асарда *куруҳ* атамаси ҳам кўп учрайди.Муҳаммад Ғиёсуддин бу бирликни ҳинд тилида *куус* деб аталиши,4000 *газ* баъзи манбаларда эса 3000 *газ* ва ҳар *газ* 2 *зар*га тенг қийматлари ҳақида маълумот келтирган [4.416]. "Ҳудуд ул-олам"да бу атама тахминан 2000 м атрофида, яъни 2 км га тенг бўлгани қайд этилган. Носир Хисравнинг *газ* га оид маълумотлари таҳлил қилинганда ҳозирги метрик тизимда унинг аниқ қиймати 70 см экани аниқланган[6.186].

Дарғам суйи Самарқанднинг жанубидин оқар, Самарқандтин бир шаръий бўлғай[1.59].

Антропоморф келиб чиқиш негизидаги узунлик ўлчов атамалардан деярли барча халқлар фойдаланишган. Бундай атамаларни "Бобурнома"да ҳам учратиш мумкин:

(Самарқанд) қўрғонини, фасилнинг устидин буюрдимким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти.

(Боғи майдон) айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур, тули тахминан ўн тўрт -ўн беш қари бўлғой, арзи етти саккиз қари, умқи бир қари[1,60].

Қадам бирлиги антропометрик ўлчов атамаси бўлиб, Бобур уни 1.5 қари га тенг эканлигини қайд этган. Бобурнинг таҳлилига кўра ёндашсак 1 *қари* 6 *тутам* ваҳар *тутам* 4 *бармоқ* яъни бу бирлик 50см яъни 6х(4х2.078)=50, шунда 1,5 қари 50+50/2=75 см тенг бўлади.

"Бобурнома" асари чин маънода ноёб асар. Унинг тадқиқи ҳали якунига етмаган дея оламиз. Биргина метрология соҳасига оид маълумотларнинг аксарияти шу соҳада тадқиқот олиб бораётган мутахассислар учун жуда муҳим саналади. Аммо бу бирликлар тадқиқи тўлиқ бажарилмаган. Олимнинг барча қайдлари, таҳлиллари соҳа учун ноёб саналади. Хулоса ўрнида бу манбанинг тарихий қийматини алоҳида таъкидлаб, метрологик тадқиқотларга жалб

қилишимиз орқали ёрдамчи тарихнинг бу соҳасига улкан ҳисса қўшган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур.Бобурнома. -Тошкент: Шарқ, 2002. -Б.35

2. Мамадназаров М. Архитектурная Одиссея “Сафарнома” Насира Хусрава. -М.:Прогресс-традиция, 2017.-276с.

3. Махмуд ал-Кашгари.Диван Лугат ат-Турк. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005.-с.746

4. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс-ул-луғот. Т.II.-с.167. (416)

5. Холов М. Книга “Бабурнаме” как метрологический источник//ScienceandScienceofScience, 2008, [1] 1. -с.119-131.

MIRZO BOBURNING HARBIY MAHORATI

Nodirbek Xolikov,
Mudofaa vazirligi, Chirchiq oliy tank qo‘mondonlik muhandislik bilim yurti Ilmiy-uslubiy bo‘lim katta ofitseri,
Islomjon Mullajonov,
QK xizmatchisi, Chirchiq OTQMBY Gumanitar fanlar kafedrasi katta o‘qituvchisi.

Annotatsiya: Ushbu maqolada Boburiylar davlatining qaror topishi va xalqaro munosabatlari tarixiga doir qo‘lyozma manbalar va keyinchalik yozilgan bosma manbalar juda ko‘p va xilma-xil bo‘lsa-da, shunga qaramay, mazkur davlat xalqlar o‘rtasidagi aloqalarga bag‘ishlab yozilgan ilmiy tadqiqotlar kamchilikni tashkil qiladi. Ayniqsa, ushbu mavzuda o‘zbek tilida hozirgi zamon talablariga javob bera oladigan, tarixni xolisona ifoda etuvchi ilmiy ishlar ozdir. Ana shu holatni nazarga olgan holda, biz shayboniylar va boburiylar tashqi aloqalarini ayrim jixatlarini yoritishga harakat qildik.

Kalit so‘zlar: Shayboniylar, Boburiylar, Safaviylar, Hirot, Xuroson, 1526-yil Panipat jangi, 1527-yil Kanva jangi, “To‘lg‘ama”.

Аннотация: В этой статье много рукописных и поздних печатных источников по истории создания и международных отношений государства Бабуридов, все же научные исследования отношений между народами этого государства очень скудны. В частности,

практически отсутствуют научные работы на эту тему на узбекском языке, способные отвечать современным требованиям и объективно излагать историю. Учитывая этот факт, мы попытались пролить свет на некоторые аспекты внешних отношений шайбанидов и бабуридов.

Ключевые слова: Шайбаниды, Бабуриды, Сефевиды, Герат, Хорасан, Панипатское сражение 1526 г., Канвское сражение 1527 г., Толгама.

Respublikamizda harbiy sohaga oid ilmiy tadqiqotlar ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Bundan ko‘zlangan asosiy maqsad, avvalo, davlatni ichki va tashqi xavflardan himoyalash, mintaqalardagi xavfsizlikni ta’minlash, barqarorlik o‘rnatish, insonparvarlik g‘oyalarini tarqatish, qonun ustuvorligiga erishish, ayrim zo‘ravon davlatlarning va ayrim kuchlarning yovuz maqsadlariga yo‘l qo‘ymaslikdan iboratdir. “Hozirgi vaqtda jahonda va mintaqamizda harbiy-siyosiy vaziyat keskin o‘zgarib, milliy va global xavfsizlik sohasida xatar va tahdidlar tobora kuchayib bormoqda. Ana shunday o‘ta mas’uliyatli vaziyat va hayotning o‘zi erishgan barcha yutuqlarimizni, shu bilan birga, yo‘l qo‘ygan kamchiliklarimizni chuqur va tanqidiy tahlil qilishni barchamizdan talab etmoqda”[1].

Globallashuv va axborot davrida jahonda yuz berayotgan harbiy-siyosiy jarayonlarni teran anglashda tarix saboqlariga, harbiy soha tarixiga murojaat qilishga ehtiyoj ortib bormoqda.

XVI asrdagi O‘rta Osiyo xalqlari tarixining mufassal, ko‘p sonli tarixiy manbalarga asoslangan tarixiy tahlillari mavjud bo‘lsa-da, ularning aksariyatida shayboniylar, temuriylar va safaviylar o‘rtasida munosabatlar o‘zaro siyosiy ahamiyatga molikligi nuqtai nazaridan o‘rganiladi[2]. Lekin harbiy sohaga chuqur ilmiy yondashilmagan.

Bizga ma’lumki, Shayboniylar 1499-1507 yillarda butun Markaziy Osiyo, Xuroson va Afg‘on, Turkistonni bosib olgan bo‘lsalar-da, Temuriylar davridagi ijtimoiy-siyosiy tizim va tuzumni saqlab qolganlar[3]. Tadqiqotlar doirasida bu jarayonlarda bu sulolalarning Movarounnahr va Xuroson uchun harbiy-siyosiy to‘qnashuvini ko‘rishimiz mumkin. Bu eng ,avvalo, Eronda Safaviylar, Shimoliy Hindistonda Boburiylar va Shayboniylardir. Ilmiy izlanishlar shuni ko‘rsatmoqdaki, tabiiy ravishda ularning manfaatlari o‘zaro to‘qnashmay iloji ham yo‘q edi. Ana shu manfaatlar kesishadigan “nuqta” Xuroson hisoblanib, siyosiy-harbiy va iqtisodiy-savdo jihatlaridan muhim ahamiyat kasb etgan. Uni Turkiston, Eron, Hindiston yo‘nalishida darvoza desa bo‘lardi[4]. Shayboniylar kabi

boburiylar ham turkiy harbiy-siyosiy kuchga suyanganlar. Ular o‘rtasida o‘xshashliklar ko‘p edi.

Tarixiy taraqqiyotning muayyan bosqichida hokimiyat tepasiga obyektiv va subyektiv shart-sharoitlar natijasida turli sulolalarning kelishi, o‘z navbatida, harbiy-siyosiy tizimda keskin o‘zgarishlarni olib keladi. Binobarin, markazlashuv jarayonlari ma’lum bir harbiy-siyosiy omillarning ta’siri ostida ro‘y bergan. Boburiylar sulolasi hukmronligi davrini o‘rganish, o‘sha davr voqea-hodisalarini, davlat negizini tashkil etgan harbiy boshqaruv tizimini haqqoniy o‘rganish bugungi harbiy tarix fanining dolzarb mavzularidan biri bo‘lib qolmoqda.

Zahiriddin Muhammad Bobur jahonga mashhur “Boburnoma” asari, dilbar g‘azallarini jamlagan she’riy devoni, aruz risolasi va yana bir necha asarlari bilan shuhrat topgan ulug‘ shaxs. Albatta, uning harbiy yurishlari, g‘alaba va mag‘lubiyatlari haqida ham tarixchi olimlarimiz anchagina fikrlar bildirishgan. “Boburnoma”ni sinchiklab mutolaa etarkanmiz, bu temuriyzodaning yoshligidan bobosi Amir Temur imperiyasini qayta tiklashda, keng miqyosdagi hududda yagona, mustahkam siyosatni yurgizishga intilishida, orzularini ma’lum darajada ro‘yobga chiqarishda nimalarga asoslangani haqida o‘yladik. Biz bu yechimni Boburning izchil shaxsiy jasorati, o‘tkir tafakkuri, harbiy mahoratida ko‘rdik.

Bobur urush manzaralarini tasvirlarkan, g‘alaba va mag‘lubiyatni harbiy kuch, askar va zobitlar soni, harbiy vosita, qurollar kuchi va o‘lchovi bilan belgilaydi, qiyoslaydi, solishtiradi. Uningcha, g‘alabaga erishish uchun raqibdan askar soniga ko‘ra ustun bo‘lish shart emas. Zotan, Xisravshohning muhoraba tajribasi ustunlik qilgan. Husayn Boyqaroning dushman kuchi, urush mavqei, vaqtini (“bahor yog‘inlari jihatidin…”) aniq inobatga olmagani uni mag‘lubiyatga olib kelgan. Eng achinarli tomoni, bu muhorabada Husayn Boyqaro lashkari son jihatidan ustun bo‘lgan (“Bular muncha mirzolar va muncha sardor beklar, bovujudkim kishilari ikki Xisravshohning kishisicha bo‘lmasa, bir yarim onchada, xud ne so‘z…”). Yana achinarlisi, Husayn Boyqaro tarafdorlarining g‘alabaga ishonchsizligi, urushishga jazmlari yo‘qligi ularni ikki oy kavlagan xandaqlaridan tashqariga chiqmay yov bilan olishishlariga monelik qilgan (“…jazm rioyati qilib, xandaqdin chiqmadilar”).

Bobur Muhammad Shayboniy va shayboniy sultonlar bilan eng ko‘p kurash olib borgan temuriy hukmdordir. U bu kurash tafsilotlarini o‘zining “Boburnoma” asarida jonli, shu bilan birga, xolis baho bergan holda hikoya qilgan. Boburning ma’lumotlaridan ko‘rinadiki, shayboniylarning jang

uslubi o‘ziga xos sharq an’analari asosida tashkil etilgan. Bu taktikalar dushman jang uslubi, qo‘shin tuzilishi va jang maydoniga qarab o‘zgartirilib borilgan. “Boburnoma”da shayboniylarda suvoriylar qo‘shinning asosiy qismini tashkil qilganligi sababli, ochiq maydonda, tekistlikda jang olib borishga intilganliklari aytiladi. Qo‘shin tarkibidagi eng uchqur otlar asosiy qismning yon tarafidagi kichik g‘ullarda joylashtirilgan. Jang boshlanishi bilan suvoriylar tezlik bilan dushman qo‘shinlari qanotlarini aylanib o‘tib, ularni o‘rab olishga harakat qilgan. Shayboniylar bilan bir necha bor to‘qnash kelgan Zahiriddin Muhammad Bobur bu taktikani quyidagicha ifodalaydi: “Ular bizning ilgarimizdan ham, ortimizga ham bostirib kelib, elimizni sarosimaga soldi. Ularning urushdagi ulug‘ hunari ushbu to‘lg‘amadir va hech bir urush to‘lg‘amasiz o‘tmaydi”. Voqealar bayonidan Bobur 1501-yil Saripul yaqinidagi jangda aynan “to‘lg‘ama” natijasida mag‘lubiyatga uchraganini tan olganligini bilib olish mumkin. U bu uslubni keyinchalik, faoliyatidagi eng yirik harbiy to‘qnashuvlarda qo‘llagan. Xususan, 1526-yil Panipat jangida (Ibrohim Lo‘diyga qarshi), 1527-yil Kanva jangida (Rona Sangoga qarshi) “to‘lg‘ama” dan foydalanganligi va u o‘z samarasini berganligini yozadi. Shuni alohida ta’kidlash lozimki, shayboniylarning temuriylar qo‘shinini tahlikaga solib qo‘yadigan mashhur jang usuli – “to‘lg‘ama” ilk bor “Boburnoma” asarida tilga olinadi.

Bobur vataniga bo‘lgan muhabbati shundaki, u umrining so‘nggi damigacha jangu jadallar ichida kechdi. Uning maqsadi ulug‘ edi: tanazzul topayotgan temuriylar mavqeini qayta tiklashga intilardi. Bu yo‘lda ko‘p ranju alamlarga sabru toqat qilardi. U, ayniqsa, Hindistonda ekanida o‘z yurtini, farzandlarini, yaqinlarini qo‘msar edi. Bobur Humoyunga yozgan xatlaridan birida shunday deydi: “Yana Komronga, Kobuldagi beklarga farmon bo‘ldikim, borib, sanga qo‘shulub, Hisor yo Samarqand bo‘lsa, yurugaysiz. Tangrining inoyati bila yog‘iylarni bosib, viloyatlarni olib, do‘stlarni shod, dushmanlarni nigunsor qilg‘aysiz, inshaolloh. Agar Tangri inoyati bila Balx va Hisor viloyati muyassar va musaxxar bo‘lsa, Hisorda sening kishing bo‘lsun, Balxga Komronning kishisi bo‘lsun. Agar Tangri inoyati bila Samarqand ham musaxxar bo‘lsa, Samarqandta sen o‘lturgil, Hisor viloyatini, inshaolloh, xolisa qilgumdur”. Biroq, Boburning bu umidlari ham ro‘yobga chiqmadi, u ona Vataniga qaytib kela olmadi[5].

Muhtaram Prezidentimiz ta’biri bilan aytganda, ulug‘ ajdodimiz Zahiriddin Muhammad Bobur o‘n ikki yoshdan boshlab Temuriylar davlatini saqlab qolish uchun o‘zini o‘tga ham, cho‘qqa ham urdi, hech qanday dushmandan ham, sinovdan ham qo‘rqmadi. Qirq olti yillik umri

davomida bir zum ham halovat bilmasdan o‘tdi. O‘z avlodlariga Vataniga bo‘lgan buyuk muhabbati, ezgu fazilatlarini meros qilib qoldirdi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Boburiylar davrida harbiy ishlarni takomillashtirishga katta ahamiyat berilgani uchun bu qo‘shin qudratli, intizomli va yengilmas lashkarga aylangan. Ayniqsa, qo‘shinni boshqarishda harbiy mansabdorlik tizimi juda qo‘l kelgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh. Milliy armiyamiz – tinch, osuda va farovon hayotimizning mustahkam kafolati / Qurolli kuchlar tashkil topganligining 25 yilligida so‘zlangan nutq // Xalq so‘zi. 2017, 14 yanvar.

2. Pugachenkova G.A. K Istorii kostyuma Sredney Azii i Irana XV-pervoy polovini XVI vv. po dannim miniatyur. // Trudi Sredneaziatskogo gosudarstvennogo universiteta im. V.I.Lenina. T.:izdatelstvo SAGU, 1956. – S. 85-119. 104. Mukminova R.G. K istorii agrarnix otnosheniy v Uzbekistane XVI v. Po materialam "Vakf-name". –T:Izdatelstvo AN UzSSR, 1966. – S. 354; Mukminova R.G. Ocherki po istorii remesla v Samarkande i Buxare XVI v. (Monografiya). – T.: Izdatelstvo AN, 1976. – S. 234..

3. Mukimov Z.Shayboniylar davlati va huquqi.Samarqand.2005. B-65.

4. Ziyayev A.Perepiska praviteley Sheybanidov i ashtarxanidov s Iranom i Indiyey//Issledovaniya po istorii, istorii nauki i kulturi narodov Sredney Azii. Tashkent , 1993,s 99-109.

5. Hasanov S. Zahiriddin Muhammad Bobur. “O‘zbekiston” NMIU, 2011 47-bet.

О ПЕРЕВОДЧЕСКОЙ ОШИБКЕ В ИЗОБРАЖЕНИИ ПОМИНАЛЬНЫХ ОБРЯДОВ В «БАБУРНАМЕ»

Ёрқиной Алтмишева.
Андижанский государственный университет.

Аннотация: *В статье проанализирована переводческая ошибка, допущенная в переводе «Бабурнаме» на семантическом уровне в описании поминального обряда.*

***Ключевые слова**: переводческая ошибка, «Бабурнаме», оплакивание, обряд.*

***Аннотация**: Мақолада «Бобурнома» таржимасида йўл қўйилган семантик хатолик ҳакида суз юритилган.*

***Калит сўзлар**: таржима хатоси, «Бобурнома», аза йиғиси, маросим.*

***Annotation**: The article analyzes the translation error made in the translation of "Baburname" at the semantic level in the description of the memorial rite.*

***Keywords:** translation error, "Baburname", mourning, ritual.*

В процессе формирования похоронно-поминальных традиций народа основную роль играет его религиозное мировоззрение. В ХШ - XIV вв. орды кочевников, населявших Дешт-и-Кипчак, относившиеся к разным племенам, становятся частью огромной поликонфессиональной, полилингвистической и многоукладной общности империи. В результате монгольских завоеваний между кочевым миром и оседлыми цивилизациями сложились совместные связи, которые привели к заимствованию и распространению крупнейших религиозных систем.

Наряду с культом поклонения Тенгри, у тюрков были широко распространены семейно-родовые культы почитания умерших предков, прародителей и сородичей. Они же, в свою очередь, составляли один из важнейших компонентов языческих верований многих кочевых народов. В основе этих воззрений лежала вера в то, что духи умерших предков остаются самыми могущественными членами рода, от которых зависит его благосостояние и дальнейшее существование.

Наряду с язычеством в ХШ - начале XIV вв. на территории Золотой Орды начинается активное распространение исламской религиозной системы. Которая и стала доминирующей уже в первой половине XIV века. Замена языческой религиозной системы на монотеистическую не могла не отразиться на похоронно-поминальных традициях тюрко-монгольских племен.

Однако, несмотря на широкую исламизацию народов Мавераннахра, на первоначальном этапе нормы мусульманского погребального обряда не смогли заменить многовековые похоронно-поминальные традиции тюрков [].

Общеизвестно, что число 40 имеет важное значение как в повериях многих народов мира, так и - тюркских. По этим повериям после 40 дней душа человека полностью покидает тело. В Тюркских эпосах число 40 имеет важное место. Основываясь на эти поверия, тюрки-мусульмане совершают большую церемонию «сорокового дня» после смерти покойного. Приглашаются близкие и дальние родственники, а также друзья и знакомые. Полностью читается Коран и саваб от чтения посвящается умершему, чтобы тот достиг довольства Аллаха в мире ином. **Здесь важно отметить, что, несмотря на то, что в истории тюрки имели разные религии, церемонии, которые имеют основу разных верований и традиций, обладают логикой воззрения народной философии, то есть каждая церемония имеет логическое значение.** При изучении обряда «сороковин» в «Бабурнаме» мы столкнулись на переводческую ошибку в передаче смысла контекста из-за невнимательности переводчика.

Причиной отклонений от текста оригинала при его переводе чаще всего является буквальное подражание оригиналу, механический перенос в текст перевода таких особенностей исходного текста, которые при переводе не подлежат передаче.

«Переводческая ошибка» обычно определяется как грубая неточность, отклонение от нормативного, стандартного, правильного, отступление от правил, нарушение требований. Основной задачей перевода является адекватная передача смысла оригинала на другом языке. Допущенная неточность и является ошибкой или отклонением от исходного текста. Следовательно, к переводческой ошибке относится, в первую очередь, неадекватная передача содержания оригинала. Для обнаружения переводческих ошибок следует сравнить текст перевода с текстом оригинала.

Переводческие ошибки на семантическом уровне происходят в результате неверных трансформаций. Они основываются на ошибочном представлении переводчика о соответствии знаков исходного языка понятиям, т. е. знакам приписываются совсем не те понятия, которые они заключают в себе на самом деле.

Обратимся к анализу фрагмента из текста Бабура «Бабурнаме» и рассмотрим, когда он услышал печальную новость: Во время обряда оплакивания мне сообщили [о смерти] Младшего хана, моего дяди Алача хана, и моей бабки Исан Даулат биким [1, 157а]. Здесь,

сообщили — глагол в форме прошедшего времени мн.ч., который употребляется для обозначения действия 1-, 2-, 3-его лица во мн.ч. Смысл его в том, что фактически дядя Алачахан скончался в 1504 г., а бабушка Исандавлат бегим скончалась в 1505 г., т.е. до кончины матери Бабура.

Сравним:

В переводе, выполненном Порсо Шамсиевым, этот эпизод выглядит так: Бу азода кичик хон додам Олачахонни ва улуғ онам Эсон Давлатбегимни **менга** эшиттурдилар [2,157а] (выделено нами –А.Ё.).

В переводе «Бабурнаме» на узбекский язык, выполненным В.Рахмоновым читаем: Бу ҳақда кичик хон додам Олачахон ва катта онам Эсон Давлатбегимга ҳам хабар қилдик[3,157а].

В первом случае «**менга** эшиттурдилар» каким-то образом приобретает совсем другое значение: «хабар қилдик». Глагол прошедшего времени мн.ч. со значением 3 лица, превратившись в глагольную форму 1 лица, создаёт впечатление обратного действия. У не сведущего историей семьи Бабура читателя возникнет обратное представление.

С целью проверки переводческой ошибки, мы обратились ещё к двум переводам известного сочинения. В английском переводе, выполненном С.А.Беверидж это звучит так: «While we were mourning for her, people let me know about (the death of) my younger Khan _dada_ Alacha Khan, and my grandmother Aisan-daulat Begim. (букв: Пока мы оплакивали ее, люди сообщили **мне** о (смерти) моего младшего хана _дада_ Алачуа Хана и моей бабушки Айсан-даулат Бегум)» [4, 157а].

Анализируя оригинал и переводы на русском, английском и современном узбеком языках, можно сделать вывод, что во время кончины своей матери Бабур узнал и о смерти своего дяди Алачахана и бабушки Эсандавлат бегим. Искаженный смысл фразы на современном узбекском языке привело читателя, несведущего историей родственников Бабура, могут подумать, что дядя и бабушка правителя еще были живы в 1505 г.

Бабур утверждает, что «В этой летописи ….каждое написанное мной слово было правдой и всякое дело излагалось так, как оно происходило» [1, 201а], и не допустимо из-за малейшей ошибки смысл исторической правды в сочинении был передан ошибочно.

Ошибки в раскрытии смысла фрагмента оригинала заключаются не только в отдельных словах или словосочетаниях. Эти ошибки часто происходят от недостаточно внимательного отношения к синтаксической организации высказывания.

Обилие, точность и полнота информации, правдивость изложения исторических событий, хронологическая последовательность, простота и народность языка еще больше усиливают достоинства и преимущество «Бабурнаме» как исторического источника. В этом отношении произведение превосходит книги многих восточных историков.

В завершение отметим, что изредка встречающиеся неоправданные переложения смысла контента не умаляют достоинств, художественной ценности работы большого мастера перевода в целом.

Использованная литература:

1. Бабурнаме. Записки Бабура.Ташкент, 1958, 528с.
2. Бобур, Захириддин Мухаммад. «Бобурнома», Т., «Юлдузча», 1990 й.
3. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. «Ўкитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент – 2008.
4. MEMOIRS OF BABUR. Zahiru'd-din Muhammad Babur Padshah _Ghazi

By Annette Susannah Beveridge, First Printed , 1922.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ҲАРБИЙ САРКАРДАРЛИК ФАОЛИЯТИ

Санжар Ўроқов,
Чирчиқ Олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти,
Тактика кафедраси бошлиғи ўринбосари,
подполковник.

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада Бобурнинг ҳаёти давомида босиб ўтган қийинчиликлари, Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсадлари Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни сақлаш,

мустаҳкамлаш ҳамда, Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат ҳарбий саркардалик фаолияти ёритиб берилган.

Таянч сўзлар. Мовароуннаҳр, ҳукмдор, амалдор, Амир Темур салтанати, муваффақият, Навкар, Хўжанд, мухолиф, Андижон, жангсиз, ишғол қилиш.

АННОТАЦИЯ: В данной статье автор излагает трудную как военного полководца жизнь Бабура, его политические цели по восстановлению города Самарканда, столицы государства Темуридов Мавераннахр как стратегически и географически важного города.

Ключевые слова: Мавераннахр, властитель, должностное лицо, провительство Амира Темура, успех, воин, Ходжент, противник, Андижан, без боя, занимать.

ABSTRACT: In this article it is the difficulties that Babur had during his lifetime, his primary political aims, conquering Samarqand which was the capital of Amir Temurs state and was strategic and geographical essential place and controlling and satisfying the centralized overdue state in Movarounnahr, besides military action for rebuilding Amir Temurs state.

KEY WORDS: Is presenting the article, Movarounnahr, ruler, functionary reign, achievement, body-guard, Khojand, enemy, Andijan, without battle, conquer.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ЖАНГ САНЪАТИ



Мовароуннаҳр 15-аср охирида ўзаро низолашаётган темурий шаҳзодалар ёки мулкдор зодагонлар бошчилик қилиб турган, деярли мустақил бўлиб олган кўпдан-кўп вилоятларга парчаланиб кетган эди. Мовароуннаҳр тахти учун кураш авжга чиққан, турли сиёсий фитналар уюштирилмоқда эди. Бунинг устига Умаршайх Мирзога тобе бир неча бек ва ҳокимлар ёш ҳукмдорга (Бобурга) бўйсунишдан бош тортдилар. Уларнинг айримлари Бобурнинг

укаларини ёқласа, баъзилари мустақиллик даъвосини қилади, яна бошқа бирлари Бобурга рақиб, бошқалари амаки, тоғаларига қўшилиб, уни жисмонан йўқотиш пайига тушади. Ўз амакиси ва тоғаси бўлмиш Султон Аҳмад Мирзо билан Султон Маҳмудхон ҳуружларини даф қилган Бобур ҳукмронлигининг дастлабки 2-3 йилида мавқеини мустаҳкамлаш, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатни яхшилаш, қўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чора-тадбирларни амалга ошириб борди.



Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди. Бу пайтда, қисқа муддат ичида Самарқанд тахтига учинчи ҳукмдор келган эди. Султон Аҳмад Мирзо вафоти (1494 йил июль) дан кейин тахтга ўтирган Султон Маҳмуд Мирзо Самарқандда давлатни 5-6 ойдан ортиқ идора этмади. Қисқа муддатли касалликдан сўнг 43 ёшида вафот этди. Унинг ўрнига Бухорода ҳоким бўлган ўғли Бойсунғур ўтиради. 1495-96 йилларда Бобур Самарқандга икки марта муваффақиятсиз юриш қилади. 1497 йил кузида у Самарқанд атрофидаги бир қанча жойларни ва 7 ойлик қамалдан сўнг Самарқандни эгаллайди, Бойсунғур эса Қундузга қочади. Шаҳар қамал туфайли ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди. Ҳатто егуликка дон ҳам топиш мушкул эди. Бобур қўшинни таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келди. Навкарларидан айримлари Андижон ва Ахси томон қочиб кетдилар. Бунинг устига Андижонда қолган айрим беклар Бобурдан юз ўгириб, унинг укаси Жаҳонгир Мирзо тарафига ўтадилар. Андижондан кўнгли нотинч бўлган ва иқтисодий қийинчиликларга учраган, айни замонда оғир хасталикни бошидан кечирган Бобур

Самарқандни юз кун идора этгандан сўнг, уни тарк этишга қарор қилади. Аммо Хўжандга етганда Андижон ҳам қўлдан кетиб, мухолифлар ихтиёрига ўтганини эшитади. Бобурнинг Тошкент ҳокими, тоғаси Маҳмудхон кўмагида Андижонни қайта эгаллашга уриниши натижа бермайди. Бу муваффақиятсизлик Бобур қўшинига салбий таъсир этиб, кўпчилик бек, навкарлар (700-800 киши) Бобурни тарк этади. Ўзига содиқ кишилар (200-300) билан қолган Бобур маълум муддат Хўжандда тургач, Тошкентга - Маҳмудхон ҳузурига келиб, Андижонни қайтариб олиш режасини туза бошлайди. Маълум муддат ўтгач, Бобур Хўжандга қайтади, кўп ўтмай, Марғилонни қўлга киритади ҳамда Андижонни эгаллаш тадбирларини кўради. Ниҳоят, 2 йилдан сўнг (1498 йил июнь) уни қайта қўлга киритади. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан сулҳ тузиб, унинг ихтиёрида «Хўжанд сувининг Ахси тарафи вилоятларини» қолдиради, Андижон тарафи вилоятларини ўз тасарруфига олади.

Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннаҳрни истило қилишга киришади. У 1499 йил Жиззах ва Самарқанд орқали Қарши ва Шаҳрисабзгача босиб боради, катта ўлжа билан Дашти Қипчоққа қайтади. Орадан кўп ўтмай, катта куч билан Мовароуннаҳрга қайтган Шайбонийхон Бухоро ва Қоракўлни эгаллайди (1499), Султон Али Мирзо калтабинлик билан Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширади. Бироқ шаҳар аҳолиси ва зодагонларининг маълум қисми темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳокими Бобурга мактуб йўллаб, Самарқандни ишғол қилишга даъват этганлар. Бобур 1500 йил кеч кузида ўз қўшини 240 киши билан Самарқандга етиб келгач, аҳоли унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 600 нафар аскари қириб ташланади. Шайбонийхон Бухорога чекинади. Қисқа вақт ичида Самарқанднинг барча туманлари, Қарши ва Ғузор шаҳарларида Бобур ҳокимлиги эътироф этилади. Аммо шаҳарда озиқ-овқат захиралари тугаб, очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч тўплаб, яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 йил апрелда Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари енгилади. Бобур Самарқандга чекинади. Шаҳар яна

қамал қилиниб, у тўрт ой давом этади. Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очликдан тинкаси қурийди, Бобур 1501 йилнинг 2-ярмида ноиложликдан Самарқандни тарк этиб, Тошкентга, Маҳмудхон ҳузурига йўл олади.



Бобур Темурийлар салтанатини ҳимоя қилиш ва уни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб, Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида муттасил кураш олиб борса-да, аммо мамлакатда ҳукм сурган оғир иқтисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида мақсадига эриша олмайди. 1503 йил Тошкент хони Маҳмудхон, Бобур ва қалмоқларнинг бирлашган қўшини Шайбонийхон томонидан Сирдарё бўйида тор-мор қилинади. Бобур Самарқанд тахти учун курашаётган пайтда Андижонни Султон Аҳмад Танбал эгаллаб олади. 1501-04 йилларда Бобур Фарғона мулкини қайтариб олиш учун Султон Аҳмад Танбал, Жаҳонгир мирзоларга қарши олиб борган кураши муваффақиятсизлик билан тугайди. Темурийларнинг тўхтовсиз жанглари ва оғир солиқларидан толиққан халқ Бобурни қўлламади ва у Мовароуннаҳрни тарк этишга (1504 йил июнь) мажбур бўлади.



Бобур 200-300 навкари билан Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб, Ғазни ва Кобулни эгаллайди. Бобур Кобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал киришади, қўшинни тартибга келтиради, қаттиқ ички интизом ўрнатади. Кобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш, ободонлаштириш, касбу ҳунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборади. «Боғи Шаҳроро», «Боғи Жаҳоноро», «Ўртабоғ», «Боғи вафо» ва «Боғи Бобур» каби оромгохлар ташкил этди. Шаҳар ичидаги Боло Ҳисор қалъасини

ўз қароргоҳига айлантириб, уни қайта таъмирлайди, янги иморатлар қурдиради ва оиласи билан шу қалъада яшайди. Унинг Ҳумоюн, Гулбаданбегим, Комрон ва Ҳиндол исмли фарзандлари шу ерда туғилади. 1506 йил баҳорда вафот этган Қутлуғ Нигорхоним Мирзо Улуғбек шу ерда бунёд эттирган «Боғи Наврўзий»га дафн этилади. Бобур Афғонистонда бир фотиҳ сифатида эмас, балки шу юрт, эл ободонлиги ва равнақи учун жон куйдирган тадбирли ҳукмрон сифатида қизғин фаолият кўрсатади, унинг манфаатлари йўлида одилона ва оқилона иш тутади. Афғонистондаги амалий фаолиятига кўра, Бобур бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда қудратли давлат бошлиғи ва музаффар саркарда сифатида катга обрў орттира борди, минтақадаги сиёсий ҳаёт эътиборли ўрингa кўтарилди. Шайбонийларнинг тобора кучайиб бораётган юришига қарши биргаликда чора кўриш масаласида Султон Ҳусайн Бойқаро барча темурий ҳукмдорлар қаторида Бобурни ҳам маслаҳат йиғинига махсус таклиф этиши ана шундай юксак нуфузни кўрсатувчи далилдир. Бобур шу таклиф бўйича Ҳиротга отланади. Ҳусайн Бойқаронинг тўсатдан вафот этишига (1506) қарамай, у Ҳиротга боради ва темурий ҳукмдорлар билан учрашиб музокаралар ўтказади. Темурий ҳукмдорларнинг бирлашиб Шайбонийхон қўшинларига тўсиқ қўйиш режалари амалга ошмайди ва тез орада бирин-кетин мағлубиятга учраб, салтанатни батамом қўлдан чиқарадилар. 1507 йил бошларида Бобур Ҳиндистонга юриш бошлайди. Аммо, бу уриниши муваффақиятсиз тугаб, яна пойтахт Кобулга қайтади.Бобур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий вазият ва уруш ҳаракатларини кузатиб боради, ўз қўшинларини доимо шай тутади. Шайбонийхон Хуросоннинг йирик марказларини қўлга киритгач, Эронни забт этиш учун юриш бошлайди. Аммо, Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан қаттиқ тўқнашувда 1510 йилда енгилади, ўзи ҳам Марвда ҳалок бўлади. Шоҳ Исмоил Хуросон ва Мовароуннаҳрга қўшин киритиб шайбонийларга кетма-кет шикаст етказа бошлайди. Бобур шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, 1511 йил баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрь бошида эса Самарқандни яна қўлга киритади. Бобурнинг шиа мазҳабидаги эронийлар раъйи билан иш тутиши аҳолида норозилик туғдиради. 1512 йил 28 апрелда Кўли малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ

шайбонийлардан енгилган Бобур Ҳисор томон кетади. 1512 йил кузида Бобур шоҳ Исмоил юборган Нажми Соний лақабли лашкарбоши билан Балхда учрашиб, Амударёдан кечиб ўтиб, аввал Ҳузар (Ғузор) қалъасини олади, сўнг Қаршига юриш қилади, шаҳар узоқ муддатли қамалдан сўнг таслим бўлади, шаҳар ҳимоячилари қаттиқ жазоланади. 1512 йил 24 ноябрда Ғиждувон жангида Бобур шайбонийлардан яна енгилиб, Кобулга қайтишга мажбур бўлади. Бобур Мовароуннаҳрни эгаллаш илинжидан узил-кесил умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади. 1519 йил баҳорига келиб Бобур Ҳиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги 5-6 йил давомида бир неча юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йил апрелда Панипатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилик қўшинини 12 минглик аскари билан тор-мор қилади ҳамда Деҳлини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи йирик ҳинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шимолий Ҳиндистоннинг кўп қисмини ўзига бўйсундиради. Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободончилик ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа Бобур Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм сурган қудратли бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур Ҳиндистонда ҳам, худди Афғонистонда бўлганидек, кўплаб ижтимоий-хайрли ишларни амалга оширади, мамлакат тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Тарқоқлик ва парокандаликка, ўзаро ички низо, қирғинларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштиради, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илму ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Қурилиш ишларига бошчилик қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тарихий манбалар

1. Абулғозий. Шажарайи турк. - Тошкент: Чўлпон, 1992.

2. Бобурнома. Мерос тўплами. - Тошкент: Камалак, Б. 5-20.

3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: Мерос, 1993.

4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс-тожик тилидан таржима. Кириш сўз. Изоҳ. А. Ўринбоевники. - Тошкент: Фан, 1969.

5. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Б.Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида. - Тошкент: Чўлпон, 1994.
6. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. - Тошкент: Ўзбекистон. 1996.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR – BUYUK DAVLAT ARBOBI VA SARKARDA

Iqbolxon Jo`rayeva,
Namangan viloyat XTXQTMOHM o`qituvchisi,
Nilufar Saydullayeva,
Namangan viloyat, Uchqo`rg`on tuman 12-maktab o`qituvchisi.

O’zligimizni anglash uchun millatning g’urur va iftixor ramziga aylangan asl qadriyatlaridan biri Zahiriddin Muhammad Bobur shaxsini va bu buyuk zot qoldirgan ma’naviy qadriyatlarni o’rganishimiz, qadriga yetishimiz, kelgusi yosh avlodga o’z navbatida yetkazib berish bizning asosiy vazifamiz sanaladi.

Buyuk Amir Temurning beshinchi avlodi Zahiriddin Muhammad Bobur 1483-yilda Andijonda tug’ilgan.

U ko’plab iste’dodlarga ega bo’lgan inson edi: Hindiston va Afg’onistonni zabt etgan buyuk sarkarda va davlat arbobi, lirik asarini sharq she’riyatining yorqin asarlari bilan taqqoslash mumkin bo’lgan buyuk shoir, buyuk yozuvchi, geograf va tarixchi, biolog. Uning qalbida ajdodlari va zamondoshlarining ijodi alohida o’rin egallagan.

Javaharlal Neru, Mahatma Gandi kabi hind davlat arboblari va olimlari Bobur (1483-1530) hamda Boburiylar nafaqat Hindiston uchun, balki taraqqiy etgan dunyo tarixida ham katta ahamiyatga ega ekanligini e’tirof etdilar.

Bobur hamisha el-yurt, xalq uchun mas’uliyatni his etib kelgan. U o’z oldiga Temuriylar davlatini barpo etish, Samarqand atrofida markazlashgan imperiya tuzish, shu tariqa Sohibqironning orzusini ro’yobga chiqarish vazifasini qo’ydi. Ammo uning istaklari amalga oshmadi. Taqdir irodasi bilan Kobulda taxtga chiqdi, Hindistonda buyuk Boburiylar imperiyasiga asos soldi.

Temuriylar sulolasining buyuk vakillari hisoblanmish boburiylar tarixi hind xalqlari tarixida o’zining munosib o’rniga ega. G‘arbdagi boburshunos olimlardan biri ingliz olimi Valdemar Xansen o’zining 1986 yilda Dehlida chop etilgan “Tovus toj yoki mo’g’ullar saltanati qismati” kitobida boburiylar sulolasining Hindistondagi 332 yillik faoliyatiga yuksak baho beradi: “Hindiston va uning 8 ming yillik tarixi bamisoli bir tovus bo’lsa, o’sha ko’p ming yillik tarixdagi boburiylar sulolasining 332 yillik hukmronlik davri ana shu tovusning gultojisidir.

Hindistonda davlatchilik siyosatini mustahkamlash, mayda-mayda feodal, rojaliklarga bo‘linib ketgan yurtni yaxlit davlatga aylantirish, o‘lka viloyatlarini markaziy saltanatga birlashtirish kabi maqsadlarda Bobur Mirzo Hind zamini sari harbiy yurishlarini amalga oshirdi.

1525-yilda Bobur Rano Sango bilan ittifoq tuzib, Shimoliy Hindistonni egallash maqsadida Ibrohim Lo’diyga qarshi jangga kirdi.1525-yil kech kuzda Bobur Panjobni bo‘ysundirdi, 1526-yilda Panipat qishlog‘i yaqinidagi birinchi jangda Boburshoh qo‘shini Dehli sultoni Ibrohim Lo‘diyning ukasi Mahmud Lo‘diy qo‘shini ustidan g‘alaba qozonib, Bengal shohi Nusratshoh bilan do‘stona aloqalarni o‘rnatdi. 1526-yil apreldagi Panipat jangida Bobur asosiy raqibi, Dehli sultoni Ibrohim Lo‘diyning 100 ming kishilik qo‘shinini o’zining 12 minglik askari bilan tor-mor qiladi hamda Dehlini egallaydi. 1527-yil martda Bobur Sikri yaqinidagi jangda rajputlar sardori Rano Sango qo‘shinini tor-mor etib, butun Shimoliy Hindistonni bo‘ysundurdi.

Zahiriddin Bobur Hindistonda Boburiylar imeriyasiga asos solish bilan birga, pochta-aloqa sohasiga ham jiddiy o‘zgartirishlar kiritdi, vaqt birligiga yangilik joriy etdi, arxitekturada Movarounnahr me’morlik uslublarini qo‘lladi, milliy artilleriya, harbiy-dengiz flotiga asos soldi.

Buyuk Boburiylar imperiyasi davri nafaqat tarixiy ahamiyatga ega, balki Hindistonni ulkan me’moriy yodgorliklar, noyob adabiy-tadqiqot ishlari bilan boyitdi. Hindistonning Buyuk Boburiylar sulolasiga qarashli me’moriy obyektlari – Fotihpur-Sikridagi Shoh saroy majmuasi, Agra, Dehli va Lahor qirg’oqlari saroylari va bog’lari kabilardir. Boburiylar tomonidan yaratilgan bog’larning eng ko’zga ko’ringan namunalari – Kashmirdagi Shalimar (1620) va Lahor bog’lari (1642), Anantag yaqinidagi Achabal bog’i, Chashma Shahi Bagh (1632), Kashmirdagi

Nishat Bagh bog'i (1633), Lahor, Dehli, Agra qirlari ichidagi ko'plab bog'lar; Kobuldagi maqbara va o'nlab bog'lar.

Bobur doimo bog'dorchilik faoliyatiga alohida mehr berdi va Hindiston hamda Pokistonda hanuzgacha Samarqand nomi bilan mashhur bo'lgan uzumning yangi navlarini o'stirdi. Hozirgacha uning ko'plab bog'lari "Boburi Anguri Xudo" – "Bobur uzum bog'lari" deb nomlanadi.

Zahiriddin Muhammad Boburning Hindistonni qo'lga kiritishi tufayli Hindistonda buyuk o'zgarishlar sodir bo'ldi, san'atda, me'morchilik va madaniyatning qator sohalarida ulkan o'zgarishlar yuz berdi. Boburning tarixchi, geograf, etnograf, nasriy yozuvchi va shoir sifatidagi layoqati hozirgi kunda jahon sharqshunoslari tomonidan keng e'tirof etilmoqda. Tarixchi, iste'dodli so'z san'atkori, davlat arbobi va sarkarda Bobur vafotidan to'rt asrdan ko'proq vaqt o'tdi, ammo uning nomi boqiydir.

Hindiston boburiylardan bo'lgan Humoyun, Akbarshoh, Jahongirshoh, Shohjahon davrlarida, ayniqsa gullab-yashnadi, hududlari kengaydi. Xususan, Akbarshoh va uning nabirasi Shohjahon hind xalqining qalbidan chuqur joy oldilar.

Bobur shohning yuragi ba'zan Vatanni – Andijonni qo'msab tursa ham, vaqti soati kelib boqiy dunyoga ketgunicha hayotining qolgan qismini Hindistonda bunyodkorlik, davlat va ma'muriy ishlarni odilona hal qilish bilan o'tkazdi. Boburiylar butun dunyoga mashhur bo'lgan tarixiy obidalarni bunyod etdilarki, ular hozirda ham dunyoni lol qoldirib kelmoqda.

Bobur Hindistonda katta hajmdagi adolatli davlat ishlari bilan bir qatorda, adabiy-badiiy faoliyatini ham davom ettirdi va yuqorida zikr etilgan asarlarini yaratdi. Boburning butun jahon ommasiga mashhur bo'lgan shoh asari "Boburnoma" hisoblanadi. Ma'lumki, unda Bobur yashagan davr oralig'ida Movarounnahr, Xuroson, Eron va Hindiston xalqlari tarixi yaxshi yoritilgan. Asar asosan uch qismdan iborat bo'lib, uning birinchi qismi — XV asrning ikkinchi yarmida Markaziy Osiyoda ro'y bergan voqealarni; ikkinchi qismi — XV asrning oxiri va XVI asrning birinchi yarmida Kobul ulusi, ya'ni Afg'onistonda ro'y bergan voqealarni; uchinchi qismi — XVI asrning birinchi choragidagi Shimoliy Hindiston xalqlari tarixiga bag'ishlangan. "Boburnoma"da o'sha davrning siyosiy voqealari mukammal bayon qilinar ekan, o'z yurti

Farg’ona viloyatining siyosiy-iqtisodiy ahvoli, uning poytaxti Andijon shahri, Markaziy Osiyoning yirik shaharlari: Samarqand, Buxoro, Qarshi, Shahrisabz, O’sh, Urganch, O’ratepa, Termiz va boshqa shaharlar haqida nihoyatda nodir ma’lumotlar keltirilgan. Unda Kobul ulusining yirik shaharlari Kobul, G’azna va ular ixtiyoridagi ko’pdan-ko’p tumanlar, viloyatlar, Shimoliy Hindiston haqida ma’lumotlarni uchratish mumkin. “Boburnoma”ni varaqlarkanmiz, ko’z oldimizdan Markaziy Osiyo, Afg’oniston va Hindiston xalqlariga xos bo’lgan fazilat va nuqsonlar, ularning tafakkur olamini kengligi va murakkabligi bilan birga, o’sha davrdagi hayot muammolari, Bobur davlatidagi siyosiy va ijtimoiy hayotning to’liq manzarasi namoyon bo’ladi.

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, Bobur va boburiylar xalqimizning buyuk farzandlaridir. Ular o’zlarining serqirra faoliyati va ijod durdonalari bilan jahon madaniyati tarixiga munosib hissa qo’shdilar . Zahiriddin Muhammad Bobur o’zining oz sonli qo’shini bilan Dehli sultoni Ibrohim Lo’diyning ko’p sonli qo’shinini ‘’Panipat jangi’’da yengganligi uchun mohir sarkarda sifatida Ginnesning rekordlar kitobiga kiritiladi.

БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲИНДИСТОННИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Баҳромжон Абдуллаев,
Андижон давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси.

Марказий Осиё халқлари ўзларининг минг йилликлар мобайнида шаклланган оламшумул сиёсати, маънавий баркамол давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги ва сиёсати тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Улуғ боболаримиз - Хоразмшоҳларнинг адолат ва инсонпарварликка таянган салтанатлари, Соҳибқирон Амир Темурнинг туркий улусни бирлаштириб марказлашган давлат тузиши, миллат ифтихори учун курашиш ва буюк темурийлар салтанатига асос солиши, Мирзо

Улугбекнинг фан ва маданият равнақига, Ҳусайн Бойқаронинг адабиёт ва санъат, илм ҳамда ҳунар аҳлига раҳнамолиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, инсонпарвар ҳинд давлатини вужудга келтириш йўлидаги тажрибалари ва ютуқлари жаҳон сиёсатдонлари томонидан юқори баҳоланган. Буларнинг давлат бошқарувидаги тажрибалари бугунги кунда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда [4.60-61].

Миллат номини улуғлаган алломалар хақида гап борганда, Мовароуннаҳр тарихида чуқур из қолдирган, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихида эса асрларга татигулик улкан бурилиш ясаган давлат арбоби, буюк саркарда, серқирра олим ва тенгсиз нозиктаъб шоир - Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида хорижий тилларда бир неча ўнлаб хилма-хил катта-кичик асарлар яратилган. XVIII асрнинг III чорагида инглизлар Ҳиндистонни босиб олгандан кейин улар жуда кўплаб қимматбаҳо осори атиқалар билан бир қаторда ноёб китоблар ва қўлёзмаларни ҳам ўз юртларига олиб кетганлар. Уларнинг кўплари ҳозирда Британия ва Ҳиндистоннинг миллий музейларида сақланмоқда. Ана шу манбалар асосида инглиз ва ҳинд тарихчи, адабиётчи ва иқтисодчи-файласуфлари Бобур ва бобурийлар ҳақида ҳам самарали изланишлар олиб бордилар ва жуда кўплаб илмий-тарихий асарлар яратдилар[5.3].

Бобурийлар жаҳон сиёсатида ўчмас из қолдирибгина қолмай, улар олиб борган сиёсат, иқтисод, ўз даврида Бобурий шаҳзодалар Ҳиндистонда буюк давлат барпо қилиш билан бир қаторда, ушбу юртда ободончилик ишларини олиб боришган ва мамлакатда илм-маърифатнинг юксалишига катта ҳисса қўшишган. Шунингдек, Бобур ва унинг авлодлари томонидан Тож Маҳал, Шоҳ Акбар мақбараси, Агра ва Деҳлидаги Қизил қалъалар каби маҳобатли меъморий обидалар барпо этилганки, улар ҳозирда ҳам нафақат ҳиндистонликларнинг, балки бутун дунёдан ташриф буюрадиган сайёҳларнинг севимли зиёрат масканлари ҳисобланади. [2.118]

Тарихдан маълумки, Бобурийлар сиёсати дунёнинг қатор олимлари ва тарихчилари томонидан узоқ вақтлар давомида ўрганиб келинган.

Бобурийлар Ҳиндистонда ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаб олганларидан сўнг, ташқи дунё ҳукмронлари уларни Темурийлар хонадони давомчилари сифатида тан олишни лозим топдилар.

Бобур ҳинд юриши арафасида маҳаллий ҳиндпараст аҳолининг руҳияти ва кайфиятини ўрганган америкалик муарриҳ Персивал Спейир, жуда муҳтасар равишда жамиятда ҳукм сурган сиёсий аҳвол ҳақида баён этган. Уни таъкидлашича, “Индуизмда интеллектуал ва социал фаоллик мавжуд бўлишига қарамай, у ҳар икки жиҳатдан ҳам ўзига нисбатан ғоялари, куч-қудрати ва тажрибасига эга исломга мослашганлиги учун, ҳиндлар ўша кезлари бирор бир катта ҳаракатлар олиб боришга тайёр эмас эди” [3.101].

Шу ерда яна бир тарихчи Ибн Баттутанинг эсдаликларида қайд этилган ибораларга назар ташлайдиган бўлсак, “Барқарорликда яшаш учун ҳиндларни зўрлаб исломга ўтказиш кутилган натижаларни бермаганлиги ва шундан сўнг талай маҳаллий ҳукмдорлар уларга бағри кенглик билан муносабатда бўлганлигини таъкидлаб ўтган” [3.101]

Бобур Ҳиндистонда ўз мавқеини тиклаш борасида катта тўсиқларга тўғри келганини кўришимиз мумкин. Аммо уни олиб борган сиёсати, маҳаллий аҳолидан давлат ишларида жалб этилишга тушганликлари, Бобур ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган.

Бобур ўз ички ва ташқи сиёсатини белгилашда ҳар томонлама муносабатларни инобатга олган ҳолда олиб борди. У давлатни мустаҳкамлаб олгунга қадар қўшни давлатлар билан ўзаро сиёсий дипломатик муносабатларни ривожлантириши уни ташқи сиёсатни тўғри белгилагани, давлат ички сиёсатига монанд равишда олиб боргани ғарб олимлари томонидан юксак баҳоланган.

Бобур ҳақида бири иккинчисини такрорламайдиган, инкор этувчи таҳлилларга дуч келамиз. Бобурийлар ташқи сиёсатини тадқиқ этишнинг назарий асосларини С.Лен-Пул, Денисон Росс, К.А.Антонова, У.Эрскин, Х.Ламб ва С.Азимжонова каби тадқиқодчиларнинг илмий-тадқиқий хулосалари сўзсиз эътиборга сазовордир.

Бобурнинг давлат арбоби, билимдон сиёсатчиларга хос ҳусусиятлари Шимолий Ҳиндистон шароитида энг нозик ҳиндларга нисбатан диний муҳолифатда бўлишдан воз кечиш каби масалаларга нисбатан тўғри ёндашиши ҳал қилувчи рол ўйнайди [1.35].

Бобурийлар ташқи сиёсатини ўрганишда Жавоҳарлал Нерунинг манбаларига таяниб, Бобур сингари Акбаршоҳ ҳам Ҳиндистон ташқи сиёсатини пухта кўзланган стратегия асосида олиб борганини кўришимиз мумкин.

Давлат арбоби Жавоҳарлал Неру Акбаршоҳга қуйидагича таъриф берди: “Ниҳол экилгандан сўнг уни мевасини сифатига қараб баҳоланса, ягона Ҳиндистон ҳақидаги кўҳна орзуни қайта тиклаган Акбаршоҳ даври, худди ўша Бобур давлат арбоби сифатида ҳинд сарзаминига ўтказган ниҳолнинг меваси эмасмиди” [6.112].

Акбаршоҳ харбий, сиёсий, иқтисодий кучга ҳамда географик кенгликларга эга салтанат асосчиси бўлиш билан бирга, ташқи сиёсатга ўз фаолияти давомида ўзига яқин қўшни давлатлар билан сиёсий муносабатларида мактубот омилига ҳам катта сиёсий-дипломатик аҳамият берган. Ана шундай ҳужжатлар сирасидан саналган ва сақланган “Акбаршоҳ Ғозийнинг Турон мамлакати сипоҳдори Абдуллахон Ўзбекка хитобномаси”да Акбаршоҳ кучли сиёсатчи ва моҳир дипломат бўлганидан дарак баради. Шу билан бирга у ташқи сиёсатни олиб боришда мамлакат ички сиёсат барқарорлигини таъминлашга қаратилгани, ўша даврдаёқ бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслиги, диний низоларга сиёсий тус бермасдан ўз ақли ва заковати билан ҳал этиши уни кучли дипломат бўлганидан дарак беради.

Фойданилган адабиётлар:

1. Бобур ва Бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий анжуман материаллари. - Т.: ЎзРФА Фан, 2008.

2. Гадоев К., Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. -Т.: “O‘zbekiston”. 2012.

3. Низомиддинов И.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008.

4. Очилова Г. Миллий давлатчилик тафаккури. // Jamiyat va boshqaruv. 2008. № 4.

5. Уильям Эрскин. БОБУР Ҳиндистонда. -Т.: “Чўлпон”. 1995.

6. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети. Т., 2003.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА БОБУР ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Гўзалхон Мамаджанова,
Наманган давлат университети мустақил изланувчиси,
Наманган шаҳридаги 7-сонли ДИУМнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Аннотация. *Мазкур мақолада муаллиф шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётидаги айрим диққатга сазовор жиҳатлар ҳақида мулоҳаза юритади ҳамда муносабат билдиради.*

Калит сўзлар: *башарият, салоҳият, аждод, қомусий аллома, давлат арбоби,саркарда, этнография, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт .*

Аннотация. *В этой статье автор обсуждает и комментирует замечательные стороны жизни царя и поэта Захириддина Мухаммада Бабура.*

Ключевые слова: *человечество, потенциал,предок, ученый-энциклопед, государственный деятель, полководец, этнография, социально-экономическая жизнь.*

Annotation. *In this article, the author discusses and comments on the remarkable aspects of the life of the king and poet Zahiriddin Muhammad Babur.*

Keywords: *humanity, potential, ancestor, encyclopedic, scientist, statesman,commander, etnography, socio-economik life.*

Муайян халқнинг, миллатнинг ёки давлатнинг башарият тарихидаги ўрни, обрў-нуфузи, куч-қудрати ва салоҳиятини белгилашда ўша миллатдан ўша халқдан етишиб чиққан улуғ алломалар, уларнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссаси асос қилиб олинади.

Бу борада бизнинг аждодларимизнинг хизматларини ҳеч ким инкор этолмайди. Бу жиҳатдан биз ҳар қанча ғурурлансак, мақтансак арзийди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида (2019 йил,декабрь) шундай деб таъкидладилар:**”Бир ҳақиқатни унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли (1).**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бизнинг ана шундай буюк бобокалонларимиздан биридир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг мураккаб ва зиддиятли ҳаёт йўли, баракали ижоди билан нафақат бизнинг тарихимиз, балки дунё тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. У улуғ шоир ва носир, заковатли олим, қомусий аллома, улкан давлат арбоби ва йирик саркардадир. Ҳинд халқининг буюк давлат арбоби Жаваҳарлал Неру, агар Бобур бўлмаса, Ҳиндистоннинг тарихи ҳам, келажаги бўлмасди, дейди.(4).

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг серташвиш ҳаёти ва жўшқин фаолияти темурийлар даврининг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан инқирозга учраб, таназзулга юз тутаётган даврига тўғри келди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур тақдир тақозоси билан 12 ёшданоқ ҳаёт, тожу тахт ташвишлари, миллат, аждодлар шаъни ва номига муносиблик масъулияти билан яшади.

Яшади, деяпмиз, йўқ, шунчаки яшади десак, буюк бобомизга адолатсизлик қилган бўламиз.

Бобур бир инсон кўтариши мумкин бўлган машаққатларни тенгсиз бир ирода билан енгиб яшади.

Ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган подшо Бобурга-шоир Бобур мадад бўлган бўлса не тонг!? Йўқса,шунчалар тож-тахт курашлари билан мусофирликда, ҳаёт алғов-далғовлари ичра яшаган одам қўлига қалам тутармиди?!

Ёзганлари эса эрмак, шунчаки кўнгил хушлиги бўлиб чиқмади. Чунки Бобур туғма истеъдод соҳиби эди. Шоир яратган гўзал ғазаллари, самимият ила йўғрилган рубоийлари, ҳаётининг сўнгги кунларига қадар ёзишга ҳаракат қилгани – адабиётимизнинг нодир дурдонаси “Бобурнома” сабаб номи туркий адабиётда Ҳазрат Навоийдан кейинги ўринга қўйилди.

Ҳақли равишда Бобур турк адабиётининг Навоийдан кейинги энг буюк вакилидир.

Бобур шеърларининг кўпчилиги Ватан ҳақидадир. Улар ватандан жудолик азоби, у билан бирга бўла олмаслик изтиробларини ифодалайди. Шоир буларнинг ҳаммасини тақдирдан, деб билади. Алам билан Кобулни, Ҳиндистонни забт этади, бироқ бундан кўнгли таскин топмайди. Ҳеч бир юрт унинг учун "ўз ери" дек-ватанидек бўлолмайди. Аксинча "Ҳинд сори" боришни "хатолиғ", "юз қаролиғ" деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, Бобур Ҳиндистонда подшо деб тан олинган эди.

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим-хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сор юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.(2)

Бобур ғазаллари ҳам мавзуига кўра хилма – хилдир.Унда ҳаётга қайноқ меҳр акс этган жўшқин ғазаллар ҳам бор, афсус-надомат тўла шеърлар ҳам бор. Шоир гоҳ дунёнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган киши сифатида фалсафий мушоҳада юритади, одамларни ҳар қандай ҳолда яхшилик қилишга чорлайди, гоҳ тақдирнинг аёвсиз зарбаларига чидай олмай, эл-юртдан бош олиб чиқиб кетмоқчи бўлади. Хуллас, инсонга хос қувонч ҳам, ғам ҳам бу ғазалларда бор. Лекин ғам-алам кўпроқ. Бунинг сабаби шоирнинг ўз ватанидан айро тушганидир.

Ҳазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб, раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим.
Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёғингға тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.
Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.
Хазондек қон ёшим, сориғ юзимдин эл танаффурда,
Баҳар ранги, биҳамдиллоҳ, улусдин ўзни қутқардим.
Не толеъдур мангаким, ахтари бахтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардин ахтардим.
Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон, яхшидин ўткардим.(4).

Бу ғазалда Ватан соғинчи ифодаланган. Шоир куз манзарасини чизади. Бу манзара подшоҳ шоирнинг инсоний тақдиридан сўзлайди. Муаллифнинг муносабати ва шарҳлари шеърдаги соғинч

ва дардни, Ватандан айрилиш фожиасини кучайтириб боради. Куз, хазон умрнинг сўнгидан нишона. Умрим “ҳажр” (айрилиқ)ингда ўтди, дейди шоир ва “лоларух”(лола юзли)дан аҳволини кўриб, раҳм қилишини илтижо қилади. У эса парвосиз, “саркаш” (ўз ҳуснига маст), чунки у сарвдек гўзал ва безавол. Хазон офатига бегона, ҳамиша ям-яшил. Ким у “лоларух”? Сарв-чи? Нега шоирнинг лирик қаҳрамони унинг оёғига барги хазондек тушиб, мунча ёлворади? (4)

У-Ватан! Фақат Ватангина безавол, абадий яшиллик масканидир. Фақат угина муқаддасдир. Чунки авлодлар келиб кетаверадилар, у эса собитдир.

Буюк бобомизнинг орзулари амалга ошди. Унинг асарлари она Ватанига етиб келди ва улар шоирнинг юрагида армон бўлиб кетган она-Ватанга хизмат қилишдай муқаддас бурчни ўтамоқда. Бугунги кунда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобур илмий ва маънавий меросининг аҳамияти ниҳоятда катта.

Бобур мероси аллақачоноқ умуминсоният мулкига айланган. Халқимиз улуғ фарзанди номини ҳар вақт эъзозлаб келади. Бобур ўзбек халқининг миллий ифтихори ва ғурури ҳисобланади. Андижонликлар ташкил қилган Бобур номидаги илмий экспедиция 1992 йилдан буён мунтазам фаолият кўрсатиб, жуда кўп хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. 1999 йилда Бобур жамғармасининг Наманган вилоят бўлими ташкил этилди. Наманган шаҳри марказида Бобур номидаги кўркам хиёбон барпо қилиниб, унда адиб, шоҳ ва саркарда образи гавдалантирилган. Шоир таваллуд кунлари ҳар йили катта шодиёналар билан нишонланади(6).

“Энг катта бойлик-бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир“, - деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев(1).

Биз болаларимизни қашшоқ ва билимсиз бўлишларига асло йўл қўймаймиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимизнинг ҳар жиҳатдан етук, ғоят истеъдодли фарзанди эди. У ўта нотинч, саргардонликда кечган умрини зўр салоҳияти билан жозибали қила олди. Бобурнинг ҳаёти нафақат қаҳрамонликлар билан, ижодкорлик, бунёдкорлик билан ҳам тўла эди(5).

“Бобур феъли-сажиясига кўра Сезарга қараганда севишга арзигуликдир” , - деб ёзади унинг таржимонларидан бири Эдуард Холден.(4)

Мўъжизакор Ҳиндистон диёрида қад ростлаган гўзал ва бетакрор, дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланадиган афсонавий Тожмаҳал қасри ва унинг бунёд этилиши Мирзо Бобур асос солган Бобурийлар сулоласига мансуб шаҳзодалар номи билан боғлиқ.Бундай аждоди билан ҳар қандай халқ фахрланса арзийди.Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди ва ҳаёт йўли ҳозирги авлод учун катта мактаб вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга қилган Мурожаатномаси.”Наманган ҳақиқати” газетаси.№1..2019 . 1 январь.

2.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. “Юлдузча”. 1989.

3.Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент. “Ўқитувчи” . 1995.

4.Бегали Қосимов. Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2003.

5.Маънавият – қалбим қуёши. Маълумотнома.Тошкент. “Ўқитувчи”. 2008.

6.Алихон Халилбеков. Наманган адабий гулшани. ”Наманган” нашриёти.2007.

“BOBURNOMA”DA TABIAT VA ADABIYOT UYG’UNLIGI

Sohibaxon Ne’matullayeva,
Andijon shahar 33-umumta’lim maktabi
Ona tili va adabiyot fani o`qituvchisi.

Ko’hna manbalarning guvohlik berishicha, ekologik tabiatning ildizlari Markaziy Osiyo mintaqasida zardushtiylik davridan boshlangan. “Avesto” kitobi sahifalarida tabiat, tuproq, o’simlik, suvga va hayvonot olamiga qanday munosabatda bo’lish haqida so’z borganligini ko’rishimiz mumkin.[90]

[90] Ойлархон Расулова “Бобурнома” ва табиат Жахон адабиёти журнали 2005-йил 3-сон

Tabiat va uni tashkil etuvchi omillar yuzasidan shu kunga qadar ko'plab olimlar, yozuvchilar qalam surganlar va bu masalani yoritish yuzasidan mumtoz adabiyotimiz vakillari ham beqiyos iz qoldirganlar. O'zbek mumtoz adabiyoti davrini olamizmi, uyg'onish davri yoki mustaqillik davri adabiyotlarini olamizmi barida o'lkamiz tabiati bilan bog'liq ko'plab ma'lumotlarga ega bo'lishimiz mumkin. Ularning ba'zilarida atrof muhit haqida ma'lumotlar berilgan bo'lsa, boshqalarida tabiat va u bilan bog'liq bo'lgan vositalar bilan kishiga tarbiya berilgan va namuna sifatida ko'rsatilgan.

O'zbek va turkiy xalqlar adabiyotining zabardast namoyandalaridan biri buyuk olim va tarixchi, beqiyos adibgina bo'lib qolmay, mohir sarkarda, davlat boshchisi hisoblangan Zahiriddin Muhammad Bobur o'zining "Boburnoma " asarida O'rta Osiyo, Xuroson, Afg'oniston, Hindiston tabiati, o'simliklari, hayvonot olami, yerlarning tuzilishi, shaharlarga chegaradosh hududlari, iqlimi, yil fasllari, qo'yingki geografiyasiga bog'liq bo'lgan qimmatli ma'lumotlar berib o'tadi. "Boburnoma" ni o'qish davomida Boburning tabiat haqidagi ta'riflarini kuzatib, butun mavjudlikka e'tiborini ko'rib, uning mahoratiga qoyil qolmaslikni iloji yo'q albatta. Har bir shahar va qishloqlar tarifini keltirar ekan, Bobur albatta uning tabiati va iqlimi bilan birgalikda go'zallik va kamchiliklar-ni hech bir o'zgartirishlarsiz, asl holida o'quvchiga yetkazishga harakat qiladi. Vatani hisoblangan Andijon haqida ham barcha ma'lumotlarni hech qanday yon bosishlarsiz berib o'tadi. Asarda nafaqat Xuroson, balki boshqa shaharlar, Hindiston haqida berilgan ma'lumotlar ham nafaqat geografiya va tabiatshunoslik ilmini, balki badiiy adabiyotimiz uchun ham qimmatli ma'lumotlar berib o'tilgan. Hindiston tabiati, uning geografik joylashuvi haqida quyidagicha ma'lumotlar keltiradi:

"*Hindiston avvalg'i iqlimdin va ikkinchi iqlimdin va uchinchi iqlimdindur.To'rtunchi iqlimdin Hindustonda yo'qtur.G'arib mamlakate voqe bo'lubtur. Bizning viloyatlarg'a boqa o'zga olamedur. Tog' va daryosi va jangal va sahrosi, mavozi va viloyoti va hayvonot va nabototi, eli va tili va yomg'uri va yeli boricha o'zgacha voqe bo'lubtur... "*

("Boburnoma " 197-bet).

Hindiston va o'zining yurtini solishtirar ekan, ulardagi farqli va o'xshash jihatlarni ko'rsatadi. Hindiston tabiatining umuman o'zgacha ekanligini o'z yurti bilan solishtirib, unga shunchalik ta'rif beradiki, u bilan bog'liq bo'lgan tasvirlar beixtiyor ko'z oldingizda jonli tasvirlarda namoyon bo'ladi. Har bir narsaning qiymatini baholash uchun qiyoslashdan foydalanib kelinadi. O'zi tasvirlamoqchi bo'lgan narsalarni o'quvchi ko'z

o’ngida tasvirlash uchun o’z yurtining tabiati, hayvonoti, iqlimi va tilining bir-biridan farqli jihatlarini keltirib o’tadi. Har bir narsaga alohida e’tibor bilan qaraydi. Bu ham Boburning naqadar mohir yozuvchi bo’lganligini ko’rsatib bera oladi.

U o’zi ko’rgan shaharlarida bo’lgan voqeliklar bilan o’z asarini boyitib borishga harakat qiladi. Hayvonot olamiga o’zgacha e’tibor bilan qaraydi. Hindiston hayvonot olamini tasvirlash jarayonida, yirik jonivorlardan tortib, to eng kichik hasharotlarni ham chetda qoldirmaydi. Hayvonot olamini tasvirlar ekan, quyidagi ma’lumotlarni keltiradi :

“ *Hayvonotikim, Hinduston maxsusidur, yuhushdin bir fildurkim, hindustoniy “haatiy” derkim, Kalpiy viloyatining sarhadlarida bo’lur. Ul oradin fil tutub keltirurlar…*

Yana karkdur; bu ham ulug’ jonivoredur, zaxomati uch govmishcha bolg’ay. Ul so’zkim, ul viloyatlarda mashhurdirkim, kark filni shox bila ko’tarur emish, g’olibo galattur. Bir shoxi bor, burnining ustida, uzunligi bir qarishdin ko’prak, ikki qarish xud ko’rulmaydur… ”

(“Boburnoma” 198-bet.)

Hindistonning hayvonot olamini tasvirlash jarayonida o’zi uchun noodatiy va eng kuchli bo’lgan hayvonot olamidan boshlaydi. Fil hamda karkidon haqida gapirar ekan, ularning har ikkisini ham ulkan, kuchli va ajoyib hayvonlar ekanligini keltirib o’tish barobarida ularni qayerlarda yashashi mumkinligi, nimalar bilan oziqlanishidan tortib, to ularni qanday tutish mumkin ekanligi haqida va boshqa ko’plab qo’shimcha ma’lumotlar keltirib o’tadi. Kiyik urishtirishlar kabi turli ko’ngilochar o’yinlar qilib turishlari haqida, yomg’irlar fasli umuman fasllar almashinuvi haqida ham ma’lumotlar beradi.

Shoh va shoir hisoblangan Zahiriddin Muhammadning bunchalik tabiat va atrof muhit masalalariga qiziqib, alohida e’tibor bilan qaragani bejiz emas, albatta.

Tabiat… Tabiat bu atrofimizni o’rab turgan butun bir borlig’ bo’libgina qolmay, bizni tirikligimiz, yashashimiz uchun ham eng kerakli mavjudlik hisoblanadi. Tabiat bor ekan, biz ham bormiz, tabiat yo’q bo’lsa, biz ham yo’qlikka yuz tutamiz. Hozirgi kun global muammolarining biri ham aynan atrof muhit muhofazasi hisoblanadi. Borlig’ning asosi hisoblanmish suv, yer, havo,atmosfera va yana ko’plab narsalarning himoyasi uchun umumjahon miqyosida harakat qilib kelinmoqda. Shu qatori yurtimiz O’zbekistonda ham mazkur masala yuzasidan ko’plab ishlar olib borilmoqda. O’zbekiston Respublikasi tabiatni muhofaza qilish Davlat qo’mitasi ham faoliyat ko’rsatib kelmoqda va bu qo’mita Oliy Kengashga

bo’ysunadi hamda vazirliklar, davlat qo’mitalari, idoralar, korxonalar, muassasalar va tashkilotlar, shuningdek, ayrim shaxslar tomonidan yer, yer osti boyliklari, suv, o’rmon, hayvonot va o’simliklar dunyosidan, atmosfera havosidan foydalanish hamda ularni muhofaza qilishga doir qonunlarga rioya qilish yuzasidan davlat nazorati amalga oshirilib kelinmoqda. Zero, tabiatga e’tibor qanchalar yaxshi bo’lsa insonlar hayoti ham farovon bo’ladi va turli zaharli moddalar miqdori ham kamayib, insonlar salomatligi qayta tiklanadi.

Tabiatga bo’layotgan bunday e’tibor bejiz emas albatta. Tabiatimizni asrab-avaylash bo‘yicha ishlar bugun yoki kecha emas minglab yillar davomida bajarilib kelmoqda.

Yuqorida ko’rib o’tganimizdek, “Boburnoma” asarida boshqa ko’plab asarlarda tabiat yoki hayvonlar orqali kishi tarbiyasi bilan bog’liq bo’lgan omillarni kishi tarbiyasi uchun vosita sifatida qaraladi. Bu mavzuda ko’plab ijodkorlar qalam tebratdilar. Ulardan Alisher Navoiy, Yusuf Xos Hojib, Saolibiy, Ahmad Yugnakiy, Sa’diy Sheroziy, Xoja Rabg’uziy, Sayfi Saroyi, Gulxaniy, Abdulla Avloniy va yana boshqa ko’plab ijodkorlarimiz asarlarida ko’rishimiz mumkin.

Barchamizga sir emaski, Navoiy mumtoz adabiyotimizning eng yirik namoyandasi hisoblanadi. Navoiy asarlaridagi didaktik ruh ham boshqa ijodkorlaning asarlaridan tubdan farq qilib turadi.O’zining ko’plab asarlarida kishilarni tarbiyaga chaqiradi. Sher bilan durroj hikoyati orqali ham do’st tutinganda ishonchli va o’zing uchun mos bo’lgan insonlar bilan do’stlash va so’zda nima desang ham rostni gapir. Rostni kuylagan ohanglarga tahsin ayt kabi ibratli fikrni hayvonlar timsoli orqali keltirib chiqaradi.

Gulxaniyning “Zarbulmasal” asarida ham tarbiya sohasiga keng e’tibor qaratilgan, mazkur asar boshdan oxiriga qadar maqollardan iborat bo’lib, tarbiyaviy ahamiyati katta baholanadi.Asardagi Bozanda va Navozanda suhbatida berilgan tabiat tasviri bilan bog’liq bo’lgan maqollar va undagi daraxt timsoli orqali inson yashash tarzini ochib berish, uning qanday yashashi zarurligi, kishi o’z ruhiyati tarbiyasi uchun,avvalo, o’zi birinchi o’rinda harakat qilishi lozimligi to’g’risidagi ibratli g’oyalarni o’zimiz uchun olishimiz mumkin bo’ladi.

Adabiyotimiz rivojiga ulkan hissa qo’shgan Abdulla Avloniy ham adabiyotimiz rivoji uchun salmoqli asarlar yaratgan buyuk sshaxslardan biri hisoblanadi. Uning asarlari axloqiy hikoyalar va ibratli she’rlardan tashkil topgan va ularda ifodalangan ibratli hikoyatlar ham kishi tarbiyasi, insonning hayot tarzi uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan,

“Birinchi muallim” kitobida ham to’g’rilik haqida gap boradi va kampirning uyida to’g’rilik suvi bilan sug’orilgan,hamisha yaxshi maqsadlar uchun foydalanilgan, mehr-muhabbat orqali tik o’sgan bir tup tut daraxti orqali kishilarni to’g’ri bo’lishga chorlaydi.

Xullas, badiiy adabiyotimiz serqirra bo’lib, unda butun olamdagi voqeliklarni timsollar, ramzlar va yana boshqa juda ko’plab vositalar orqali ifodalashimiz mumkin. Yuqoridagi asarlar orqali butun olam tabiati va insoniyat tabiatining bir-biriga o’xshash va farqli jihatlariga guvoh bo’lishimiz mumkin.Ayrim asarlarda ularning didaktik ruhi kuchli asosiy maqsadi insonlar hayoti, umrini ma’noli o’tkazish uchun chorlash g’oyalari kuchli ifodalangan.

Boburning “Boburnoma”, Abu Rayhon Beruniyning “Mineralogiya”, “Geodeziya”, “Hindiston”, Al-Farg’oniyning “Miqyos an- Nil”, “Astronomiya asoslari” va yana boshqa ko’plab asarlari nafaqat O’rta Osiyo, balki butun dunyo olimlari tomonidan tan olingan, tabiat olam haqidagi eng mukammal asarlar hisoblanadi.Ajdodlarimizning biz uchun yoz ketgan bu kabi buyuk asarlari bilan har qancha faxrlanishimiz va ulardan unumli tarzda foydalanishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. – Toshkent: O`zbekiston, 2002.
2. Расулова О. “Бобурнома” ва табиат. Жаҳон адабиёти журнали, 2005-йил, 3-сон.
3. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O`qituvchi,1991.
4. Yo`ldosh Q. Yo’ldosh M. Badiiy tahlil asoslari.- Toshkent: Kamalak, 2016.
5. www.ziyonet.com.
6. www.kutubxona.com

ТАРИХИЙ РОМАНЛАРДА АЁЛЛАР ОБРАЗИ ТАСВИРИ

Нигора Ашурова,
ТДЎТАУ тадқиқотчиси.

Тарихий ҳодисалар ҳақидаги билимни ўзлаштиришда адабиёт асарлари алоҳида рол ўйнайди. Чунки адабиёт асарлари – роман, қисса, ҳикоя, драма, достон ва шеърларда олис замонларда бўлиб ўтган воқеалар, у пайтларда яшаган кишилар қиёфаси жонли ва таъсирчан гавдалантирилади.

“Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Навоий”, “Юлдузли тунлар”, “Улуғбек хазинаси”, “Жавзо” сингари романлар худди мана шу жиҳатларига кўра аждодларимизнинг туриш-турмуши тўғрисида ҳар қандай олим, солномачи-битикчининг асарларидан кўра аниқроқ тасаввур беради. Чунки ўша асарларда замон ва маконларга хос белги, хусусиятлар устида мусаввир мўйқалами билан яратилган картинадай ёрқин кўрсатилган.

Адиба Рисолат Ҳайдарованинг “Жавзо” романида ҳам темурийлар ва шайбонийхонлар даври ҳаётини тасаввур қилиш, у замондаги ҳукмдорлару мударрислар, савдогарлару сипоҳилар, қаландар-дарвишлар, шайхлар шунингдек, ўша давр аёлларининг ўй-хаёллари, орзу-интилишлари тўғрисида муайян билим, тушунчага эга бўлишда муҳим роль ўйнайди. Асарда нафақат тарихий сиймолар, балки ўша давр аёлларининг ҳаёт тарзи, ўй-фикрлари, руҳий оламида эврилишлар, орзу-истакларини маҳорат билан ёритиб бера олган. “Жавзо” романи китобхонларнинг темурийлар даврининг, хусусан, Ҳусайн Бойқародан кейинги давр, унинг фарзандлари Музаффар Мирзо, Бадиуззамон Мирзо, Хадичабегим, Шайбонийхон сингари тарихий шахслар ҳақидаги билимини ҳамда ўша давр аёллари яшаган муҳит мураккаблигини хаёлан тасаввур қилишга, ҳис қилишга имкон берадиган баркамол асар саналади.

Адабиёт асарларининг тарих тўғрисидаги, ҳаёт ҳақидаги кишилар билимини кенгайтиришдаги бебаҳо аҳамияти хусусида В.Г.Белинский: *“Биз жамиятимизнинг билими ҳақида гапирар эканмиз, бу– адабиётимизнинг муваффақиятларидан гапирганимиздир, чунки бизнинг билимимиз адабиётимизнинг жамият тушунчаларига ва расму таомилига бевосита кўрсатаётган таъсиридир”.* [1, 326]

Бундан англашиладики, жамият аъзоларининг ўз тарихи тўғрисидаги билими, тарихий шажаралари ҳақидаги тасаввури, тушунчаси тарих тўғрисидаги илмий тадқиқотлар туфайли эмас, балки роман, қисса, ҳикоя сингари адабиёт асарлари асосида шаклланади ва ривожланади.

Рисолат Ҳайдарованинг “Жавзо” романи Шайбонийхон ва Хадичабегимдек тарихий шахслар тўғрисида энг ёрқин тасаввур берадиган асар саналади. Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Музаффар Мирзо ва Хадичабегимнинг ушбу романда гавдалантирилган сиймоси тарихий ҳақиқатга ҳар жиҳатдан мос келади. Асар воқелиги подшоҳ Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан сўнг фарзандлари Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзолар ўз салтанатларини ташлаб, қочиб

кетганлиги, Шайбонийхон Ҳиротни босиб олиш илинжида яқинлашаётганлиги ва аҳолининг саросимали вазиятни тасвирлашдан бошланади. “Баширкат шоҳларнинг(*Баширкат шоҳлар – давлатни шерикчилик асосида бошқарадиган шоҳлар. Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин тахтга Бадиуззамон Мирзо ўтириши керак эди. Лекин Хадичабегим ўз ўғли Музаффар Мирзони ҳам Бадиуззамон билан баравар тахтга ўтқазишга муяссар бўлади. Шу тариқа ака-укалар баширкат шоҳлар деб аталган)* бири Қандаҳорга, иккинчиси Астрободга қочган, шаҳарда саросималик” [3, 3]

Адиба Рисолат Ҳайдарова “Жавзо” романида темурийлар даврида аёлларининг турмуш тарзи, ўй-хаёллари, руҳий оламини ишонарли тарзда тасвирлаб бера олган. Асарда Қоракўзбегим суюкли умр йўлдоши Музаффар Мирзо уни ёғийларга ташлаб кетганлиги, кўнглидаги ғалаёнлар унга тинчлик бермаётганлиги, бу воқеликка ишониши қийин кечиши, кўнглидаги ғам–ташвишни тасвирлаш орқали асар қаҳрамони ҳаётидаги туб бурилишга урғу беради. Шайбонийхон Ҳиротни қўлга киритса унинг ҳоли не кечишини ўйлаб, дилида ташвишли онлар унга яқин келаётганлигидан саросимага тушади. Шунда кўнглидан *“...Шайбонийхонга қайнотаси Султон Ҳусайн Бойқарогина бас келиши мумкин эди! Бу баширкат шоҳларнинг бирортаси отасига ўхшамайди”,* - дея афсусланиш ҳисси ўтади. [3, 4]

Шунингдек, ўша давр сарой аёлларининг ҳаёт йўли, унинг тақдир битикларига назар ташлар экансиз, Қоракўзбегимнинг онаси таъриф этган сўзларга жуда мос келади. Яъни: *“Шоҳга ёстиқдош бўлган аёлларнинг саодати ҳамиша қисқа бўлади”.* [3, 5]

Асарда тарихий шахслардан бири Хадичабегим образини адиба маҳорат билан ёритиб беради. Бу образни яратишда адиба тарихий ҳақиқатга суянган ҳолда очиб беришга уринади. Султон Ҳусайн Бойқаро Хадичабегимни севимли аёли сифатида жуда ўзига яқин тутмоғи ҳам тарихий ҳақиқатга яқин келади. Асарда Қоракўзбегимнинг онаси Ҳусайн Бойқаронинг севимли синглиси тилидан айтилган мазкур сўзлар фикримизни исботлайди. *“...суянчиғи бўлмаган аёлнинг пешонаси шўр бўлгай. Хадичабегимнинг Султон Ҳусайндек суянчиғи бўлгани учун ҳам пешонаси ярқироқдур...”.* Сарой аёллари ичида шоҳнинг назарига тушиш ва суюклисига айланиш олий бахт эди. Мана шундай бахт ва омад Хадичабегимга инъом этилган эди. Ҳар бир даврда ҳам аёлнинг бахту саодати севимли ёри, тоғдек суянчиғи борлигида ва кимгадир керак эканлигини ҳис қилишидадир.

Тарихдан Хадичабегим ўз ҳийла- найранги, ўз манфаати учун ҳар қандай қабиҳликдан тап тортмайдиган аёл сифатида маълум. Ўз фарзандининг тахт тепасига келиши йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга, ҳатто Султоннинг энг севимли набираси бўлмиш Мўмин Мирзонинг бу дунёдан эрта кўз юмишига сабабчи бўлса-да ўз мақсади йўлидан чекинмайди. Ўз атрофига вазиру уламоларни, дин пешволарини, бир сўз билан айтганда, ўз манфаати йўлида унга содиқ хизматчиларни тўплайди. Бу уринишлари Музаффар Мирзонинг тахт тепасида акаси билан ёнма-ён қолишига олиб келади. Хадичабегим образида устомонлик, тадбиркорлик, айёрлик, шунингдек, иқтисодий жиҳатга унча уқуви йўқлигини асар воқеликларини ўқиш жараёнида амин бўламиз. “Жавзо” романида тарихий манбалардаги маълумотлар асос қилиб олинганлиги учун ўша давр қиёфаси ёрқин кўринган. Тарихий мавзудаги асар жумладан, “Жавзо” сингари романларнинг аҳамияти, қадри ҳам аввало уларнинг ҳозирги замон ўқувчисига эзгулик руҳини сингдириши, яхши инсон бўлиб яшашга чақириш, кўнглида шундай истак уйғонишида намоён бўлади.

Рисолат Ҳайдарова Султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Хадичабегим ҳаётининг сўнгги даври ичига унинг бутун умрини, ҳаётдан чиқарган хулосаларини сингдириб юборади. Шунинг учун ҳам “Жавзо”да тарихий фактлар, тарихий воқеалар илмий асарлардагидай яланғоч, қуруқ бўлиб кўринмайди. Улар романда ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларидан биридай таассурот қолдиради.

Рисолат Ҳайдарованинг “Жавзо” романида ҳам “тарихий фактларнинг астари” очиб, тарихий воқеалар Қоракўзбегим, Хадичабегим сингари аёллар қисмати, уларнинг шахсий ҳаёти билан боғлаб кўрсатилади. Шунингдек ўша давр аёлларининг севиши, нафратланиши, изтироб чекиши, қувониши орзу қилиши, хаёл суриши, иложсиз-имконсиз қолиши гавдалантирилади. Бу эса ўқувчида ўша давр аёлларининг ҳаёти, орзу-истаклари, интилишлари, ўй-хаёллари билан ўртоқлашишга имкон беради. Шунингдек, асарда тарихий шахслар Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Хадичабегим, Қоракўзбегим, Мўғил хоним, Хон ойим муносабатларини кўрсатиш асосий ўрин тутади. Айни чоғда асарда Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ каби бир неча тарихий шахслар номи ҳам тилга олинади ва улар сюжет тизимидаги воқеаларда иштирок этиб, ўша давр воқеликларини, турмуш тарзини, хусусан Қоракўзбегим, Хадичабегим образларини ёрқинлаштиради. Асарда Шайбонийхоннинг аёллари сифатида тилга олинган Хон ойим, Мўғил хоним, Хонзодабегим сингари образлар

орқали аёлларнинг турли хил характери, қарашлари, руҳияти очиб берилади. Шунда аёлларнинг сир-синоатга бой жиҳатларига амин бўласан киши. Аслида аёл дунёси мураккаб, сир-синоатга тўла.

Аммо романда тўқима қаҳрамонлар салмоғи кўпроқ. Шерзод, Ёдгор, Зулайҳо сингари тўқима образлар ҳам роман воқеаларида фаол иштирок этади. Улар гарчи ёзувчининг хаёли, фантазияси асосида яратилган бўлса-да, бу қаҳрамонларнинг сўзлаш тарзисида, кийим-либосларида яшаш жойлари кўринишида темурийлар ва шайбонийхонлар даври аёлларининг яшаш тарзи, ўй-хаёллари, интилишларини тасаввур қилишга, Қоракўзбегимнинг бошидан кечган зиддиятли воқеаларни яқиндан ҳис қилишга имкон берадиган хусусият ва сифатлар мавжуд. Қайси бир давр бўлишидан қатъий назар аёллар кўнгил оламидаги қарашлар, интилишлар, орзу-ҳаваслар аслиятича қолади. Тарихий романларда нафақат тарихий сиймоларни ёритиш, балки ўша давр аёллар руҳиятини, қалб кечинмаларини нозик тасвирлаш ва ёритишда аёл адибаларнинг ижодида янада ёрқинроқ ифодаланган. Аёл ижодкорларнинг ижодида аёл образи, аёл қалби тасвири ўзгача тасвирланади, эътироф этилади. Аёл ижодкорлар аёл кишининг руҳий оламини эркак ижодкорлардан кўра чуқурроқ идрок этади. Ўзбек адабиётида ҳам мана шундай аёл адибаларимизнинг борлиги қувонарлидир.

Испан файласуфи Хосе Ортега-и-Гассет айтганидек: “Ҳар қайси санъатнинг тарихи инсон қалбининг томонларидан бирини ифодалашга бўлган қатор уринишлардир. Худди шу нарса уни бошқа санъатлардан ажратиб туради. Бу уринишлар шундай бир эгри чизиқни ташкил қиладики, санъат камалакнинг енгил ўқи каби шу чизиқ бўйлаб замон қаърига ўз мақсади сари интилади. Интиҳосиз уфқдаги шу нуқта ҳар қайси санъатнинг йўналишини, моҳиятини ва маъносини кўрсатиб туради” [4, 307]. Ҳақиқатда ижодкор қалб қўридаги туғёнларини сўзга кўчирар экан, қайси замон ва макон бўлмасин инсон қалб қўридаги орзу-умидларини, интилишларини, эзгу мақсадларини маҳорат билан ёритиб беради.

Адабиётшунос олим Баходир Карим таъбири билан айтганда: “Бизнингча, бадиий асарни мукаммал талқин этиш амри маҳолдир; унда ҳар вақт баҳсли нуқталар, очиқ майдонлар мавжудлигича қолади” [2, 14]. Шундай экан, баҳсли мавзуларга асос бўла оладиган асар етук асарлар сарасига киради. Бу эса ёзувчининг иқтидори, истеъдоди ва сўз санъатида ўз овозига эгалигидан далолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўздавнашр - 1955.
2. Карим Б. “Руҳият алифбоси”. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2018.
3. Ҳайдарова Р. “Жавзо”. Тошкент. – “Адабиёт”. 2021.
4. Хосе Ортега-и-Гассет. Одам Ато жаннатда. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Тошкент. “Маънавият”. 2010.

“БОБУРНОМА” ВА САФАРНОМАЛАР

Ҳулкар Неъматова,
ЖДПИ Ўзбек адабиётини ўқитиш
методикаси кафедраси стажёр-ўқитувчиси.

“Ўшал замон отланиб, Андижон тарафиға юрий бердук… Ҳар ерда борғон-кўрган навкарларим йиғилдилар. Уч юздин кўпрак киши бор эди. Хотиримға келдиким, токай бу Фарғона вилоятида саргардон бўлуб турмоқ керак, бир тарафға талаб қилойин деб”[1.108], ушбу сатрлар дунёга маълум-у машҳур “Бобурнома” саҳифаларидан олинди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий ва адабий меросини қунт билан ўрганиш, келажак авлодга бу мероснинг нақадар улуғворлик касб этишини уқтириш, ўрганилиши муҳим бўлган қирраларини синчков назар ила тадқиқ этиш ва янги ютуқларни кенг оммага етказиш бугунги кун бобуршунослигининг долзарб вазифаларидан биридир. Юксак марраларни кўзлаган ва бу борада салмоқли ишларни амалга оширган “Бобур изидан” халқаро илмий экспедициясининг ҳар бир сафари “сафарномалар” қатларидан жой олиб улгурди. Жумладан, Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома”, Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача”, “Буюклар изидан”, “Андижондан Бағдодгача” ҳамда “Соҳибқирон юрган йўлларда” номли сафарномалари кенг китобхон эътиборига ҳавола этилди. Ушбу сафарномаларнинг ҳар бирини ўқиш асносида Бобурни навқирон йигит, чапдаст чавандоз, қиличи ўткир саркарда ва ўз давлатининг муносиб раҳнамоси, муҳими эса оққўнгил ўғил, куюнчак ака ва меҳрибон ота образи кўз ўнгимизда гавдаланиб бораверади. Экспедиция аъзолари босиб ўтган - Бобур Мирзонинг машаққатли ва синовларга тўла ҳаёт йўлига гувоҳ бўлган ушбу манзиллар ва улар

билан боғлиқ кечмиш-кечинмалар ҳар қадамда инсонни Бобур Мирзо шахсига қайта-қайта рўбарў этаверади.

Француз адиби, шоири ва давлат арбоби Алфонс Де Ламартин “Саёҳатни баён қилиш – таржима қилишдир; табиат ёхуд инсонлар бунёд этган ёдгорликлар саёҳатда қолдирадиган таассуротлар, туйғулар, ранглар ва жилоларни ўқувчининг назарига, онгига ва қалбига ўгириш, етказишдан иборатдир. Сайёҳ бир пайтнинг ўзида ҳам кўриши, ҳам сезиши, ҳам ифодалай билиши керак, ифодалаганда ҳам оддийгина ва осонгина рассомларга ўхшаб чизиқлар ва ранглар билан ёки мусиқачига ўхшаб товушлар билан эмас, балки на товушлар, на чизиқлар ва на бўёқлар тасвирлай ололмайдиган сўзлар билан, фикрлар билан ифодалай билиши керак”[5],-дейди ўзининг “Le Voyage en Orient”(Шарққа саёҳат) асарида. Сафарномалар - муаллифларининг машаққатли меҳнати ва муҳаббати маҳсули бўлиши билан бир қаторда, кўплаб янги маконларда кўрган-кечирганлари ва таассуротларининг жонли-ҳароратли тасвири акс этган тўқима ва бўрттиришлардан холи бўлган ҳақиқат тамойилларига асосланган, реал воқеалар баёни хусусидаги асарлардир.

Китобхон ўзга юрт манзараларини, кутилган ёинки тасодифий воқеа-ҳодисотларни муаллиф нигоҳи ила тасаввур этади, шу боисдан ҳам сафарнома муаллифидан доимо аниқлик ва ошкоралик, самимийлик ва холислик нуқтаи назари ила ёндашувни талаб этади. Бу ўринда эса ўзбек сафарномалари учун агар таъбир жоиз бўлса дастуруламал вазифасини ўтаб келаётган “Бобурнома”га такрор ва такрор мурожаат этиб турилиши фикримизнинг далилидир: “Саодатманд шоҳ, армонли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу кечган фурсат мобайнида кўп яхши-ёмон кунларни бошидан ўткарди, чархнинг жабр-у жафосини ҳам, ҳаёт нашъаси ва қувончларини ҳам обдан тортди… “Душанба куни, жумадил-аввал ойининг йигирма учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримға еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртикобидин алад-давом кўнглумда ғубор эди, дедимким, эй нафс… Бобуршоҳ ўша йили Ҳиндистонни забт этиб, порлоқ, оламшумул зафар қучди. Худди шу йили у яна бир буюк ғалабага эришди. Бу улуғ зафарнинг номи - ТАВБАдир”[2.107]. “Бобурийнома”да “Бобурнома”га асар номи, йўналиши, мақсад-муддаоси жиҳатидан муштараклик сезилиб турибди. Сафарнома сюжети асосига қурилган ҳамда ўз ўрнида Бобур мирзо тақдири билан боғлиқ бир қанча ҳикояларни келтириш ушбу

романнинг маънавий ва маърифий аҳамиятини оширишга хизмат қилган.

Хайриддин Султон: “Бобурнома”нинг уммондек теран мазмуни, соф, содда, мардона тароватига чексиз ҳавас қилиб, китобга “Бобурийнома” деб ном берди. Албатта, маъною мундарижа жиҳатидан улуғ аждодимиз битган мумтоз асар яктодир, бу борада ҳазратга асло етиб бўлмас. Бизнинг умидимиз улки, шояд шаклан бўлса-да, фаромуш битикларимиз “Бобурнома”ни эслатиб турсин”[2.7], дея таъкидлайди. Юксак меҳр-муҳаббат ила яратилган романни ўқиш асносида ҳар иккала асар тили ва услубидаги яқинлик ва муштараклик яққол кўзга ташланади. Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома” маърифий романи ўзида ҳам маънавий меросни, ҳам саёҳатни уйғунлаштира олган асар сифатида эътиборга моликдир. Муаллиф Бобур шахсига юксак меҳр намунаси ила боқиб кўнгил кечинмаларини бир қанча ҳикоялар қаърига сингдириб ўқувчига тақдим этади. Бобур Мирзога ошно кўнгил борки, бу ҳикояларни ўқир экан, ўзини беихтиёр тасаввур ва таассуротлар ичида қалбан Бобур Мирзони янада яқинроқ ва самимий туйғулар жўрлиги ила ҳамроҳдек ҳис эта бошлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ва фаолиятига доир жуда кўплаб тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу “Беназир сиймо”нинг аввало, олийжаноб инсон, моҳир саркарда, одил подшоҳ, қолаверса, юрак амри ила ёзилган ўтли мисраларнинг муаллифи сифатида элимиз ҳануз қадрлаб келмоқда. Дунё олимларининг ҳайрати ва эҳтиромига сазовор бўлган, етук “Бобурнома”ни ёрқин хазина мисол илм аҳлига тақдим этган буюк бобокалонимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Худди шу ифтихор ва ғурур ҳиссини Қамчибек Кенжанинг туркум сафарномалари мисолида ҳам “Бобурнома”га ёндош фикрлар мужассамини, уйғунлигини ҳис этиб турамиз. Қамчибек Кенжа сафарномаларининг мазмунан бойишида буюк Бобур Мирзонинг шоҳ асаридан мавзуга дахлдор бўлган парчалардан кенг фойдаланган. Ҳар бир келтирилган парчалар муаллифнинг ҳикоя қилаётган воқеаларига далил бўлиб қолади, сўзларининг асосли ва ишонарли бўлишига замин яратади. Ёзувчи, айниқса, жой номлари ва улар билан боғлиқ воқеаларни тасвирлаш мобайнида бевосита “Бобурнома”га мурожаат этади:“Гувалёр “Бобурнома”да ҳам кўп ва хўп тилга олинади. Ўша пайтлар бу юртда гўзал чорбоғлар-у обод ва сўлим масканлар, умуман эътиборга молик файзиёб жойлар бисёр бўлган чоғи, Бобуршоҳ бир неча бор махсус сайрга чиққанлигини

ёзади, боғ-у хиёбонлардаги ранг-баранг гулларга ихлос билан таъриф беради, “Гувалёрнинг қип-қизил хушранг канир (барги шафтоли япроғисимон гул)ларидан бир порасини Огра боғларига келтуриб эктургани”ни алоҳида қайд этади”[4.171]. Сафарномаларнинг илмий ва тарихий аҳамиятининг пойдевори вазифасини ўтаётган “Бобурнома”дек қомусий мақомга эга бўлган асарлардан фойдаланиш орқали китобхоннинг бой тарихимизга ҳурмат ҳамда аждодлар меросига садоқат туйғуларининг қайта жонланишига эришилади. Натижада эса сафарномаларнинг ҳам тарихий аҳамияти юксалаверади. Демак, бундан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, сафарномаларни бир қанча хусусиятлар, яъни тарихийлик, илмийлик ҳамда бадиийлик жиҳатларига кўра таҳлил этиш мумкин. Аҳамиятга молик бўлган ушбу жиҳатларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот учун мавзу бўла олади.

Қамчибек Кенжанинг сафарномаларида муаллиф 1990 йил Кобулда тузилган тўлиқ “Анжумани фарханги Мир Алишер Навоий” дея номланувчи анжуманни “Андижон адабий гурунги” фаолиятидаги ўхшаш жиҳатларни: “Ҳар иккисининг бош мақсади – адабий муҳитни юзага келтириш, жонлантириш. Адабий муҳит – ижодкорлар давраси, уларнинг бадиий ижод, адабий услублар, янги йўналишлар борасидаги, адабиётдаги энг сўнгги асарлар ҳақидаги фикр алмашувлари, шеърхонлик сиёҳи қуримаган ғазаллар муҳокамаси, ўзаро рақобат, таҳлилий, танқидий муносабатлар, рағбат – буларнинг ҳаммаси аҳли қаламга руҳий-маънавий озуқа”[3.27] – дея муқояса қилар экан, Навоий анжумани фаолиятининг кўлами кенглигини ҳам эътироф этиб ўтади. Буларнинг барчаси Қамчибек Кенжа томонидан яратилган сафарномаларнинг жуда катта маърифий ва бадиий-эстетик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Бу маълумотлар тарихий, интеллектуал ҳамда маърифий жиҳатдан ўқувчиларимизнинг онг ва тафаккурини янада бойитиши шубҳасиз. Уларда юртимиз тарихининг шонли саҳифаларига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзлари, юксак миллий-ижтимоий фаолиятлари, жасоратлари кенг ёритиб берилган. Қамчибек Кенжа яратган сафарномалар ўзбек адабиётининг шу жанрига оид катта кашфиётларидан бири сифатида эътироф этилишга муносибдир. Уларда ҳаққонийлик ва бадиий тўқима, тарихийлик ва замонавийлик, тасвир тиниқлиги ва таъсирчанлик жуда мутаносиб тарзда уйғунлашган.

Сафарномаларнинг шунчаки ҳисобот, оддий кундаликлар эмас, балки шу каби илм аҳли ўртасида, қолаверса, кеча, бугун ва эртани боғловчи кўприк сифатидаги аҳамиятини эътироф этишимиз керак. Айнан сафарномалар ҳаётимизнинг биз яшаб турган макон ва замонда ҳамнафас ҳолда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни олис ўлкалардаги жараёнларни кузатиш орқали таққослаб бориш, холис ёндашиш ва маҳорат ила тасвирланувчи асарлар сифатида аҳамиятлидир.

Академик Азиз Қаюмов Қамчибек Кенжанинг “Буюклар изидан” сафарномасига ёзган сўзбошисида ўзбек сафарномаларнинг тараққий этиши масаласи юзасидан: “… шу соҳага қизиққан мутахассислар даврасида бир адабий-илмий суҳбат уюштирилса, унда ана шу XX-XXI аср ўзбек сафарномаси жанри ва унинг истиқболи тўғрисида илмий-ижодий фикр алмашинув бўлиб ўтса, фойдадан холи бўлмас эди. Чунки бу йўналишдаги йиғилган тажриба шуни тақозо этиб турибди”[3.4]- дея таклиф киритганди. Жаҳон адабиётида сафарнома жанрига оид кўплаб тадқиқотлар (илмий, бадиий ҳамда публицистик жиҳатлари таҳлили) амалга оширилган. Юқоридаги таклифдан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар яратилган ўзбек саёҳатнома ва сафарнома жанрига оид асарларнинг тадрижий такомилини ўрганиш, уларнинг илмий ҳамда адабий аҳамиятини кенг жамоатчиликка маълум қилиш борасида ҳам янги қарашлар вужудга келди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сафарномалар ўтмиш ва келажакни боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Негаки, сафарномаларда ўтмишнинг ёрқин хотираси, бугуннинг қайноқ нафаси ва келажакка катта ишонч туйғулари мужассамлашган бўлади. Илм-маърифат йўлидаги сафар таассуротлари битилган асарларни шунчаки кундалик ёки ҳисоботлар деб эмас, балки ўз ўрнида ўзини тарихга муҳрлаб кетаётган сафарномалар дея юксак эътироф этиш ўринли бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, “Юлдузча”, 1989 йил

2. Хайриддин Султон “Бобурийнома”. Маърифий роман. “Шарқ” НМКБТ, Тошкент-1997 йил

3. Қамчибек Кенжа.Буюклар изидан.(Афғонистон бўйлаб 17 кун). Сафарнома-3. Т.: Шарқ, 2006 йил

4. Қамчибек Кенжа. Андижондан Даккагача. (Бобурийлар изидан). Сафарнома-2. Т.: Шарқ, 2003йил

5. http//en.m//wikipediya.org.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИДАГИ ЧИЗГИЛАРИ

Сардорбек Сирожиддин,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Аждодларимизнинг ақл-заковати, меҳнати ва интилишлари туфайли юртимиздан Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби неча ўнлаб алломаю даҳолар, олиму фозиллар, шоиру рассомлар, подшоҳу саркардалар етишиб чиқдилар.

Юрт номини улуғлаган алломалар хақида гап борганда, ўзининг иқтидори, ақл-заковати, мураккаб тақдири ҳамда очиқ руҳий олами билан шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур киши эътиборини ўзига кўпроқ тортади.

Адабиётимизнинг Навоий бобомиздан кейинги эътиборли вакили, темурий шаҳзодаларнинг энг салоҳиятли намояндаларидан бири, улуғ шоир ва давлат арбоби, йирик саркарда ва беназир тарихнавис Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, даврлар ўтса ҳамки неча авлодни қизиқтириб келмоқда. Ниҳоятда қисқа, аммо туганмас ҳаётнинг, зим-зиё оламни ёритган чақиндай тез сўнган, лекин, мана олти асрким тўхтамай ўрганишда давом этаётган ҳаёт ва ижод йўли нақадар нурафшондир.

Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, Бобур ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси, маънавияти узоқ ўтмишдан дунёга маълум ва машҳур бўлиб келгани кўзга яққол ташланади.

Буюк шахс ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш ёшларимиз қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда, уларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда ва аждодларга муносиб авлод бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар камолотида халқимизнинг ўлмас маънавий мероси, бетакрор маданияти ва санъати муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва умрбоқий асарларининг таъсири беқиёсдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илм-маърифат ҳақидаги ғоялари, ахлоқ одоб, яхшилик, вафо, халқини севиши уни яхшилик

қиладиган қилиб тарбиялаш, меҳнат аҳлини қадрлаш, инсонпарварлик, Ватандан жудолик ғам-алам эканлиги, адолат ҳақидаги қарашлари, ахлоқий таълимий фикрлари ҳозирги давр ёшлари тарбиясида ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Умуман олганда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий меросини ўрганиш ёшларда меҳнатсеварлик, олийжаноблик, фан, маданият, санъатга, маърифатга меҳр уйғотиш ҳиссини шакллантиради.

Бобурнинг шеърлари оҳорли ижод самараси сифатида кўп авлодларга манзур бўлиб келган, ота-боболаримиз серқирра фаолиятидаги ижобий жиҳатлари учун Бобурни эъзозлаганлар. Биз ҳам унинг маънавий меросини, хусусан ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга молик бўлган ахлоқий – маърифий педагогик қарашларини қадрлаймиз.

Бобурнинг маънавий-маърифий қарашларида Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси салмоқли ўринда туради. Бобур Афғонистон ва Ҳиндистонда давлатларини бошқариб турган вақтда ҳам, умрининг охирига қадар киндик қони тўкилган юрти Андижонни унутмади. У ўз она диёрини ҳаддан зиёд севди, Ватанидан жудолигидан ғам-алам чекди.

Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз элни қўйиб ҳинд сори юзландим
Ё раб нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Бобурнинг таълим назариясидаги яна бир муҳим хусусияти шундай иборатки, ўзи билган билимларни келажак авлодга илинишидир. Авлодим билсин деб элига ўргатгиси келади. Бу ҳол уни башариятга буюк маънавий бойликлар қолдиришига муваффақ қилди. Ундан мерос бўлиб колган лирик шеърий асарлар; «Мухтасар», «Мубаййин», «Волидия», «Бобурнома»ва бошка асарлари жаҳон фанида, айниқса халқ тарбия конунларида алоҳида ўрин тутади. «Бобурнома»да эса шу даражада кўп ва турли-туман маълумотлар борки, улардан хозирги даврдаги мавжуд фанларнинг деярли барча соҳаларига тегишли маълумотларни олиш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, «Бобурнома» болалар ва ёшлар китобхонлигида катта аҳамиятга моликдир.

«Бобурнома» асари билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин

эгаллаган. Кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олган. “Бобурнома” Бобурнинг бутун умри давомидаги эсдаликларидир. У ушбу китобида 12 ёшидан ҳаётининг сўнгигача бўлган воқеъаларни қайд қилиб борган.

Бобур илмли бўлишни истаганларни илмни зўр ҳавас, иштиёқ билан эгаллашга даъват этди. У ўз даврида илм-маърифатни давлат сиёсати даражасига олиб чиққан, илм-маърифат соҳасига алоҳида эътибор қаратади ва қуйидаги мисраларида шундай ёзади:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен борман илм толиби, илм керак.

Бобур яхши хулқликни, кишиларга яхшилик қилишни инсоннинг олижаноблиги ҳисоблайди. У одамларни элга яхшилик қилиб, ўзидан яхши ном қолдиришга чорлайди:

Бизга чун меҳринг йўқ, элга меҳрубонлиг қилмагил,
Яхшилиг чун қилмадинг, боре ёмонлиг қилмагил.

Бобур гўзал хулқ-атвор эгаси, ўз шахсида тақво, шижоат, вафодорлик, дўстлик, садоқат каби хислатларни мужассамлаган. Бу хислатлар унинг қуйидаги ижодида ҳам ўз ифодасини топади:

Дўстликни гар тиларсен айласанг исбот кел,
Суҳбатинга асру кўп муштоқдурмен бот кел.

Шу билан бирга, Бобур лирикасида шеъриятнинг асосий мазмуни бўлган инсоний фазилатлар, ёр васли, севги ва муҳаббат, ҳижрон азоби, айрилиқ аламлари ва висол қувончлари ниҳоятда гўзал ва моҳирона ифода этилади:

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райҳон,
Юзунг хур, сочинг анбар, сўзинг мул, менгинг мултон.
Мултон менгинг, сўзинг мул, анбар сочинг, юзинг хур,
Райҳон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.

Ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси, қомусий аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллади. Хулоса ўрнида айтганда, Бобур ҳаёти, айниқса унинг ижоди, адабиёт, тилшунослик, тарих, география, маданият ва санъат

соҳаларига оид ноёб асарлари бизга тарихимиз ҳақида қимматли маълумотларни бериш билан бирга, ёшларни ватанпарварлик ва миллийлик руҳида тарбиялаш, боқий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб – авайлашга ўргатади.

TAZKIRALARDA BOBURIY SHOIRLAR IJODINING YORITILISHI

Gulizebo Rustamova,
O‘zbekiston Respublikasi Oliy va O‘rta Maxsus Ta’lim Vazirligi
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent Davlat
O‘zbek tili va adabiyoti universiteti Adabiyotshunoshlik yo’nalishi
magistranti.

ANNOTATSIYA

Hindistondagi turkiy adabiy muhitning shakllanishi bevosita o‘zbek mumtoz adabiyotining yirik vakili, buyuk shoh va shoir, tarixchi, geograf, iste’dodli sarkarda , davlat arbobi, boburiylar davlatining asoschisi Zahiriddin Muhammad Bobur nomi bilan bog’liq. Maqolada Bobur va boburiy shoirlar shaxsiyati va ijodiy merosining o’rganilishi “Tarixi Rashidiy” (Mirzo Haydar),“Muzakkiri ahbob” (Hasanxoja Nisoriy), “Majolisi Jahongiriy” (Qosim Lohuriy), “Ravzat us-salotin” (Faxriy Hiraviy), «Nafoisul-maosirot» kabi adabiy-tarixiy manbalardagi ma’lumotlar asosida umumlashtirildi va qisman yoritildi.

Kalit so‘zlar: Tazkira, tazkiranavislik, Zahiriddin Muhammad Bobur, Buyuk boburiylar saltanati, tarixiy manbalar, adabiy muhit, adabiy-tarixiy shaxslar.

Tazkira so´zi arabcha so'z bo'lib, «zikr etmoq», ya'ni «eslatib o'tmoq», «yozib qo'ymoq» ma'nosini anglatadi. U shoirlarning hayoti va ijodi haqida eng muhim ma'lumotlar, asarlaridan namunalar keltirilgan antologiya majmuadir. O’rta asr forsiy va turkiy tillardagi adabiyotshunoslik janrlaridan biri. Keng ma‘noda tarix, tasavvuf, san‘at sohasidagi voqea va shaxslar haqida esdalik ruhidagi asar. Tor ma‘noda — shoirlar hayoti va ijodi haqida ma‘lumot, asarlaridan namunalar keltirib tuzilgan to’plam. Tazkiralarda bir necha asrda yashagan yoki muayyan davr shoirlarining hayoti va ijodi haqida turli tarzda ma‘lumot beriladi. Uning eng qadimgi namunasi Abu Mansur as-Saolibiy yaratgan «Yatimat ud-dahr fi mahosini ahl al-asr» («Zamona

ahlining fazilatlari haqida yagona durdona») tazkirasidir. U o'sha davr (XI asr) Arab, Ajam, Movarounnahr, Xorazm va Xuroson adabiyoti haqida qimmatli ma'lumotlarni beradi.

Muhammad Avfiyning «Lubob ul-albob» («Mag'izlarning mag'izi», XIII asr), Davlatshoh Samarqandiyning «Tazkirat ush-shuaro» (XV asr), Alisher Navoiyning «Majolis un-nafois» («Nafis majlislar», XV asr), Maleho Samarqandiyning «Muzakkir ul-as'hob» («Suhbatdoshlarning zikri», XVIII asr), Fazliy Namangoniyning «Majmuat ush-shuaro» (XIX asr) asarlari tazkirachilikning eng yaxshi namunalaridandir. Bu tazkiralar adabiyotimiz tarixida yaratilgan durdona asarlarning g'oya va mazmunini o'rganish uchun asosiy manbalar sifatida qimmatlidir. Keyingi ijodkorlar o'z asarlarini yozishda mana shunday tazkiralarga suyanib ish tutganlar. Tazkirada shoirlar har xil uslubda — "abjad" tizimida, sulola va arab alifbosi asosida, geografik uslubda, tazkira tuzuvchi tomonidan shaxsan ko'rganlik, ijodiy muloqatda bo'lgan-bo'lmaganlik asosida joylashtiriladi. Shoirlar haqidagi ma'lumotlar alohida kichik maqola —fiqradan iborat bo'ladi. Unda shoirning ismi, taxallusi, qayerdanligi, ijodi, she'rlaridan namunalar, tabiatidagi o'ziga xos xususiyati, qay darajada shuhrat topganligi she'riy yoki nasriy tarzda bayon etiladi.

Zahiriddin Muhammad Bobur va boburiy shoirlar ijodining bizgacha yetib kelishida va ilmiy asosda o'rganilishida tazkiralarning o'rni va ahamiyati nihoyatda beqiyos desak, ayni haqiqatni aytgan bo'lamiz. XVI asrda Zahiriddin Muhammad Bobur tomonidan Hindistonda o'rnatilgan "Buyuk Boburiylar saltanati" qariyb uch asrdan ko'proq vaqt mobaynida Hindistonda har tomonlama ravnaq topgan davlat sifatida gullab yashnadi. Boburning serqirra ijodi va uning davridagi saroy adabiy muhiti ko'pgina qalamkashlarni ilhomlantirib, o'zga tilli, o'zga yurt Hindistonda turkiyzabon adabiyotning ravnaqi uchun mustahkam asos yaratdi. Bobur nafaqat siyosiy arbob, shuningdek, ijodkor sifatida ham o'zidan katta va qimmatli meros qoldirishi bilan birga, o'z atrofida ilm-fan va ijod ahlini birlashtirdi. Buning natijasida XV asrning oxiri XVI asrning birinchi yarmida siyosiy va ijtimoiy tarqoqlik hamda iqtisodiy tanglik girdobida bo'lgan Hindistonga Movarounnahrdek uzoq yerdan fan, san'at va adabiyot namoyandalaridan iborat yangi bir madaniy guruh kirib keldi. Zahiriddin Muhammad Bobur bu kabi siyosiy harakatlaridan tashqari, o'zining realistik tasvirga to'yingan lirik va epik asarlari bilan ham o'z davri va o'zidan keyingi bir qancha ijodkorlarga adabiy ta'sir ko'rsata

oldi va Hindistonda turkiy tildagi adabiyotning vujudga kelishida ilk tamal toshni qo‘ydi. Bu adabiy muhitning rivojlanishi, gullab-yashnashi Bobur avlodlaridan Humoyun Mirzo (1530-40-1556), Akbar (1556-1605), Jahongir (Shahzoda Salim, 1605-1628), Shoh Jahon (Shahzoda Xurram, 1628-1658), Avrangzeb Olamgir (1658-1707), Muazzamshoh (Bahodirshoh, 1707-1712), Jahondorshoh (1712-1713), Farrux Siyar (1713-1719), Muhammad Shoh (1719-1749), Ahmadshoh (1749-1754), Olamgir (1754-1759), Ali Gavhar (Shoh A’lam, 1759-1806), Akbarshoh (1806-1837), Bahodirshoh II (1837-1858) hukmronligi yillariga to‘g‘ri keladi. Bobur shohning avlodlari, adabiy izdoshlari qisman hind, urdu, fors-tojik, arab tillarida yaratgan asarlari bilan tarixga muhrlandilar. Zahiriddin Muhammad Bobur Hindistonda tashkil etgan adabiy muhit vakillari haqida ma’lumotlar, ularning adabiy merosi va ulardan namunalar, bir qancha qo‘lyozmalar, kundaliklar, tarixiy va adabiy manbalar orqali yetib kelgan. Jumladan, Boburning “Boburnoma”, Gulbadanbegimning “Humoyunnoma”, Mirzo Haydarning “Tarixi Rashidiy”, Abulfazl Allomiyning “Akbarnoma”, Ahmad Hirotiyning “Tabaqoti Akbariy”, Jahongir bin Akbarning “Jahongirnoma”, Qosim Lohuriyning “Majolisi Jahongiriy”, Abdulqodir Badovoniyning “Muntaxab at-tavorix”, Abdulboqi Nihavandiyning “Maosiri Rahimiy”, Mirzo Olim Mushrufning “Ansob us-salotin”, muallifi noma’lum bo‘lgan «Nafoisul-maosirot» kabi tarixiy asarlari, Hasanxoja Nisoriyning “Muzakkiri ahbob”, Mutribiy Samarqandiyning “Nusxai zeboyi Jahongiri”, Faxriy Hiraviyning “Ravzat us-salotin”, Sodiq Kitobdorning “Majma’ ul-xavos”, Po‘lotjon Qayumiyning “Tazkirayi Qayumiy” tazkiralari mavzuga doir qimmatli ma’lumotlar va adabiy matnlarni o‘zida jamlaganligi bilan ahamiyatlidir.

Hindistondagi turkiy tildagi adabiyot haqidagi ilk ma’lumotlar Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma”sida uchraydi. Manbalar ichida Hasanxoja Nisoriyning “Muzakkiri ahbob” va Muhammad Haydar Mirzoning “Tarixi Rashidiy” asarlari Bobur va uning adabiy izdoshlari tasvirining mufasalligi bilan ajralib turadi. Jumladan, Hasanxoja Nisoriyning 1566-yilda yozilgan “Muzakkiri ahbob” tazkirasida Boburiylardan Zahiriddin Muhammad Boburning o’zi hamda Humoyun Mirzo, Komron Mirzo, Askariy Mirzo va Muhammad Hindol Mirzolarning fe’l-atvori, tabi’, qiziqishlari, ilmi tahsili va bayoni, qalamidan namunalaridan keltiradi. [qarang:2.51-65] Bayramxon, Xoja Kalonbek kabi turkiy va forsiy tilda ijod etgan shoirlar va ularning hind

diyori bilan bog‘liq faoliyati, ijod namunalaridan parchalar keltirilgan. Shuningdek, tazkirada Nizomiddin Abulbaqo Hindiy, Shayx Boyazid Puroniy, Mavlono Shahobiddin Muammaoiy, Mavlono Fozil Andijoniy, Mavlono Vosifiy, Shayx Zaynuddin, Alibek, Mahram Ko‘ka, Hamdam Ko‘ka, Xojazodai Kobiliy, Mavlono Mahramiy, Amir Muzaffar Turkman, Novidiy Nishoburiy, Mavlono Jomiy Yatimbon, Xoja Yarko, Shayx Muhammad Tohir, Xoja Husayn Marviy, Qosim Arslon, Sahmiy, Qosim Koxiy, Mavlono Zarifiy kabi Markaziy Osiyoning turli viloyatlaridan, ayniqsa, Xuroson va Movarounnahrdan Hindistonga, umuman, boburiylar huzuriga borgan ijodkorlar ham tilga olingan va forsiy tildagi she’riyati namunalaridan parchalar berilgan.[2] Lekin asarda bu ijodkorlarning turkiy tilda ijodi haqida ma’lumot kuzatilmaydi. Garchand shunday bo‘lsa-da, mazkur ijodkorlar Bobur va boburiylar atrofida birlashganlar va aynan mana shu adabiy muhitning vakillari sifatida tarixda qolganlar.

Tarixchi va davlat arbobi Muhammad Haydar Mirzoning “Tarixi Rashidiy” asarida ham Zahiriddin Muhammad Bobur haqida ishonarli ma’lumotlar berilgan. U Yunusxonning kichik qizi Xo’b Nigorxonimning o’g’li, ya’ni Bobur Mirzoning xolavachchasi bo’lgan. Muallif Boburning xarakteri, maqtovga loyiq fazilatlari, ijodkorlik qobiliyati, adabiy merosi haqida gapirar ekan shunday yozadi: «U turli go‘zal fazilatlar, maqtovga loyiq sifatlarga ega podshoh edi. Barcha sifatlari ichida shijoat va muruvvatpeshaligi ustun kelardi.Turkiy she’riyatda Mir Alisherdan keyin hech kim uningchalik ko‘p yozmagan. U turkiyda ajoyib totli devon tartib bergan. “Mubayyan” nomli she’riy asar yaratgan – juda foydali kitob bo‘lib, odamlar uni fiqh dasturamali sifatida qabul qilishgan. U “Turkiy aruz’’ni yozganki, bunday yetuk asarni – turkiy aruzni ungacha hech kim bitmagan. Hazrat Eshon (Xoja Ubaydulloh)ning “Risolai Volidiya” asarini nazmda tarjima qilgan. Uning “Vaqoe’” (“Boburnoma”) nomida turkiy tildagi tarixiy asari borki, u juda aniq, tushunarli, shirali, sof jonli tilda bitilgan.” [3.250] Yuqoridagi manbadagi fikrdan ma’lum bo‘ladiki, Bobur shijoatli, muruvvatpesha inson, shoir, adabiyotshunos, tarjimon, xattot, fiqh bilimdoni, tom ma’noda yetuk shaxs bo’lgan.

Qimmatli tazkiralardan yana biri Faxriy Hiraviyning “Ravzat us-salotin” asaridir. Yetti bobdan iborat ushbu tazkiraning “She’rga mayl kursatgan va (she’r) aytgan Samarqand va Xurosonning Amir Temur Ko’ragon avlodidan bo‘lgan sultonlari zikrida” nomli uchinchi bobida Zahiriddin Muhammad Bobur podshoh va uning avlodlari, yaqinlaridan

Muhammad Nosir Mirzo, Muhammad Humoyun podshoh, Komron Mirzo, Muhammad Askariy Mirzo, Muhammad Hindol Mirzo, Nosir Mirzo (Yodgor Mirzo), Mirzo Haydar kabilar haqida qimmatli ma'lumotlar berilgan.[6. 68-75] Lekin ushbu ijodkorlardan Zahiriddin Muhammad Bobur va Komron Mirzoning turkiyda ijod etganligi qayd etilgan, xolos. Jumladan, Zahiriddin Muhammad Bobur "... turkiy va forsiy ash'orda va aruz va qofiyada yuksak mahorati bor edi... Forsiyda ham ravon va aniq ayta olardi. Ammo turkiy she'riyatga moyilroq edi" [6. 68] deya ta'riflanib, ijodidan bir bayt keltirilsa, Komron Mirzoga "... so'z iqlimida tab' va dilpazir nazm javohirida turk va tojikning xusravidir" [6.71] deb baho beriladi.

Boburiylar davri madaniyatiga oid qimmatli ma'lumotlarga ega yozma yodgorliklardan biri Abdusattor bin Qosim Lohuriyning 1612 yili Agra shahrida yozgan "Majolisi Jahongiriy" nomli asari.[Qarang: 4] Asarda Hindistonning o'sha paytlardagi Yevropa va Movarounnahr davlatlari bilan siyosiy-diplomatik hamda madaniy aloqalari borasidagi ma'lumotlar havola etilgani holda, saroy muhitida turkiy tilga alohida e'tibor qaratilganligiga ham urg'u berilgan.

Manbalardan yana biri «Nafois ul-maosirot» nomli tazkiradir. Ushbu tazkiraning muallifi haqida manbalarda aniq ma'lumot uchramaydi. Bu asar biz uchun shu bilan ham qimmatliki, unda Hindistonga safar qilgan hamda u yerda turg'un bo'lib qolgan ko'pgina mashhur o'rta osiyolik shoir va mutafakkirlar, jumladan, Bazmiy, Manzariy Samarqandiy, Judoiy Termiziy, Sahmiy Buxoriy, Mavlono Baqoiy Buxoriy, Badi'i Samarqandiy, Mushfiqiy, Nihoniy va boshqalar haqida ma'lumot va axborot yozib qoldirilgan.[5.50-51] «Nafoisul-maosirot» 1904-yili Xorazmda yetuk olim Mulla Sayyid Abdullo bin Avazxo'ja Eshon tomonidan o'zbek tiliga tarjima qilingan.

Xulosa qilib aytganda, Zahiriddin Muhammad Bobur va boburiy shoirlar ijodini o'rganishda tazkiralarning o'rni va ahamiyati benihoya kattadir. Bevosita XVI asr adabiy muhitida Boburning faoliyati va mehnatlari cheksiz hisoblanadi. Boburiy shahzodalar tomonidan esa Zahiriddin Muhammad Bobur boshlab bergan ushbu adabiy muhit, adabiy jarayonlar rivojlantirib davom ettirildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi.(2000-2005)

2. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Тазкира.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.344.

3. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Т.: “Sharq”, 2010. – Б.720.

4.Бекжон И. Бобурийлар маданиятига оид манба.//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2013 йил 23-сон.

5. Sulaymonov I.I. Description of Victorious and Vanquished Man psychology in «Boburnoma» // International Journal of Science and Research (IJSR). – India, 2018.

Volume 7. Issue 1. – P. 1220-1223 (Index Copernicus Value 79.57 / Impact Factor: 6.391).

6. Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. –Т.: «Mumtoz so’z»,2014. – Б.192.

“BOBURNOMA” ASARIDA NABOTOT OLAMINING ETNOGRAFIK TAHLILI

Zebiniso Ashrafova,
BuxDU Tarix va madaniy meros fakulteti; etnografiya, etnologiya va antropologiya bo’limi 1-kurs magistranti.
Ijtimoiy gumanitar fanlar yo’nalishi.

Annotatsiya: Zahiriddin Muhammad Boburning jahonga mashhur qomusiy asari “Boburnoma” tom ma’noda o’zbek mumtoz adabiyotining nodir yodnomasidir.Jahon hamjamiyatining “Boburnoma”ga bo’lgan yuksak ehtiromi, eng avvalo,asar muallifining rostgo’yligi,barcha voqea-hodisalarni aslicha, obyektiv aks ettirganligidadir.

Kalit so’zlar: “Mirtemuriy” qovuni,subhoniy o’rik, amrud, sanjid, obi angur, lolayi gulbo’y, keyla, noranj, limu, turunj, funduk.

Bobur- jahongashta sayyoh va mashhur tabiatshunos olim. U o’zi qiziqqan har qanday soha bo’yicha chuqur bilimga va katta ilmiy salohiyatga ega bo’lgan inson hisoblanadi. Jumladan, u o’zi yashagan, hukmronlik qilgan va ijod qilgan shaharlar Andijon, Kobul, Agra atrofidagi joylarning tabiati, u yerda o’sadigan o’simliklar haqida batafsil ma’lumot keltirib o’tgani, aniq va chiroyli tarzda bayon qilgani kishini hayratga solmay qo’ymaydi, albatta.

Asarning birinchi qismi Movarounnahrga, uning geografiyasi, xalqlari, tabiati, o’simliklariga bag’ishlangan. Xususan, Farg’ona viloyatining shirin-shakar mevalarini quyidagicha ta’riflaydi: “…g’allasi mo’l, mevasi ko’p, qovun va uzumi yaxshi bo’ladi. Qovun pishig’ida

poliz boshida qovun sotmoq rasm emas. Andijonning noshvotisidan yaxshiroq noshvoti[91] bo'lmas." [92]

Gap qovun haqida borganda Zahiriddin Muhammad Bobur Axsi va Buxoro qovunlariga ham alohida urg'u berib o'tgan:"Qovuni yaxshi bo'ladi. Bir nav qovunini "mirtemuriy" deydilar, bunday qovunning boshqa joyda ham borligi ma'lum emas. Buxoro qovuni mashhurdir. Samarqandni olgan paytimda Axsidan, Buxorodan qovun keltirib, bir o'tirishda so'ydirdim. Axsi qovunining hech misli yoq edi".[93]

Yana bir narsani alohida ta'kidlab o'tish kerakki, Bobur Marg'inon anori-yu o'rigi, Samarqand olmasi-yu Xo'jand anorlarini zo'r mahorat ila kitobxonga jahonda tengsizligini bayon eta olgan. Marg'inonning o'rigiga u shunday ta'rif beradi:"…yana bir o'rik bo'ladiki, danagini olib, ichiga mag'is solib quritadilar , buni subhoniy deydilar, ko'p lazizdir."

Zahiriddin Muhammad Bobur mazkur asarning ikkinchi qismida Xurosonning,ayniqsa, xushhavo tabiati, Kobul manzarasini, xalqi va odamlarini, mevalarini maroqli va jozibali til bilan bayon etar ekan, ularning tasvirini o'zining o'tkir mushohadalari natijasida rang-barang badiiy vositalar bilan bezab hikoya qiladi.Masalan, Kobul viloyatining nabotot olami haqida gapirar ekan, uni shunday ta'riflaydi:"Issiq va sovuq iqlimda yetishadigan mevalar Kobul atrofida ko'pdir. Kobul va uning kentlarida sovuq iqlimga mansub mevalardan uzum, anor, o'rik, olma, behi, amrud,[94] shaftoli, qaroli,sanjid, bodom va yong'oq ko'p bo'ladi. Men qaroli niholini keltirib ektirganman, yaxshi qarolilar bo'ldi va hanuz gurkirayotgan edi ".[95] Movarounnahr mevalaridan farqli o'laroq limon va apelsin haqida ham yozib qoldirgan :"Issiq iqlim mevalaridan, chunonchi, norunj[96], turunj[97], amluk{issiq mamlakatlarda bitadigan mevalardan birining nomi}va nayshakarni Lamg'anotdan keltiradilar".Shu bilan birga u "…Kobulning rovochi yaxshi bo'ladi. Behi bilan qarolisi ham yaxshidir. Bodringi ham

[91] Noshvoti-nok.X.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari uchun qisqacha lug'at".103-bet."Fan"nashriyoti 1972.
[92] "Boburnoma"asari 3-bet. Toshkent;"Yangi kitob" nashriyoti 2019.
[93] "Boburnoma"asari 7 bet. Toshkent;"Yangi kitob" nashriyoti 2019.
[94] Amrud-nok. X.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari uchun qisqacha lug'at".8-bet."Fan"nashriyoti 1972.

[95] "Boburnoma"asari 139-bet. Toshkent;"Yangi kitob" nashriyoti 2019.
6 Norunj – apelsin. X.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari uchun qisqacha lug'at".103-bet."Fan"nashriyoti 1972.

[97] Turunj-limon X.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Boburasarlari uchun qisqacha lug'at".148-bet."Fan"nashriyoti 1972.

yaxshi. Bir nav uzumi bor obi angur deyishadi, juda yaxshi uzumdir…"[98],- deb qayd etib o'tgan.Asarda Kobuldan tashqari Xurosonning yana bir tumani Nijrov haqida ham ajoyib ma'lumotlar keltirilgan.Chunonchi, "…yana biri Nijrov tumanidir. Kobulning sharqi- shimolidagi tog'lik maskan. Ajib bir go'sha. Uzum va mevasi ko'p, sharobi ham ko'p bo'ladi… tog'larida nojuz,[99] chilg'o'za,[100], balut[101] va xanjak daraxtlari ko'p uchraydi. Nojuv, chilg'o'za, balut daraxtlari bundan quyida o'sadi".[102]

G'urband tumanidagi tog'larda turli ko'rinishdagi lola navlari haqida Bobur shunday yozadi :"… bu tog' etaklarida rang –barang har xil navli lolalar o'sadi .Bir marotaba sanattirdim : o'ttiz ikki – o'ttiz uch nav bir biriga o'xshamas lola chiqdi.Bir nav lola bo'ladiki, undan biroz qizil gulning hidi keladi, uni lolayi gulbo'y, yani gul hidli lola der edik. U Dashti Shayxning bir parchagina yerida uchraydi, o'zga yerda bo'lmaydi. Yana ushbu etakda, Paravondan quyiroqda sadbarg lola ochiladi. U ham bir parcha yerda , G'urband tordaraning chiqishida o'sadi ".[103]

"Boburnoma" asarnining uchinchi qismi HIndistonga bag'ishlangan. Zahiriddin Muhammad Bobur Hindistonni Movarounnahr bilan solishtirib , bu hudud mutlaqo boshqa bir olam, tog' va daryolari , hayvon va o'simliklari, odamlari, yomg'iri va shamoli, tili, urf- odatlari mutlaqo biznikiga o'xshamasligini qayd etib o'tgan. Gapimizning isboti sifatida asardan ayrim parchalarni keltirib o'tamiz:

" Yana Hindiston mevalaridan keyladir[104] . Arablar uni "mavz" deb atashadi. Daraxti uncha baland emas, balki uni daraxt deb ham bo'lmaydi. O'simlik bilan daraxt o'rtasidagi bir narsa… Har bir keyla daraxti bir marta hosil berarmish. Keylaning ikki yaxshi xususiyati bor: biri shuki, po'sti oson archiladi, ikkinchisi uning danagi va tolasi bo'lmaydi, baqlajondan biroz uzunroq va ingichkaroqdir. Uncha shirin emas. Ammo Bangola keylalari juda shirin bo'larkan . Juda xushnamo daraxti bor, keng- keng, xushrang

[98] "Boburnoma"asari 139-bet. Toshkent;"Yangi kitob" nashriyoti 2019.
[99] Nojuz –sanovbar, ya'ni qarag'ay daraxti X.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari uchun qisqacha lug'at".102-bet."Fan"nashriyoti 1972.

[100] Chilg'oza- kedr yong'og'i H.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Boburasarlari uchun qisqacha lug'at".165-bet."Fan"nashriyoti 1972.

[101] Balut – dub yog'ochi. X.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari uchun qisqacha lug'at".14-bet."Fan"nashriyoti 1972.

[102] "Boburnoma"asari 145-bet. Toshkent;"Yangi kitob" nashriyoti 2019.
[103] "Boburnoma"asari 146-bet. Toshkent;"Yangi kitob" nashriyoti 2019.
[104] Keyla - banan H.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari uchun qisqacha lug'at".61-bet."Fan"nashriyoti 1972.

yashil barglari chiroyli ko'rinadi".[105] "Yana bir daraxt – karmakdir. Mevasi besh qirralidir. Kattaligi olxo'richa bor, uzunligi to'rt enlik sarg'ayib pishadi, danagi ham yo'q. Xomroq uzilgani juda achchiq bo'ladi. Yaxshi pishgani nordon bo'lsa ham xushta'mdir. Xushxo'rlikdan xoli emas ".

"Yana biri kadhaldir. Ko'rinishi hayratlanarli darajada xunuk va bemaza meva. Ko'rinishidan xuddi qo'yning kapadek qornining ichini sirtga ag'darib qo'ygandek. Mazasi ko'ngilni ozdiradigan darajada shirin, ichida fundukdek – fundukdek {yong'oq turi} danaklari bor . Umuman xurmoga o'xshab ketadi. Faqat buning donalari yumaloq , uzun emas. Bu donalarning xurmodan yumshoqroq go'shti bor.Uni yeydilar , juda yopishqoq. Shu bois ba'zilar qo'lini, og'zni yog'lab yerkan.Mevalari daraxtning shoxida ham, tanasida ham, ildizida ham o'sadi. Daraxtga xuddi kepalarni[106] osib qo'ygandek ".[107]

Biz yuqorida keltirib o'tgan o'simliklardan bo'lak yana bir nechta mevalarning nomlari hamda ularning bir birini takrorlamas xususiyatlarini Bobur juda chiroyli yo'sinda tasvirlab bergan.Xususan, Movarounnahrda uchramaydigan anbiliy, mahva , kirniy, badhal , beyr, karunda, paniyala, a'mla, chiro'nji, nargil, noranj , turunj, limu, karna, amalbed va hokazo.

Xulosa qilib aytganda, Zahiriddin Muhammad Bobur o'z davri uchun va hatto kelajak avlod uchun betakror asari – "Boburnoma"da noyob ma'lumotlarni qoldirib ketgan. Bu asardan, nafaqat, bizlar, balki butun dunyo ilm ahli unumli foydalana oladigan asardir."Boburnoma " orqali bizda o'z vatanimizdan tashqari boshqa xalqlar, aniqrog'i, afg'on hamda hind xalqi madaniyati, tabiati, urf-odatlari haqida bilib olishga imkon yaratib beradi. Bunday ma'lumotlarga boy manbani kelajak avlodga yetkazish dolzarb vazifa hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Z.M.Bobur "Boburnoma" "Yulduzcha" nashriyoti.1989-yil.

2.Z.M.Bobur "Boburnoma" "Yangi kitob" MCHJ.2019-yil

3. X.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari uchun qisqacha lug'at " "Fan" nashriyoti. 1972-yil.

4.Zoyir Choriyev " Tarix atamalarining qisqacha izohli lug'ati" . "Sharq" nashriyoti .1999-yil

[105] "Boburnoma"asari 321-bet. Toshkent;"Yangi kitob" nashriyoti 2019.

[106] Kepa-qo'yning sochiq qorni X.Nazarova "Zahiriddin Muhammad Boburasarlari uchun qisqacha lug'at".61-bet."Fan"nashriyoti 1972.

[107] "Boburnoma"asari 322-bet. Toshkent;"Yangi kitob" nashriyoti 2019.

BOBURNING ULUG‘ ONASI ESAN DAVLATBEGIM

Muhayyo Nuritdinova,
(SamDU adabiyotshunoslik yo‘nalishi,
2-kurs magistri).

Annotatsiya. Zahiriddin Muhammad Boburni ona tomonidan buvisi Esan Davlatbegim har doim qo‘llab-quvvatlagan. Maqolada bu siyosatdon ayolni Boburning hayot yo‘lidagi roli, uning shaxsiyati va hayotidagi ayrim voqealar «Boburnoma» (Zahiriddin Muhammad Bobur), «Tarixi Rashidiy» (Mirzo Haydar), «Buyuklik xislati» (G‘iyosiddin Xondamir), «Bobur-yo‘lbars» (Harold Lamb) asarlari orqali umumlashtirilib berildi.

Kalit so‘zlar. «Boburnoma», Esan Davlatbegim, oqila va mudabbira ayol, ulug‘ ona.

Zahiriddin Muhammad Boburning memuar asari bo‘lmiish «Boburnoma»da «ulug‘ onam Esan Davlatbegim» deya ta’riflanadigan onasi tomondan buvisi haqida iliq fikrlar beriladi: *«Xotunlar orasida ra’y va tadbirda mening ulug‘ onam Esan Davlatbegimcha kam bo‘lg‘ay edi, bisyor oqila va mudabbira edi. Ko‘proq ish-kuch alarning mashvarati bila bo‘lur edi» [1,25].* Ana shu ta’rifdan ham bilishimiz mumkinki, Boburning davlat sahnida chiqishi, boshqaruvni qo‘lga olishi ulug‘ onasi Esan Davlatbegim homiyligida bo‘lgan. Tarixdan bizga ma’lumki, ko‘plab donishmand ayollarimiz hukmdorlarining davlat boshqaruvida zimdan yordam berishgan. Boburning buyuk imperiya asoschisiga aylanishida tom ma’noda Esan Davlatbegimning hissasi katta edi. Esan Davlatbegimning nasl nasabi haqida to‘xtaladigan bo‘lsak, «Boburnomada» Sher Hojibekning qizi deb beriladi: «*...Sag‘ richi beklarning ulug‘i Sher Hojibek erdi, aning qizi Esan Davlatbegimni (Yunusxon) oldi* [1,13]. «Tarixi Rashidiy»da esa otasini Mir Pir Hoji deb beriladi: *…Xon (Yunusxon) Mir Pir Hoji kunjining qiziga uylandi, bu kishi o‘sha paytda Kunji hokimi bo‘lgan, qizining ismi Esan Davlatbegim edi*» [2,147]. Yunusxonning sevimli xotini hamda qonuniy malika bo‘lgan: *«Mo‘g‘ ul to‘rasi bila xonni va Esan Davlatbegimni bir oq kiyiz ustiga o‘lturg‘uzib xon ko‘tardilar»* [1,13]. O‘sha davrda mo‘g‘ul odati va rasm-rusumiga ko‘ra xon qilib tayinlangan shaxsni oq kigizning ustiga o‘tirg‘izib ko‘tarishgan. Yunusxonni ham xon qilib ko‘targan paytlari yonida malikasi, Esan Davlatbegimni ham o‘tirg‘izishgan. Bunga asosiy

sabab Esan Davlatbegimning obro‘li xonadon vakili ekanligi bo‘lsa ajab emas. Bobur tili bilan aytganda malikaning otasi Sher Hojibek ulug‘ beklardan edi.

Esan Davlatbegim davlat va siyosiy hayotni nihoyatda yaxshi tushungan ayol edi. Bobur aytganiday muhim ishlar uning kengashi bilan bo‘lar edi. Ayniqsa, otasining kutilmagan va bevaqt o‘limi barchani esankiratib qo‘ygan paytda, muxolifatlarining Jahongir mirzoni qo‘llab-quvvatlab turgan qaltis bir vaziyatda ona tomon bo‘lishiga qaramay Esan Davlatbegim jilovni qo‘lga ola bilgan oqila va mudabbira ayol edi. Hasan Yaqub boshchilik kishilar Jahongir mirzoni taxtga chiqarish niyatida qilingan fitnasini Esan Davlatbegim qoshiga yig‘ilgan Boburning xayrixohlari bartaraf qilish rejasini tuzishadi. Demak, kengashni boshqara oladigan kuch, mablag‘ va bilim egasi bo‘lgan. Bu haqda Xondamirning «Buyuklik xislati» asarida ham aytib o‘tiladi: «*Shunga ko‘ra Xoja Qozi, Amir Qosim Qavchin, Ali Do‘st tag‘oyi, Uzun Hasan va zamon podshohining muxlislaridan bir nechtasi ul hazratning buvisi Esan Davlatbegimning maqulloviga ko‘ra Hasan Yaqubni ixtiyorsiz qilib, qanday yo‘sinda mumkin bo‘lsa, o‘sha tarzda uning kasofati uyini yo‘qqa chiqarishga qaror qildilar*» [3,44].

Esan Davlatbegim davlat boshqaruvini Boburga olib berishda, uni taxtga chiqishiga yordam beruvchilarn, unga xayrixoh va muxlislarni to‘g‘ri tanlay olganligining o‘zi ham bu ayolning davlat boshqaruvidagi taktikani yaxshi bilishidan darak beradi. Xo‘sh, Esan Davlatbegimga Boburning taxt vorisi bo‘lishi nimaga kerak edi? Axir Bobur mirzo uning qizining farzandi edi-ku, degan savol tug‘ilishi tabiiy. «*Esan Davlatbegim ona, ayol, malika sifatida valiahd tug‘madi, lekin unda malaka bor, maqsad bor o‘zi ham kimgadir amalga oshirishi kerak edi. U Boburni tanladi*» deya adabiyotshunos olima Burobiya Rajabova bu haqda «Boburiy malikalar izidan» hujjatli filmining birinchi qismida bergan javobi ayni yechim desak adashmaymiz.

Bobur davlat boshqaruvida ko‘pincha Esan Davlatbegimning maslahatiga tayanib, tavsiyasiga amal qilgan. Uning buyuk orzusi Samarqandni qo‘lga kiritgan bir vaziyatda, Andijon qo‘ldan ketish arafasida turgan paytda, avvalo, Esan Davlatbegimning, keyin boshqa yaqinlarining maslahati bilan Samarqandni tashlab chiqqani, bu borada buvisining to‘g‘ri maslahat bergani, bu ayolning siyosiy taktikani yaxshi tushunishidan darak beradi. Bobur ham o‘z navbatida Esan Davlatbegimning maslahatiga amal qilgan holda davlatni boshqargan.

Andijonda Boburga tinimsiz yo‘llangan maktublarga binoan, b**uyuk orzusidan kechgan holda** Samarqandni tashlab chiqib ketadi*: «Chun onalarimdinkim, onam va onamning onasi Esan Davlatbegim bo‘lg‘ay yana ustod va pirimdinkim, Xoja Mavlonoyi Qozi bo‘lg‘ay, bu nav xatlar kelib, mundoq ethimom bila tilag‘aylar, ne ko‘ngul bila kishi turg‘ay* [1,50-51]. Boburga Andijondan tinimsiz xat-xabar kelganligini G‘iyosiddin Xondamir o‘zining «Buyuklik xislati» asarida ham aytib o‘tgan: *«Xoja Mavlono Qozi va hazrat Bobur podshohning onasi va buvisi ketma-ket va to‘xtovsiz ravishda Samarqandga chopar-u xat-xabar yubordilar va haddan tashqari ravishda juda o‘tinch ila g‘alabaga yor lashkarni bu yoqqa jo‘natishini iltimos qilib, o‘zlarining nochor va ayanchli ahvolda qolganliklarini yetkazdilar»* [3,65]. Esan Davlatbegim o‘z navbatida to‘g‘ri maslahat bergan edi. Garchi bu davrda ham Samarqand markaz, uni boshqarish sharaf bo‘lsada, ota meros yurtini qo‘ldan chiqargan holda Samarqandni boshqarish mushkul edi. Samarqand taxtiga da’vogar talaygina bo‘lib, agar Samarqand qo‘ldan ketsa, Bobur barcha imkoniyatlarini boy berib, kurash maydonidan chekingan bo‘lar edi. Shuning uchun u avvalo ota meros yurtini qo‘lda saqlashi kerak edi, bivisi aytganiday*: «Samarqand Andijon kuchi bila olilib edi. Agar Andijon ilikta bo‘lsa, yana Tangri rost keltursa, Samarqandni iliklasa bo‘lur»* [1,50].

‘‘Boburnoma’’ asarida Esan Davlatbegimning siyosat maydoniga chiqqan ayolligini Boburning unga bo‘lgan munosabatidan bilamiz. Muallif asarida *«onamning onasi»* yoki *«ulug‘ onam»* deyish bilan birga uning ismini ham qo‘shib aytadi. Buvisiga oddiy bir nabira sifatida emas, bir salobatli shaxsga murojaat qilganday, rasmiy murojaat qilgan: *«onam va onamning onasi Esan Davlatbegim*,[1,51] *mening ulug‘ onam Esan Davlatbegim* [1,25]tarzida.

Mirzo Haydarning «Tarixi Rashidiy» asarida Esan Davlatbegimning sadoqati va jasorati haqida quyidagi voqea beriladi: Yunusxon Shayx Jamol qo‘liga tushgan paytda Shayx Jamol malikani (Esan Davlatbegimni) eng yaqin kishilaridan biriga tortiq qiladi. Uning oti Xoja Kamol Kalon bo‘lgan. Unga begimni rozi bo‘lgan deb aytishgan, u xursand bo‘lib kechasi begim yoniga keladi. Esan Davlatbegim cho‘rilari bilan til biriktirib Xoja Kamolga tashlanib, unga pichoq sanchib o‘dirishadi. Ertalab esa murdani tashqariga chiqarib tashlashadi. *Shayx Jamol begim huzuriga odam yuborib, tushuntirib berishini so‘raganda: Begim: «Men Yunusxonning xotiniman, Shayx Jamol Xar meni boshqa*

odamga tortiq qildi. Bu ish Muhammad shariatida va musulmonchilikda rostmi? Xoja Kalonning iflos qo‘li mening pok etagimga tegmasin» deb uni o‘ldirdim. Shayx Jamol Xar ham endi meni o‘ldirsin» deydi. Shayx Jamol begimga hadsiz-hisobsiz ofarinlar aytib, uni izzat-ikrom bilan xon (Yunusxon) huzuriga jonatgan [2,156-157]. Ana shu voqea ham Esan Davlatbegimning hurmatini Yunusxon va boshqa saroy a’yonlari oldida oshirgan. Bobur ta’biri bilan aytganda o‘z davrida sadoqatni jonidan ustun qo‘ygan Esan Davlatbegimchalik oqila va mudabbira ayollar oz edi.

Dunyoda ayolni ulug‘laydigan, uning muqaddas bir xilqatga aylantirgan xislati bu uning sadoqatidir. Bobur ayollardagi sadoqat, chidam-bardoshni ulug‘laydi. Buvisidagi sadoqat, mardlik va jasorat Boburga Esan Davlatbegimga nisbatdan ehtiromini uyg‘otadi. Boburga ham mardlik va sadoqatni, matonatni yuqtira olgan edi. Xuddi shu fikrni taniqli Amerikalik sharqshunos va biografik asarlar muallifi Harold Lamb «Bobur – yo‘lbars» tarixiy asarida ta’kidlab o‘tadi: *«Esan Davlatbegim ko‘p qiyinchiliklarni boshqdan kechirib, hayotiy tajriba to‘plagan ajoyib ayol edi. U ko‘chmanchilik davomida ro‘y beradigan xavf-xatarni oldindan sezar va qiyin ahvoldan qanday qilib chiqib ketish yo‘llarining rejasini avvaldan tuzib qo‘yardi. Uning uzoqni ko‘ra bilish qobiliyati va ziyrakligi go‘yoki Bobur vujudiga ko‘chganday edi va bu xislatlar yosh shahzodaning og‘ir kunlarida juda qo‘l keldi»* [4, 18].

Xullas, Esan Davlatbegim o‘z davridagi yuksak aql sohibi, oqila, uzoqni ko‘ra oladigan, davlat boshqaruvida faol ayol edi. Ayollarimiz tarixan jamiyat va davlat boshqaruvida faol bo‘lgan. Bizga oqilalik, boshqaruvdagi faollik ana shunday oqila va mudabbira onalarimizdan meros bo‘lsa ajab emas.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.- 367 б.
2. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий.-Тошкент: Шарқ, 2010. -

720 б.

3. Ғиёсиддин Хондамир**.** Буюклик хислати **-** Тошкент: Шарқ, 2011.- 304 б.
4. Харольд Ламб. Бобур-йўлбарс- Тошкент: Ўзбекистон, 2018.- 296 б.
5. Ражабова Б. Оқила ва мудаббира оналар// Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- Тошкент, 2013.- №23.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “БОБУРНОМА” АСАРИНИ ЎРГАНИШДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ

Фаррух Қулсахатов,
ТошДЎТАУ магистранти.

Аннотация. Мақолада тарихий шахслар ҳақидаги ҳикоялар ишқий-саргузашт, мўъжизавий қаҳрамонлик, панднома руҳида ёзилган асарлар сифатида гуруҳларга ажратилади. Тарихий шахслар ҳақида ёзилган асарларда, албатта, халқ ичидан чиққан қаҳрамонлар, давлат арбоблари, дин тарғиботчилари, пайғамбар ва авлиёлар жасорати, уларнинг ҳаётида реал воқелик ҳамда бадиий тўқима акс этиши илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар. туркча таржима, ташбеҳ, муболаға, қаҳрамонлар табиати, поэтик нутқ, ички монолог, табиат тасвири, психологик ҳолат, бадиий тўқима, тарихий изчиллик.

“Бобурнома”да Чахчарондан ўтиш ҳақидаги тафсилотлар тўлиқ келтирилади: “Чахчарондин икки-уч кўч ўтгач, қор асру улуғ бўлди: узангудин юқорроқ эди, балки аксар ерда отнинг аёғи ерга етмас эди, яна қор доим ёғар эди. Лангари Мир Ғиёс навоҳисида Кобулға не йўл била боруримизни кенгаштук. Мен ва, аксар, барин едукким, қишдур, тоғ йўлида кўп дағдаға ва тараддудтур. Қандаҳор йўли агарчи бир нима йироқдур вале бетараддуд ва беъдағдаға борилур. Қосимбек, ул йўлни йироқдур, бу йўл била борурмиз, деб кўп жаҳл қилди, бу йўлға бўлдук. Бир Султон отлиқ пешойи бошчи эди, қарилиғидин ё олдорағонидинму ё қорнинг улуғлиғидинму, йўлни йўқотти, бошлай олмади”[108]. Хайриддин Султонов, Урфон Отажон бу тасвирга ўз ҳикояларида қисман тўхталади. Пиримқул Қодиров уларга нисбатан Бобур битикларидан маҳорат билан фойдаланганининг гувоҳи бўламиз: “Бобур қўриқчи йигитлари билан отланиб чиқаётганида, Қосимбек афғонларнинг пашойи қабиласи яшайдиган қишлоқдан Султон деган бир йўл кўрсатувчини топиб келди. Олачипор салла ўраган, баланд бўйли, бурни узун, жингалак соқолига оқ оралаган бу одамнинг юзи Бобурга алланечук тунд кўринди”. Муаллиф шундай қилиб ҳикояга Султон образи тасвирини киритади. Бобурнинг уни хуш кўрмаслиги яьни, Султон юзининг тунд кўриниши, Бобурга тик қараб,

[108]Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 174.

дадил жавоб қайтариши, туркий тилда у ҳақда айтилган фикрларни англаб, истеҳзоли кулимсираб қўйиши ўқувчида Султонга нисбатан ишончсизлик уйғотади. Султоннинг бу ишга бош қўшиши сабаби темурийзодалар томонидан ўлдирилган яқинлари учун интиқом (қасос) олиш экани аён бўлади. Хайриддин Султоновнинг "Нуқта" ҳикоясида айни тасвир: "Султон пешойи отлиғ кекса йўлбошловчи совуқдан гангибми ё азбаройи қариликми йўлни йўқотди", шаклида ифода этилади. Урфон Отажон бу қаҳрамонни ҳикояга киритмайди. Бобур изтироблы сафарни шундай тасвирлайди: "Бир ҳафтаға ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаръий – бир ярим шаръийдан ортиқ кўчулмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди, икки ўғли Тенгриберди ва Қамбар Али била яна икки-уч навкари ҳам бор эди… Ҳар қадам қўйғонида белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди"[109]. Пиримқул Қодиров Султон табиати, ниятидаги ўзгаришларни тасвирлашда "Бобурнома"даги маьлумотлардан ўринли фойдаланади: "Султон Бобурнинг совқотиб асабийлашишини, йўл жуда секинлаб қолганидан тажанг бўлишини, одамларига бақириб-сўкиниб иш буюриши, айтганини қилмаганлар бўлса, қамчи билан савалашини кутмоқда эди. Отаси ва акасини ўлимга буюрган ҳукмдорлар қиёфасида Султон ана шунақа золимларни кўрган, бугун эса улардан бирининг талвасага тушишига гувоҳ бўлиб, бир аламдан чиққиси келар эди". Аммо Султон кутганидек бўлмайди, чунки Бобур: "Маҳал ул эмас эдиким, кишиға таклиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур"[110], деб фикр қилади. Пиримқул Қодиров қаҳрамонлар табиати, нутқи, ички монолог, табиат тасвири (пейзаж)ни тасвирлаш жараёнида, Бобур шахсиятидаги фазилатларни очиб беради.

"Бобурнома"да Кўтали Заррин, Ҳаволи Қутийдан ўтиш тафсилотлари ҳам тўлиқ баён этилган. Хайриддин Султонов асар фабуласидаги тасвирларни ишончли тарзда баён қилади. Бобурнинг руҳий кечинмалари шу йўсинда ифодаланади ҳам. Тадқиқотчи Сабоҳат Бозорова ушбу ҳикоя ҳақида шундай ёзади: "Бу изтироблар Бобур қаламидан тўкилган дардга ғоятда яқинлиги билан ажралиб туради. Пиримқул Қодиров эса аскарлардаги тушкунлик кайфияти, ўзи далдага муҳтож Бобурнинг уларга таскин бериши, кейин куракни олиб, "қортўла"(пана жой тайёрлаш) қазиши, шу ерда кигиз ва жойнамоз ёздириб, қор бўрони остида намоз ўқишидаги тасвирларда

[109]Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 174.
[110]Бобур З.М. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 175.

Мирзоқули, Маматбек, Тоҳир қўрчибеги образларидаги ўзига хос жиҳатлар ҳам яққол кўзга ташланади”[111].

Бобурнинг: “Ўшандоқ чопқунда қозғон, ясағон чуқурда ўлтурдум, намози хуфтанғача қор онча чопқулаб ёғдиким, мен энгашиб ўлтуруб эдим, орқамға ва бошимға ва қулоқларимнинг устига тўрт еллик қор бор эди”[112] деган эпизодлардан ҳар учала адиб ҳикояларида ҳам фойдаланган. Бобур Чахчарон воқеаларидан олдинроқ Маъсума Султон бегим ҳақида ҳам батафсил фикр юритади. Пиримқул Қодиров воқеалар баёнида “Бобурнома”даги кетма-кетликка қараб воқеаларни баён қилади. Урфон Отажон ҳам бу эслашга арзирли хотираларни кейинроққа кўчиришни маъқул деб билади. Хайриддин Султонов “Нуқта” ҳикоясида ушбу тасвирни лирик чекиниш сифатида ишлатади. Шу сабаб, ҳикояда воқеалар ривожига ўрин ажратмайди. Урфон Отажон асарида қор бўрони тасвиридан Бобур ҳаётининг унутилмас дамларини, Беҳзод ҳақидаги фикрларини тасвирлашда бевосита фойдаланади. Бобур ўта машаққатли бу сафар ҳақида тўхталар экан, шундай гувоҳлик беради: “Ул неча кун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортулди, андоққим, муддат ул-умр мунча машаққат камроқ тортилиб эди. Бу матлаъни ўшал фурсатта айтилди:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму,

Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?”[113].

Бадиий адабиёт учун аҳамиятли бўлган бадиий тўқимадан Хайриддин Султонов қуйидагича фойдаланади. Байтнинг матлаъсини Бобурнинг ички монологига киритади. Бу байтнинг бошқа Бобур ҳақидаги ҳикоялардан ҳам ўрин олиши шоҳни шоир сифатида тасвирлаш имконини берган бўларди. Юқоридаги таҳлил қилинаётган ҳикояларда эътибордан четда қолган жиҳатлардан бири сифатида шуни кўрсатиш мумкин. Тадқиқотчи Сабоҳат Бозорова асар ҳақида яна шундай фикр юритади. “Мазкур ҳикоялар орасида Хайриддин Султоновнинг “Нуқта” ҳикояси пухта сюжети, равон ифода услуби, тарихий материалларнинг салмоғи, ёрқин образлари билан ажралиб туради. “Бобурнома”да 1528-йил воқеалари баёнида Ҳумоюннинг навкарлари Баёншайх ва Беккина Вайс Лоғарийнинг ташрифи ҳақидаги маълумотлар қайд этилади ҳамда Ҳумоюнга йўлланган мактуб матни тўлалигича келтирилган. Хайриддин Султонов шу мактубни икки қисмга ажратади ва улар орасида Бобур ҳаётидаги

[111]Бозорова С. Бир воқеликнинг уч талқини // Шарқ юлдузи, 2011. 4-сон.

[112]Бобур З.М. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 175.

[113]Бобур З.М. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 174.

унутилмас воқеаларни, мактубни битиш асносидаги руҳий кечинмаларни маҳорат билан тасвирлайди”[114]. Асар сюжетидаги воқеалар занжири Бобурнинг турмуш тарзи ҳамда буюк шахсияти ҳақидаги керакли тасаввурни ҳосил қилиш имконини беради.

“Бобурнома” тасвиридаги маьлумотлардан аён бўлишича, Бобур Ҳумоюнни фарзандли бўлгани билан қутлайди. Шу аснода, исм танлашда адашганини ҳам кўрсатиб ўтади: “Отини Алъамон қўймишсен, тенгри муборак қилғай. Вале, бовужудким, ўзунг битибсен, мундин ғофил бўлубсенким, касрати истеъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алиф-лом отта кам бўлур”[115]. Кейинги йил воқеалари баёнида ҳам бу исм Бобурга “ёқмагани” та’кидланади. Бобурнинг буюк шахсияти, бетакрор дунёқараши, тенгсиз фаросатининг бир қиррасини кўрсатиб беришга хизмат қилувчи бу тарихий ҳодиса Хайриддин Султонов эътиборидан четда қолмайди, асарда бунга тўхталган ҳам. Алъамоннинг таваллуди Ҳумоюн туғилган пайтдаги воқеаларга, унинг исми Бобур фарзандларининг исмларига қиёсланади. Бу қиёс ёзувчига Бобур ҳаётидаги машаққатли лаҳзаларни тасвирлаш, гоҳо буюкларнинг ҳам чорасиз қолишлари ҳақидаги изтиробли кечмишларни бадиий топилма сифатида кўрсатиб беради. Бу руҳий товланишлар тасвирида “Бобурнома”даги воқеалар, тарихий фактлар баёнининг излари бор. Ёзувчи Абдуллатиф ҳақида фикр юритар экан, Бобур нутқидаги: “Ахир, Султон Мирзо Улуғбекдек фозили замоннинг норасо фарзанди Абдуллатиф шу беш кунлик ўтар дунё учун шундоқ қари ва донишманд отасини қатл этди”, – дейди. “Бобурнома”да бу воқеа қуйидагича баён этилади: “… Улуғбек Мирзодин ўғли Абдуллатиф Мирзо олди. Бу беш кунлук ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди…”[116]. Бобур салтанат илинжида падари бузруквори ё ўғлининг, туғишганлари ё аждодларининг ҳаётига нуқта қўйган ҳукмдорларнинг қилмишларидан қаттиқ изтиробга тушади. Ҳикояда Бобурнинг хавотирлари тасвирланар экан, тарихимиздаги “қора доғлар” – салтанат талашишлар, Ҳусайн Бойқаро зурриёдларининг, Бобурнинг Жаҳонгир Мирзо исмли инисининг кирдикорлари ҳам тасвирга олинади. Ёзувчи бу тарихий маьлумотлардан маҳорат билан фойдаланади ва ҳикоя композициясига Кўтали Зарриндаги воқеаларни қўшади. Бу воқеа тарих қатидаги 1506–

[114]Бозорова С. Бир воқеликнинг уч талқини. Шарқ юлдузи, 2011. 4-сон.
[115]Бобур З.М. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 320.
[116]Ўша асар. – Б. 48.

1507 йиллар атрофида бўлиб ўтгани “Бобурнома”дан англашилади. Ҳикояда Бобур мирзо ҳаётининг яна бир ибратли жиҳати Кўтали Заррин воқеаларига боғлиқ тарзда тасвирланади. Бу ҳақда “Бобурнома”нинг “1501–1502 йиллар воқеалари”да шундай дейилади: “… Ул мартабада совуқ эдиким, ушул икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидин ўлуб эди. Манга ғуслға эҳтиёж еди. Бир ариқ суйидаким ёқалари қалин муз тунгуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жиҳатидин ях боғламайдур эди, бу сувға кириб ғусл қилдим. Ўн олти қатла сувға чўмдум. Сувнинг совуқлиғи хейли таьсир қилди”[117]. Асарда Бобур: “Манга ғуслға эҳтиёж эди”, деса-да, ёзувчи Бобурнинг ирода кучини тасвирлашни ният қилганидан “қўшиннинг сескангани”ни сабаб қилиб кўрсатади. Унинг талқинича, Бобур шу тариқа ибрат кўрсатиб, қўшиннинг кайфиятини кўтармоқчи ҳам бўлади. Ёзувчи маҳорати сабаб турли йилларда бўлиб ўтган воқеалар изчиллик касб етади.

“Бобурнома”да юқорида кўрсатилган даврда Бобурнинг тез-тез иситмалаб, касал бўлиб қолгани ҳақида тўхталинади. Хайриддин Султоновнинг “Нуқта” ҳикоясида Бобурни шундай ҳолатда, яъни, дардманд, бечораҳол кўрамиз. У мактубни ёзиш жараёнида бир неча бор тўхтайди, гоҳ қулоғини ушлайди, гоҳ бемажол қолади. Ҳикоядаги илк жумлаларда ҳам шундай “маълумотлар” бор: “Икки ҳафтадирки, Аграда беморнинг ҳасратидек узун, тинимсиз ёмғир қуярди”. Тинимсиз ёғаётган ёмғирни беморнинг узун ҳасратига ташбеҳ қилиши оригинал бадиий топилма. Қолаверса, ҳикоя қаҳрамони – бемор Бобурнинг психологик ҳолатида ҳорғинлик ва ҳасрат кўзга ташланади. Шоҳнинг хасталиги сабабли Боғи Нурафшон файз-у баракасини йўқотган бўлса, бемор киши учун борингки Боғи Нурафшон ёхуд бутун олам бефайз, бешукуҳ туюлиши бор ҳақиқат эди. Қаҳрамоннинг вужуди хаста бўлса-да, фикри теран, ўйлари асосли. Ёзувчи Бобурнинг дардли мулоҳазаларини ифодалар экан, муҳим фалсафий фикрларни унинг ички кечинмалари орқали баён қилади: “Изтироблар боиси-тирикликда, инсонликда. Фақат тирик одамгина изтироб чекмоққа, изтироблар ичра тобора тозариб, юксалиб, ҳаётнинг жамики машаққатларини кенгиб бормоққа қодир. Дунёдаги ҳатто энг улуғ ўлик ҳам изтироб чекмокдан маҳрум, зеро, инсоний изтироб-тириклик нишонаси, барҳаёт диёнат овозидир…” деган тўхтамга келади муаллиф.

[117]Ўша асар. – Б. 88.

Бобур зурриётларининг ҳар жиҳатдан комил инсонлар бўлиб етишишини орзу қилади. Улардаги ўзи кўрган нуқсон ва хатоларни бошқалар кўришини хоҳламайди, уларни зудликда бартараф этишга ҳаракат қилади. Уларга маслаҳат беради, йўл-йўриқ кўрсатади. Ҳумоюн мактубидаги “асру муғлақ”лик, имло хатолар отанинг “дилини музтар қилади”. “Бундан нари бетакаллуф, равшан ва пок алфоз била бит: ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқуғучига…”, деб насиҳат қилади Бобур [118] . Шу ўринда Бобурни фаросатли тилшунос сифатида кўришимиз мумкин. Ёзма нутқдаги ифодаларни бундан ортиқ тасвирлаш қийин.

Муаллиф Бобурнинг улкан тарихий хизматларидан бири – “Хатти Бобурий” ҳақидаги фикрлар баёнида ғоятда қизиқарли воқеаларни эътибордан қочирмайди. Шерғоридаги англашилмовчилик, мўътабар шариат пешволарининг ташрифи ҳақидаги воқеалар тафсилотига мунажжим Муҳаммад Шариф найрангларига тегишли тасвирлар моҳирлик билан уланиб кетади. Ҳикоядаги Муҳаммад Шариф образи орқали сарой мутаассибларининг ҳукмдорларга босим ўтказишга интилишлари, уларнинг башоратларига ишониб, салтанатнинг тақдирини мунажжимлар қарашлари асосида ҳал қилган подшоҳларнинг маҳзун ҳоллари ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар акс эттириладики, бу тасвир жараённинг нечоғлик қалтис эканини кўрсатади. “Бобурнома”да Муҳаммад Шариф номи уч бора тилга олинган. “Бобурнома”даги 1526 йил воқеалари баёнида Муҳаммад Шариф ҳақида тўлиқ тасаввур берилади: “… Муҳаммад Шариф мунажжим шумнафас агарчи манга айтур ёроси йўқ эди, ҳар кимга йўлуқса муболағалар билан айтур эдиким: “Бу айёмда Миррих ғарб саридур, ҳар ким бу тарафдин урушса мағлуб бўлур”. Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил елнинг кўнглини кўпрак синдурди. Анинг бу паришон сўзлариға гўш қилмай, қилур ишларимизни тигилмай уруш ишида бажид ва масоф қилмоққа мустаид бўлдук”[119]. Муҳаммад Шариф образи орқали шундай “юз қароликлар”га қарамай, Бобурни яхши-ёмон кунларда йўқлагани “Бобурнома”да келтириб ўтилади. Асардаги ушбу ўринлар Бобур табиатидаги ҳокисорликни кўрсатадики, ҳойнаҳой, Муҳаммад Шариф Бобурнинг зиёнига иш тутса-да, Бобур унинг олдинги хизматларини эътиборсиз қолдирмайди, ўзидан узоқроқ тутади, аммо жазоламайди, эл қатори ҳадялар беради. Бобурнинг бу сифатлари ҳикояда келтириб ўтилмаган.

[118]Ўша асар. – Б. 321.

[119]Ўша асар. – Б. 286.

Ёзувчи Муҳаммад Шарифнинг найранглари ва Ғазна муҳожирларининг кирдикорлари орасида ўхшашлик сезади. “Бобурнома”да 1503–1504 йиллардаги рўй берган воқеалар баён қилинар экан, унда шу тасвир келтирилади: “Қабрнинг устиға бир жулъя ясабтурлар, ҳар замон жулъяға тегадурлар, жулъя тебрангач, қабр тебрангандек маҳсус бўладур. Нечукким, кемага кирмаган эл кемага киргач, соҳил мутаҳаррик маҳсус бўладур. Буюрдумким, мужовирлар жулъядин йироқ турдилар, бир неча салавот айттилар, қабрда ҳаракате маҳсус бўлмади. Буюрдумким, жулъяни бузуб, қабрнинг устида гунбаз қилдилар. Мужовирларни бу ҳаракаттин таҳдид била мань қилилди”[120] .

Тарихий шахслар ҳақида ёзилган асарларда, албатта, халқ ичидан чиққан қаҳрамонлар, давлат арбоблари, дин тарғиботчилари, пайғамбар ва авлиёлар жасорати ва уларнинг ҳаёти реал воқелик ҳамда бадиий тўқима орқали ўқувчини ҳайратлантирадиган даражада тасвирланади.

Бобур бутун умри давомида, давлат бошқарувида, мулозимлари билан суҳбатларда, фарзандлар тарбиясида оқилона қарорлар қабул қилган шоҳ сифатида ҳам унга юксак баҳо берсак бўлади.

Адабиётлар рўйхати.

1. Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 174.
2. Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 174
3. Бобур З.М. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 175.
4. Бозорова С. Бир воқеликнинг уч талқини // Шарқ юлдузи, 2011. 4-сон.
5. Бозорова С. Бир воқеликнинг уч талқини. Шарқ юлдузи, 2011. 4-сон.
6. Бобур З.М. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 320
7. Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. Филол.фан.ном., илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. – Т.: 2002. – Б. 121.
8. Философия луғати. Русча нашрдан таржима. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 471-бет.
9. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: ЎАЖБНТ, 2003. 49-бет.

[120]Ўша асар. – Б. 126.

10. К.И.Тюнькин. Учение Белинского о художественности. Диссертация. МГУ. 1956. – стр. 37.
11. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 49-бет.
12. Юлдошева С. Бадиий-биографик қиссалар поэтикаси. Филол.фан.номз... дисс. – Самарқанд, 2012.
13. MirzaahmadOlimov. “Boburnoma” da Alloh ismlari va sifatlari talqini. –Toshkent: Fan, 202. – 69b.
14. Xorijda bobur shunoslik (o‘zbekcha-turkcha manbalar qiyosiy tahlili). Shuhrat Hayitov. – Toshkent: “Bayoz” , 2021. – 144 b.
15. Muhammadiyeva D. “Boburnoma” turkcha tarjimasida paremiyalarning qiyosiy tadqiqi – Toshkent: Phd diss. 2021. 132 b.
16. Zumriniso Kozimovaning. Bobur ijodini o‘rganish – Toshkent: Muharrir, 2012. – 92 b.
17. Bobur, Zahiriddin Muhammad. Boburnoma (hozirgi o‘zbek tilida) [Matn] / Zahiriddin Muhammad Bobur; tabdilchilar: V. Rahmonov. K. Mo‘llaxo‘jayeva. – Toshkent: Yangi kitob, 2019. – 448 b.

БОБУРШУНОС ОЛИМ ҲАМОН ЗИЁ ТАРҚАТМОҚДА

Абдуназар Шаропов,
Гулистон давлат университети
филология факультети ўзбек тили ва адабиёти йўналиши
4 - босқич талабаси.

«Бобурнинг адабий соҳирлик заковати шу даражада кучлики , айрим асраларнинг юзаки мазмунини тушуниш, ҳатто тўғри ўқиш учун баъзан эллик , баъзан юз йил керак бўлади »

(Ваҳоб Раҳмонов).

“Шундан биласанким илм - бепоён, илмдан бир шуъла дилга тушган он » . Ҳа , ростдан ҳам биз ёшликда катта бўлсам шифокор бўламан, ўқитувчи ёки учувчи бўламан, деб айтишга ўрганганмиз, лекин қай бир соҳа вакили бўлишимиздан қатъий назар ўша соҳанинг назарий томонини чуқур ўрганиш керак эканлигини ёш қалбимиз билан ҳали унчалик идрок эта олмаганмиз. Мен Гулистон давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти йўналишига қабул

қилинганимдан сўнг, яхши ниятлар ила чин маънода адабиёт бўстонига кира бошладим ва бу бўстоннинг энг нафис ва маънодор қисми бу мумтоз адабиёт эканлигини билдим. Албатта , бу ўз навбатида етук устозларнинг бизга берган сабоқлари орқали қалб шууримизга сингиб боради. Менинг дастлабки бадиий сўзга бўлган қизиқишимни янада ошишига ўрта махсус таълим олаётган пайтимда « Ҳозирги ўзбек адабий тили » фанидан сабоқ берган Марҳабо Кенжаева устозим сабаб бўлган эдилар. Олийгоҳда эса бу борада мен Ваҳоб Раҳмонов, Насимхон Раҳмонов, Умрзоқ Ўлжабоев , Ҳайитбой Мирҳайдаров, Ёрмат Тожиев , Қозоқбой Йўлдошев , Музаффар Маматқулов, Обидахон Файзуллаева, Лутфиниса Деҳқонова каби профессор- ўқитувчиларга сабоқ берган устозларимга минг раҳмат айтаман. Мени мумтоз адабиётга бевосита ошно этган инсон бу олим, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси, Олий таълим аълочиси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент, Бобур халқаро мукофоти совриндори Ваҳоб Раҳмоновдир.

Ваҳоб Раҳмонов 1940 йилда Хўжандда туғилган. Республикамиздаги таниқли матншунос, навоийшунос ва бобуршунос олим ҳисобланади. Домланинг ўзбек мумтоз адабиёти дурдоналарининг эски ўзбек ёзувидан ҳозирги ўзбек адабий тилига қилган илмий табдиллари бугунги кун ёшлари учун ажойиб совға бўлмоқда. Чунки ҳамма ҳам қай бир асар бўлмасин мумтоз асарларни аслиятидан тўғридан-тўғри ўқий олмайди ва кўплаб хатоларга йўл қўяди бу масаланинг бир жиҳати бўлса иккинчи ва асосий жиҳати қилинган илмий табдилларда ҳам баъзан билим ва савиянинг , луғат бойлигининг ва етарли билим ва тажрибанинг етишмаслиги боис матний хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Асар матний хатога йўл қўйилган ҳолатда табдил қилинганда эса аслиятдаги маъно ўзгаради ва кутилган натижани бермайди. Биламизки араб ёзувида нуқталарнинг ўрни жуда аҳамиятли шунинг учун бир нуқта тушириб қолдирилса ҳам матнга , қўйингки бутун асар мазмунига путур етади.



Ана шундай кўз юмиб бўлмас хатолар устида ҳозирги кунда ҳам тинмай меҳнат қилаётган инсон бу Ваҳоб Раҳмоновдир. Устознинг Бобур халқаро жамоат фондининг « Бобур изидан » илмий - амалий экспедициясининг 50 дан ортиқ давлатларга қилган сафарларида қатнашиб улуғ шоиримиз , шоҳ ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида олиб борган ўрганишлари таҳсинга сазовордир. Ўрганишлар ва ижодий изланишлар натижасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида янги маълумотларни фанга маълум қилиш баробарида (чунончи “Бобур тошбитиклари”) унинг шоҳ асари ҳисобланмиш «Бобурнома» ни тандиқий матнига масъул муҳаррирлик қилиб 2002 йилда уни илм аҳлига туҳфа этдилар.

2008 - йилда эса «Бобурнома» ни ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдилини ва «Бобурнома» ни русча вариантини тайёрлаб, уни нашр эттириб, Бобур ижодий меросини асраб – авайлаш, уни кенг омма учун қулай ҳолда ўқиб ўрганишлари учун яна бир катта хизмат қилдилар. Дарҳақиқат, бу қилинган илмий ишлар жуда катта меҳнатни ва илмий изланишни талаб этади. Ваҳоб Раҳмоновнинг биргина 2015 - йилда нашр этилган « Мумтоз сўз сеҳри » мақолалар тўпламидан ўрин олган фактларга назар солсак донишманд олимнинг мумтоз сўз саҳиҳлигига бўлган куйинчакликлари қай даражада юксак эканлигини билишимиз мумкин. Мазкур асар уч қисмдан иборат бўлиб, унда «Навоий китоби узро мук тушиб» (Навоийшунослик бўйича мақолалар), «Бобуршунослик», «Мумтоз сўз масъулияти»

(Матншунослик бўйича ёзилган мақолалар), каби қисмлардан иборат бўлиб ҳар бир бобда чуқур илмий хулосалар ўрин олган. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган иккинчи бобида ўрин олган ҳажман катта , мазмунан салмоқдор «Шоҳ, адиб ва шоир - Заҳириддин Муҳаммад Бобур» номли мақолада Бобур ҳаёти ва ижоди ўз ифодасини топган дейиш мумкин. Унда Бобурнинг шахс сифатида қандай юксак фазилатларга эга эканлиги фактлар билан берилган. « Бобур - буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўп қиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. Биргина “Бобурнома” унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигига яққол мисолдир» [1 М 149 бет] . Шунингдек ушбу асарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур исмининг асл маъноси ҳақида ҳам маълумот берилади.

«Биз «Заҳириддин Муҳаммад» — унинг исми, «Бобур» адабий тахаллуси деб мулоҳаза юритамиз. Аслида эса, Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин фи таворихи хавоқин» («Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихи») номли тарихий асари ва Бобурнинг қуйидаги рубоийсига қараганда учала сўз ҳам шоҳ ва шоиримизнинг исми шарифидир:

Туз оҳ Заҳири дини Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ Заҳири дини Муҳаммад Бобур.
Сарришгаи айшдин кўнгулни зинҳор,
Уз оҳ Заҳири дини Муҳаммад Бобур.

Сабоҳат Азимжонова ва Азиз Қаюмов уч жилдлик Бобур «Асарлар»ининг иккинчи жилдида ушбу рубоийни шу тарзда манзур этганлар. Нашрга тайёрловчилар китобхон исм маъносига аҳамият берсин, дея шундай қилишган. Чунки рубоийнинг аслияти қуйидагича кўчирилмоғи керак эди:

Туз оҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур...

Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин фи таворихи хавоқин» номли тарихий асари маълумотларига қараганда, Умаршайх мирзонинг тўнғич ўғлига бу исмни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қўйган. Исм сўзларининг шарҳига келсак: Заҳири дини Муҳаммад — Муҳаммад динининг таянчи, посбони, демакдир. Бобур — бабр(шер)сифат, шердек деган маънога моликдир. » [2 М 160] .

Бобурнинг қомусий олим эканлигини « Бобурнома » асари яққол кўрсатиб турибди. Унда барча соҳалар қатори тилшунослик масалаларига ҳам тўхталиб ўтади « ... тил илмининг энг қизиқарли соҳалари - этимология, фонетика ...» каби томонларига эътибор қаратади.

Давом этсак сўз тугамайди. Устозга хос маҳсулдорлик ва саҳиҳликни 2019-2020 йилларда В.Раҳмонов нашрга тайёрлаган, табдил этган ва ўз муаллифлигидаги ўн тўртта китоб аниқ исботлайди. Ўзининг “Мумтоз асарлар луғати” (Мамлакат Латипова ва Эркин Раҳмонов билан ҳамкор;

“Шеър санъатлари”; Алишер Навоий “Хамса”сининг тўлиқ насрий баёни ва аслиятнинг беш китоб ҳолидаги нашри,Каромат Муллахўжаева билан табдил этган “Бобурнома”нинг учта нашриётидан беш марта босилиши; “Лисонут-тайр”нинг лотин ва криллдаги икки нашри.

Биз шогирдлар матншунос, навоийшунос, бобуршунос, луғатшунос, бадеъшунос устозимизга илм бахти учун узоқ умр ва соғломлик тилаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :

1. Ваҳоб Раҳмонов. Мумтоз сўз сеҳри. Т , -- « Ўзбекистон » - 2015.

2. Алишер Навоий. ”Хамса”, “Наврўз” нашриёти 2019.

3.Ваҳоб Раҳмонов “Шеър санъатлари”, “Шарқ” 2020.

4. Мумтоз асарлар луғати. “Акамдемнашр”, 2019.

5. Бобур. “Бобурнома”, “Ўзбекистон” НМУИ, 2020.

BOBUR IJODIYOTI

Mohistarabegim Sotvoldiyeva,
Andijon Davlat universiteti Tarix fakulteti
Tarix yo‘nalishi 3-bosqich talabasi.

Bobur – O’zbek mumtoz adabiyotining yirik vakili, Hindiston va Afg‘onistonni zabt etgan buyuk sarkarda va davlat arbobi, lirik asarini sharq she’riyatining yorqin asarlari bilan taqqoslash mumkin bo‘lgan buyuk shoir, tarixchi, geograf, biolog, iste’dodli sarkarda, Boburiylar sulolasi asoschisi, Temuriy shahzoda (taxallusi, to‘liq ismi Zahiriddin Muhammad Bobur ibn Umarshayx Mirzo; 1483.14.2, Andijon –

1530.26.12, Agra). Bobur ko‘plab iste’dodlarga ega bo‘lgan inson edi. Uning qalbida ajdodlari va zamondoshlarining ijodi alohida o‘rin egallagan. Javaharlal Neru, Mahatma Gandi kabi hind davlat arboblari va olimlari Bobur hamda Boburiylar nafaqat Hindiston uchun, balki taraqqiy etgan dunyo tarixida ham katta ahamiyatga ega ekanligini e’tirof etdilar.

Ma’lumki, Markaziy Osiyo xalqlarining tarixida Temuriylar davri madaniyati alohida ajralib turgan. Temuriylar davrida fan ham, inson madaniyatining turli jabhalari ham yuksak pog‘onaga ko‘tarilgan bo‘lib, aynan shu davr tarixi sahifalarida Mirzo Ulug‘bek, Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiydek daholar, Qozizoda Rumiy, Ali Qushchi kabi allomalar, Sharafiddin Ali Yazdiy, Mirxond, Xondamir singari mashhur tarixchilar, Lutfiy, Sakkokiy, Atoyi kabi atoqli shoirlar va kitobat san’atining benazir ustozlari yetishib chiqqan va unum bilan ijod etgan edi. Zahiriddin Muhammad Boburning sertashvish hayoti va jo‘shqin faoliyati siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jihatdan inqirozga uchrab tanazzulga tushayotgan Temuriylar saltanatining so‘ngi davriga to‘gri kelgandi. Bobur hamisha el-yurt, xalq uchun mas’ulyatni his etib kelgan. U o‘z oldiga Temuriylar davlatini barpo etish, Samarqand atrofida markazlashgan imperiya tuzish, shu tariqa Sohibqironning orzusini ro‘yobga chiqarish vazifasini qo‘ydi. Ammo uning istaklari amalga oshmadi. Taqdir irodasi bilan Kobulda taxtga chiqdi, Hindistonda buyuk boburiylar imperiyasiga asos soldi. Temuriylar sulolasining buyuk vakili hisoblanmish boburiylar tarixi hind xalqlari tarixida o‘zining munosib o‘rniga ega. G‘arbdagi bobur shunos olimlardan biri ingliz olimi Valdemar Xansen o‘zining 1986-yilda Dehlida chop etilgan “Tovus toj yoki mog‘ullar saltanati qismati” kitobida boburiylar sulolasining Hindistondagi 332 yillik faoliyatiga yuksak baho beradi: “Hindiston va uning sakkiz ming yillik tarixi bamisoli bir tovus bo‘lsa, o‘sha ko‘p ming yillik tarixdagi boburiylar sulolasining 332 yillik hukmronlik ana shu tovusning gultojidir”. Boburning o‘z guvohligiga ko‘ra, shoir sifatida ijodiy faoliyati Samarqandni ikkinchi marta egallagan vaqtda boshlangan; “Ul fursatlarda biror - ikkirar bayt aytur edim” deb yozadi u. Bobur Samarqanddaligining ilk oylarida Alisher Navoiy tashabbusi bilan ular o‘rtasida yozishma boshlandi. Bobur atrofida ijodkorlar to‘plana boshlashi ham shu yillarga to‘g‘ri keladi. Jumladan, Binoiy, Abulbaraka va Bobur o‘rtasidagi, ruboiy mushoirasi Samarqanddagi qizg‘in adabiy hayotdan darak beradi. Umuman, davlat arbobi va ko‘p vaqti jangu-jadallarda o‘tgan sarkarda sifatida ijtimoiy faoliyatining eng qizg‘in

davrida ham, shaxsiy hayoti va davlati nihoyatda murakkab va xatarli sharoitda qolgan chog‘larida ham Bobur ijodiy ishga vaqt topa bilgan, ilm, san’at va ijod ahlini o‘z atrofiga to‘plab, homiylik qilgan, ularni rag‘batlantirgan. Boburning ulkan san’atkorligi shundaki, shaxsiy kechinmalari jiddiy umumlashma darajasiga ko‘tara oladi va natijada asarlarida olg‘a surilgan g‘oyalar umuminsoniy qadriyatlar darajasiga ko‘tariladi. Bobur ijodida, xususan she’riyatida kindik qoni to‘kilgan ona yurtini dil-dilidan qo‘msash, uning tuprog‘iga talpinish, g‘ariblik azoblaridan o‘tli hasrat, yor-u diyor sog‘inchi va visol ilinji, taqdir zarbalari va turmush uqubatlari, zamona noroziliklaridan nola badiiy tahlil etilgan. Bobur o‘zbek adabiyotida lirik janrlarning rivojiga katta xissa qo‘shdi. Uning lirik merosi hajman katta bo‘lmasada mavzu doirasi, g‘oyaviy mohiyati va shakliy takomili bilan ajralib turadi. Bobur lirikasi malum darajada shoirning avtobiografiyasidir. Uning o‘ynoqi va ta’sirchan, sodda va ravon tilda aytilgan she’rlari hayotiy hodisalar va turmush voqealari zaminida namoyon bo‘ladigan shoirning qalb tug‘yonlarini ifodalaydi.

Bobur tiriklik paytidayoq bu devonlarni ko‘chirtirib, o‘g‘illari va boshqa kishilarga, jumaladan, Samarqand hokimi Po’lot Sultonga ham yuborilgan. Zahiridddin Muhammad Bobur lirikasi turli adabiy nav’larda, yani g‘azal, ruboiy, tuyuq, qit’a, muammo, fard, masnaviy-nomalarda yozilganlari devon holiga keltirilgan. Bobur lirikasining mavzu doirasi ham xilma-xildir. Bu asarlarning barchasiga xos xususiyatlar shundan iboratki, ular sodda tilda, ravon uslubda yozilgan bo‘lib, ma’rifiy va dunyoviy-hayotiy masalalardan bahs yuritadilar. Ularda Boburning shoirlik mahorati nihoyatda yaqqol namoyon bo‘lganidan Boburning zamondoshi va muxlisi Mirzo Haydar o‘zining “Tarixi Rashidiy” asarida shunday yozgan edi. “Turkiy she’riyatda Alisher Navoiydan so‘ng hech kim Boburga teng kela olmaydi”. Bunday fikr boshqa mualliflar, jumladan, Hasanxo‘ja Nisoriyning “Muzakkiri ahbob” tazkirasida ham o‘ziga xos tarzda bayon etilib misollar ham keltirilgan (Muzakkiri ahbob, 53-54 betlar).

Bobur o‘zining lirik merosini ikki devonga to‘plagan. Ulardan birinchisi 1519- yilda Kobulda tartib berilib, bir nusxasi o‘sha vaqtning o‘zida Samarqandga yuborilgan. Ikkinchisi esa 1528-1529-yillarda Hindistonda tuzilgan. Bu ikki devonga kiritilgan she’rlar keyinchalik bir devon holiga keltirilgan. Bu haqda “Boburnoma” ga ilova yozgan kotib shunday xabar beradi: “(Bobur) nazm va nasr va turkiy va forsiyni

bebadal aytur edi. Alalxusus turkiy devoni bordurkim anda toza mazmunlar topib aytibdur” (Boburnoma 460-bet). Demak, Boburning turkiy-o‘zbek tilida yozilgan lirik she’rlari alohida devon xoliga keltirilgan. Bu devonga kiritilgan she’rlarni ingliz sharqshunosi Denison Ross (1910), turk olimi Fuod Kupruluzoda (1912-1913), rus sharqshunosi A.N. Samaylovich (1917), o‘zbek olimlari S.Azimjonova va A.Qayumov (1958, 1965), Saidbek Hasanov (1982) nashr etdilar.

Xalqimiz uzoq asrlardan buyon qadrlab keladigan mumtoz shoir va alloma Boburning ijodi ayni zamonda Markaziy Osiyo xalqlari bilan qo‘shni Afg‘oniston va Hindiston xalqlari o‘rtasidagi qadimiy tarixga ega bo‘lgan munosabatlarning uzviy halqasi bo‘lib keldi va shunday bo‘lib qolmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Bobur ensiklopediyasi” A.A’zamov.– T.: “Sharq”, 2014.-744 b.
2. R. Vohidov, H. Eshonqulov. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – T.: “Yangi asr”, 2006.
3. O‘zbek adabiyoti tarixi. 5 tomlik. 3-tom. – T.: “Fan”, 1978.
4. I. Adizova. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi.(XVI-XIX asr 1-yarmi).– T.: “Fan”, 2006. 240-b.
5. Zahiriddin Muhammad Bobur. Devon.– T.: “Fan”, 1994.

BUYUKLIK BELGISI

Zarnigor Sheraliyeva,
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o’zbek tili va adabiyoti universiteti 2-bosqich talabasi.

Annotatsiya. Ushbu maqolada ulug’ bobokalonimiz Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodi haqida so’z boradi. Tarixiy "xato"lar, tragik holatlarning shoir ijodida aks etishi xususida fikr yuritiladi. Shuningdek, Mirzo Boburning badiiy adabiyotdagi buyukligi masalasiga alohida e‘tibor qaratiladi.

Annotation. This article tells about the life and work of our great ancestor Zahiriddin Muhammad Babur. Historical "mistakes" are thought to reflect tragic situations in the poet's work. Special attention is also paid to the greatness of Mirzo Babur in fiction.

Kalit so’zlar: badiiy mahorat, lirik qahramon, g’urbat, "aybsiz aybdor", komil musulmon, tragik holat, ulug’vorlik.

Key words: poetic skill, lyric hero, loneliness, "guiltless guilty", perfect Moslem, tragic event, glory

Har bir xalqning tarixiy, madaniy va milliy qiyofasini aniq belgilovchi ulug’ mutafakkirlari, yirik adib va buyuk olimlari bo’ladi. Insoniyatning abadiyatga mansub buyuk farzandlari safida shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur ham o’z o’rniga ega. Bobur buyuk imperator, mumtoz shoir, adabiyotshunos, tarixchi, faqih, san'atshunos, hayvonot-u nabotot olamining bilimdoni sifatida shuhrat qozongan ulkan ijod va faoliyat sohibi edi. Muxtasar qilib, Javoharla'l Neru ta'biri bilan aytganda, Bobur — dilbar shaxs. Shu sababdan ham u buyuk tarixiy siymo sifatida Yevropa va AQSH sharqshunos-tarixchi olimlari diqqat-e'tiborini o’ziga jalb etgan. Xususan, ingliz tarixchisi Eduard Holden Boburni Yuliy Sezar bilan qiyoslashni lozim topadi. Zahiriddin Muhammad Boburning bolalik va o’smirlik yillari haqida roman yozgan adib, "Boburnoma"ning ingliz tarjimoni Uilyam Erskin esa Boburni shunday baholaydi: "Saxovati va mardligi, iste'dodi, ilm-fan, san'atga muhabbati va ular bilan muvaffaqiyatli shug’ullanishi jihatidan Osiyodagi podshohlar orasida Boburga teng keladigan birorta podshoh topilmaydi". [1]

Zahiriddin Muhammad Bobur badiiy mahorat bobida ham yuksak o’rin tutuvchi shaxslardan sanaladi. She'riyat uchun xos bo’lgan bir necha zaruratlar: nuktapardozlik, jozibali badiiy san'atlardan ustalik bilan foydalanish mahorati, ehtiros jo’shib turgan rangin tuyg’ular talqini Boburning samimiy she'riyatiga xos fazilatlardir. Asarlarining hasbi hol tarzda ekanligi ham uning ijodiga betakrorlik baxsh etgan. She'rlarida shoir armonlari ochiq va ro’yi-rost ifoda etilgan. Shu boisdan ham ijodkor she'riyatini shoir his-tuyg’ulari g’alayonining ifodasi desak, mubolag’a bo’lmaydi. Ha, Bobur ijodi goh yor vasliga oshufta bo’lgan oshiqi zorning yolvorishlari, goh dunyodan bezgan xasta dil iztiroblarining talqinidir. Bu ijodiy namunalarda Boburning hayot manzaralari to’la aks etadi.

Ijodkor asarlaridagi lirik qahramon tuyg’ulari orqali o’z taqdirining lavhalarini chizadi. Zotan, Bobur ijodida lirik qahramon yurt hajrida devona bo’lgan, g’urbat, ayriliqdan ko’ngli go’yo "gulning g’unchasidek tah-batah qon" bo’lgan inson timsoli sifatida gavdalanadi. Bu ayrolik tasvirini shoir buyuk musavvir singari yuksak mahorat bilan tasvirlaydiki, unda lirik qahramon taqdiri go’yo ta'rifi tillarni kuydiruvchi, dillarga o’t qalovchi bir buyuk fojia yanglig’ namoyon bo’ladi. Boburning lirik qahramoni — qalbida buyuk bir dard bilan yashayotgan oshiq, qismatiga g’urbat-u yurtdan mosuvolik jazosi bitilgan jabrdiyda. Muxtasar qilib aytganda, "mehr ko’p

ko’rguzub, mehribone topmagan", "ko’nglidin o’zga mahrami asrori yo’q", taqdirning achchiq qismatini juda erta tatigan Boburning o’zidir.

Ijodkor she'rlarining har satri uning qalb qo’ri o’laroq vujudga kelgan, ko’ngil evrilishlari-yu yurak o’rtanishlari bilan qog’ozga tushgan. Zero, bularning bari diydalarida ko’z yoshlari qotgan, o’z yurtining bir hovuch tuprog’iga, bir tilim qovuniga zor bo’lgan, taqdirning quturgan bo’ronlarida kuz yaprog’i yanglig’ tentirab, yot maskan bag’rida armon bilan o’tgan insonning asrlarni titratguvchi buyuk dardi ifodasidir. Shubhasiz, Boburning o’zi kabi dardi ham, armoni ham buyuk edi...

Xo’sh, bu buyuk dard nima edi, aslida? Taqdirning achchiq-tiziqlarimi yoki Vatandan judolikmi? Yoxud o’tmishdagi xatolar uchun aybdorlik hissimi?! Darhaqiqat, Zahiriddin Muhammad beixtiyor qo’l urgan ayrim ishlari tufayli o’zini aybdor his etadi va bular o’z navbatida uning asarlariga ham ko’chib o’tadi. Masalan, quyidagi ruboiyni olaylik:

Yotlarni, kerakki, oshno kam qilsang,
Har kimki vafo qilsa, jafo kam qilsang.
Navmid bo’lur borcha vafodorlaring
Gar shoh nazaring birla vafo kam qilsang.

Shu o’rinda savol tug’iladi: Bobur "yot" deganda kimni nazarda tutadi? Og’ir vaziyatda yordam kutib, ularga ishonib xato qilgan aslida yot bo’lgan yaqinlarinimi yoki bo’lmasa, qiyin holda qolganida unga yordam ko’rsatib, keyin ko’plarning nazaridan qolishiga sababchi bo’lgan Ismoil Safaviynimi?

Tarixdan ma‘lumki, 1510-yili Shayboniyxon halok bo’lgach, Bobur Mirzo shoh Ismoil yordamida Movarounnahrni shayboniylardan qaytarib olish uchun kurash boshlaydi va nihoyat, 1511-yilning kuzida Samarqandni uchinchi marta qo’lga kiritadi. Bobur Samarqandni egallagach, noilojlikdan islomning shia yo’nalishiga e'tiqod qiluvchi shoh Ismoilni oliy hukmdor deb e‘lon qiladi. Bu esa Samarqand xalqining Bobur Mirzodan yuz o’girishiga sabab bo’ladi.

Ne xesh meni xushlar-u ne begona,
Ne g’ayr rizo mendin-u ne jonona.
Har nechaki yaxshiliqta qilsam afsun,
Xalq ichra yamonlig’ birla men afsona,

deganda ham Bobur yuqoridagi hodisotni nazarda tutgan bo’lsa, ajab emas!

Xalqning Boburdan yuz o’girishining boisi shundaki, Movarounnahr aholisi, Boburning o’zi ham islomning sunniylik yo’nalishiga e'tiqod qilgan. Shayboniylar ham shu yo’nalishda edilar. Albatta, Bobur ilojsizlikdangina bu

yo’lni tutadi. Bunday qaror qabul qilishga undagan, uni "olam eli ichra orsiz qilgan" kuch, shubhasiz, Vatan muhabbati, ona yurt ishqi edi:

Ishqing netay, ixtiyorsiz qildi meni,
Sabrimni olib, qarorsiz qildi meni.
Olam eli ichra orsiz qildi meni,
Zuhd ahlig’a e'tiborsiz qildi meni.

Ijodidagi shu kabi o’rinlarda Boburning "aybsiz aybdor"lik tasviri chiziladi.

Yuqorida ko’rganimizdek, bu kabi holatlar Zahiriddin Muhammad ijodiga sezilarli ta’sir etgan. Ayniqsa, ruboiylarini o’qish barobarida tragik holatlarning lirik talqiniga duch kelamiz. Ba'zi o’rinlarda fojia shu qadar avj nuqtaga borib yetadiki, undagi dard, iztirobning zo’riga hatto o’qirman ham dosh bera olmaydi. Fojia hazil bilan berilgan satrlarda ham ulkan dard-alam sezgilari ufurib turadi:

Hajringda bu tun ko’ngulda qayg’u erdi,
Vaslingg’a yetishmadim, jihat bu erdi:
Ohim tutuni birla ko’zumning yoshidin
Yo’l balchiq edi, kecha qorong’u erdi.

Tan olish kerak: hech bir shoir vatandan yiroqlik fojiasini Boburchalik ta'sirchan bo’yoqlarda ifoda eta olmagan. Oxiri yo’q afsus-nadomatlar shoirning "Tole yo’qi jonimg’a balolig’ bo’ldi" deb boshlanuvchi ruboiysida ham yaqqol namoyon bo’ladi. "Xatolig’"larni eslash barobarida shoir Vatandan yiroqlikni qismatidagi yuzi qarolig’ hisoblaydi:

Tole yo’qi jonimg’a balolig’ bo’ldi,
Har ishniki ayladim xatolig’ bo’ldi.
O’z yerni qo’yib, Hind sori yuzlandim,
Yo Rab, netayin, ne yuz qarolig’ bo’ldi?!

Yurt sog’inchiga, afsus-nadomatga to’la qalbning sadosi o’laroq qog’ozga tushgan bu misralardan ma'lumki, Bobur o’zini umri davomida kechira olmaydi. O’tgan noxushliklar uchun har qanday jazoga rozi bo’ladi. Lekin shuning barobarida Yaratganning marhamatidan ham umid uzmaydi, qaro yuzini oq qilishini so’rab yolvoradi. Uning o’tinchi shu: "qahr-u g’azab birla" kulga aylansa ham mayli, faqat Xudo uning yuzini oq qilsa, xato-yu gunohlarini kechirsa bas! Boburning bu munojoti quyidagi ruboiyda aks etadi:

Yo qahr-u g’azab birla meni tufroq qil!
Yo bahri inoyatingdin mustag’raq qil!
Yo Rab, sengadur yuzum — qaro, gar oq qil,
Har nav sening rizong erur andoq qil!

Nafsilamrini aytganda, Zahiriddin Muhammad Bobur she‘riyati bu shunchaki oddiy she‘riyat emas! Bu ijodiyot taqdir zarbalaridan charchagan qalbning, zaxmdor ko’ngilning afg’onidir. Bu hayot qozonida qaynagan, murg’ak qalbi ila saltanat-u toj-taxt og’irliklarini gardaniga olgan buyuk insonning kelgusi avlodga qoldirgan nasihatidir. Zotan, Bobur she‘riyati faqat his-tuyg’ularning po’rtanasi emas, balki yuqorida aytganimizdek, uni qiynagan hodisotlarning, goh ixtiyoriy, goh beixtiyor qabul qilingan qarorlarning, qolaversa, qilgan to’g’ri-noto’g’ri ishlarining iqrori hamdir. Neki bo’lganda ham bularning bari bizga buyuk bobomizning hayotidan so’z ochadi, bizni mushohadaga chorlaydi. Pirimqul Qodirovning "Yulduzli tunlar" romanida Bobur tilidan aytilganidek, bobomizning yaxshi ishlarini ko’paytirishga, xatolarini esa takrorlamaslikka undaydi.

Xulosa o’rnida shuni alohida ta‘kidlab o’tish joizki, Bobur faqatgina ilm sohasining bir qator tarmoqlariga yuksak hissa qo’shganligi yoxud Hind va Kobul diyorlarida yirik davlat tuzgani-yu, shavkati olamni olgani bilan buyuk emas. Boburning ulug’ligi shular bilan cheklanib qolmaydi. Fikri ojizimizcha, bu shaxs hayotdagi ko’rmishlari-yu qilmishlarining haqqoniy ifodasi, qolaversa, dard-u azoblarini, o’zining iztirob olovida poklanish holatlarini adabiyotga olib kira olgani bilan ham ulug’vorlik kasb etadi. Zotan, shunisi aniqki, yillar, asrlar o’tsa-da, ko’ngil nolalari-yu ko’z yoshlari ila sug’orilgan bu samimiy she'riyat avlodlarga ulkan hayotiy tajriba, saboq va vasiyat tarzida yozilgan bir ibratnoma bo’lib qolgusidir!

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Z.M.Bobur. Boburnoma.—T.: "O’qituvchi",2008.

2. Z.M.Bobur. Mahrami asror topmadim...—T.: Yozuvchi nashriyoti,1993.

3. Usmonov Q. va boshqalar. O’zbekiston tarixi (XVI-XIX asrning birinchi yarmi): 8-sinf o’quvchilari uchun darslik. Qayta ishlangan 3-nashri.—T.: "O’qituvchi",2014.

4. Ahmedov S. va boshqalar. Adabiyot: Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. II qism.—T.: "Sharq",2015.

Internet saytlari:

1. https://ziyouz.com

М У Н Д А Р И Ж А

Зокиржон МАШРАБОВ.	Бобур Мирзо. Навбатдаги эътироф...	3
Шафиқа ЁРҚИН.	З.М.Бобур асарларида сўз ҳурмати ва турлича маънода ишлатилгани	11
Омонулло БЎРИЕВ.	Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлати харитасининг тарихий мазмуни. (Моваройуннаҳр)	25
Рамиз АСКЕР.	Бобур феномени	32
Ислам ЖЕМЕНЕЙ.	Zəhiреддин Мұхаммед Бабыр	35
Бегижон АҲМЕДОВ.	Заҳириддин Бобур Мирзо ҳаёти ва илмий-адабий меросини тарғибот қилиш борасида Қирғизистонда олиб борилаётган маданий-маърифий тадбирлар хусусида	37
Дилором САЛОҲИЙ.	Абулфатҳ Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ ва Имом Ал-Раббонийнинг маърифий ислоҳотлари	40
Исроил СУЛАЙМОНОВ.	Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва адабий эссе имкониятлари	46
Оқилхон ИБРОҲИМОВ.	Бобур ижодида назм ва наво	56
Дилором ЁРМАТОВА.	Бобурий Жаҳонгир – табиат ошиғи бўлган	61

Муқаддас ТОЖИБОЕВА.	“Бобурнома” жуғрофий манба сифатида	66
Шерхон ҚОРАЕВ.	Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърият кечалари	72
Ҳикматулло ДЎСТМАТОВ.	“Олтин бешик” ва “Санги Оина” ривоятлари	78
Ваҳоб РАҲМОНОВ.	Бобур қомусининг рус тилига таржимаси ҳақида (таҳлил, хулоса, вазифалар)	87
Юлдуз КАРИМОВА.	Тарих кўзгусида акс этган шуъла (“Бобурнома” ва “Юлдузли тунлар”нинг қиёсий таҳлили)	89
Зуҳра МАМАДАЛИЕВА.	Бобурнинг пейзаж ғазали	99
Алишер МАМАЖОНОВ, Абдувоҳид АЛИШЕРОВ.	З.М.Бобурнинг буюк саркардалик маҳорати ёшларнинг маънавий-аҳлоқий руҳиятини мустаҳкамлашда ибрат	103
Замирахон МИРЗАКАРИМОВА, Мадинахон ТОШТЕМИРОВА.	Ёшларнинг тарбиясини замонавий асосда, илмий-технологик талабларни ҳисобга олиб ислоҳ қилиш	111
Ражаб ҚИЛИЧЕВ.	Румер Годеннинг “Гулбадан” асари ҳақида	116
Насиба ТУРҒУНОВА.	Бобурийлар даврида аёл санъаткорлар	119
Раъно СОБИРОВА.	“Бобурнома“ лингвокультурологик таҳлилда	125

Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА.	“Бобурнома”да Хожа Аҳрор Валий сиймоси	130
Гўзал ХИДИРОВА.	“Бобурнома” - 16 асрнинг биринчи ярми Марказий Осиё топоним-ларини ўрганишда муҳим манба	136
Жаҳонгир ҚАРШИЕВ.	Дарсдан ташқари машғулотларда талабалар маънавиятини Бобурнинг илмий ва маънавий мероси ёрдамида ривожлантириш	140
Ойбек ҚЎЧҚАРОВ, Умиджон ЖЎРАЕВ.	“Бобурнома”да Самарқанд тасвири	147
Азизжон ШАРИПОВ.	“Бобурнома”да Амударё ва унинг ирмоқлари хусусида	155
Авазбек МИРЗАЕВ.	Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий саркардалик истеъдоди ҳақида.	165
Ниҳола НАРЗУЛЛАЕВА.	“Бобурнома”да келтирилган жой номларининг масофаларда акс этиши.	170
Нодирбек ХОЛИКОВ, Исломжон МУЛЛАЖОНОВ.	Мирзо Бобурнинг ҳарбий маҳорати.	172
Ёркиной АЛТМИШЕВА.	О переводческой ошибке в изображении поминальных обрядов в «Бабурнаме»	176
Санжар ЎРОҚОВ.	Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий саркардалик фаолияти	180

Иқболхон ЖЎРАЕВА, Нилуфар САЙДУЛЛАЕВА.	Заҳириддин Муҳаммад Бобур – буюк давлат арбоби ва саркарда	187
Баҳромжон АБДУЛЛАЕВ.	Бобурийлар даврида Ҳиндистоннинг ички ва ташқи сиёсатини тадқиқ этишнинг назарий асослари	190
Гўзалхон МАМАЖОНОВА .	Ёшларни ватанпаварлик руҳида тарбиялашда Бобур илмий ва маънавий мероси	194
Соҳибахон НЕЪМАТУЛЛАЕВА.	“Бобурнома”да табиат ва адабиёт уйғунлиги	198
Нигора АШУРОВА.	Тарихий романларда аёллар образи тасвири	202
Ҳулкар НЕЪМАТОВА.	“Бобурнома” ва “Сафарнома”лар	207
Сардорбек ҚОСИМОВ.	Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таълим-тарбия назариясидаги чизгилари	212
Гулизебо РУСТАМОВА.	Тазкираларда бобурий шоирлар ижодининг ёритилиши	215
Зебинисо АШРАФОВА.	“Бобурнома” асарида набобот оламининг этнографик таҳлили	220
Муҳайё НУРИТДИНОВА.	Бобурнинг улуғ онаси Эсан Давлатбегим	224

Фаррух КУЛСАХАТОВ.	Таьлим тизимида “Бобурнома” асарини ўрганишда интегратив ёндашув	228
Абдуназар ШАРОПОВ.	Бобуршунос олим ҳамон зиё тарқатмоқда	235
Моҳистарабегим СОТВОЛДИЕВА.	Бобур ижодиёти	239
Зарнигор ШЕРАЛИЕВА.	Буюклик белгиси	242

БОБУР НОМЛИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

Муҳаррир:	В. Раҳмонов, Х. Шамсиева
Техник муҳаррир:	И. Абдусаттаров
Мусаҳҳиҳ:	Н. Тожиматова
Саҳифаловчи:	Д. Бозорбоев

Ноширлик лицензияси AI № 175. 11.06.2010 йил.

Босмахонага 2022 йил 7 майда берилди. Босишга 2022 йил 3 июнда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 15,75 босма табоқ. Нашриёт табоғи 10,3. Times New Roman гарнитураси, офсет қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Буюртма № 523. Адади 200 нусха.

«Andijon nashriyot-matbaa»
МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй.